

27.243-2973

243

А - 15

Х.АБДУРАҲМОНОВ
А.РАФИЕВ
Д.ШОДМОНҚУЛОВА

Ўзбек тилининг амалий грамматикаси



Олий ўқув юртлари учун

« Ўқитувчи »


Х. АБДУРАҲМОНОВ, А. РАФИЕВ,
Д. ШОДМОНҚУЛОВА

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ АМАЛИЙ ГРАММАТИКАСИ

*Маданият ва санъат ўқув юртлари
учун ўқув қўлланма*

Қайта ишланган ва тўлдирилган
2-нашри

ТОШКЕНТ «УЎҚИТУВЧИ» 1992



Масъул муҳаррир: филология фаилари доктори, профессор
Н. Маҳмудов

А $\frac{4602020400-216}{353 (04) - 92}$ 65—92

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1992

ISBN 5—645—01629—7

Шартли қисқартмалар

- Ас. М. — Асқад Мухтор
А. О. — Абдулла Орипов
А. Қ. — Абдулла Қаҳҳор
А. Қод. — Абдулла Қодирий
Газ. — Газетадан
И. Р. — Иброҳим Раҳим
М. И. — Мирзақодон Исмоилий
Мирм. — Мирмуҳсин
М — Муқимий
Н. — Навоий
О. — Ойбек
О. Ё. — Одил Ёқубов
О. Ҳус. — Оқилжон Ҳусанов
П. Қ. — Пиримқул Қодиров
Р. Ф. — Раҳмат Файзий
С. Абд. — Собир Абдулла
С. Ан. — Суннатулло Анорбоев
С. Аҳм. — Саид Аҳмад
С. З. — Саида Зуннунова
«Саодат» журнали
У. — Уйғун
Ч. Айт. — Чингиз Айтматов
Я. — Яшин
У. У. — Уктам Усмонов
У. Ум. — Улмас Умарбеков
У. Ҳ. — Уткир Ҳошимов
Ғ. Ғ. — Ғафур Ғулом
Ҳ. О. — Ҳамид Олимжон
Ҳ. Ғ. — Ҳамид Ғулом
Ҳ. Ҳ. — Ҳамза Ҳакимзода

СУЗ БОШИ

«Ўзбек тилининг амалий грамматикаси» ўқув қўлланмаси маданият ва санъат ўқув юртлирининг талабаларига мўлжалланган бўлиб, унинг асосий вазифаси бўлгуси маданият ходимларига ҳозирги ўзбек адабий тилининг норматив қоидаларини сингдириш орқали уларнинг оғзаки ва ёзма нутқ саводхонлигини ўстириш ҳамда ўзбек адабий тили меъёрлари бўйича зарурий малака ҳосил қилишдир.

Қўлланмада ҳозирги ўзбек адабий тили тизимининг барча қисмларини амалий жиҳатдан ўргатиш асосий мақсад қилиб олинган бўлса-да, унда маданият ва санъат ўқув юртлирида тил ўргатишнинг ўзига хос усуллари ва маданий-маърифий мутахассисликларнинг хусусиятлари ҳам ҳисобга олинди. Мазкур соҳанинг кўпгина ихтисослик фанлари, хусусан, китобхонлар билан ишлаш, китоб фондлари ва каталогларини тузиш ҳамда системалаштириш, библиографик тасниф, оғзаки ташвиқот санъати, саҳна нутқи, нотиклик санъати, кўргазмали ташвиқот воситаларини яратиш кабилар бевосита тилнинг норматив қоидаларини билишга асосланган. Шунга кўра, қўлланмада талабаларнинг ўзбек адабий тилидан зарур назарий билимларни эгаллашларига ва бу билимларнинг амалий машғулотлар орқали мустаҳкамланишига, айниқса, талаффуз ва имло, ифодалари ва бадий ўқиш, сўз қўллаш, нутқ қурилиши қоидалари ва меъёрларини чуқур ўзлаштиришларига кўпроқ эътибор берилди.

Қўлланманинг ушбу иккинчи нашри мутахассисларнинг таклиф ва истаклари асосида қайта ишланди, янги мавзулар билан тўлдирилди. Чунончи, товуш ва фонетик ҳодисалар, сўз маъносининг тараққиёти, сўз туркумларининг қўлланиши ва ёзилиши, қўшма гаплар кабиларнинг мазмун мундарижасига муайян ўзгаришлар киритилди. Китоб фонетик ўзгаришлар, нутқнинг фонетик бўлиниши, сўзларнинг услубий бўёғи, лексиканинг қўлланиш доираси, эмоционал-экспрессив бўёқдорлик ва услубий жиҳатдан фарқланиши, нутқнинг

тасвирий ва ифодавий воситаларни каби бир қанча янги мавзулар билан тўлдирилди.

Мазкур нашрда тил ҳодисаларини баён этиш ва амалий машғулотларни тузишда мутахассислик фанлари билан боғланиш бўлишига, ифода услубининг содда ва аниқлигига, машқ, топшириқ ҳамда матнларнинг маданият ва санъат соҳасидан танланишига ва ёритилаётган лисоний ҳодисаларга мос келишига алоҳида эътибор берилди. Талабаларнинг тил мутолаасини осон ва пухта эгаллашларини таъминлаш мақсадида грамматик қоидаларнинг турли нутқ услубларида қўлланишига доир машқ, топшириқ ва боғланувчи матнлар кўпайтирилди, орфоэпия, орфография, пунктуация асослари лексикология, морфология ва синтаксис ҳодисалари билан узвий боғлиқликда ёритилди.

Қўлланманинг «Фонетика» бўлимига кирувчи «Орфоэпия ва имло», «Унли товушлар талаффузи ва имлоси», «Айриш ва юмшатиш белгиларининг ишлатилиши ва имлоси» қисмлари, «Синтаксис» бўлимини *Х. Абдурахмонов*, «Морфология ва имло» бўлимини *Д. Шодмонқулова* ёзган, «Фонетика»нинг «Ундошлар тавсифи, талаффузи ва имлоси», «Фонетик ўзгаришлар», «Нутқнинг фонетик бўлиниши», «Бадий нутқнинг фонетик ифодалилиги» қисмлари, «Лексикология» бўлими *А. Рафиев* томонидан қайта кўриб чиқилган ва тўлдирилган.

Д. Шодмонқулова, А. Рафиев

ФОНЕТИКА

1-§. Фонетика (грекча *фоне* — *товуш* сўздан олинган) тилшуносликнинг нутқ товушларини ўрганувчи бўлиmidир.

Фонетика товушларнинг ҳосил бўлиши, талаффузи, талаффуз ва ёзувнинг ўзаро муносабати, шунингдек, бўғин ва урғунинг хусусиятлари каби ҳодисаларни ўрганadi.

Инсон тили товуш тилидир. Тилдаги сўзлар, сўз бирикмалари, гаплар нутқ товушлари ёрдамида ҳосил бўлади. Нутқ товушлари нутқ аъзоларининг фаолияти туфайли ҳосил бўлиб, ижтимоий алоқа воситаси бўлган нутқни шакллантирувчи сўзларнинг асосий бирлиги ҳисобланади. Нутқ бирлиги саналган ҳар қандай сўз ички ва ташқи томони билан ажралиб туради. Сўз англатадиган маъно сўзнинг ички томони, сўзни шакллантирадиган товушлар эса унинг ташқи, яъни фонетик томонидир. Нутқ товушлари фақат сўзнинг ташқи томонини шакллантириб қолмасдан, сўзларнинг маъноларини фарқлашда, сўзларнинг ўзаро бирикувни таъминловчи грамматик шакллар ҳамда сўз, сўз бирикмаси ва гапларнинг вужудга келишида моддий асос, ашё сифатида ҳам хизмат қилади.

Сўздаги товушлар тасодифан йиғилган товушлар бўлмай, инсон нутқ товушлари йиғиндисидан иборатдир. Ўзига хос физик ва физиологик жараёнлар маҳсули бўлган инсоннинг нутқ товушларини бошқа ҳар қандай товушдан фарқ қилмоқ лозим. Товуш физик ҳодиса сифатида бирор жисмнинг бошқа бир жисм ёки куч таъсирида тебраниши ва бу тебранишнинг қулоққа эшитилишидир. Масалан, доира пардасининг бармоқлар таъсирида тебраниши, бармоқлар ёхуд қўл панжасининг пардага зарб билан урилиши натижасида доира садолари таралади. Бу овоз, товуш нутқ товушларидан фарқ қилади. Чунки, нутқ товушлари биринчидан, инсоннинг нутқ аъзоларида ва улар иштирокида, иккинчидан, мураккаб артикуляция асосида ҳосил бўлади.

2-§. Нутқ товушларининг пайдо бўлишида иштирок этувчи аъзолар нутқ аъзолари деб, шу аъзолар йиғиндиси эса нутқ аппарати деб аталади. Нутқ аппарати тўртга бўлинади: 1) нафас аппарати; 2) бўғиз (ҳиқилдоқ) бўшлиғи; 3) оғиз бўшлиғи (тил, танглай, кичик тил, тиш ва лаблар жойлашган қисм); 4) бурун бўшлиғи (товуш оҳангига алоҳида тус беришда иштирок этувчи қисм).

Нутқ аъзоларидан тил, лаблар, юмшоқ танглай, кичик тил, ун пайчалари фаол аъзолар бўлса, тиш, қаттиқ танглай, бурун бўшлиғи кам фаол аъзолардир.

Нутқ товушларининг вужудга келиши учун зарур бўлган ҳаво оқими билан асосан ўпка таъминлайди. Ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими нафас йўли орқали бўғизга ўтиб, унда жойлашган ун пайчаларини куч билан тебратиб, овоз ҳосил қилади.

Бўғиз орқали оғиз бўшлиғидан ўтаётган ҳаво оқими бу ерда бирор тўсиққа учраб, портлаб ёки сирғалиб ўтса, шовқин пайдо бўлади. Шунга кўра, нутқ товушлари бўғиздаги ун пайчаларининг тебранишидан ҳосил бўлувчи овоздан ва оғиз бўшлиғида ҳосил бўлувчи шовқиндан иборат бўлади.

Товушни ҳарфдан фарқ қилмоқ керак. Товушларни айтаминиз ва эшитаминиз. Ҳарфларни эса ёзмаиниз, кўраминиз ва ўқийминиз. Демак, ҳарф нутқ товушларининг ёзувдаги шартли белгиси, рамзидир.

Ҳарфларнинг қатъий бир тартибда жойлашган йиғиндиси **алфавит** дейилади.

Ўзбек тилида 33 та ҳарф ва 2 та белги (ъ, ь) бор: а, б, в, г, д, е, ё, ж, з, и, й, к, л, м, н, о, п, р, с, т, у, ф, х, ч, ш, ъ, ь, э, ю, я, ў, қ, ғ, ҳ.

Алфавит тартибини яхши билиш кўп ишларни тўғри бажариш учун муҳим ҳисобланади. Айниқса, киши исми ва фамилияларини, предмет, нарсаларнинг номини, кутубхоналарда муаллифлар номини алфавит тартибда ёзиш ва китобларнинг номини катологлаштиришда; луғатчилик ишларида ва бошқа шунга ўхшаш соҳаларда катта ёрдам беради.

Овоз ва шовқиннинг иштирок этиш даражасига кўра ўзбек тилидаги товушлар иккига бўлинади: **унли товушлар** ва **ундош товушлар**.

3-§. Унли товушлар ун (овоз) пайчаларининг ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими таъсирида тебраниб, оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамай ўтиши нати-

Ҳарфлар	Уларнинг ном- ланиши	Ҳарфлар	Уларнинг ном- ланиши
Аа	а	Сс	эс
Бб	бе	Тт	те
Вв	ве	Уу	у
Гг	ге	Фф	эф
Дд	де	Хх	ха
Ее	е	Цц	це
Ёё	ё	Чч	че
Жж	же	Шш	ша
Зз	зе	ь	айириш белгиси
Ии	и	ъ	юмшатиш белгиси
Йй	йэ	Ээ	э
Кк	ка	Юю	ю
Лл	эл	Яя	я
Мм	эм	Уў	ў
Нн	эн	Ққ	қе
Оо	о	Ғғ	ғе
Пп	пе	Ҳҳ	ҳе
Рр	эр		

жасида пайдо бўлади. Ун пайчаларининг титрашидан бўғиз бўшлиғида соф овоз юзага келади. Уларни талаффуз этганда оғиз бўшлиғи очиқ бўлади, асосий вазифани эса ун пайчалари, тил ва лаблар бажарадилар. Ун пайчаларининг ҳаракати мусиқий оҳангни вужудга келтиради. Шунинг учун унлиларда мусиқийлик, оҳангдорлик кучли бўлади. Уларни нутқ талабига қараб истаганча чўзиб талаффуз этиш мумкин.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида олтига унли товуш бор: и, э (е), а, у, ў, о. Унли товушлар ёзувда ўнга ҳарф билан ифода этилади: а, я, э, е, и, о, ё, у, ў, ю.

1-машқ. Матнда қайси унлилар кўпроқ иштирок этганини изоҳланг.

Қадимги Шарқ Эллин худоларининг маҳобатли тош сиймоларини, Ҳазрати Одам ва онамиз Момо Ҳавонинг илоҳий қиёфаларини, Биби Марям ва Исо алайҳиссаломнинг болалигидан токи чорчўпга осилгунгача бўлган ғамбода умрини лаҳзама-лаҳза матоҳларга нақш этмаган бўлса-да, башар аҳлини ҳали-ҳануз ҳайратга солаётган улугвор бир санъатни яратдики, бу санъат асрлар оша жаҳон халқларини ўзига жалб этди, уларни, энг аввало, она борлиқни севишга, ардоқлашга, эъзозлашга ўргатди, тарбия қилди. Одамлар бу санъат

қошида Зевс ва Аполлон, Афродита ва Нерон ҳайкалларидан, буюк Микеланжело ва Рафаэль, Тициан ва Боттичелли мўйқалами сеҳридан нечоғли ҳайратланган ва лаззатланган бўлсалар, худди шундай ҳайратландилар.

Бу санъат — халқ амалий санъати Самарқанд, Бухоро ва Хивани барпо этди. Бу муҳим учлик Шарқ маданиятини дунёга танитди. («Саодат» журналидан).

4-§. Ундош товушлар, асосан, ўпкадан келаётган ҳаво оқимининг оғиз бўшлиғида тўсиққа учрашидан юзага келган шовқиндан (баъзан эса шовқин билан овознинг қўшилишидан) пайдо бўлади. Ундошларни ҳосил қилишда ўпкадан чиқаётган ҳаво турли тўсиқларга учрайди, бу тўсиқлар овозни ё борича шовқинга айлантиради ёки оғиз ва бурун бўшлиғидан қисман овоз билан бир оз шовқин аралашиб чиқади. Ундош товушларни талаффуз этганда нутқ аъзолари бир-бирига нисбатан яқинлашади ёки жипслашади, шунга кўра ҳаво оқими портлаб ё сирғалиб чиқади. Нутқ аъзоларининг ҳаракатидан пайдо бўладиган тўсиқ туфайли ундош товушларни талаффуз этишда чўзиб бўлмайди.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида 25 ундош фонема мавжуд: б, в, г, д, ж, ч, з, й, к, л, м, н, нг, п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, х.

2-машқ. Матндаги ундош товушларни топиб, унли товушлардан фарқини айтинг.

ЛЕВ ТОЛСТОЙ САНЪАТ ТУҒРИСИДА

Санъаткор кишиларга таъсир этиши учун унинг ўзи изланувчан бўлиши, асари ҳам изланишдан иборат бўлиши шарт. Агар у ҳамма нарсани топиб-билиб олган бўлса ва панд-насиҳатга берилса ёки атайин майнавозчилик қилса, у ҳеч кимга таъсир этолмайди. Фақат изланган тақдирдагина томошабин, тингловчи, ўқувчи у билан бирга изланиб, яқдил бўлиб кетади.

Мен санъаткорман ва менинг бутун ҳаётим гўзалликни излашдан иборат. Агар сиз менга шу гўзалликни кўрсатганингизда эди, сиздан худди мана шу олий бахтга мени ҳам сазовор қилинг, деб тиз чўкиб ёлворган бўлурдим.

Санъат асари деб аташадиган нарсани яратиш учун, аввало, киши нима яхши, нима ёмонлигини аниқ-равшан, ҳеч шубҳасиз билиши, буларни ажратиб туради-

ган чегарани нозиклик билан кўриб туриши ва шу бонсдан ҳам бор нарсани эмас, балки бўлиши мумкин бўлган нарсани ёзиши керак...

...Гўзаллик нима? Гўзаллик биз учун суюкли нарсадир. Гўзал — гўзал эмас, суйган — гўзалдир. Нега суйган гўзал?— Ҳамма гап ана шунда.

3- машқ. *Оперетта, органист, капелла, жаз, дирижёр, чанг, танбур* сўзларидаги унли ва ундош товушларга тавсиф беринг.

ОРФОЭПИЯ ВА ИМЛО

ОРФОЭПИЯ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

5-§. Товушларни тўғри талаффуз қилиш меъёри ҳақидаги қоидалар тўплами **орфоэпия** дейилади.

Адабий тил қонунияти асосида тўғри ёзиш қанчалик муҳим бўлса, тўғри талаффуз қилиш ҳам шунчалик зарурдир.

Ўзбек тилида сўзлашувчилар ўзбек адабий тилида, шунингдек, ўзбек тилининг маҳаллий шароитга хос шева ва диалектда ҳам сўзлашадилар. Ўзбек адабий тили талаффузи диалект ва шева талаффузидан фарқ қилади, албатта. Масалан, адабий тилдаги *меҳмон* сўзи шеваларда *миймон*, *михмон*; *туфлим* сўзи *туфлигим*, *бордик* сўзи *бордув* каби талаффуз қилинади, аммо бу сўзлар аслига мувофиқ ёзилади.

Орфоэпия орфография (имло) билан зич боғлиқ. Аммо сўзнинг талаффузи билан ёзилиши доим мос келмайдими. Бу ҳол товушларнинг таъсири ва ўрни билан боғлиқ бўлади. Масалан, *мактаб* сўзи охиридаги **б** ундош товуши оғзаки нутқда **п** тарзида талаффуз қилинади, бироқ имло қоидасига мувофиқ **б** ёзилади.

Демак, орфоэпия адабий тил учун ягона талаффуз меъёри бўлишини талаб қилади.

УНЛИ ТОВУШЛАРНИНГ ТАЛАФФУЗИ ВА ИМЛОСИ

6-§. **и** унлиси тилнинг тикка ҳаракатига кўра юқори тор, ётиқ ҳаракатига кўра тил олди, лабларнинг иштирокига кўра лабланмаган товуш ҳисобланади. **и** товуши *тилак*, *бир*, *тиш*, *дил* каби сўзлардаги қисқа **и** унлиси ўрнида; *моҳир*, *шоир*, *илмий*, *адабий*, *лирика* каби сўзларнинг урғули бўғинидаги чўзиқ **и** ўрнида; *қиш*, *қир*, *филоф*, *хизматчи*, *хил* каби сўзларда чуқур тил орқа **қ**, **ғ**, **х** товушлари билан ёнма-ён келадиган қисқа ва қаттиқ **и** унлиси ўрнида ва рус тилидан ўтган *вишпел*, *билина*, *вишка*, *ричаг* каби сўзлардаги русча **ы** унлиси ўрнида ёзилади.

Араб-форс ва рус тилидан ўзлашган бир бўғинли сўзларнинг қўш ундошлари ўртасида қисқа **и** товуши

талаффуз этилса-да, аммо ёзилмайди. Масалан: *фикр, илм, уфқ, матн.*

1-товшириқ. Қуйидаги сўзларни дафтарингизга кўчиринг ва ёзилишини билиб олинг.

Азм, айш, арз, афт, ақл, баднафс, баҳс, бокс, базм, байт, брак, вазн, ваҳм, вақф, гипс, глобус, дафи, даҳр, жазм, жалб, жанр, жаҳл, жаҳд, жипс, жуфт, ирқ, зеҳн, зикр, зулм, зулф, карч, кафт, каср, касб, кекс, кибр, майл, меҳр, машқ, литр, литф, наср, нақш, метр.

4-машқ. Матнни ўқиб, и унлисига тавсиф беринг. Қисқа ва чўзиқ талаффуз қилинган унлилارни изоҳланг.

ОЛТИН ЗАНГЛАМАС

Театримизда «Бой ила хизматчи»нинг қўйилиши Ҳамза асари ва уларнинг талқини борасида катта шов-шувларга сабаб бўлди. Бу спектакль театр тарихи саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзилди. Ўзбек театрига шон-шуҳрат ва катта обрў келтирди.

Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг бу шоҳ асари 1939 йилда шундай зўр муваффақият қозонишининг асосий сабабларидан бири — драматург К. Яшин ва режиссёр Етим Бобожоновларнинг самарали ижодий ҳамкорлиги бўлди. Бу ҳол ўзбек театри мухлисларининг сонини ҳам, кишиларнинг санъатга бўлган ихлосини ҳам оширди. Тарихий инқилобий мавзуда ёзилган бу асар омманинг снёсий-ижтимоий ва нафис дидини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Халқимизда «олтин зангламас» деган нақл бор. Бу бежиз айтилмаган. Ҳамза асарлари йиллар ўтган сари ўзбек санъати мухлисларининг диққатини ўзига жалб этиб, унга бўлган қизиқишни ошириб келди. Буюк истеъдод эгаси Ҳамзанинг «Холисхон» фожиали драмаси ҳам ана шундай номи ўчмас ва зангламас олтинлардан бири эди. Шу туфайли бу асарлар ўз қимматини йўқотмайди.

Ш. Маъзумова, Узбекистон халқ артисти.

5-машқ. Ажратилган сўзлардаги қаттиқ ва юмшоқ и товушини алоҳида-алоҳида тавсифланг.

Низомжон!

У Икромжонга ўғил бўлди. Унинг қўш қаноти бўлди. Икромжон бу бақувват қанотларда бургут парвози билан олис, нурдек тиниқ, беғубор уфқларга уча олади.

Бу қанотлар уни ҳаётнинг янги манзилларига олиб боради...

Бугун ҳам ҳаво очиқ.

Низомжон билан Зебихон Дилдорни кузатиб, арава изи тушган чўл бўйлаб кетишяпти.

Икромжон йўл бошида қўлтиқ таёғига суяниб уларнинг орқасидан қараб қолди.

Уфқда уч нуқта қолди. Бу — Низомжон, бу — Дилдор, бу — Зебихон.

Пардек энгил оппоқ булутлар чети ботаётган офтоб тиғида худди кимхоб парчасидек лов-лов ёнади. Қўзларни қамаштиради. Ёнади, ёлқинланади.

(С. Аҳм. «Уфқ»)

6- машқ. Каталог, архив, абонент, адабий, саҳифа, изоҳ, шрифт, терминал, репродукция, нашр, фонд, индекслаш, обзор, библиография, микрокопия сўзларидаги товушларни тавсифланг, и товушининг айтилшига алоҳида аҳамият беринг.

7-§. у унлиси тилнинг тикка ҳаракатига кўра юқори тор, ётиқ ҳаракатига кўра тил орқа ва лабланган товуш ҳисобланади. у товуши тил олди ва тил орқа ундошлари билан ёнма-ён келганда олд қаторга мойилроқ талаффуз қилинади: *гулхан, гул, кул, кунжут* каби. Ёндош келган чуқур тил орқа ундошлари ёнида соф орқа қатор унли сифатида қаттиқ айтилади: *қудуқ, қур, бугдой, хушнуд, тухум* каби.

Қуйидаги ҳолатларда у унлиси и товушига мойилроқ айтилса ҳам, у ёзилади:

а) олдинги бўғинларида **а, о, у** унлилардан бири бўлган ва шундан сўнгги ёпиқ бўғин бошидаги **в** товушидан кейин: *қовун, овул, товуқ, совуқ, тарвуз, қувур, чувур-чувур* каби;

б) биринчи бўғинида у ёки ю бўлган сўзларнинг иккинчи бўғинида: *узун, узум, чуқуқ, тушунча, юлдуз, ютуқ, юмуш* каби;

Аммо иккинчи бўғинида и ясовчи ёки тусловчи қўшимча бўлса, и олдинги бўғинидаги у га мослашмайди ва ўз ҳолича ёзилади. Қиёсланг: *туширди — тушунди, узил-кесил — узун-қисқа*;

в) биринчи бўғинида у ёки ё бўлган сўзларнинг кейинги очиқ бўғини қ ёки ғ билан бошланса: *буғу, урғу, уйқу, туйғу, ёғду* каби.

2- топшириқ. Қуйидаги сўзларни дафтарингизга кўчиринг ва ёзилишини билиб олинг.

Бурун, бутун, бужур, бузрук, бузувчи, гуруч, гуруҳ, дуруст, жужун, зуҳур, кунжут, кукун, кундуз, нуфуз, сурув, тутун, тутуруқ, тушунча, тумшуқ, узум, умум, учун, тузум, чучук, чумчуқ, шукур, қудуқ, қуруқ, ғурур ғулу, ҳузур, ҳукумат, хушнуд.

7- машқ. Матнни ўқинг. и ва у унли товушларининг очиқ ва ёпиқ бўғинда келишини изоҳланг.

Эндигина қор кетган пайтлар. Яланғоч ер янги чў-милтирилган чақалоқдай буғланади, шаҳар ҳовлилари сув очиб ётади, асфальт кўчаларда эса енгил чанг кўтарилади. Қўн қаватли бинолар сояси гоҳ булутлар соясига қўшилиб, йўқ бўлиб кетади, гоҳ яна қуёш чиқиб оламга иссиқ-иссиқ нур сочганда, қайтадан пайдо бўлади.

Баҳор нафаси ҳамма ёқни юмшатиб, алланечук бўшаштириб қўйган. Ҳаво майин ва тотли туюлади. Ҳали ҳеч нарса гуллаган бўлмаса ҳам, гўё узоқдан гул ҳиди келади. Овозлар ҳам одатдагидан кўра жаранглироқ ва аниқроқ эшитилади, бутун туйғулар эриб кетаётганига, кишининг аъзойи баданидан ёқимли ва мадорсизлантирувчи бир ҳовур ўтаётганга ўхшайди.

Илк кўклам ёғдулари ўқув биносининг узун йўлакларини равшанлаштириб юборган, кишда кундузи ҳам ёқиб қўйиладиган чироқлар энди ўчирилган эди. Бу йўлакларда танаффус вақтида одам қайнайди. Лекин Маҳкам бир гуруҳ фаоллар билан йиғилишдан чиққанда йўлак бўшаб қолган ва у бошидан бу бошигача кўриниб турар эди. Қатор кетган хоналар ёпиқ, ичкаридан босинқи говур эшитиларди. (П. Қ.)

8- машқ. Ўзингиз мустақил равишда биринчи бўғинда ҳам, иккинчи бўғинда ҳам у товуши иштирок этган сўзлар топиб, улар иштирокида гаплар тузинг.

8- §. ў унлиси. Бу унли лабланган, ўрта-кенг унли товуш бўлиб, тилнинг ётиқ ҳолатига кўра фарқланадиган олд қатор ў (о) ва орқа қатор ў (о) кўринишларига эга. Ёзма адабий тилда расмий равишда тил орқа товуши деб қабул қилинган. Сўзнинг очиқ бўғинларида нисбатан кенгроқ, ёпиқ бўғинларда эса анча торроқ

талаффуз қилинади: *сўлим, ўрик, пўчоқ, тўплам, кўк-рак* каби.

Бу унли, асосан, сўзнинг биринчи бўғинида учрайди: *қўл, кўл, кўза, ғўза, кўклам, тўлқин* каби. Лекин ўзлаштирилган сўзларда охириги бўғинларда ҳам қўлланади: *рўбарў, хушрўй, гулрў* каби. Рус тили орқали кирган сўзларда **о** белгиси ҳамма бўғинларда кела олади ва шундай ёзилади: *ток, кубок, роль, нота* каби.

Кўпгина сўзларнинг биринчи бўғинида **ў** унлиси келганда, иккинчи бўғинида одатда **и** ёзилади: *бўлиниш, дўппи, кўприк, сўзлик, тўқимоқ, хўрсинмоқ* каби.

3- топшириқ. Қуйидаги сўзларни дафтарингизга кўчиринг ва ёзилишини ёдда тутинг.

Бўйин, бўлим, бўлиқ, бўлинма, бўри, бўғиз, бўғин, дўндиқ, дўмбира, дўхтир, кўмир, кўнгил, кўникма, кўпик, кўрик, кўринмоқ, кўчирма, мўмин, сўлим, сўлиқ, сўри, сўфи, тўзим, тўлдирмоқ, тўқим, тўқиш, тўққиз, чўқир, чўзиқ, чўмич, чўри, чўчимоқ, ўтирмоқ, ўзишмоқ, ўттиз, ўйин, ўксик, ўнинчи, ўрим, хўтик, хўкиз.

4- топшириқ. Биринчи бўғинда **ў**, иккинчи бўғинда **и** иштирок этган сўзлар топиб, улар ёрдамида бир нечта гап тузинг.

9- машқ. Гапларни ўқинг. у ва ў унлиларига тавсиф беринг. Талаффузини тушунтиринг.

Кеч куз фасли. Эринчоқ қиш ҳали ўзини сездирган эмас. Уқтин-ўқтин ёмғир қуйиб, шариллаган сувлар тарновларни қўпориб туширади. «Рубъи маскун»да ягона бўлган пойтахт кўчаларида пиёдалар учун балчиқда юриш анча қийинлашади. Бироқ осмон яна тезда фирузалиниб, қуёш ҳатто баҳордагидек қиздира бошлайди. Боғчада дарахтлар олтин ранг билан товланар эди, барглар бирин-сирин жимгина, ялқовгина тўкилар, нам ерни ўпар эди.

Навой кузнинг сўлгин нафосати билан нафас олган хиёбонларни оралаб, табиат ва ҳаётдаги ўзгаришлар устида фикр қилиб, кечинмалар, ҳисларга тўлиб юраркан, навқар келиб, сафар учун отни тайёрлаб қўйганини билдирди. Шоир гўё Маврга — подшоҳ қошига жўнаш кераклигини энди эшитгандай иккиланиб: «Ҳозир борурман»,— деди-да, яна аввалгича секин кетди. Боғбонлар ва бошқа хизматчилар билан сўзлашди, улар-

нинг умалоқ-думалоқ болаларининг бошларини силади, кейин киссасидан олтин ва кумуш чиқариб, ҳаммага «йўл оёқ» улашди. Болаларнинг шодлиги айниқса бениҳоят бўлди. Улар сакрашиб, чувиллашиб, тангаларни дам кафтларига қисиб, дам бир-бирларига кўз-кўз қилишарди. Катталар ўз хўжаларига «оқ йўл» тилаб, кўзларида ёнган самимий чуқур меҳр билан видолашдилар. (Ойбек.)

10-машқ. Матнлардаги сўзларга эътибор бериб, ў ва и унли товушларининг талаффузи ва ёзилишини тушувтиринг.

АДИБЛАР САНЪАТКОР ҲАҚИДА

Ярим аср истеъдодли Юнус оғамиз ўзининг ҳассос, гўзал, инсоний кенг қалбининг бутун қувватини халқ хизматига, озод халқнинг шодликларини тараннум этишга бағишлади.

Ойбек.

Юнус Ражабий, сиз ўзбек музыкасининг неча юз йиллик юкини машаққатли довларидан ўз елкангизда азот кўтариб олиб ўтган Рустами достонимизсиз... сизни музыкасиз, ўзбек куйларимизни сизсиз тасаввур қилолмаймиз.

Уйғун.

Юнусвой ака умр бўйи зарралаб, Хоразму Бухоро, Фарғона-ю Сурхонда йиққан дунёга бергусиз гавҳар тўла хазинасини ўз халқига, ўз даврига, ўз фарзандларига қўш қўллаб тутиб турибди.

Миртемир.

9-§. а унлиси: лабланмаган, олдинги қатор (тил олди) кенг унли товушдир. Бу товуш, одатда, юмшоқ ўзақдаги тил орқа к, г ва бошқа тил олди ундошлари билан ёнма-ён келганда олд қатор, очиқ э товуши сифатида юмшоқ айтилади: *ака, мана, олам, катта, калла, салла, гала* каби. Лекин чуқур тил орқа қ, ғ, х ундошлари билан бирга келганда орқа қатор унлидек қаттиқроқ талаффуз қилинади: *қанд, қарз, ғализ, ғараз, хат, хамир* каби. Бошқа тиллардан қабул қилинган сўзларда ҳам шу хилда айтилади. Масалан, *Анна, Тельман,*

халқ, парта, қалам, маъқул, ғаш, март, машина, аль-манах сўзларидаги **а** унли товушининг талаффузини қиёс қилиб кўринг. Аслида бу мисоллардаги, хусусан, рус тилидан кирган сўзларда қатнашган **а** фонемаси ҳолатига кўра қаттиқ ва тил орқа фонема ҳисобланади. Икки ҳолда ҳам **а** ҳарфи орқали ифодаланади.

11-машқ. Матни ўқинг ва сўзлардаги **а** унлисини тавсифланг.

УЛҚАН САНЪАТКОР

Таниқли педагог ва жамоат арбоби Раззоқ ака Ҳамроев 75 та кинофильмда, 104 спектаклда турлитуман характердаги бадний ва публицистик ҳамда ҳужжатли образлар яратди. 74 та асарни саҳналаштирди. У 700 та кинофильм дубляжида овоз бериб, ажойиб-диқцияга эга бўлган фонолог эканлигини ҳам кўрсатди.

Раззоқ ака ёш талантларга ўта ғамхўр ва талабчан педагог эди. У 26 йил А. Н. Островский номидаги Тошкент театр санъати ва рассомлик институтида актёрлик маҳорати ва режиссурадан дарс берди. Шу боис таниқли педагогга 1978 йили «профессор» унвони берилди.

Давримизнинг етук санъаткори яратган эса қоларли бадний образлардан Нозим («Тоҳир ва Зухра»), Хисрав («Фарҳод ва Ширин»), Фердинанд («Макр ва муҳаббат»), Пантолоне («Маликаи Турандот»), Арслон («Тор-мор»), Муқимий («Муқимий»), Ҳамза («Ҳамза»), Мальволио («Ун иккинчи кеча»), Хўжа Насриддин («Насриддиннинг саргузаштлари»), Беруний («Беруний»), Ҳазрат («Оловли йўллар») қабилар ўзбек театр ва кино санъатида салмоқли ўрин тутди.

10-§. **о** унлиси. Бу унли лабланмаган, орқа қатор (тил орқа) кенг унли товушдир. Ендош товушлардан қатъи назар сўзларнинг барча бўғинларида келиб, чўзиқ унли сифатида талаффуз этилади: *она, ов, ош, нон, бола, бодом, саноат, қорамол* каби. Ўзлашма сўзларда бу унли ўзбекча у ёки ў билан **о** ўртасидаги (**о**) товуш каби айтилади: *опера (опера), болт (болт), нота (нота), роль (роль), ток (ток)* каби. Аммо бундай сўзларнинг урғусиз бўғинларида **о** унлиси **а**, **и** товушларидек талаффуз қилинади: *трактор (трактир), директор (директир)* каби. Бирок *автомобиль* ва *авиофиқ* ҳаминша **о** ёзилади.

5-топшириқ. Қуйидаги сўзларда **о** ва **а** ҳарфларининг ёзилишини ва уларнинг қўшалок келишини, шу ҳарфлар воситасида ифодаланган товушларнинг ҳар бир сўздаги аниқ талаффузини тушунтиринг. Ёзилишини эсда сақланг.

I. Осмон, тоғ, сой, офтоб, ҳаво, наво, бронза, ботаника, фонетика, вокзал, футбол, глобус, ўрикзор, ревизор, телевизор, агрессор, инкубатор, экватор, новатор, стабилизатор, аттор, гавда, гавжум, давлат, давр, жавлон, жавоб, кавуш, камол, муомала, муаллақ.

II Манфаат, матбаа, мутолаа, мудофаа, мурожаат, мутаассиб, таажжуб, тааллуқ, таассуб, таассурот, таасуф.

III. Фаолият, фаол, маориф, жамоа, зироат, соат, какао, итоат, қироат, бадий, шоир, шуаро, баобрў, иншоот, мажмуа, мемуар, наннки, вакуум, воқеа, доимо, доимий, диалог, воқеий, мушоира.

12-машқ. Гапларни кўчиринг. **а** ва **о** унлиларининг талаффузи ва ёзилишини тушунтиринг.

Иккинчи чорак тугаб, болалар қишқи таътилга чиққандан бери Содиқнинг кўнгли жуда ғаш, иши ҳеч ривож топмайди, ривож топса ҳам, қадр топмайди. Бўлмаса, озмунча ишлар қилиб қўйдими? Унинг ўрнида бошқа одам бўлса, районга байроқ бўларди: мактабни таъмирлашни муддатидан аввал сифатли қилиб тугатди. Тежаб қолган пулига спорт майдончаси қурди, минг ёққа елиб-югуриб тарих кабинети билан физика кабинетини кўнгилдагидек қилиб жиҳозлади. Хўжалик мудирининг қақир-қуқури банд бўлиб ётган қатта подвалнинг ярмини таъмирлаб, буфетга берди-да, буфет ўрнини кутубхонага қўшди, унинг ёнида қироатхона қилди. Юқори синф болаларининг кучи билан ғишт қуйиб, турли тўгаракларнинг ишлаши учун ҳовлининг бир четига алоҳида икки-уч хона қурди. Ўзи лой кечиб ишлади. Ешроқ ўқитувчиларни ҳам сафарбар қилди. Бу ишларни самарали тугатгани ҳақида район раҳбарларига ўз вақтида ахборот берди. Келиб кўришиб, маъқуллаб кетишди, район маорифи бўлимининг мудири: «Қани энди сизга ўхшаган ташаббускор директордан кўпроқ бўлса!»— деб қўлини сиқди. (*Шухрат.*)

11-§. э (е) унлиси. Бу унли лабланмаган, олдинги қатор (тил олди), ўрта кенг унли товуш ҳисобланади. Сўз таркибидаги ўрнига қараб турлича айтилади ва ёзилади:

а) сўз бошида ва очиқ бўғинда келса, очиқроқ талаффуз қилинади: *эрта, эжмоқ, мева, текин* каби;

б) икки ундош орасида ва ёпиқ бўғинда келса, нисбатан ёпиқроқ талаффуз этилади: *кетмон, мерган, тепки, сезгир* каби;

в) ўзбекча сўзларнинг бошида фақат э ҳарфи билан ёзилади: *экин, эшик, эртақ, эл* каби. Сўз бошида е ҳарфи келганда эса ёлашган (й+э) товушни билдиради: *елкан, емоқ, етук, етим* каби;

г) сўз ўртасида, ундошлар орасида ва улардан кейин доим е ҳарфи билан берилади: *кел, сен, демоқ, безак, терак, чечан* каби.

6-топшириқ. Луғатдан таркибида э (е) унлиси бўлган 10 та маданий-маърифий атама топниг ва бу товушнинг талаффузи ҳамда ёзилишини тушунтиринг.

13-машқ. о ва э унлиларига алоҳида тавсиф бериб, ёзилишига аҳамият беринг. Ҳар бирининг талаффузидаги фарқларни тушунтиринг.

Бир йилдан сўнг Отабек уста Олим билан бирга Тошкентга келди. Ҳожи ва Ўзбек ойим оғиз очиб, ундан ранжий олмадилар. У меҳмонлар каби эди. Отаси ва онаси билан очилиб сўзлашмади. Уста Олим билан бир ҳафта чамаси Тошкентда туриб, энг сўнгги кеч ёлғиз кўйи Кумуш қабри ёнида бўлди. Отабек ҳолсизланиб, оёқ узра турди ва орқасидаги ярим яланғоч кўланкани кўриб, бир неча қадам қабр томонга тисланди... Кўланка ялингансимон унга яқин юриб келди.

— Ким бу?

— Мен Кумуш!..

Отабек товуш эгасини таниди. Бу мажнуна Зайнаб эди.

— Кет мундан!

— Мен Кумуш!..— деди яна Зайнаб, аммо кетмай иложи қолмади. Зероки, дунёдаги энг яқин кишиси унга «кет!» амрини берган эди.

Зайнаб орқасига қарай-қарай Отабекдан узоқлашди. Отабек қайтиб унга қарамади, қабр ёнига тиз чўкди.

Эртаси куни Ўзбек ойим йиғлай-йиғлай Ёдгорбек учун тиктирган кийимларини ўғлига топширди. Отабек уста Олим билан бирга Марғилонга жўнади. Бундан сўнг Отабек Тошкентга қайтиб келмади, бир неча қайта Ўзбек ойимнинг ўзи Марғилонга бориб келди. (А. Қодирий.)

УНЛИ ТОВУШЛАР ТАВСИФИ

Тилнинг тик ҳаракатига кўра	Тилнинг ётиқ ҳаракати ва лабларнинг иштирокига кўра	
	олд қатор, лабла-маган	орқа қатор, лабланган
юқори (тор) унлилар	и	у
ўрта (ўрта кенг) унлилар	э	ў
қуйи (кенг) унлилар	а	о

Е, Е, Ю, Я (ЕЛАШГАН) УНЛИЛАРИНИНГ ТАЛАФФУЗИ ВА ИМЛОСИ

12-§. Бу ҳарфлар сўз бошида, айриш ва юмшатиш белгиларидан кейин ҳамда унлидан сўнг келганда икки товуш (е-йэ, ё-йо, ю-йу, я-йа)ни билдиради ва шунга кўра (йо) ёлашган дейилади.

е унлиси:

а) *енг, ёлпиғич, елдирмоқ, подвезд, съезд* каби сўзларда бўгин бошида ёки айриш белгисидан сўнг, *емиш, едирмоқ, етук* каби сўзларда айрим бўгинни ташкил этганда ва *самодержавие, телевидение* каби сўзларнинг охирида **йэ** (й+э) товуш бирикмаси ўрнида ёзилади;

б) икки ундош орасида ёки очиқ бўгинда **э** (е) тарзида талаффуз қилинадиган товуш ўрнида ёзилади: *мен, сен, тез, ҳеч, кеча, декабрь, перо, печак* каби.

ё унлиси:

а) сўз **ё** бўгин бошида келган ёки ўзи айрим бўгинни ташкил қилган **йо** (й+о) товуш бирикмаси ўрнида ёзилади: *ёд, ёз, ёстиқ, диёр, саёҳат, зиёфат, биёбон* каби;

б) баъзи русча-ўзлашма сўзларда юмшоқроқ талаффуз этиладиган ундошдан сўнг келадиган **о** ўрнида ёзилади: *зачёт* (зачёт), *режиссёр* (режиссьор), *самолёт* (самольот), *пулемёт* (пулемьот).

Аммо район, майор, Нью-Йорк каби сўзларда бўгин бошида **ё** эмас, **йо** ҳарфий бирикмаси ёзилади.

ю унлиси:

а) сўз **ё** бўгин бошида келган ёки ўзи айрим бўгинни ташкил қилган **йу** (й+у) товуш бирикмаси ўрнида ёзилади: *юққа, юрт, юксак, буюк, туюлмоқ, юган, юзак, юмор, юмуш, муюлиш* каби;

б) баъзи русча-ўзлашма сўзларда юмшоқроқ талаффуз этиладиган ундошдан сўнг келадиган у ўрнида ёзилади: *парашют* (парашьут), *бюджет* (бьуджет).

я унлиси:

а) сўз ё бўғин бошида келган ёки ўзи айрим бўғинни ташкил этган **йа** (й+а) товуш бирикмаси ўрнида ёзилади: *яйлов*, *ялпи*, *якшанба*, *суяк*, *ноябрь*, *мия*, *қия*;

б) баъзи русча-ўзлашма сўзларда юмшоқроқ талаффуз этиладиган ундошдан кейин келадиган **а** ўрнида ёзилади: *сентябрь* (сентябрь), *октябрь* (октябрь), *отряд* (отрьад) каби.

7- топшириқ. **е, ё, ю, я** ҳарфлари иштирокида сўзлар топиб, шу ҳарфларнинг қайси товушлар ифодаси эканини айтинг. Улар иштирокида бир нечта гап тузинг.

14- машқ. Гапларни ўқинг. **о, ё, е** ҳарфларини топиб, алоҳида-алоҳида изоҳланг. Талаффузи ва ёзилишини тушунтиринг.

Тошкентнинг мўътадил иқлими қор тингандан кейин билинади. Офтоб ҳали қор ташлаган суюқ, оқиш булутлар ортидан чиқмаган бўлса ҳам, тушга бориб ҳаммаёқ илиб кетади. Тарновлардан тушган томчилар оппоқ қорга хол қўяди. Еру кўк илк кўкламдагидай юмшаб қолади.

Лекин кечаси осмон чарақлаб очилади-ю, аёз ўн-ўн белг даражага чиқиб кетади. Томлардан оқиб тушишга улгурмаган қор суви узун сумалакларга айланади.

Қирчиллама қиш.

Бироқ тонг отиб, офтоб чиқади-ю, кўлмаклар музи тешила бошлайди, тарновлар яна тилга киради, тун совуғида юпқа туюлган пальтолар кундуз зилдай оғирлашиб кетади.

Айни навбаҳор.

Офтоб ботиб, юлдузлар чиққач, тарновлар яна сукутга кира бошлайди, бўғотлар соқоли узая кетади, оёқ тагида қатқалоқ тақиллашга тушади.

Шунақа, ҳар куни тушда навбаҳор-у, тунда қирчиллама қиш, тонг отгандан кейин эса яна аста-секин кўклам кираётгандек бўлади.

Зуфар Ҳакимовичнинг кайфияти ҳам бир қанча вақт шундай кескин тебраниб юрди. Кўнгли зимистон бўла бошлаганда бирдан ё проректор Назаров ёрдам қилиб қолар ёки Зокирнинг мақоласига ўхшаган бирор нарса пайдо бўлар ва кўнглини яна кўклам қилиб юборар

эди. Лекин сўнги вақтларда унинг кўнглидан аччиқ қиш совуғи ҳеч аримай қолди. (П. Қ.)

8-топширик. у ва ю товушлари иштирок этган сўзлар топинг. у товуши сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида келган ҳолатларга гап тузинг.

На м у н а: *узум, буви, чолғу* каби. Талаффузидаги фарқларни тушунтиринг.

9-топширик. Х. Абдурахмонов, Н. Маҳмудовларнинг «Маданий-оқартув ишлари терминларининг қисқача изоҳли луғати»дан ёлашган унлиларнинг ҳар бирига 4 тадан сўз топинг ва бу унлиларни тавсифланг.

УНДОШ ТОВУШЛАР ТАВСИФИ

13-§. Ундош товушларнинг турлари шовқин ва овознинг иштирокига кўра белгиланади. Ундош товушлар таркибида шовқин миқдори овозга нисбатан кўп бўлса ёки овоз мутлақо қатнашмаса, бундай товушлар шовқинлилар деб номланади. Агар овоз миқдори устунлик қилса, бундай товушлар сонор (овоздор) саналади.

Шовқинли ундошлар овознинг иштирокига кўра жарангли ва жарангсизларга бўлинади.

Жарангли ундошлар таркибида шовқин билан бирга маълум даражада овоз ҳам иштирок этади: б, в, г, д, ж, дж, з, й, ғ.

Жарангсиз ундошлар овоз мутлақо қатнашмайдиган, фақат шовқиндангина иборат бўлган товушлардир: к, п, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ҳ. Нутқ пайтида баъзан жарангли товушлар жарангсизлар билан ўрин алмашади: *сабаб — сабан, мақсад — махсат, митинг — митинк* каби. Шунга мувофиқ, жарангли товушларнинг бир нечтаси ўзининг жарангсиз жуфтларига эгаки, тўғри талаффузда бу ҳолатни эътиборга олиш лозим. Товушлар талаффузини ўзлаштириш ва тўғри ёзишни ўрганиш жараёнида жуфти бор товушларни биргаликда тавсифлаш, машқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Жарангли ундошлар	б	в	д	ж	з	к	дж	ғ	й	—	—	—
Жарангсиз ундошлар	п	ф	т	ш	с	г	ч	қ	—	х	ҳ	ц

10- топшириқ. Ундош товушларни жарангли-жарангсизлик хусусиятини сақлаган ҳолда бир неча марта талаффуз машқларини бажаринг. Масалан, *б-п, б-п, б-п; д-т, д-т, д-т; к-г, к-г, к-г* каби.

15- машқ. Ҳар бир сўздаги ундошларни жарангли ёки жарангсиз тарзда талаффуз қилинг.

Савоб — савобли, жавоб — жавобсиз, талаб — талаба — талабчан, баргли — баргсиз — баргақ, ижрочи — ижодкор — ижтимоий, мажлис — жазо — ажаб, саёз — саёзланмоқ — сас, мадад — мандат — маддоҳ, уруғ — уруғчилик — улуғвор, даво — вафо — сафо, тус — куз — суз, сотволди — босволди.

16- машқ. Шеърни ифодали ўқинг. Жарангли ва жарангсиз ундошлар талаффузини тушунтиринг.

ОНА ДЕГАН НОМ.

Дейдилар, қаҳрли баҳодирлар ҳам
Жангларда жон берар чоғи мардона,
Беҳад азобларга чидаб сўнгги дам,
Битта сўз дермишлар шивирлаб: Она.
Улуғ бир донишманд оламни шарҳлаб,
Ахийри танибди туққан элини.
Забон бахш этганга эҳтиром сақлаб,
Она, деб атабди илк бор тилини.
Дунё шоирлари Ватан шаънига
Сифат ахтармишлар қатор ва қатор
Ниҳоят, келмишлар битта маънига:
Она-Ватан дея битмишлар ашбор.
Бисёр бўлса агар бол ҳам беҳадр,
Такрор айтилганда рангсиздир калом.
Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,
Биттадир дунёда Она деган ном!

(Абдулла Орипов.)

14- §. Ундош товушлар нутқ аъзоларининг бирор ерида тўсиққа учраб, шу тўсиқдан портлаб ёки сирғалиб ўтиб кетишига кўра ҳам тавсифландилар.

Икки нутқ аъзосининг жипслашуви натижасида ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимининг зарб билан портлаб ўтишидан портловчи ундошлар ҳосил бўлади. Булар **б, г, д, ж, к, п, т, ц, ч, қ** товушларидир. Портловчилар портлашнинг хусусиятига қараб соф ва қоришиқ портловчиларга ажралади. Соф портловчилар бир усул—портлаш усули пайдо бўлади: **б, г, д, к, т, п, қ**. Қоришиқ портловчилар икки усул асосида — тўла бўлмаган портлаш ва ундан кейинги сирғалиш натижасида вужудга келади: **д + ж = дж, т + с = ц, т + ш = ч**.

Икки нутқ аъзосининг ўзаро жипслашмасдан, бир-

бирига яқинлашиши натижасида ҳаво оқимининг улар орасидан ишқаланиб-сирғалиб чиқишидан сирғалувчи ундошлар ҳосил бўлади. Булар **в, ф, ж, ш, з, с, й, х, ҳ, ғ** товушларидир.

11- топшириқ. Портловчи ундошлар қайси нутқ аъзоларининг жипслашувига кўра фақат портлаш ва портлаш-сирғалиш билан ҳосил қилинишини тушунтиринг ва уларни тўғри талаффуз қилинг.

12- топшириқ. Сирғалувчи ундошлар қайси нутқ аъзоларининг яқинлашуви билан қандай ораликдан сирғалиб ўтишини тушунтиринг, уларни тўғри талаффуз қилинг.

17- машқ. Сўзларни тўғри ўқинг. Ундош товушларнинг портловчи ёки сирғалувчи сифатида талаффуз қилиниш сабабини изохланг.

Арфа, бас, чилдирма, жумла, дубляж, овоз, қайтаргич, саҳна, каталог, фонд, ижро, безак, сарлавҳа, лирик, санъат, адиб, актёр, ноғора, ғижжак, қафт, чечан, сյужет, диалог, адабий, ҳаракат.

ЖАРАНГЛИ ВА ЖАРАНГСИЗ УНДОШ ТОВУШЛАР ТАЛАФФУЗИ ВА ИМЛОСИ

15- §. б-п ундошлари:

а) **б** — лаб-лаб, портловчи, жарангли ундош товуш. Сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида учрайди. Сўз охирида келган **б** доим жарангсизланиб талаффуз қилинади: *мактаб — мактап, сароб — сароп*. Айрим ҳолларда сўз ўртасида ҳам жарангсизлашади: *мубтало — муптало, ибтидо — иптидо*.

б ундоши баъзан оғзаки нутқда сўз бошида **м** каби талаффуз қилинади: *бурун — мурун, бунча — мунча*. Лекин бундай ўзгаришлар ҳозирги орфографияда акс эттирилмайди. Баъзи топонимларда орфографиянинг анъанавий услубига кўра ўз ҳолича, яъни айтилишига кўра ёзилади: *Туямўйин гидроузели ёки Мурунгов кони* каби.

Баъзан унлилар орасида, қўшма феъл таркибидаги *бермоқ* феълининг бошида **б** портловчиси сирғалувчи **в** каби айтилади: *кабоб — кавоб, ароба — арава, кела берди — келаверди*.

б) **п** — лаб-лаб, портловчи, жарангсиз ундош. Сўз бошида, ўртасида ва охирида келади. Сўзнинг бошида ва охирида келганда, кўп вақт **б** ва **ф** ундош товушлари ўрнида талаффуз қилинади. Лекин аслига мувофиқ **б** ва **ф** ёзилаверади: *фабрика — пабрика, келиб — келип* каби.

13- топшириқ. 6-п товушларини аввал бир неча марта жарангли-жарангсиз ҳолда, кейин уларга унли товушларни қўшган ҳолда тўғри талаффуз қилинг.

18- машқ. Матни ифодали ўқинг, 6-п товушларини топиб, талаффузи ва ёзилишини изоҳланг.

Бир куни Сора опа илтимосимга биноан, монолог айтиб бердилар. Биргина томошабин қаршисида ҳам у киши образга кириб, жозибали бўлиб кетар, юракдан астойдил сўзларди. Бир марта Сора опа Аброр аканинг «Лайли ва Мажнун» спектаклида Мажнун ролини қандай ижро этганини сўзлаётиб, унинг қўшиғини эслаб қолди.

— Айтиб беринг, майли, икки қатор бўлса ҳам,— деб туриб олдим.

Сора опа менга эмас, стол устидаги гулдонда турган қип-қизил лолаларга қараб қўйди-да, майин овозда аста қўшиқ бошлади. Икки қаторгина айтди. Лекин унинг юзи худди гулдондаги баҳор лолаларидек қип-қизариб кетди. Ҳа, худди лолалардек. Худди бировнинг олдида ҳеч қачон қўшиқ айтмаган қиз боладек қизариб кетди.

— Вуй, Сора опа, худди анув лолага ўхшаб кетдингиз,— дедим.

— Ана шунақа-да, қўшиқни яхши айтолмайман, қизариб қоламан, овозим йўқ!— деди Сора опа алланечук ўзини ноқулай сезиб. Аслида эса Сора опа гарчи қўшиқни паст, майин овозда айтган бўлса-да, ўша қўшиқдаги сўз таъсирига берилган, бир дақиқа бўлса-да, образга кирган эди. Ҳар бир сўз маъносини чуқур тушуна билиш, вазиятга, воқеа ривожига қараб айта билиш ҳам санъат.

— Масалан,— дейди Сора опа,— «Кеч кирди» деган гапни қирқ хилда айтиш мумкин. «Кеч кирди» бепи-сандлик билан, гўё шошадиган жойим йўқ, деган маънода айтиш мумкин. «Кеч кирди»— ҳайрат билан вақт тез ўтиб кетганини билдириш мумкин ва ҳоказо. Ҳар бир сўз томошабиннинг юрагига бориб етсин, ҳар бир ифода, ҳаракат сўз маъносини англайсин!

«Сўзни ўйнамагин,— дерди Аброр акам,— унинг мазмунини, моҳиятини ўйнагин. Агар сўзни ўйнайдиган бўлсанг, гапларингнинг асл моҳияти очилмаса, унда партнёрга ёрдам беролмайсан». Ҳа, сўз, ҳатто товуш устида қаттиқ ишлашни ҳам Аброр акамдан ўрганганман, Аброр акам овознинг тўлқинланиб узоққа кетишига айниқса аҳамият берардилар.

Овознинг тўлқинланиб узоққа кетиши... Масалан,
«Навой»даги Гулида:

Жаҳон ғийбат ила бўҳтонга кондир
Қиличдин, найзадин бўҳтон ёмондир,—

деганда кондир, ёмондир сўзларидаги «о» товуши Со-
рахоним талаффузида, худди каттакон чинни пиёлага
кумуш қошиқ билан бонг урилгандек узоқ жаранглай-
ди, юракларни зир-зир титратади.

(С. Маҳмудова. «Бир юракнинг юз
жасорати»дан)

16- §. в-ф ундошлари:

1. в — лаб-лаб, сирғалувчи жарангли ундош товуш.
Сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида кела олади:
вақт, совун, палов каби. Лекин соф ўзбекча сўзларда в
сўз бошида асосан қўлланмайди.

Ҳозирги пайтда талаффузда в товушининг лаб-тиш
кўриниши тобора кенгроқ қўлланмоқда. Шунинг учун
сўз охирида келувчи в товуши кўпинча п га, баъзан ф
га ўтади: *Норқулон, Ерқулон, Петроп, Аҳмедоф* каби-
лар. Лекин қоидага мувофиқ в ёзилаверади.

2. ф — лаб-тиш, сирғалувчи, жарангсиз ундош то-
вуш. Сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида келади:
фойда, афзал, муфассал, латиф каби. Талаффузда
баъзан п ўтиши мумкин: *фабрика — пабрика, даф-
тар — дантар, саф — сап* каби. Бироқ аслига мувофиқ
ф ёзилаверади.

14- топшириқ. в-ф ундошларини жарангли-жарангсиз ҳолда тўғ-
ри талаффуз қилинг. Бу товушларнинг аниқ талаффузини қуйидаги
байт мисолида мустаҳкамланг.

Не бўлди дардима, эй бевафо, даво қилсанг,
Вафога ваъда қилиб, ваъдага вафо қилсанг.

(А. Навоий.)

19- машқ. Матн сўзларидаги п, в, ф товушлари талаффузини
қийслапг.

УМРНИНГ ЭНГ СЕҲРЛИ ФАСЛИ..

Ўзбек тўйи деганда дафъатан карнай садоси, сур-
най ноласи, ноғоранинг кўнгилларни ҳаяжонга чулғай-
диган шўх оҳангини эшитгандек бўламиз. «Шу кунлар-
га етказсин-а», деб ният қиламиз беихтиёр. Ахир, хо-
надонингизга келин келади. Еки қизингиз келин бўлиб
бошқа бир оилани обод қилади.

Келин-куёвлик уйларнинг файзи, меҳригиёси ўзгача. Гўё бу уйлардан нур таралаётгандек, анбар иси димоққа урилаётгандек. Ҳар бир ташланган қадамдан андишаю ҳурматни, эъзозни кўраётгандек бўласиз.

Онахонларимиз бўлажак куёвлари эсли-ҳушли, бамаъни бўлишини тилайдилар. Келинининг эса иболи, назокатли, ақлли-ҳушли ва яна... сочлари тақимини ўпиб туришини орзу қиладилар... («Саодат» журналидан.).

17- §. г-к ундошлари:

а) г — тил орқа, портловчи, жарангли ундош товуш. Сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида келади: *гўзал, гул, эгар, барг, педагог*. Баъзан сўз охирида жарангсиз к каби эшитилади: *туг — тук, барг — барк, диалог — диалок* каби.

Охири г, к билан тугаган сўзларга г ундоши билан бошланувчи қўшимча қўшилганда г товуши ҳам жарангсиз талаффуз қилинади ва шундай ёзилади: *тег + ган — теккан, ичак + га — ичакка, нок + га — нокка*. Лекин рус тили орқали ўзлашган сўзларни ёзишда бу қоида ҳисобга олинмайди: *педагогга, филологга*;

б) к — тил орқа, портловчи, жарангсиз ундош товуш. Сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида келади: *кўз, тулки, тилак, билак* каби.

Сўзнинг охири к билан тугаганда, эгалик аффикси қўшилганда к жарангли г га айланади ва шундай ёзилади: *билак-им — билагим, тилак-им — тилагим* каби.

15- топшириқ. г-к товушларини олдин бир неча марта жарангли-жарангсиз тарзда, кейин уларга уили товушлар қўшиб, бўғин тарзида талаффуз қилинг.

20- машқ. г-к товушларини тўғри талаффуз қилган ҳолда тез айтишларни машқ қилинг.

1. Гулнор гузардаги гулзордан гул узди.

2. Кафтдек тепа, кафтдек тепа устида кемадек қапа.

3. Оқ кўйлакка кўк тугма, кўк кўйлакка оқ тугма.

21- машқ. Қўйдаги сўзлардаги г, к товушларини тавсифланг.

Гармон, грим, акапелла, тинган, тилак, гардиш, контрабас, гипербола, квартет, тиккан, тикан, камертон, дугоҳ, карнавал, арк, дарсга, педагогга, композиция, кўпик, иштироки.

22- машқ. Шеърни ифодали ўқинг. г ва к ундошларининг талаффузига эътибор беринг.

Китобларда гуллаб ётар севинчлар,
Китобларда чўллаб ётар орзулар,
Китобларда занглаб ётар қиличлар,
Китобларда кўллаб ётар қайғулар.

Китобларда Фирқўк отлар кишнагай,
Эртак айтур китобларда чинорлар.
Китобларда тоғлар қадам ташлагай,
Китобларда — ишқ битилган туморлар.

Игна билан қудуқ қазган донолар,
Йўқ нарсани бордай ёзган донолар,
Фикрларнинг уммонида тап тортмай,
Сўз дурларини излаб сузган донолар...

Яхши ҳамки, китоблар бор оламда,
Қўкка учсанг — оёғингдан тортади.
Таркидунё қилиб гоҳи аламдан,
Ерга кирсанг — қулоғингдан тортади.

Китобларга берсанг инон-ихтиёр,
Тоғлар ошиб, боғлар бунёд этасан.
Идрокингдан жонланади йўғу бор,
Қўл узатсанг, орзу қушин тутасан!..

Оддий қоғоз эмас, асли китоблар —
Тафаккурдан туғилган ҳур офтоблар!

Ойдин Ҳожиева

18-§. д-т ундошлари:

а) д — тил олди, портловчи, жарангли товуш. Сўзнинг бошида (*девор, довок*), ўртасида (*шудгор, бугдой*), охирида (*озод, обод*). Сўз охиридаги д доимо жарангсиз талаффуз қилинади. Бироқ аслига мувофиқ д ёзилаверади: *банд — бант, хурсанд — хурсант, авлод — авлот* каби. Сўзнинг охирида д товушидан олдин н келса ва бундай сўзларга қўшимчалар қўшилса ҳам д талаффуз этилмайди, аммо ёзилади: *пайванчи — пайвандчи, баланроқ — баландроқ, хурсанчилик — хурсандчилик* каби;

б) т — тил олди, портловчи, жарангсиз товуш. Сўзнинг бошида (*том, тоғ*), ўртасида (*четан, ватан*), сўз охирида (*ҳаракат, йигит*) кела олади.

Сўз охиридаги т талаффузда кўпинча тушиб қолади. Бироқ аслига мувофиқ ёзилаверади: *дўст — дўс, дарахт — дарах* каби. Бундай сўзларга қўшимчалар қўшилганда ҳам талаффузда т ундоши эшитилмай қолади, аммо бу ҳол ҳам имлода акс этмайди: *дўслик — дўстлик, дастўмол — дастрўмол, машинисга — машинистга* каби.

Жонли нутқда т билан тугаган сўзларга ч ундоши

билан бошланувчи қўшимчалар қўшилганда т нинг ҳам ч га айланиш ҳодисаси юз беради: *сутчи — суччи, йигитча — йигичча, уятчан — уяччан* каби.

16- топшириқ. д-т ундошларини жарангли-жарангсиз тарзда талаффуз қилишни машқ қилгач, *др, тр* товуш бирикмаларига унли товуш қўшиб, қиёслаган ҳолда талаффуз машқларини бажаринг.

23- машқ. Матндан д, т товушли сўзларни топиб, талаффузи ва ёзилишини изоҳланг.

ТУРКИСТОНДА ТЕНГИ ЙЎҚ АРТИСТ

Ўзбек театри асосчиларидан бири, Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг ташкилотчиси Маннон Уйғур саҳна фаолиятини 19 ёшида «Турон» труппасида бошлаган. Дунёқарашининг шаклланишида Ҳамза билан танишиши ва ижодий ҳамкорлиги муҳим роль ўйнади. 1919 йилда ўзи ташкил қилган труппага раҳбарлик қилиб, Туркфронт сиёсий бошқармасига қарашли тарғибот поездлари составида Оқтуба ва Фарғона фронтларида қизил аскарларга маданий хизмат қилди.

Маннон Уйғур 1924—1927 йилда Москвадаги ўзбек драма студиясида ўқиб, Е. Вахтангов режиссураси билан назарий ва амалий танишди. Аксарият комик ролларни ва драматик, трагик образларни ҳам маҳорат билан яратганлиги учун 20-йилларнинг бошида Туркистонда тенги йўқ актёр ҳисобланган.

Уйғур постановкачи режиссёр сифатида ўзбек ва қардош халқлар тилларида ёзилган юздан ортиқ комедия, сатирик, драма, музыкали драма, трагедия асарларини саҳналаштириб, ўзбек театри ривожига катта ҳисса қўшган.

Н. Гоголнинг «Ревизор», В. Шекспирнинг «Ҳамлет», «Отелло» асарларини саҳналаштириши Уйғур режиссёрлик санъатининг энг баланд чўққилари ҳисобланади ва бу билан жаҳон санъати тарихида ўчмас из қолдирди.

19- §. ж-ш ундошлари:

а) ж — тил олди, сирғалувчи, жарангли товуш. Бу товуш, асосан, форсча-тожикча ва русча-ўзлашма сўзларда қўлланади: *аждар, мужда, гижда, жанр, гараж* каби. Жонли сўзлашувда сирғалувчи ж товуши юмшоқроқ, қоришиқ ж (дж) ёки ш, ч тарзида айтила-

ди: *жюри* — *джюри*, *массаж* — *массаи*, *сажда* — *сажда* каби;

б) *ш* — тил олди, сирғалувчи, жарангсиз ундош. Сўзнинг бошида (*шоҳ*, *шовқин*), ўртасида (*тумшук*, *юмшоқ*) ва охирида (*бош*, *тош*, *қуёш*) кела олади. Тил олди ундошлари билан келганда юмшоқ (*шаҳар*, *ширин*, *ишқал* каби), орқа қатор унлилар ва чуқур тил орқа ундошлари билан ёнма-ён келганда эса қаттиқ (*шоҳ*, *шўх*, *қишлоқ қашқир* каби) талаффуз қилинади.

17-топшириқ. *ж* товушига ундошлар, кейин унли (*эждар-а*, *жздр-у* тарзида), *ш* товушига эса унли, кейин ундошлар (*шишш*, *шашт* каби) қўшган ҳолда бир неча марта талаффуз машқларини бажаринг.

18-топшириқ. *ш* товушини қуйидаги тез айтишларда тўғри талаффуз қилинг.

1. Шоқир шамолда шolini шариллатиб шопиряпти.
2. Қишда кишмиш пишмасмиш, кишмиш еган кишининг тиши қамашмасмиш.
3. Хаскаш хашакни ҳаш-паш дегунча хаскашлайди.

24-машқ. Матнни оҳанг билан ўқинг. *ш* ва *ж* сирғалувчи ундошларининг талаффузини тушунтиринг.

ЗАБАРДАСТ САНЪАТҚОР

Халқимизнинг суюкли санъаткори Шукур Бурҳонов бутун табиати ва эътиқоди билан саҳна учун тугилган, фидойи санъаткор, эзгу ниятларига эриша олган бахтиёр актёр. Унинг бахти шундаки, табиат актёрга саҳна талқинларининг барча гулшанларидан чечак тера билиш имкониятини берган. Драма, трагедия, комедия — буларнинг ҳаммаси Шукур Бурҳоновнинг ижодига хос. Ғофир, Мирзо Улуғбек, Брут, Эдип, Войницкий, Сквозник-Дмухановский, Сулаймон ота — шу жанрлардан намуна ва обидадир.

Шукур Бурҳонов — халқ санъаткори. Унинг ижоди ўзбек миллий театрининг овози, ўзига хослигидир. Бу ўзига хослик, бу халқчиллик, аввало, Шукур Бурҳонов ижодининг инсоний мундарижаси, тиниқ ва теран бадииятида намён бўлди.

Истеъдод билан меҳнатнинг бир-бирига эгизак тушунча эканини Шукур Бурҳонов ижоди мисолида айниса чуқур ҳис этиш мумкин. У ўта заҳматкаш санъаткор эди. Лекин унинг риёзати саҳнада, томошабин ҳузурда сезилмайди. Акс ҳолда, ижодкор меҳнати

Ўзининг санъатлик аломатини йўқотиб қўйган бўлур эди.

Шукур Бурҳонов ўзбек театр сахнаси ютуқларидан беҳад қувонадиган, камчилигидан беҳад ҳижолат тортадиган, қобил, зийрак, ўзига талабчан санъаткор бўлган. Унинг гидрокида устозлари Маннон Уйғур, Етим Бобожонов ва Аброр Ҳидоятонинг анъаналари доим барқарор ва барҳаёт эди.

Шукур ака очиқ кўнгил, самимий суҳбатдош бўлса-да, у билан суҳбат қилиш осон ҳам эмас эди. Дилда дарди, кузатувларида зукколик бўлмаган кимса билан улфатчиликни ёқтирмасди. Такаббур, қуруқ савлатларни хуш кўрмасди. У ўзига ҳар нарсани эп кўрмагандек, касбдошлари фаолиятида номуносиб ҳол ёки бирор етишмовчиликни кўрса ранжир, буни дангал юзига айтарди. Ҳар қаерда, ҳар қайси ҳолда ҳам унинг ҳаёлини сахна ва ижод забт этган бўларди. У устози Маннон Уйғурнинг ҳаёт тарзига содиқ. Зотан, устози: «Шу йўлга кирибман, шу йўлдан кетай», деган аҳдига қилча хиёнат қилмаган эди.

Шукур Бурҳоновнинг жўшқинлиги, эҳтироси, майин ва ҳиссий лиризми қон томирлари каби ягона юрак — актёрнинг реалистик ижодий методига келиб тушади. Унинг шоҳ образлари фикримизнинг далили: Гофир, Улуғбек, Брут, Эдип, Войницкий, Ялангтўш, Сулаймон ота, Незнамов, Шаҳар ҳокими, Сотилмиш, Дундич, Жалолиддин... («Ўзбекистон санъати» журналидан).

20-§. ж (дж)-ч ундошлари:

а) **ж (дж)** — тил олди, қоришиқ портловчи, жарангли товуш. Бу товуш ўзбек тилининг ўзига хос товушларидан бири бўлиб, сўзнинг ҳар хил бўғинида кела олади: *жон, жумла, ажойиб, жажжи, фалаж* каби. **ж** ундоши портловчи **д, т** товушлари билан ёнма-ён келганда, сирғалувчи **ш** ёки соф **ж** тарзида айтилади: *адждод — аждод, иджтимоий — ижтимоий* каби. Жонли тилда сўзнинг охирида жарангсизланади ва **ч** тарзида талаффуз қилинади: *тож, хирож, бож* каби;

б) **ч** — тил олди, қоришиқ портловчи, жарангсиз ундош. Сўзнинг бошида (*чўл, чақалоқ*), ўртасида (*кеча, пичоқ*) ва охирида (*қилич, ич*) кела олади. **ч** билан тугалланувчи ўзакка қўшимчалар қўшилганда ҳамда айрим сўзларда **ч** ундоши **ш** каби талаффуз қилинади, бироқ аслига мувофиқ ёзилаверади: *учта — ушта, учди*

— *ушди, ичдим — иштим, кичкина — кишкина, қарич — қариш* каби.

19-топшириқ. ж-ч ундошларини унлилар қўшган ҳолда бўғинлаб, тўғри талаффуз қилишни машқ қилинг ва қуйидаги сўзларнинг айтилишига эътибор беринг:

Чанг, чаман, чақир, чашма, чопон, чойнак, чой, чевар, челак, чегара, чилдирма, чинқириқ, чиройли, чуст, чучук, чумчуқ, чўпон, чўққи, чўнтак, жаҳон, жанжал, жамол, жом, жой, жосус, жез, жеркиш, жигар, жилва, жилд, жума, жувон, жумбоқ, жўра, жўяк, жўна.

20-топшириқ. Қуйидаги тез айтишлардаги ж-г товушларини тўғри талаффуз қилинг.

1. Сижжакдаги гижжакчи жийдадан гижжак ясармиш.
2. Жажжи жиблажибон жажжи Жўра билан жўра, жажжи Жўра жажжи жиблажибон билан жўра.
3. Бир чала чайла, бир чала чайла ёнида неча-неча чала чайла.
4. Бир токчада уч токча, бир токчада уч токча.

25-машқ. ч ва ж товушларини тавсифланг, талаффузи ва ёзилишини изоҳланг.

КИТОБХОНЛИК

— Юр, сени китобхонликка олиб борай,— дедилар бир куни раҳматли отам Мақсуд Собир ўғли.— Китобни ёлғиз ўқишга ўрганиб қолган камина раъйларини қайтармай эргашдим.

Исажон тоғамнинг меҳмонхонасига мулла Муҳаммад Зоҳид домла, Неъматхон бобо, яна бир қанча кексалар йиғилишган эди. Узимча ҳайронман: нега бу кишилар китоб ўқиймиз, деб шунча тараддуланиб ўтиришибди? Ҳаммаси ўз уйида ўқийвермайдими?

Ниҳоят мутолаа бошланди: мулла Муҳаммад Зоҳид домла йўл-йўл беқасам жилдли китобни қўлга олиб дедилар:

— «Жавомеъ-ул калима»ни давом эттирамизми?

— Шундай бўлсин, тақсир...

Мулла Муҳаммад Зоҳид домла босиқ бир ширадор овоз билан доно-доно ўқир, баъзан тўхтаб ўқиганининг мазмунини тушунтирар, атрофдагиларнинг фикрини сўрарди, сўнг эса йиғилганлар қизгин баҳсга киришишар, ҳар бир сўзнинг маъзи чақиларди. Камина лол бўлиб ўтирардим. Мана, китобнинг маъзини қандай чақиш керак экан!

(Тироб Мақсуд)

21-§. з-с ундошлари:

а) з — тил олди, сирғалувчи, жарангли ундош. Сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида келади: *зарур, зар, қизил, чизик, фоз, қиз* каби. Жонли нутқда сўз охирида келган з товуши жарангсизланиб, с товушига мойил талаффуз қилинади, бироқ аслига мувофиқ з ёзилаверади: *борамиз — борамис, оғиз — оғис* каби. Бу ҳолатни з билан тугалланган ўзакка жарангсиз ундошлар қўшилганда ҳам кузатиш мумкин: *юз сўм — юс-сўм, сўзсиз — сўссиз, изчил — исчил* каби;

б) с — тил олди, сирғалувчи, жарангсиз ундош товуш. Сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида келади: *соз, сўз, кескин, масал, либос, олис* каби. **э (е), и** унлиларидан олдин келганда юмшоқ талаффуз этилади: *сезги, секин, силамоқ, сим* каби.

21-топшириқ. з ундошига д ни, с ундошига т ни қўшиб урғу тушадиган унлилар билан бирга талаффуз қилишни машқ қилинг (зди, зда, сти, ста тарзида).

26-машқ. Қуйидаги мақоллар ва тўртликдаги з, с ундошларини қиёслаб тавсифланг.

1. Кўп сўзнинг ози яхши, оз сўзнинг ўзи яхши.
2. Оз сўз — соз сўз.
3. Ер ҳайдасанг, куз ҳайда.
Куз ҳайдамасанг, юз ҳайда.
4. Дўстлар, яхшиларни авайлаб асранг!
«Салом» деган сўзнинг салмоғин оқланг!
Улганда юз соат йиғлаб тургандан
Уни тиригида бир соат йўқланг.

(Мақсуд Шайхода)

27-машқ. Матини ўқинг. з ва с ундошларини аниқлаб, талаффузи ва ёзилишини тушунтиринг.

БАЛАЛАЙКА

Уч торли, ҳамма торлари барабар чертиб чалинадиган рус халқ музыка асбоби. XVIII аср бошида пайдо бўлиб, рус деҳқонлари орасида кенг ёйилган. Балалайкадан яккахонликда ва ансамблда, қўшиқ, лапар, рақсларга жўрнавозликда фойдаланилади. Рус музикачиси, мохир балалайкачи В. В. Андреев XIX аср охирида балалайкани мукаммаллаштириб, рус халқ чолғу асбоблари оркестрига қўшган.

БАРАБАН

Усул — зарб берадиган урма соз. Товуш баландлиги ноаниқ. Гардиши металл ёки ёғочдан ясалган. Ҳар икки томонига тери қопланган. Барабан 2 хил бўлади:

1. Кичик барабан. Тириллама-рез товуш ҳосил қилиш учун бир томонидаги тери устидан 2—3 тор тортилади. Юмалоқ учли 2 та «чўп» билан чалинади.

2. Катта барабан. Товуши гумбурлайди, йўгон ва паст бўлади. Учига кигиз қопланган чўп — таёқча билан чалинади. Барабанлардан кўпроқ симфоник ва духовой оркестрларда фойдаланилади.

22-§. ғ-қ ундошлари:

а) ғ — чуқур тил орқа, сирғалувчи, жарангли ундош товуш. Сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида келади: *ғоз, тоға, ўғри, тўғри, туғ, буғ* каби.

Охири ғ билан тугаган сўзларга жўналиш келишиги **-га**, чегара маъносини билдирувчи **-гача** ва сифатдош ясовчи **-ган** қўшимча қўшилганда, ғ жарангсизлашиб, **қ** га айланади: *боғ-га — боққа, тоғ-га — тоққа, тоғгача — тоққача, туғ-ган — туққан* каби. Бундай сўзларга **-ча** қўшимчаси қўшилганда эса ғ товуши **х** тарзида айтилади: *боғча — бохча, зоғча — зохча, белбоғча — белбохча* каби;

б) қ — чуқур тил орқа, портловчи, жарангсиз ундош товуш. Сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида келади: *қуш, қора, ёқа, мақсад, қулоқ, таёқ* каби.

Жонли нутқда сўзнинг ўртаси ва охирида баъзан ғ тарзида (*шу ёқда — шу ёғда, ботқоқлик — ботқоғлик, балиқ — балиғ, иссиқ — иссиғ* каби), баъзан эса **х** тарзида (*вақт — вахт, нуқта — нухта, тўқсон — тўхсон, оқ — ох* каби) талаффуз қилинади.

қ ундоши билан тугаган сўзларга эгалик қўшимчалари қўшилганда **қ** жаранглилашиб **ғ** га ўтади ва бу ҳодиса имлода акс этади: *тароқ — тароғи, қўшиқ — қўшиғим, ўртоқ — ўртоғинг* каби. Аммо бир бўғинли сўзларда, четдан ўзлашган сўзларда бундай пайтда **қ** ундоши аслича айтилади ва ёзилади: *ҳақ — хақи, тўқ — тўқин, иштиёқ — иштиёқи, ҳуқуқ — ҳуқуқим* каби.

22-топшириқ. ғ-қ ундошлари унлилар қўшган ҳолда бўғин тарзида тўғри талаффуз қилиш машқларини бажаринг.

23-топшириқ. Қуйидаги тез айтишлардаги ғ-қ товушларини аниқ ва тўғри айтинг.

1. Ҳозгоннинг мармари жаҳонга машҳур, бизнинг Ҳозгончилар шунинг учун мағрур.

2. Қўнғироқ қўғирчоқникими, қўнғироқ қўзичоқникими?

3. Симёғочдаги қалдирғоч қайрағочдаги қора қарғага қайрилиб қараганда, қайрағочдаги қора қарға қарағайга қайрилди.

28- машқ. Матни ифодали ўқинг. ғ-қ ундошларининг айтилиши ва ёзилишини изоҳланг. Жарангли товушларнинг талаффузига эътибор беринг.

ҚУШИҚЧИГА ОҚ СУТ БЕРГАН ОНА СУЗЛАРИ

«Ботиржоним Москвада туғилган. Биз ўша йиллари Карим акангиз билан актёрлик маҳоратини ошириш учун ўқирдик. «Бўладиган бола бошидан маълум», дейди халқимиз. У чақалоқлигида ҳам ювошгина эди. Қора сочлари жингалак — бир Карим акангизга ўхшаса, бир менга ўхшарди. Бир ёшга тўлиб Москва кўчаларига олиб чиққанамизда, одамлар «ҳинд боласими» деб қизиқиб сўрашарди. У итоатгўй бўлиб ўсди. Орли эди. Ортиқча нарса талаб қилмасди. Ортиқча эътибор талаб қилмасди. Қўшиқ айтишини ҳам кеч билдик. Билиб қолиб, мен ўзим қўшиқ ёзиб бердим, аммо артист бўлмайсан, дердим. У ҳўп дерди. Санъат билим даргоҳига ҳам мендан яширинча ўқишга кирган. Эшитиб нонож рози бўлганмиз.

У ўз устида ўзи ишлади. Ўзи турли танловларда голиб чиқди. Унинг фалон танловда голиб бўлганини матбуотдан ёки радио, телевидениедан эшитардик. Ҳеч қачон ўзи келиб айтмас эди. У эстрада жанрини Ўзбекистонга олиб келибди, ривожлантирибди ҳамки, ҳеч иш қилмагандек юрарди. Оддий эди. Мени «Калон-пойим» дерди. Мени бир кун ҳам назаридан четда қолдирмасди. У укаларига одобу ахлоқда ўрнак бўлди. Кечалари билан ухламай ишларди: ёзарди, чизарди, куйларди. Ўз-ўзидан уйимиздагиларда меҳнатга ҳалол муносабат уйғотарди. Мен ҳали-ҳали кечалари уйғониб Ботиржоним ишляпти, деб ўйлайман. Унинг қўллари теккан чолғу асбобларини силиб ўпаман. Чизган суратларини кўзларимга суртаман. Бу дунё шу экан, қилган ишларинг қоларкану ўзинг ўтиб кетавераркансан...».

«Ботиржонни чақалоқлигида биринчи бўлиб чўмилириш учун машҳур халқ артистлари Мукаррама Турғунбоева ва Тамарахонимлар келишган эди. Улар чақалоқни чўмилириб кўп яхши гаплар айтишган, кулишган, тилаклар тилашган эди. Толега минг шукур, болам яхши одам бўлиб ўсди. Халқ учун хизматдан чарчамади. Уни фақат дард қийнагани йўқ. Уни ўзбек эстрадасини тушунмаганлар ҳам қийнарди. У пайтлар баъзи раҳбарлар хаёлида, ўзбекларга эстрада керак эмас, деган ўй ҳам бор эди. Кўпчилик «бу жанр бизда узоқ умр кўрмайди» деб ўйларди. Ботиржон эса миллий қўшиқларни шу жанрда куйлашимиз керак, деган фикрда эди.

(«Саодат» журналидан)

23- §. х-ҳ ундошлари:

а) х — чуқур тил орқа, сирғалувчи, жарангсиз ундош товуш. Сўзнинг бошида (*хат, хабар*), ўртасида (*тахта, сохта*) ва охирида (*сиз, шўх*) кела олади. Жонли нутқда сўз ўртаси ва охирида баъзан қ товушига мойилроқ айтилади: *ахлоқ — ақлоқ, сохта — соқта, миҳ — миқ* каби. Ўзбек тилидаги сўзларда э (*е*) дан бошқа унлилар билан ёнма-ён келиб, уларнинг қаттиқ талаффуз қилинишига сабаб бўлади: *халқ, хон, тўхта, хил, хуш-хабар* каби;

б) ҳ — сирғалувчи, жарангсиз, бўғиз ундоши. Сўз бошида (*ҳаёт, ҳикоя*), ўртасида (*баҳор, шаҳар*) ва охирида (*сиёҳ, сиёҳ*) кела олади. Ўзбек тилида бу товуш *оҳ, э, ҳа* каби ундош сўзларда ва асосан, араб-форс тилларидан ўзлаштирилган сўзларда учрайди.

ҳ ҳарфи ифодалаган товуш х ундошига нисбатан юмшоқроқ, нафисроқ талаффуз этилади ва қуйидаги каби сўзларда ёзилади: *ҳимоя, ҳосил, ҳоким, Шоҳиста, оҳанг, саҳна, тухфа* каби.

Жонли нутқда ҳ товуши баъзан ўзидан кейинги ундош каби айтилади ёки бутунлай талаффуз этилмайди: *махкам — маккам, маҳси — масси, даҳлсиз — дализ, шаходатнома — шоодатнома* каби. Кундалик сўзлашувда юмшоқ бўғиз товуши ҳ ундошининг кўпинча қаттиқ, чуқур тил орқа товуши х тарзида айтилиши адабий талаффуз меъёрига хос эмас. Чунки бу товушларнинг бир хилда талаффуз этилиши сўз маъносини бутунлай ўзгартириши мумкин: *шоҳи — шохи, ҳол — хол, ҳил-ҳил — хил-хил* каби.

24- топшириқ. х-ҳ ундошларига унлилар қўшиб, бўгин тарзида тўғри талаффуз қилишни машқ қилинг.

29- машқ. Қуйидаги сўзларда ҳ ундошини тўғри талаффуз қилинг ва ёзилишини эсда тутинг.

Сулҳ, баҳор, субҳ, саҳв, саҳифа, саҳро, сайёҳ, руҳоний, руҳан, руҳий, роҳат, раҳм, раҳмат, меҳмон, пинҳон, оҳиста, оҳ-зор, оҳу, муҳтарам, маҳалла, маҳкам, лаҳза, иштаҳа, зоҳид, аҳвол, аҳд, аҳамият, муҳаррир, муҳташам, муҳтож, муҳаббат, муҳайё, муҳрдор, муҳим, муҳлат, муҳожир, муҳокама, муҳр, меҳр, меҳнат, маҳсулот, моҳтоб, маҳкум, заҳмат, ҳиммат.

30- машқ. Нуқталар ўрнига х ёки ҳ ҳарфларидан мосини қўйиб, сўзларни кўчиринг. х ёки ҳ билан ёзилиш сабабини тушунтиринг.

Ишта...а, жи...оз, жо...ил, за...ар, за...маткаш, зе...н, ба...одир, био...имия, мар...амат, масла...ат, э...сон, э...ти-ёткорлик, са...ий, со...ил, гиё..., сайрго..., ...ориш, ...ориж, ...азил, ...аракат, гуру..., ...аттот.

31- машқ. *Духовый (оркестр), механик (фортепьяно), хор, халқ (қўшиғи), халқ чолғу асбоблари, ҳаваскорлик, саҳна, муҳаррир, хатти-ҳаракат* сўзлари иштирокида гаплар тузинг ва х ва ҳ товушларига изоҳ бering.

32- машқ. Матни ўқинг. х ва ҳ товушларини қиёслаб тавсифланг.

... 1934 йилнинг баҳори. «Ҳамза» театрининг 15 йиллик юбилейига атаб Вильям Шекспирнинг «Ҳамлет» асарини саҳналаштиришга қарор қилинди. Маннон Уйғур билан Бобо Ҳўжаев икковлари Москвага йўл олишади. Икки ой давомида Москвада бўлиб, Шекспир асарларини саҳнага қўйган театрларнинг, режиссёр ва актёрларнинг ижодий тажрибалари билан танишадилар. Шекспиршуно олимлар билан мулоқотда бўладилар. Матн ва унинг таржимаси устида Чўлпон билан роса бир ҳафта шуғулланадилар.

Кейин уларнинг илтимосига биноан постановкачи рассом И. Ю. Шлепанов Тошкентга келади.

«Келган куниеқ Ҳамлетни ким ўйнайди,— деб сўраб қолди,— деб ёзади Бобо Ҳўжаев,— Биз Аброр Ҳидоятовни хонага таклиф қилдик. Шунда устида чарм курт-ка, бошида шапка, оёғида этик, чапанича юриш қилиб Аброр Ҳидоятов кириб келди. Оға: «Қаҳрамонимиз шу» дедилар.

— Мана шу киши Ҳамлетни ўйнайдими? Мен ҳеч нарса тушунмаяпман,— деди Шлепанов ҳайрон бўлиб.

Оға билан ёрдамчи режиссёр Бобо Хўжаев бир-бирига қараб, жим қолишади. Шунда оға «Бобо, икки кун Аброр билан битта монолог устида ишласин, бу киши эшитсин»,— дейди. Дарҳақиқат, икки кундан кейин А. Хидояттов саҳнада «Ё ўлиш, ё қолиш» монологини ўқийди. Бош яланг, ўз кийимида, фақатгина плаш кийган, холос. А. Хидояттовнинг айни соғлом, норғул, етилган пайти эди, жингалак қора сочлари унга алоҳида файз бағишларди. Бўш саҳнада, гоҳ қўлини кўксига қўйиб, гоҳ плаш тугмасини ўйнаб, жарангдор, қуюқ овози билан монологни чунонам берилиб ўқидики, унинг ҳолатга кириш қобилияти, Шекспир фикрларини чуқур тушуниб, қалбига сингдира олгани ҳаммамизни қойил қолдирди. Хусусан, кечагина бунга шубҳа билан қараган Шлепанов лол қолган эди. Шундан кейин постановка устида ишимиз юришиб кетди»,— деб эслайди Бобо Хўжаев.

(С. Маҳмудова. «Бир юракнинг юз жасорати»дан)

24- §. й ундоши.

Й — тил ўрта, сирғалувчи, жарангли ундош товуш. Сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида келади: *йўл, кийим, уй, тўй, жой, сой* каби.

Баъзи сўзларда т, д, з га ўхшаб талаффуз қилинади. Лекин аслида бу сўзлар ҳар хил маъноли бўлганидан, аслига мувофиқ ёзилади ва тушунилади: *кейин — кетин, ёймоқ — ёзмоқ* каби.

Й ундоши а, о, е, у унлиларидан олдин келганда ёзувда я, ё, е, ю графемалари билан ифодаланади: *янроқ, ёд, ёзмоқ, елим, юқори* каби.

33- машқ. Матни ифодали ўқинг. й ундоши иштирок этган сўзларни топиб, бу товушга тўлиқ тавсиф беринг.

У Воҳидни ҳам гапга солишга уриниб кўрди, лекин Воҳид суҳбатга тоби йўқ, чарчаган эди. Зотан, Воҳид бундай олис йўлга чиққанида, айниқса, машинада сарфар қилганида, жим ўтириб хаёл суришни яхши кўради. Узоқ йўл, бир-бирини тез алмаштириб турадиган янги манзаралар ҳамиша унинг руҳини эрқалар, хаёлида ғамгинлик аралаш ёруғ ўйлар, ширин орзулар уйғотарди.

Чорак соат ўтар-ўтмас, шаҳарча орқада қолди. Олдинда, то олисдаги тоғларга қадар, ям-яшил барра майса билан тўшалган текис дашт чексиз-чегарасиз ястаниб ётарди. Йўлнинг ўнг томони узоқдаги тепаликларгача бўм-бўш, на уй, на дарахт кўринар, чап томонда эса, хийла олдинда, таниш қишлоқлар кўзга чалинар, кўм-кўк толзорлар, оппоқ гуллаган боғлар бир-бирига тутшиб кетарди.

Ҳар сафар ёзги дам олиш пайтларида қишлоққа келаётиб болалигидан таниш бу даштни, йўл бўйидаги тўп-тўп боғларни кўрганида, Воҳиднинг кўнгли ажойиб бир нурга, бошқача бир шодликка тўлиб, яйраб-ёзилиб кетарди.

Машина боя хийла узоқ кўринган боғларга етиб, гўё оппоқ гулдаста орасига шўнғиди. Урик шохлари силкиниб бир зум уйлар, кўчалар, узоқдаги тоғлар — ҳаммаси гўё кўркам оқ ва пушти ранг ёғдуга чўмилгандай туюлди Воҳидга. (О. Ёқубов)

25-§. ц ундоши.

ц — тил олди, қоришиқ, портловчи, жарангсиз ундош товуш. ц товуши т + с товушлари қоришиғидан иборат бўлиб, фақат рус тилидан қабул қилинган сўзларда учрайди: *цирк, цемент, центнер* каби. Бу товуш кўпинча с товушига мойил талаффуз қилинади: *процент — прасент, цилиндр — силндир* каби. Лекин бу ҳодиса имлода акс этмайди.

34-машқ. Қуйидаги сўзларни тўғри ўқинг ва ёзилишини ёдда сақланг.

Концертмейстер, концерт, пациент, цирк, центнер, процент, цемент, циркуль, циферблад, Баренц (денгизи), сланец, цинга, коэффициент, цилиндр, биомийцин, пенициллин, импровизация, концентрат каби.

Бу сўзларнинг баъзилари иштирокида гап тузинг.

СОНОР ТОВУШЛАР ТАЛАФФУЗИ ВА ИМЛОСИ

26-§. Сонорлар таркибида овоз миқдори шовқинга нисбатан кўпроқ бўлган ундош товушлардир. Буларга м, н, нг(нг), л, р ундошлари киради. Сонор ундошлар талаффузида ҳаво оқими қисман бурун бўшлиғидан, қисман оғиздан ва кўпроқ тилнинг ёнидан ўтади. Бу ҳол овоз миқдорининг ортишига сабаб бўлади. Сонор-

лар овоз миқдорига кўра, жарангли ундошлар билан унли товушлар ўртасида туради ва нутққа безак берувчи, тил оҳангдорлигини таъминловчи товуш бўлиб хизмат қилади.

27-§. м-н ундошлари:

а) м — лаб-лаб, жарангли, портловчи, бурун ундош товуши. Сўзнинг ҳар қандай бўғинида кела олади: *мана, майса, ёмон, осмон, тамом, бўлим* каби.

э (е), и олд қатор унлиларидан олдин келганда юмшоқ (*мева, меҳмон, миқёс* каби), орқа қатор унлилар, чуқур тил орқа ундошлари билан ёнма-ён келганда эса қаттиқ (*сомон, мол, муборак, мўмин* каби) талаффуз қилинади;

б) н — тил олди, жарангли, портловчи, бурун ундош товуши. Сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида келади: *най, ном, сурнай, унум, бутун, талқин* каби.

Бу товуш б, м ундошлари олдида келганда м тарзида айтилади, аммо аслига мувофиқ ёзилаверади: *танбурчи — тамбурчи, минбар — мимбар, ёнбош — ёмбош, мамманлик — мамманлик* каби.

Жонли нутқда н товушининг баъзан ўзидан олдинги ундош таъсирига учраб, ўша товуш тарзида қўшалок айтилиши адабий талаффуз меъёрига эиддир: *ганни — ганни, йўлни — йўлли, кўзни — кўззи* каби.

25- топшириқ. м-н сонор ундошларига унлилар қўйган ҳолда бир неча марта қиёслаб, тўғри талаффуз қилинг.

35- машқ. Қуйидаги мақол ва ҳикматли сўзларда м ва н товушларини тўғри талаффуз қилинг.

1. Меҳнат мамнуният ва маданият манбаидир.

2. Она юртинг омон бўлса,
Рангу рўйинг сомон бўлмас.

3. Яхши бўлгин, ҳатто душманинг осон —

Сени деёлмасин ярамас-ёмон.

Танбурнинг овози соз чиқиб турса,

Қулоғин бурамас созчи ҳеч қачон.

(Саъдий Шерозий.)

36- машқ. Матни ифодали ўқинг. м, н ундошларини жарангдор талаффуз қилинг ва бу товушларни қиёслаб тавсифланг.

Тошкентга келиб, Янги Дўрмон — «Ўзбекистон» колхозини кўролмайд қайтган киши армонда кетади. Ҳеч бўлмаса, нарироққа бориб Оржоникидзе район марказининг чиқаверишидаги тепаликдан ёки колхоз раис-

лари тайёрлайдиган мактабнинг катта йўл бўйидаги шийпонидан Дўрмонга бир қаралса, кўнгилдаги ҳар бир ғубор бир зумда тарқайди-кетди.

Этагини кўз илғамайдиган ранг-баранг, йирик-йирик ер бўлаклари, боғлар ва чорбоғлардаги хиёбон, кўча ва йўллардаги садарайхондай қулф уриб, намозшомгулдай тарвақайлаб, гулхайридек бўйга зеб бериб ўсган дарахтлар; булар устида бўй чўзиб турган мирзатераклар; дарахтлар остидан, орасидан мўралаб турган оқ, пушти, сарғиш, кўкимтир деворлар, қизил ва яшил томлар... Шундай манзарани расмда кўрган киши «рассом жуда ошириб юборибди» дейди.

Дўрмонни боғ десангиз, минг-минг тонна пахтаси бор, пилласи бор; оқ олтинга кон десангиз, ширин-шакар меваси бор, қўй-қўзи, сигир-бузоқ, парранда-ю йилқиси бор.

Олачипор Қурама ва Чимён тоғлари, оч ўсма ранг паст-баланд адирлари, қирлари Дўрмоннинг тенги йўқ ҳуснига ҳусн қўшгани, уни ясагани, безатгани атайин яратилгандай туюлади. (А. Қаҳҳор)

28-§. н(нг) товуши.

н(нг) — тил орқа, портловчи, жарангли, бурун ундош товуши. Бу товуш сўз бошида учрамайди. Сўзнинг ўртаси (*манглай, ингичка* каби) ва охирида (*тенг, онг* каби) кела олади.

а) *жанг, занг, сўнг, кўндаланг, дуранг, инграмоқ* каби сўзларда учрайдиган тил орқа нг товуши ўрнида ёзилади. Бундай сўзларни бўғинларга ажратганда, нг ҳарфий бирикмаси н ва г ҳарфларига ажратилмайди;

б) *конгресс, тангенс, бугунги* каби сўзларда нг алоҳида товушлар — н ва г ни ифодалайди, шу сабабли бўғин кўчиришда ажратиб ёзилади.

37-машқ. Қуйидаги тез айтишлардаги нг товушини аниқ ва тўғри талаффуз қилинг.

1. Занг босганга ранг юқмас, ранг юққанни занг босмас.

2. Тубсиз денгиз дедингизми, денгиз тенгсиз дедингизми?

38-машқ. Қуйидаги шеърни ифодали ўқинг. Сўзларда учраган н (нг) ва н+г товуш бирикмаларини фарқланг.

ОЛТИН МЕДАЛЬ

Мармар тусидаги пўлат сандуқда
Балоғат муҳридек ялтираб кутар...

Ҳали қўл тегмаган, жарангли, вазмин,
Зарбдан янги чиққан олтин медаллар...

Сизга қарсақларда чиниқди илгим
Истиқбол сизники, барингизники.
Оламнинг эгаси сиз бўлмайин, ким?
Шундайин оламки, келмаган тенги.

Сизсиз келажак йўқ, сиз ахир халқнинг
Минг йилни кўражак қароғларисиз.
Сизсиз ёримади осмонда Зухра,
Замонлар тонгининг чароғларисиз.

Қўчқор бўла турган қўзичоқларнинг
Манглайи туғилган чоғда дўнг бўлур.
Ғалаба асрининг ўсмирларисиз —
Шербачча қилиғи шердай чўнг бўлур.

Бебаҳо наслсиз, ҳаёт ва меҳнат
Олам қалбингизга сут билан кирган.
Сизнинг хамирингиз шу улўғ халққа,
Ватанга муҳаббат билан йўғрилган.

(*Ғафур Ғулом*)

29- §. л ундоши

л — тил олди, сирғалувчи, жарангли ён товуш. Сўз бошида, асосан, бошқа тиллардан ўзлашган сўзларда учрайди: *лаб, лекин, лексика, либретто* каби. Сўз ўртасида келганда кўпинча жонли нутқда талаффузда тушиб қолади, лекин бу ҳодиса имлода акс этмайди: *олса — оса, келган — кеган, бўлса — бўса* каби.

Олд қатор унлилар билан ёнма-ён келганда юмшоқ (*бил, будбул, кел, юл* каби), орқа қатор унлилар ва чуқур тил орқа ундошлари билан бирга келганда эса қаттиқ (*қўл, ҳўл, ғалла, қол* каби) талаффуз қилинади.

30- §. р ундоши.

р — тил олди, жарангли, титроқ товуш. Ўзбекча сўзларда сўз бошида қўлланмайди. Ёндош товушлар таъсирида юмшоқ (*равшан, сара, расм* каби) ва қаттиқ (*рақс, ром, қора* каби) айтилади.

Оғзаки нутқда л, н каби айрим ундошлардан олдин келганда, ўшаларга ўхшаш товуш тарзида талаффуз қилинади: *зўрлик — зўллик, шивирлади — шивиллади, карнайчи — каннайчи* каби.

26- топшириқ. л, р ундошларига аввал унлилар қўшган ҳолда, кейин лр, рл товуш бирикмаларини унлилар билан бирга бир неча марта айтинг, л, р товушлари талаффузига эътибор беринг.

39- машқ. Матнни монолог тарзида ўқинг. л ва р товушлари талаффузини тавсифланг.

ҚУШИҚЧИ ҲАҚИДА ОНА СЎЗЛАРИ

Ботиржон саҳнани муқаддас деб биларди. У саҳнага ярим яланғоч бўлиб чиқадиган эстрада хонандасини ўзбеклар хушламаслигини айтарди. «Ялла»нинг узун ва шарқона кийимлари нусхасини дастлаб ўзи чизиб берган эди. У эстрада қўшиқчиси ўзи билмайдиган тилда қўшиқ куйлашига доим қарши турарди. «Ўзи яхши билмайдиган тилда қўшиқ куйловчи хонанда ўзига уч, тўрт баравар катта ёки кичик кўйлакни кийиб, саҳнага чиққан масхарабозга ўхшайди» дерди.

Бир куни телевизордан ёш эстрада хонандалари концерт бериб қолишди. Бир ёш хонанда «Қора кўз» деган сўзни «қаро-қаро кўз» деб такрор-такрор куйлади. Бунга эшитган Ботиржон хафа бўлиб кетди. У сўздаги хато эстрада обрўсини тушириши мумкин, дерди.

Бизнинг хонадонда ҳамма соф ўзбек тилида сўзлашади. Бунга болаларимнинг отаси қаттиқ риоя қилди-рар эди. У, айниқса, «Ассалому алайкум» сўзини ўзбекча энг гўзал сўзлардан деб билиб, болаларга қаерга борманг, ким билан учрашманг, саломингиз ўзбекча бўлсин, ўзбекча салом ҳаммага тушунарли-ку, дерди.

Менинг рўзгоримда дилхираликлар бўлмаган. Карим акага ҳамма болалар итоат қилар эди. Карим ака ниҳоятда босиқ, ниҳоятда кўнгли оқ киши эди. Мен эса қаттиққўлроқман. Балки бола тарбияси учун бу ҳам зарурдир. Ҳар қалай, мен оиламизда неки шодлик, бахт, шон-шухрат, ҳурмат, эътибор, санъатга, элу юртга муҳаббат бўлса, буларнинг бари Карим акангиз ташлаган уруғ деб биламан. «Тақдир мени шундай одамга дуч қилганидан минг-минг розиман. Шундай одамнинг болаларига она эканимдан абад бахтиёрман...»

(«Саодат» журналичидан)

31-§. Қўш ундошлар.

Нутқда ҳар хил ундош товушларнинг қатор келиши билан бирга, бир хил ундошларнинг қатор-қўшалоқ ҳолда қўлланиши ҳам учрайди. Қўш ундошлар, одатда, ўзбек тилида сўз ўртасида келади: *малла, шоввоз, тизза, дўппи* каби. Рус тили орқали ўзлашган сўзларда эса сўз охирида ҳам қўлланади: *грамм, металл, киловатт* каби.

Оғзаки нутқда сўз ўртасида қўшалоқ келган ундош-

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ УНДОШЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

Таркибига кўра	Лаб товушлари		Тил товушлари								Буғиз		
	Пайдо бўлиш ўрнига кўра		Тил оқли				Яқин тил оғза						
	лаб-лаб	лаб-тиш	ж	д	т	ж	й	г	к	ч		қ	
Таркибига кўра	Овознинг ишти- ронига кўра	Товуш пайдала- рининг ишти- ронига кўра	жарангис	жарангис	жарангис	жарангис	жарангис	жарангис	жарангис	жарангис	жарангис	жарангис	жарангис
			жарангли	жарангли	жарангли	жарангли	жарангли	жарангли	жарангли	жарангли	жарангли	жарангли	жарангли
Соф	Шовкин- лар	Портовлочи	б	п	п	д	т	ж	й	г	к	ч	қ
		Сиргалувчи	в	п	ф	з	с	ж	й				
		Портовлочи (бурун)	м			н					нг		
		Сирга- лувчи											
		ён											
		тигроқ											
Қоршиқ	Шовкин- лар	Портовлочи										ч	
		Сиргалувчи											ц

лардан бири баъзан талаффуз қилинмаса-да, ёзувда тўлиқ сақланади: *миллион — миллион, комиссар — комисар, оддий — одий* каби.

Талаффузда қўш ундошлардан бирини айтмаслик адабий талаффуз маромига зиддир, айниқса, ўзбек тилида бу ҳолат маъно фарқлашга ҳам хизмат қилади: *содда — сода, модда — мода, биллур — билур* (билар маъносида) каби.

Ўзбек тилида қўш ундошлар ўзак охиридаги ундошдан кейин шундай ундош билан бошланувчи қўшимча қўшиш (*эшит + тир, эс + сиз, гул + лар* каби), ўзак охири ва қўшимча бошидаги товушларнинг ўзгариши (*бир + га — битта, боғ + га — боққа, туг + ган — туккан* каби), сифатнинг кучайторма шакли ясалиши (*оппоқ, соппа-соғ, чиппа-чин* каби) билан ҳосил бўлади.

40-машқ. Қуйидаги сўзлар таркибидаги қўш ундошларни тўлиқ талаффуз қилинг ва ёзилишини эсда сақланг.

Муқаддам, муқаддас, муддат, модда, мадда, мусаддас, моддий, оддий, шаддот, содда, удда, тараддуд, зиддият, жиддий, қадди-қомат, ҳиммат, Фиёсиддин, Заҳриддин, Камолиддин, Муҳиддин, дажжол, нажжор, ҳужжат, таажжуб, каззоб, лаззат, наззора, жизза, баззоз, Раззоқ; дуккак, икки, зукко, какку, укки, ҳакка, мақкор, мукка, малла, металл, муллавачча, мураккаб, мутафаккир, оккупант, пакки, таваккал, саккиз, ташаккур, аччиқ, иссиқ, ҳуррият, биллур, валломат, ёлланма, калла, колледж, коллектор, параллел, пенициллин, пилла, тааллуқ, туллак, чиллақи, грамм, гамма, грамматика, граммофон, диаграмма, коммуна, коммутатор, кўмма, мукамал, мухаммас, Муҳаммадий, омма, симметрия, ҳиммат, ҳамма, ҳаммол, ҳаммом, салла, силлиқ, суллоҳ.

41-машқ. Матнини ифодали ўқинг. Қўш ундошлар талаффузига эътибор беринг.

ХАЛҚ САНЪАТИ — ХАЛҚ ЗИЙНАТИ

Инсон ҳаётга келиши билан уни халқ амалий санъати намуналари ўраб олган бўлади. Меҳр ипи билан тикилган кўрпа, оналарнинг дил қўшиғи бўлиб яшнаган палак, она қучоғидай илиқ бешик, қизча дилин яйратган қўғирчоқ, бола бошидаги «ипаклари тиллодан» дўппи, қозикдаги беқасам тўн, уй пештоқини бе-

заган гуллар — буларнинг ҳаммаси халқ амалий безак санъати намуналаридандир.

Инсон ақли ва заковати, фантазияси ва эстетик идеали тўла акс этган ҳамда халқ эҳтиёжи кенг кўламда назарда тутилган буюмлар ва нарсалар халқ амалий санъати намуналари ҳисобланиши табиий. Масалан, сопол буюмларнинг турмушда тугган ўрни ва унга бўлган муносабатнинг ўзгаришини олайлик. Агар аввалги асрлар сопол буюмлар фақат моддий эҳтиёж учун яратилган бўлса, ҳозирги давримизда бу буюмларнинг эстетик-бадий жиҳатлари асосий мезонга айланиб қолди. Сопол лаган, кўза, чойнак-пиёлалар турмушда ишлатилса ҳам, лекин уларнинг бадий нафислари, инсон бадий салоҳиятининг нодир намуналари музейларда, хонадонларда авайлаб сақланади. Улар маълум эҳтиёжни қондиргани учунгина эмас, балки бадий нафосати туфайли ардоқланади.

Асрлар мобайнида халқ билан бирга пайдо бўлиб, халқ билан бирга шаклланган, ривож топадиган амалий санъат — халқ зийнати, унинг ҳаёти, орзуси ва меҳнатининг моддий ифодасидир. («Ўзбекистон санъати» журналидан)

АЙИРИШ ВА ЮМШАТИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ ВА ИМЛОСИ

32-§. Айириш белгиси (ъ):

а) унли товушдан кейин келганда ўша унли чўзиқроқ талаффуз қилинади. Бу вазифани бажарувчи айириш белгиси фақат араб тилидан ўзлашган сўзларда учрайди: *маъно* — *маано*, *таъсир* — *таасир*, *меъмор* — *меемор*, *эълон* — *ээлон*, *феъл* — *феел* каби;

б) ундош товушдан кейин келганда ўзидан кейинги унлининг ажратиб айтилишини билдиради. Бунда талаффузда ҳам қисқа тутилиш юз беради: *санъат*, *қитъа*, *масъул*, *съезд*, *съемка* каби.

Нутқда айириш белгисининг қайси ўринда келишига риоя қилиш лозим, акс ҳолда адабий талаффуз мароми бузилади, сўз маъноси ҳам ўзгаради: *суръат* — *сурат*, *шеър* — *шер*, *даъво* — *даво*, *заъфар* — *зафар* каби.

42-машқ. Айириш белгисининг унли ёки ундошдан кейин келишига қараб сўзларни тўғри талаффуз қилинг ва ёзилишини билиб олинг.

Аэросъёмка, ашъор, аъён, аъзам, аъзо, аъло, аъмол, билъакс, бадфеъл, баъзи, баъзан, ваъда, ваъз, дафъа,

дафъатан, даъват, даъво, жузъий, журъат, заъфар, заъфарон, лаъл, истеъдод, истеъмол, инъикос, инъом, масъул, мўътабар, мўътадил, масъуд, маъюс, маълум, малъун, маъқул, таъна, таъриф, саъва, нашъа, қалъа, қатъий, эътибор, эътиқод, объект, субъект, подъезд, адъютант.

33-§. Юмшатиш белгиси (ъ):

а) Русча тили орқали ўзлашган сўзлар охирида ва сўз ўртасидаги ундошлар орасида келганда ўзидан олдинги ундошнинг юмшоқ талаффуз қилинишини билдиради: *октябрь, мебель, альбом, факультет, вальс* каби;

б) унли товушлардан олдин келганда эса ўзидан кейинги унлининг ажратиб талаффуз қилинишини билдиради: *пьеса, фельетон, батальон* каби.

Ўзбек тилида охири юмшатиш белгиси билан тугаган сўзларга қўшимчалар қўшилганда ва бундай сўзлар сифат ўрнида қўлланганда юмшатиш белгиси ёзилмайди: *фестиваль — фестивалда, медаль — медални, социал (ҳаёт), вертикал (чизиқ)* каби.

27-топшириқ. Юмшатиш (ъ) белгиси иштирок этган сўзларни топиб, уларга биронта қўшимчани қўшинг. Юз берган ўзгаришни изоҳланг.

На м у н а: *вальс — вальсга, гастроль — гастролда.*

43-машқ. Гапларни ўқинг. Айириш ва юмшатиш белгилари сўзларни кўчиринг. Айириш белгисининг ёзилиши ва юмшатиш белгисининг тушиб қолиши сабабларини тушунтиринг.

1. Бу алам уни қасос олишга даъват этарди. (Ш.)
2. Рулда ўтирган Ортиқнинг клёнка плаши кечки офтобда ялт-юлт қилиб жилоланади. (П. Қ.)
3. Аваз ойисининг феъли айнаб турганда ҳеч қандай мантиқни тан олмаслигини билар эди. (П. Қ.)
4. Кўп колхоз ва совхозларда ашула ва рақс ансамллари ташкил этилган.
5. Бирдан кўзи туйнукдан қарши деворда оби нондек бўлиб тушиб турган шуълага тикилиб қолди. (Ш.)
6. Йиғим-теримнинг энг масъулиятли даври бошланди. Суръатни пасайтириш асло мумкин эмас. (Газетадан.)
7. Ориф ака кўп жойда масъул ишларда ишлади. (Ас. М.)
8. Бугун контрол диктант ўтказилади.

ФОНЕТИҚ УЗГАРИШЛАР

Ёзма нутқ билан оғзаки нутқ ўртасида катта фарқ бор. Ёзма нутқ муайян имло қоидалари бўйсундирил-

ган, ammo жонли нутқ қандай бўлса, шундайлигича ёзилмайди. Ҳар қандай бадий асарни ижрочилик санъати асари тарзида ифодалаш жараёнида имло қоидалари талаффуз қоидаларига мос келавермайди. Жонли нутқда сўз ва сўз бирикмаларидаги товушлар таркибини соддалаштиришга, қисқароқ талаффуз қилишга интилиш кучли бўлади.

Шунинг учун ёзма нутқни жонли нутққа айлантириб ифодалашда нутқ товушларини тўлиқ шакллантириш эмас, балки айримларини кучсизроқ талаффуз этиш, жарангли ва жарангсиз ундош товушлар талаффузидаги ўхшаш ёки ноўхшашлик, айрим сўзларда товуш тушиши ёхуд товуш орттирилиши каби фонетик ўзгаришларга эътибор бериш лозим. Қуйидаги ана шундай муҳим фонетик ўзгаришларни билиш тўғри талаффуз қоидаларининг таркибий қисми ҳисобланади.

34- §. Товушларнинг мослашуви.

1. **Аккомодация** унли ва ундош товушларнинг ўзаро таъсирига кўра бир-бирига қисман мослашиш ҳодисасидир. Ҳозирги ўзбек адабий тилида *и, у, ў* унлилари тил орқа ва чуқур тил орқа ундошлари билан ёнма-ён келганда мослашув ҳодисаси юз беради. *и, у, ў* унлилари орқа қатор ундошлар — *к, г* билан қатор келса, олд қатор унли сифатида юмшоқ, чуқур тил орқа ундошлари — *қ, ғ, х* билан ёндош келса, орқа қатор унли тарзида қаттиқ талаффуз этилади: *китоб, кийим, гилла, кулги, гўзал, қилиқ, ғилоф, қурбон, қўшиқ, хитоб* каби.

Ўзбек тилида унли товушларнинг ёндош товушлар таъсирида юмшоқ ёки қаттиқ айтилиши, мослашуви ёзувда акс этмаган. Рус тили имлосида эса *и* унлисининг мослашуви *ы* билан, *а, о, у* товушларининг мослашуви *я, ё, ю* билан берилиши ҳисобга олинган.

2. **Ассимиляция** сўз таркибидаги ундош товушларнинг бир-бирига таъсири натижасида бир товушнинг иккинчи товушни ўзига ўхшаш товушга айлантириш ҳодисасидир. Бу ўхшашлик ўз хусусиятига кўра икки хил кўринишда бўлади:

а) агар олдинги товуш кейинги товушни ўзига мослаб, ўхшатиб олса, прогрессив ассимиляция ҳисобланади: *етди — етти, айтди — айтти, боқ + га — боққа, қочди — қочти, кетяпман — кетяппан* каби.

б) агар кейинги товуш олдинги товушни ўзига ўх-

шатиб олса, регрессив ассимиляция бўлади: *бирла — билла, тутча — тучча, йигитча — йигичча, сўзсиз — сўссиз* каби.

Таъсирга учраган товушнинг ўзгариш хусусиятига қараб ассимиляция тўлиқ ва тўлиқсиз бўлади.

Тўлиқ ассимиляцияда бир ундош иккинчисига таъсир этиб, уни ўзига тўлиқ ўхшатиб олади: *кетди — кетти, тузсиз — туссиз, оқган — оққан* каби.

Тўлиқсиз ассимиляцияда бир товуш ёндош товушга таъсир этиб, уни ўзига тўлиқ ўхшата олмайди фақат жарангсизлантиради ёки аксинча, жарангли ундошга айлантиради: *мазкур — маскур, кетган — кеткан, оқшом — охшом* каби.

Ассимиляциянинг айрим кўринишлари имло қоидаларига ҳам, адабий талаффуз маромига ҳам мос кела олади (*эшакка, оққан, сариққа* каби), айримлари эса ёзувда ҳам, талаффузда ҳам инobatга олинмайди (*биззи эмас бизни, китопка эмас китобга* каби.) Баъзан адабий талаффузда тўғри ҳисобланган ҳолат имло қоидасига мос келмайди (*кеткан эмас кетган, тўхсон эмас тўқсон, айтти эмас айтди* каби).

28- топшириқ. Жонли нутқда, шунингдек, маҳаллий шеваларда учрайдиган ассимиляция ҳодисасига мисоллар топинг, товушларнинг қандай ўзгарганлигини тушунтиринг.

44- машқ. Гапларни ўқинг. Аккомодация ва ассимиляция ҳолатидаги сўзларни аниқланг, қайси товушлар мослашганини айтинг.

1. Мен ўзим сиззи дўст тутаман,— деди Анвар.
2. Инсон тафаккурининг юксак ютуқлари, энг чуқур билимлар ва энг оташин туйғулар сўзда очиқ-ойдин ифодаланиши керак.
3. Илгари дарёнинг шу битта ирмоғи қишлоқни сув билан таъминларди.
4. Шунча ўқиттим, ақлинг кирмади-я. Нима қулоғингга тамбур чертдимми, ука?!
5. Новвой ака, шамба кунига юзта нон ёпиб бероласизми?
6. Сумбула сочли қиззи кўрувдим. Манови эшикка кирувди-я.
7. Қодир: «Сешамба куни боряппан»— деб қўнғироқ гўшасини қўйди.

3. **Сингармонизм** товушларнинг мослашуви, оҳангдошлиги, уйғунлигидир. Бу ҳодиса ўзбек тили тараққиётининг қадимги туркий тил ва эски ўзбек тилига хос бўлиб, унинг хусусиятлари айрим шеваларда мавжуд. Эски ўзбек тилида унлилар юмшоқлик ёки қаттиқлик, тил олдилик ёки тил орқалик жиҳатидан, ҳатто ундошлар ҳам жаранглилик ва жарангсизлик хусусиятига кўра бир-бирига мослашган ва бу танглай

(тил) уйғунлиги ҳисобланган. Танглай уйғунлиги қонуниятига кўра сўз бошида тил олди унлиси келса, сўз ўртаси ва охирида ҳам тил олди унлиси келиши, яъни барча бўғинлардаги унлилар ўзаро уйғунлашуви, мослашуви шарт бўлган. Бу ҳол талаффузда артикуляцион қўлайлик туғдирган, товушларнинг оҳангдошлигини таъминлаган: *барамыз, кэтамыз, гуллар, қышлағьмыз, қуллик* каби.

Ўтмиш адабиёти намуналарини санъат асари сифатида ижро этганда, ифодали ўқиганда бу қонуниятга риоя қилинади.

45- машқ. Тўртликлардаги сингармонизм ҳодисаларини изоҳланг.

Қилиб ўзни халос ўзлук ғамидин
Не ўзлук, балки йўқлук оламидин.
Боши-чун ул санамни сажда этти,
Бу оламдин яна оламга кэтти.

Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки агёр дурур ёр айлар,
Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,
Юмшоғи кўнгулларни гирифтор айлар.

(А. Навоид.)

35- §. Товуш алмашиниши.

1. Диссимиляция икки ўхшаш ундош товушнинг ўзаро таъсири натижасида ноўхшаш товушларга айланиш ҳодисасидир. Бу ўзгариш ассимиляциянинг акси бўлиб, бирор жиҳатдан ўхшаш бўлган товушлардан бири талаффузда ноўхшаш товуш билан алмашади: *зарар — зарал, бирорта — биронта, учта — ушта* каби. Товушларнинг ўз ҳолатидан кўчиб, ноўхшашлик ҳосил қилиши адабий талаффузга зид ҳисобланади.

2. **Метатеза** сўз таркибидаги ундошларнинг ўзаро ўрин алмашиниши ҳодисасидир. Бу асосан жонли нутққа хос бўлиб, талаффуз ва имло қоидаларига мос келмайди: *супра — сурпа, аҳвол — авҳол, дунё — дуйно, лажнат — наълат* каби.

3. **Спирантизация** сўз таркибидаги портловчи товушнинг талаффузда сирғалувчи товушга ўтишидир. Бунинг натижасида талаффуз билан сўзнинг имлоси ўртасида катта фарқ пайдо бўлади: *кабоб — кавоб, мақтамоқ — махтамоқ, мактаб — маҳтаб, юборди — юворди* каби.

29- топшириқ. Бирор воқеани кичик ёшдаги бола нутқига ўхша-

тиб гапириб беринг. Бу нутқдаги товуш алмашиниши ҳодисаларини изоҳланг.

46- машқ. Қуйидаги сўзлар талаффузда учрайдиган товуш алмашиниши ҳодисаларини тавсифланг.

Зарур, дарё, чиқди, коридор, бебош, тўғрамоқ, тупроқ, кейин, тўқсон, зарари йўқ, мана бу, ана бу, доктор, бўйра, тебратмоқ, айланмоқ, ёмғир, девор.

36- §. Товуш тушиши.

1. Апокопа сўз охиридаги қатор келган ундошлардан бирининг талаффузда тушириб қолдирилишидир: *паст — пас, хурсанд — хурсан, рост — рос, артист — артис* каби.

2. Синкопа сўз ўртасида урғусиз бўғиндаги унли товушнинг тушиб қолиш ҳодисасидир: *билан — блан, хина — хна, нима — нма* каби. Бу ҳодиса сўзларга унли товуш билан бошланувчи қўшимча қўшилганда кўпроқ юз беради: *оғиз — оғзи, икки + ов — икков, ўғил — ўғли* каби.

3. Элизия икки сўз қўшилиши натижасида бир ёки бир нечта унли товушнинг тушиб қолиш ҳодисасидир. Оғзаки нутқда ихчамликка интилиш натижасида сўзнинг қисқарган шакли юзага келади: *айта олмади — айтолмади, ёзган экан — ёзганакан, ака-ука — акука, Абдусалом — Абсалом* каби.

47- машқ. Сўзлашув нутқида хос қисқарган сўз ва сўз шакллари адабий талаффуз маромига мувофиқ талаффуз қилинг. Улар иштирокида гап тузинг.

Фарзан, ўтирарканмиш, забардас, кепқолинг, ўзми, боллари, дўс, улаям, броқ, отона, жабр-стам, Холидапа, айтворинг.

48- машқ. Матндаги товуш тушиши ҳодисаларини изоҳланг.

Қозонда қайнаган ширбоз гўш эмас,
Тўрда ўтирган қизнинг боши бўш эмас,
Қизим домот бобосининг улига,
Мол бергани Бойсин-Қўнғирот элида.
Хабар борса бек Алпомиш келмайми,
Келса Қоражондай ўғлинг ўлмайми,
Қурғур кампир, тек ўтирсанг бўлмайми?!
Ҳар ким ўз элида бекми, тўрами,
Қарчиғай қарғага емтик берами.
Қайсар келса алплар омон қолами?!
Бир қуни бу ердан хабар бормайми,
Бўлган гапни Қўнғирот элда билмайми,
Олтойлик йўлдан шунқор келмайми,
Қалмоқнинг элига қирғин солмайми,
Қурғур кампир, тек ўтирсанг бўлмайми?!

Хазон бўлиб боғда гулла сўлибди,
Обло сенинг ақли-ҳушинг олибди,
Хаёлинга шундай сўзлар келибди,
Қалмоқлардан билсанг Ҳаким ғолибди,
Ҳакимбек киргандир ўн тўрт ёшига,
Қалмоқ тоб бермайди бул савашига,
Чидолмас Ҳакимбекнинг ишига,
Вир балони сотиб олма бошингга.
Оти Ҳаким, билсанг ўзи зўрабор,
Душман чиқиб бўлолмайди баробар.

(«Алломиш»дан.)

37-§. Товуш орттирилиши.

1. **Протеза** сўз бошида битта унлининг орттирилиши ҳодисасидир. Бу асосан ўзлашган сўзлар талаффузида учрайди: *стакан — истакан, русча — ўрисча, иштраф — иштароп, рўмол — ўрамол* каби.

2. **Эпентеза** оғзаки нутқда икки ундош ўртасига айрим унлиларнинг қўшилиб айтилишидир: *ақл — ақил, ҳукм — ҳукум, арслон — арислон, кроват — каравот* каби.

3. **Эпитеза** сўз охирида қатор келган ундошлардан сўнг бир унли қўшиб талаффуз қилинишидир: *диск — диска, пропуск — пропуска, бланк — бланка, киоск — киоска* каби.

30-топшириқ. Оғзаки сўзлашувдан товуш орттирилишига мисоллар топинг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

38-§. Товушларнинг кучсизланиши.

1. **Редукция** сўз таркибидаги, одатда, урғусиз бўғиндаги унлининг кучсизланиб талаффуз қилинишидир: *пишиқ — пѣшиқ, билак — бѣлак, қилиқ — қѣлиқ, саримсоқ — сарѣмсоқ* каби.

2. Сўз охирида жарангли ундошнинг жарангсизланиши ҳодисаси ҳам жонли нутқда кўп учрайди. Жарангли **б, д, з, г, ж, (дж), в** ундошлари сўз охирида тўла ёки қисман жарангсизлашиши оғзаки сўзлашувга ҳосдир. («Ундошлар тавсифи» мавзусига қаранг): *озод — озот, мактаб — мактап, барг — барк, бож — боц, пассив — пассив* каби.

3. Сўз охирида портловчи ундошнинг сирғалувчи товушга ўтиши ўзбек тилида қ ундошининг ғ тарзида талаффуз қилинишида кўринади: *тоқ — тоғ, қишлоқ — қишлоғ, тароқ — тароғ, тошлоқ — тошлоғ* каби.

49-машқ. Матни жонли нутқ шаклида ўқинг. Талаффузда кучсизланган товушларни тавсифланг.

Бир қизиқчининг отаси учта қовурилган балиқ олиб келибди. Қизиқчининг ўзи уйда йўқ экан, онаси, келинлар, у келгунча буларни еб қўя қолайлик, дебди. Дастурхон ёзишибди. Бир маҳал қизиқчи келиб эшикни қоқибди. Онаси дарров иккита катта балиқни хонтахта остига беркитиб, кичкинасини дастурхонга қўйибди. Қизиқчи бу воқеани эшикнинг тирқишидан кузатиб турган экан. Ҳамма дастурхон атрофига ўтиргандан кейин, отаси:

— Юнус пайғамбарнинг ҳикоясини эшитганмисан? — деб қизиқчидан сўрабди.

— Мана бу балиқдан сўраймиз-да,— дебди қизиқчи ва балиқни олиб оғзига қулоғини тутибди.— Бу балиқ у вақтда мен кичик эдим, бу нарсани хонтахта тагида турган иккита балиқдан сўра, ўшалар билишади, деяпти,— дебди.

(«Ривоят ва асотирлар»дан.)

НУТҚНИНГ ФОНЕТИК БЎЛИНИШИ

Нутқ ўзаро фикр алмашув жараёнида кишиларнинг тил воситаларидан фойдаланиш фаолиятидан иборат. Инсон нутқини шакллантирувчи фонетик воситалар қаторида товушдан ташқари, бўғин, урғу, интонация ҳам муҳим ўрин тутади.

Товушлар ўзаро бирикиб бўғинларни ҳосил қилса, бўғинлар қўшилиб, сўзларни вужудга келтиради. Бир неча сўзлар интонацион жиҳатдан бирлашиб такт (синтагма)ни, мазмунан ва интонацион тугалликни ифодаловчи фонетик бўлақлар эса фраза (гап)ларни ҳосил қилади. Кўринадики, нутқ оҳанг ва интонация жиҳатидан ўзига хос нутқ оқимидан, яъни турли оҳанглар занжиридан таркиб топади.

Нутқ оқими кичик ва катта фонетик бўлақларга бўлинади. Энг кичик фонетик бўлақ товуш, ундан каттароғи бўғин ва яна каттароқлари сўз, синтагма, гапдир. Ана шу қисмлар нутқни икки оғзаки ва ёзма кўринишда намоён қилади. Оғзаки ва ёзма нутқ, ўз навбатида, диалогик ва монологик шаклларга эга. Нутқнинг шакл ва кўринишлари ўзаро алоқада бўлиб, ҳаммиша бир-бирини бойитиб келади.

39- §. Бўғин

Бир нафас чиқариш билан талаффуз қилинадиган товуш ёки товушлар бирикмаси **бўғин** ҳисобланади.

Сўзларни талаффуз қилганда ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими бир товуш ёки бир неча товушдан кейин бўлиниб, гоҳ кучли, гоҳ кучсиз ҳаво зарби билан айтилишидан бўғин ҳосил бўлади. Бўғинларнинг ҳосил бўлишида унли товушлар муҳим роль ўйнайди, унли товушларсиз бўғин тузилмайди. Шунинг учун ҳам сўздаги бўғинлар сони унлилар сонига тенг бўлади. Масалан, *пах-та-кор-ла-ри-миз* сўзида 6 та унли, 6 та бўғин бор: *пах-та-кор-ла-ри-миз*. Ёки *ў-қув-чи* сўзидаги биринчи бўғин (*ў-*) бир товушдан, иккинчи бўғин (*-қув*) уч товушдан, учинчи бўғин (*-чи*) эса икки товушдан таркиб топган.

Бўғинлар икки хил бўлади: очиқ бўғин ва ёпиқ бўғин. Унли товуш билан битган бўғин очиқ саналади: *ма-са-ла, о-та, бо-ла, му-ҳо-ка-ма* каби. Ундош товуш билан битган бўғин ёпиқ саналади: *ол-моқ, қиш-лоқ, ток-зор, ший-пон* каби.

Ўзбек тилидаги сўзларнинг бўғин тузилишида, одатда, унли ва ундошларнинг ёнма-ён келиши ўзига хос жарангдорликни вужудга келтиради. Ўзбекча сўзларда бўғин қатор келган ундошлар билан бошланмайди, бўғин охирида эса иккитадан ортиқ ундош келмайди: *ло-ла, си-ра, ақл, ост* каби.

Бўғиннинг савод чиқаришда (биринчи синфда сўзлар бўғинлаб ўқилади), шеърятда (бармоқ вазнида), мусиқа асарларида, ашула матнларини тўғри текстовка қилишда аҳамияти катта. Бундан ташқари, ёзувда бир йўлга сиғмай қолган сўзнинг қисмлари иккинчи йўлга бўғин асосида кўчирилади.

Шеъринг асарларни, айниқса, бармоқ вазнидаги шеърларни ифодали ўқишда мисраларда бўғин (ҳижо)ларнинг бир хил миқдорда, текис такрорланиши натижасида муайян ритм ҳосил қилишига асосланилади. Масалан, Ғ. Ғуломнинг «Вақт» номли шеъри II бўғин (ҳижо) лидир:

Ғунча очилгунча ўтган фурсатни
Капалак умрига қиёс этгулик,
Баъзида бир нафас олгулик муддат
Минг юлдуз сўниши учун етгулик.

Аруз вазнидаги шеърларда эса ҳижо (бўғин)ларнинг миқдоридан ташқари, талаффуздаги узун-қисқалигига ҳам асосланилади. Кўпинча о дан бошқа унлилар билан тугалланувчи очиқ бўғинлар қисқа ҳижо, ёпиқ бўғинлар ва о билан тугалланувчи очиқ бўғин-

лар чўзиқ ҳижо саналади. Мисраларда қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг ритмик бўлак сифатида такрорланиши ўзига хос мусиқийликни яратади. Бунда фақат ҳижоларни эмас, балки руқн (1—5 тагача ҳижодан иборат бўлак)ларни ҳам тўғри ажрата билиш муҳимдир. Масалан:

Кел-ди/о-чи-лур/чо-ғи/ўз-ли-гинг/на-мо-ён қил
Пар-ча-лаб / ки-шан-лар-ни / ҳар-то-мон / па-ри-шон

қил.

(*Ҳ. Ҳ. Ниёзий.*)

50- машқ. Қуйидаги шеърий парчаларни бўғинларга ажратинг. Очиқ ва ёпиқ бўғин ёки қисқа ва чўзиқ ҳижоларга эътибор бериб, ифодали ўқинг.

1. Оҳимнинг ўтидан чиққан шуълалар
Шарқнинг кўкрагида бир жой топмасми?
Кўксимдан қисилиб чиққан наъралар
Ухлаган дилларга силжиб оқмасми?

(*Чўлпон.*)

2. Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф
ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг
ҳақин юз ганж ила.

(*А. Навоий.*)

3. Бу олам ичинда манга ул ёр топулмас,
Ғам бирла ўладурману ғамхор топулмас.
Нақт-и кўнгулу жонни назарга кетурубман,
Лекин бу матоимга харидор топулмас.

(*Ҳофиз Хоразмий.*)

51- машқ. Қуйидаги қўшиқни нота варағига текстовка қилиб ёзий. Текстовкада бўғиннинг ўрнини тушутиринг.

САРБАДОРЛАР ҚЎШИҒИ

Сарбадормиз, бизлар —
сарбадор!
Қонимизда ёнадир олов.
Жонимизда ёнадир олов,
Сарбадормиз, бизлар сарбадор!
Ишқ оташи — муқаддас оташ,
Енмоқ бизнинг эзгу эътиқод.
Имонсизлик бизларга иснод,
Ишқ оташи — муқаддас оташ.
Биз қуёшнинг жондош
фарзанди,
Дўстга тутган меҳримиз олов,
Евга солган қаҳримиз олов,

Биз қуёшнинг қондош
фарзанди.
Эрк офтоби нур сочгай абад!
Эрк йўлига, ёнар тошларимиз.
Вужуди чўғ олов бошларимиз.
Эрк офтоби нур сочгай абад!
Юрт қуёшин қопласа зулмат,
Қалбдан юлиб биз ишқ зинсин,
Ёндирамиз зулмат дунёсин.
Нур — оловсиз сўнмасин ҳаёт,
Сарбадормиз — сарбадор.

(*Нусрат Карим.*)

40-§. Бўғин кўчирилиши. Бир неча бўғинли сўзнинг қатор охирига сиғмай қолган бўғинлари қуйидаги ҳолларда кейинги қаторга кўчирилади:

1. Биринчи қаторда қолган бўғинга мансуб сўнги говуш кейинги қаторга кўчган бўғинга қўшилиб қолмаслиги ёки, аксинча, кўчаётган бўғинга оид биринчи говуш юқоридаги қаторда қолаётган бўғин таркибида қолмаслиги керак: *тин-чи-моқ* (тинч-имоқ эмас), *теле-ви-зор* (телев-изор эмас), *инс-це-ни-ров-ка* (инсценировка эмас).

2. Сўзнинг бир унли говушдангина иборат биринчи бўғини қатор охирида қолдирилмайди: *о-паси* эмас, *опа-си*, *у-каси* эмас, *ука-си*, *у-юшқоқ* эмас, *уюш-қоқ*.

3. Сўзнинг бир унлидангина ёки *е, ё, ю, я* ҳарфларидан бири билан ифодаланган сўнги бўғини ҳам кейинги қаторга кўчирилмайди: *мудофа-а* эмас *мудофаа*, *мудда-о* эмас *муд-дао*, *манбаи* эмас *ман-баи*, *авли-ё* эмас *ав-лиё*.

4. Бир говушнинг ҳарфий белгиси бўлган *н* ва *ш* бирикмалари алоҳида ҳарфларга (*н* ва *г*, *ш* ва *ч* га) ажратилмайди: *отан-гиз* эмас *ота-нгиз*, *тон-ги* эмас *то-нги*, *помеш-чик* эмас *пومه-шчик* каби.

5. Таркибида айириш (*ъ*) ёки юмшатиш (*ь*) белгиси бўлган сўзлар бўғинларга ажратиб кўчирилганда, бу белгилар биринчи қаторда қолади: *разъезд*, *журъат*, *маъ-но*, *физкультура*, *факультет*.

6. Сўзларнинг биринчи ҳарфларидан таркиб топган ТДПИ, УзХДП каби қисқартма сўзлар, кўп хонали рақамлар (1919, 1986), кишиларнинг исми ва фамилияси (*А. Навоий*, *Ҳ. Ҳ. Ниёзий*) қисмларга ажратилмайди: улар яхлитлигича биринчи қаторда қолдирилади ёки яхлит ҳолда кўчирилади.

52-машқ. Матнини ўқинг. Тагига чизилган сўзларни бўғин кўчириш қондасига мувофиқ бўғинларга ажратинг. Русча-ўзлашма сўзларнинг бўғинларга бўлиниши ва бўғин кўчирилишини алоҳида изоҳланг.

Н а м у н а: *Имти-ҳон ёки им-тиҳон.*

ШОПЕН ҲАҚИДА

Фридерик ҳали тили чиқмаган вақтлардаёқ музыка оҳангларидан чуқур ҳаяжонланар эди.

Ежи Брошкевич, ёзувчи.

Одатда у жуда хушчақчақ бўлиб, унинг ҳажвга мойил ақли кулгили нарсаларни жуда тез илғаб олар эди. У юмор пантомимикасида ниҳоятда топқир ва кашфиётчи эди. У кўпинча ўзининг кулгили импровизацияларида айрим машҳур композиторларнинг ўйин ҳаракатларини, юз ифодаларини жуда бошлаб кўрсатиш билан ўзи ҳам завқланиб юрарди.

Ференц Лист, венгер композитори.

Фридерик Шопен — мусиқа даҳоси, уни ўз ҳолига қўйинглар. У ғайриоддий йўлдан бормоқда. Чунки унинг истеъдоди ҳам ғайриоддийдир. У эски усулга бўйсунмайди. Чунки унинг ўз йўли бор. У ўз асарларида ҳали ҳеч қачон ва ҳеч ерда дуч келмаган оригиналикка эришади.

Юзеф Эльенер, поляк композитори.

Мен буюк композиторнинг таъсирсиз санъатнинг ҳар қандай соҳасида поляк миллий ижодиётининг тараққиётини умуман тасаввур қила олмайман.

Шимановский, поляк композитори.

53- машқ. Қуйидаги сўзларнинг бўғин кўчириш қондасига мувофиқ бошқа қаторга кўчириладиганларини чизиқча билан ажратиб чап томонга, бўғинлари кўчирилмайдиган сўзларни эса ўнг томонга ёзинг.

Н а м у н а:

ба-ланд
синг-лим

ака
дарс

Айрим, абонент, арфа, альбом, ана, ария, БМТ, бадний, вальс, видеофильм, варақа, ватан, гулли, гуруҳ, гуманизм, грамм, гвардия, дунё, даъват, диёнат, денгиз, ечим, етакчи, енгил, итоат, илмий, июль, СамДД, сингари, стаж, сессия, партитура, предметли кўрсаткич, пайров, тақриз, талант, таъкид, таассурот, каталог, конспект, К. С. Станиславский, меъёр, мантиқий, муқова, УзТАГ, репертуар, рангли, радиоритм, қиротхона, қилиқ, қитъа, улуғ, урғусиз, унумдорлик, фонд, ғоя, филоф, ҳудуд, ҳукм, ҳаракат, этюд, электр, эҳтимол.

41- §. Урғу

Нутқдаги бирор бўлакнинг бошқаларига нисбатан кучлироқ овоз билан айтилиши урғу ҳодисасидир. Ур-

ғу нутқнинг қайси бўлагига тушишига кўра икки турга бўлинади: сўз урғуси ва мантиқий урғу.

I. **СЎЗ УРҒУСИ** сўздаги бирор бўғиннинг бошқаларига қараганда кучлироқ, чўзиқроқ талаффуз қилинишидир. Сўз урғуси (ёки лексик урғу) бўғиндаги унли товушга тушади.

Кучлироқ талаффуз қилинган бўғин урғули бўғин, қолганлари урғусиз бўғин деб юритилади: *терувчи* сўзидаги кейинги бўғин урғули, *тер-ув* бўғинлари эса урғусиздир. Урғули бўғинлар шиддатлироқ ва чўзиқроқ талаффуз этилади.

Ўзбек тилида урғу, одатда, сўзнинг охириги бўғинига тушади: *китоб, муқова, расом*. Сўзларга қўшимча қўшила бориши билан урғу ҳам сўзнинг охириги бўғинига кўча боради: *китоб+лар, китоб+лар+ни, китоб+лари+миз, китоб+лар+имиз+нинг* каби.

Аммо ўзбек тилида урғу охириги бўғинга тушмайдиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Булар қуйидагилардир:

- араб ва тожик тилидан ўзлашган айрим равишларда: *асло, дбим, янги, ҳаммша*;
- модал сўзларда: *зёро, афсуски, албатта*;
- баъзи ёрдамчи сўзларда: *аммо, лекин, чўнки, гўрчи*;
- олмошларда: *барча, баъзи, ҳамма, қайси, қанча, қандай кимдир, аллаким, ҳар қачон, ҳеч нима* каби;
- феълнинг буйруқ шаклларида: *келсин, кўлдир, бўшла, тегма* каби.

Сўз охирига қўшиладиган баъзи қўшимчалар ҳам урғу олмайди. Буларга дона ва чама сон ясовчилар (-та, -гача: *бешта, ўнтача*); биричи гуруҳ шахс-сон қўшимчалари (-ман, -сан, -дир, -миз, -сиз: *борарман, ўқувчимиз*); равиш ясовчилар (-ча, -дек, -дай: *болача, қўшдек*); бўлишсизлик қўшимчаси (-ма: *келма, ташима*), юкламалар (-у, -ю, -ку, -ми, -чи, -ёқ, -оқ: *оламдаку, улар-чи, берасизми?*) киради.

Сўз урғуси сўзларни тўғри талаффуз қилиш меъёрларини белгилабгина қолмай, сўз маъноси ва грамматик шакллари фарқлашда ҳам хизмат қилади. Урғу товуш томони бир хил бўлган сўзлар—омонимларни ва сўз шакллари ажратиш хусусиятига эга: *босма* (босмахона маҳсулоти)—*босма* (буйруқ феъли), *ювинди* (идиш-товоқ ювиндиси)—*ювинди* (ҳаракат),

кераксиз (керак бўлмайдиган) — *кераксиз* (менга кераксиз манъосида), *йигитча* (кичрайтириш формаси) — *ййигитча* (равиш), *ўқувчимиз* (биз ўқувчимиз) — *ўқувчимиз* (бизнинг ўқувчимиз) каби.

Ўзбек тилига ўзлашган русча-ўзлашма сўзларда ҳам урғу маънони фарқлашда муҳим аҳамият касб этади. Бундай сўзларда урғу биринчи бўғинга тушса от, иккинчи бўғинга тушса сифатга айланади: *астрономия* (от) — *астрономик* (сифат), *техник* (от) — *техник* (сифат), *грамматика* (от) — *грамматик* (сифат) каби.

53-машқ. Қуйидаги маттни ўқинг. Сўзларга урғу қўйиб, урғу олган бўғиннинг талаффузига эътибор қилинг. Урғу олмайдиган сўз ва қўшимчаларни аниқлап.

АШУЛА ТЎҒРИСИДА

Ашула айтиш буткул ихтиёрий нарсаси. Бирон ашулани ҳозирги кайфиятимга мос келса, таъбимга ўтирса айтаман, бўлмаса йўқ. Таъбимга ёқмаган ашулани менга ҳеч ким айттиролмайди.

Аксинча, бирон ашулани айтаман деган кишига ҳеч ким, ҳеч нарсаси тўсқинлик қилолмайди...

Ашула жанрининг булғанишига фақат халтурачи шоир, халтурачи композиторгина сабаб эмас, бу ҳақда яхши, ҳатто олдинги сафда турган шоир ва композиторлардан ҳам ўпқалашимиз керак. Булар, афтидан, нафсоният туйғусини йўқотиб қўйишган: ҳар кунни, ҳар соатда радио ва телевизорда, саҳнада халтурани кўриб, эшитиб туриб ориятлари келмайди, норози бўлишмайди, ҳатто бунга эътибор ҳам қилишмайди.

Композиторлардан бир қисми ҳозирги ўзбек поэзиясини тахминан ҳам билишмаса керак, халтурачиларнинг бемаза нарсаларини, поэзияга етти пушти бегона кишиларнинг машқларини шеър, деб музика ёзишади.

Қадим замонда «Табиат бўшлиқдан кўрқади», дейишар экан. Ҳақиқатан, яхши нарсаси бўлмаган жойга ёмон нарсаси суқилиб кириб олади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ашула жанри тўғрисидаги қарори муносабати билан «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган уч авторнинг мақоласини олайлик. Марказқўмнинг қарори, ашула ижодкорлари олдида жуда жиддий масалаларни қўяди. Мақола авторлари эса жиддий гаплар айтган бўлиб, бачканаликдан нари ўтмайди.

Мақолада баъзи классиклар бизга кўпгина ашуларлар ёзиб берган бир қанча ҳозирги шоирларга кесак отадилар. Бу авторларга қолса Фирузни кўп хотин олишда айблаб, совет қонуни билан суд қилиш, сандиққа қамаб, ҳидини ҳам чиқармаслик керак.

Фируз ким ўзи?

Фируз машҳур лирик шоир, мусиқашунос, композитор, яхши таржимон, Умархон сингари ўз замонасининг шоирларини ўрдасига йиққан, 1873 йилда босмахона сотиб олиб, Хоразмда биринчи китоб бостирган одам. Шу одамни юз йилдан кейин қора курсига ўтқазиб, совет қонуни билан суд қилишдан нима мурод ҳосил бўлади.

Авторлар ҳеч бир далил-исботсиз Камтарнинг шеърларини ёмонга чиқариб, унинг «Унутма» деган шеърига сиёсий айб тақмоқчи бўлишади. Бу шеърда шундай сатрлар бор:

Еш умринг ўтар, фасли баҳорингни унутма,
Халқингни безар қабру мазорингни унутма.

Бу: «Ешлигинг ўтиб кетади, қабринг Навоий, Улуғбек қабри сингари халқингни безаши кераклигини унутма», деган сўз.

Оддий камонча — оддий ёғоч қутидан рижжакчи аломат садолар чиқаради. Оддий сўз ва товушларнинг маълум тартибда қўшилиши ашула ижодкорларининг қўлида қудратли кучга айланиши, қалбимизга йўл топиши, қувонч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилиши керак.

(А. Қ.)

Езма ва оғзаки нутқда урғуни тўғри қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Ноўрин қўйилган урғу маънога таъсир этади, услубий хатоликларга олиб келади.

Бу кўпинча қуйидаги ҳолларда юз беради:

1. Русча-ўзлашма сўзларнинг маъносини билмаслик туйфайли. Масалан: *физик* (физикларимиз — физик олимларимиз — шахс оти каби), *физик* (физик қонун, қонуният, белги оти каби).

2. Рус тилидан кирган айрим сўзлар ўзбек тилида мавжуд бўлган сўз билан омонимик қатор ҳосил қилади. Бунда урғуни тўғри қўйиб талаффуз қилиш лозим. Масалан: *атлас* (атлас кўйлак), *атлас* — (карта, географик термин) каби.

3. От ясовчи қўшимча билан феълнинг бўлишсизлик

қўшимчасини ажрата билмаслик туфайли юз беради. Масалан: қатлама́ (от), қатла́ма (феъл) каби.

4. Русча-ўзлашма сўзларга урғу қўя билмаслик (рус тили дарсларида бунга аҳамият қилиш зарур бўлади) натижасида ғализ талаффуз қилиниши билан боғлиқ хатолар. Масалан: *Метафора* деб талаффуз қилиш ўрнига *метафора, метонимия — метони (о) мия* каби.

5. Сўз ўзагига ёки сўз ўзагига қўшиладиган сўз ясовчи, шакл ясовчи қўшимчаларга тушадиган урғуни алмаштириб қўллаш туфайли юз берадиган хатолар. Масалан: *ишчи — ишчй, тойча — той-ча* каби.

II. Мантиқий урғу гапдаги фикрий жиҳатдан аҳамиятли бўлган сўзнинг кучли талаффуз қилинишидир. Бунда сўзловчи гап ичидаги баъзи сўзларнинг маъносини янада таъкидлаб, кучайтириб кўрсатиш учун бошқа сўзларга нисбатан кучлироқ оҳанг билан талаффуз этади. Нутқда мантиқий урғу тушган сўз овозни баландлатиш, пастлатиш, пауза қилиш каби воситалар билан ажратиб айтилгани учун тингловчининг диққатини тез тортади. Мантиқий урғу гапдаги исталган сўзга тушиши мумкин. Масалан: *Биз эртага музейга борамиз. Биз эртага музейга борамиз. Биз эртага музейга борамиз. Биз эртага музейга борамиз.*

Санъат асари ижросида ундаги мазмунни белгиловчи, асосий фикрни ифодаловчи сўзни топа олиш, кейин шу маънони очишга хизмат қилувчи бошқа сўзларни мантиқий урғу олган сўз атрофида бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

55- машқ. Қуйидаги гапнинг ҳар бир сўзига алоҳида-алоҳида мантиқий урғу бериб ўқинг.

Тиришқоқлик меҳнатни енгиллаштиради.

56- машқ. А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги Юсуфбек Ҳожи монологини ўқинг. Мантиқий урғу олган сўзларнинг талаффузига эътибор беринг.

— Мақсадлари жуда очиқ! Биттаси мингбоши бўлмоқчи, иккинчиси Нормуҳаммаднинг ўрнига минмоқчи, учинчиси яна бир шаҳарни ўзига қарам қилмоқчи. Хон эрса Мусулмонқулга бўлган адоватини кипчоқни қириб аламдан чиқмоқчи! Менга қолса ўртада шундан бошқа ҳеч гап йўқ, ўғлим! Мен кўп умримни шу юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилолмадим. Ит-

тифоқни нима эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати, шахсияти йўлида, бир-бирини еб-ичган мансабпараст, дунёпараст, шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди... Биз шу ҳолда кетадиган, бир-биримизнинг теги-мизга сув қуядиган бўлсак, яқиндирки, чор истибдоди Туркистонимизни эгаллар ва биз бўлсак ўз қўлимиз билан келгусимизни ўрис қўлига қолдирган бўлурмиз. Ўз наслини кофир қўлига тутқин қилиб топширувчи — биз кўр ва ақлсиз оталарга худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим! Боболарнинг муқаддас гавдаси мадфун Туркистонимизни кофирхона қилишга ҳозирланган биз итлар, яратувчининг қаҳрига албатта йўлиқармиз! Темир кўрагон каби доҳийларнинг, мирза Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Али-Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилганлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрагувчи, албатта тангрининг қаҳрига сазовордир, ўғлим! Гуноҳсиз бечораларни бўғизлаб, болаларини етим, хоналарини вайрон қилувчи золимлар-қуртлар ва қушлар, ердан ўсиб чиққан гиёҳлар қарғишига нишонадир, ўғлим!..

42- §. Пауза

Нутқ жараёнида бирор мантиқий эҳтиёж ёки мақсад туфайли тўхташ, кичик танаффус қилиш пауза ҳисобланади. Пауза сўзларни бир-бирига алмаштириб юбормаслик ва нафас олиш учун табиий эҳтиёж бўлибгина қолмай, баён қилинаётган фикрни ойдинлаштириш мақсадида онгли равишда фикр йўналишини белгиловчи нутқ воситаси ҳамдир.

Бадий асарни ифодали ўқиш, уни жанр хусусияти, мазмунига мос тарзда ижро этишда паузанинг ўрни катта.

Паузанинг грамматик, мантиқий ва психологик турлари ўзаро фарқланади.

1. **Грамматик пауза** тиниш белгиларига боғлиқ бўлиб, улар қўлланган ўринларда қисқа пауза қилинади. Ҳар бир тиниш белги ўзига хос пауза билан ажралиб туради. Масалан, вергулда кичикроқ пауза, тиреда катта, кўп нуқтада нисбатан каттароқ пауза қилинади. Қиёсланг:

1. Гап сўзда эмас, уни айта билишда.
2. Билим — барча кулфатларга қалқон.
3. Ахир, мен бурчлиман,
Ватаним, элим олдида...

Ҳақ сўзни айтмаслик — қабиҳ жиноят!
(Нусрат Карим.)

2. **Мантиқий пауза** сўз ёки сўз бирикмаларини мантиқ, мазмун талабига кўра бир-биридан ажратиб, фикрни аниқ ифодалашга хизмат қилади. Фикр мақсадига қараб мантиқий пауза у ёки бу нутқ бўлагидан кейин қўйилиши мумкин. Чунки бундай пауза гап мазмунини бутунлай ўзгартира олиши мумкин. Мантиқий пауза матнда тўғри чизиқча (/) билан белгиланади. Мисоллар:

1. Шаҳримизда кўп / қаватли бинолар қурилди.
Шаҳримизда кўп қаватли / бинолар қурилди.
2. Турфа туйғуларни хуш кўрдим ғоят,
Дунёнинг ўзи ҳам / рангин ниҳоят!
Боқма ажабланиб сатрларимга
Бахтим ривоятдир, / ғамим ҳикоят.

(Абдулла Орипов.)

3. **Психологик пауза** ўқиладиган ёки ижро этиладиган асарда ифодаланиши лозим бўлган кучли ҳис-ҳаяжонни юзага чиқаришга хизмат қилувчи пауза туридир. Психологик пауза орқали табиий руҳий кечинмалар асосий фикр — маънони очиш билан узвий боғланиб, нутқни жонлантиради, сўз билан ифодалаш қийин бўлган ҳолатларни ўқувчи ёки тингловчига аниқ ва тўлиқ етказилади. Матнда психологик паузанинг ўрни икки тўғри чизиқча (//) билан кўрсатилади. Масалан:

Ҳ а м р о б у в и: *Ахир, жон қуда, нега ундоқ дейсиз!
Нега тушунмас эканман! Тушунаман, // тушуниб турибман.
Лекин биттаю битта қизим... // Орзу-ҳавас кўраман
деганимда ташлаб кетса... //*

(А. Қ. «Шоҳи сўзана»)

31-топшириқ. Паузанинг юқорида кўрсатилган турларига биттадан гап тузинг ва уларнинг вазифасини изоҳланг.

57-машқ. Қуйидаги матни ифодали ўқинг. Мантиқий ва психологик урғуни матнга белгилар билан қўйиб чиқинг. Паузаларининг қўйилиш сабабларини изоҳланг.

БАХТ ЛИБОСИГА СИҒИШ

Тўй... Ҳамманинг вазифаси аниқ. Сиз — куёв. Ёнин-

ғизда — келин. Атрофда ҳамма бахт либосини кийишга тиришяпти.

Кимдир ҳавас билан, кимдир ҳасад билан, кимдир қувонч билан, кимдир андуҳ билан сизга боқади. Яна анчайин турфа «гулдастали» нигоҳлар... Тўйга тўйиш учун келганлар дастурхон текширади. Тўйга меҳрни тўйиш учун келганлар аллакимларнинг нигоҳини қидиради. Хаёлпарастлар семиз-ориқ жуссаларини ўзгаларнинг кийимига тиқиб кўргандан хурсанд...

Беибо ёғду... Шаддод мусиқанинг чираниши бесас...
Менгина ундовлар ичида ёлғиз сўроқман...

(*Ёқутхон Акрамова.*)

43-§. Интонация.

Оғзаки нутқнинг ўзига хос ифодали воситаларидан бири **интонация**дир. Интонация сўзловчининг ҳиссиёт ва руҳий кечинмалари натижасида пайдо бўлувчи, ўқи-лаётган ёки ижро этилаётган асарнинг ифодалигини таъминловчи овоз оҳангдорлигидир. У нутқ бўлаклари-ни бир бутун ҳолда кўрсатади, гапнинг грамматик-мазмуний тугаллигини, сўзлар ўртасидаги турли син-тактик муносабатларни ифодалайди, нутқдаги айрим бўлакларнинг ажратилишини билдиради. Интонация орқали асар қаҳрамонларининг турли кайфиятлари, ички кечинмалари, фикр-интилишлари ифодаланади. Бадий ўқишда ҳам, ижро санъатида ҳам бир хил оҳангга йўл қўймасликда интонациянинг аҳамияти катта. Шу жиҳатдан интонация ўзгарувчандир, чунки у асар мазмуни, қаҳрамон ёки муаллифнинг фикр-туйғуси ва ҳиссиётидан, қолаверса, тингловчининг муносабатидан табиий равишда келиб чиқади. Интонацион ранг-баранглик бадий асарнинг эстетик таъсирчанлигини оширади, оғзаки нутқнинг табиийлиги ва самийлигини таъминлайди.

Интонация нутқнинг ифодалигини таъминловчи кўпгина фонетик омилларга боғлиқ. Буларга урғу, пауза билан бир қаторда темп, ритм, тембр каби ифода воситалари ҳам киради.

1. **Темп** нутқ оқимининг маълум вақтдаги ҳаракат суръати бўлиб, нутқнинг артикуляцион таранглиги ва эшитилиш аниқлиги даражасини изоҳловчи тезлашуви ёки секинлашувидир.

Нутқнинг темпи сўзловчининг ички кечинмалари, воқеа-ҳаракат ривожига қараб ўзгариб туради. Бадий

Ўқишда ва асар ижросида темп фикрни жонлантиришга, унинг таъсир кучини кўтаришга, асарнинг ғоявий-эстетик моҳиятини очишга хизмат қилади. Масалан: Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романидан олинган қуйидаги парчада Мирзо Улуғбекнинг сўзлари ҳиссий ҳолатига боғлиқ ҳолда тезроқ ва баландроқ, Шаҳзоданики эса секинроқ ва пастроқ темпда ўқилади: Мирзо Улуғбек жисмини қақшатган аламли туғённи аранг босиб:

— Куч-қудратингга инониб,— деди.— Мовароуннаҳр сарҳадига қадам қўймай қиёмат қойим қиласенму?

Шаҳзоданинг ранги ўчиб, бежо кўзлари тунгги алангадай ялтиллаб кетди.

— Нечун қадам қўймаганмен? Мовароуннаҳр улуси оёғим остидадур!

— Эсингда бўлғай, бу тупроқни оёқ ости қилдим, деган не-не фотиҳлар, не-не жаҳонгирлар ўтгандур. Уларнинг хоки қайда — тирик бир банда билмайди ва лекин бу эл, бу тупроқ абадул-абад туражақдур!

2. Ритм нутқ оқимидаги урғули ва урғусиз ёки узун ва қисқа бўғинларнинг, тезлашиш ва секинлашишнинг бир текисда такрорланишидир. Айниқса, шеърий асарда ритмнинг муҳим ўрни бор, уни ўқиганда ёки қуйлаганда жанр ва мазмун хусусиятига қараб ўзига хос ритм сақланиши керак. Масалан:

Азалий ҳақ гапни яширмақ нечун,
Завол йўқ энг асл истеъдод учун.
Агарда коинот тегирмон бўлиб,
Оламни янча ҳам, қолгай у бутун.

(Абдулла Орипов.)

3. Тембр нутққа эмоционал-экспрессив жило берувчи товуш бўёқдорлигидир. Ҳар бир кишининг ўзига хос овози ва гапириш оҳанги бор. Шунга кўра кишиларнинг товуш оҳанги (бўёғи) турлича: қувноқ, босиқ, ғамгин, ноаниқ ва ҳоказо бўлади.

Агар тембр эстетик истакдан, ижрочилик талабидан келиб чиқса, унда нутқнинг ифодали воситасига айланади. Масалан, Шукур Бурҳонов яратган образларнинг тембри бир-бирига ўхшамайди. Ялангтўш, Эдип, Сулаймон ота каби у яратган образлар шунинг учун бетакрордир.

32-топшириқ. Темп, ритм ва тембрга биттадан мисол топинг ва уларнинг нутқ интонациясини шакллантиришини изоҳланг.

58- машқ. Қуйидаги шеърнинг интонацион хусусиятларини аниқ-
ланг ва ифодали ўқинг.

ХАЛҚ

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир.
Халқ қўзғалса, куч йўқдирким, тўқтотсун,
Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсун.
Халқ исёни салтанатни йўқ қилди,
Халқ истади тожи тахтлар йиқилди.
Халқ истаса, озод бўлсун бу ўлка,
Кетсун унинг бошидоғи кўланка.
Бир қўзғалар, бир кўпирар, бир қайнар,
Бир интилар, бир ҳовлиқар, бир ўйнар.
Йўқликни-да, очликни-да йўқ этар,
Ўз юртини ҳар нарсага тўқ этар.
Бутун кучни — халқ ичидан олайлик,
Қучоқ очиб халқ ичига борайлик.

(Чўлпон)

44- §. Бадий нутқнинг фонетик ифодалилиги

Бадий асарларда шоир ва ёзувчилар оҳангдорлик қонуниятларини эстетик мақсадларга бўйсундирадилар, нутқнинг товуш қурилишини ифода мазмуни билан узвий боғлаб, товушлар бирикмасини фикрни ифодалашнинг товуш воситасига айлантирадилар. Айниқса, шеърятда нутқнинг фонетик ифодалилигини оширувчи турли усуллардан фойдаланилади. Ассонанс ва аллитерация шундай усулларнинг асосийларидир.

Юқорида ўрганилган пауза, интонация, темп, ритм, тембр, товуш чўзиқлиги каби ҳодисалар ҳам фонетик ифодалилиқни шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

1. **Ассонанс** бир хил унли товушларнинг такрорланишидир. Ассонанс натижасида мисралар алоҳида оҳангдорлик касб этади, ўқувчида алоҳида эстетик завқ уйғотади. Масалан, қуйидаги тўртликда ў товушининг такрорланишига эътибор беринг:

Дунё гўзал кўринур сенга
Ўзи қанча эски бўлса ҳам.
Яшараркан бутун табиат
Ўз эгаси кўйганда қадам.

(Ҳ. О.)

2. **Аллитерация** бир хил ундош товушларнинг нисбатан бир маромда такрорланишидир. Бу ҳодиса ўзбек шеърятда ҳам сезиларли ўрин эгаллаган. Топишмоқ, тез айтишларда ҳам ундошларнинг такрорланиши ўзига хос оҳангдорлиқни таъминлайди.

Масалан, қуйидаги мисраларда қ ундошининг так-
рорланиши нутқнинг ифодавийлигини вужудга келтир-
ган:

Қора қошинг, қийиқ қошинг, қуюқ қайрилма
қошинг, қиз
Қилиб қатлимға қасд, қилич қайраб қотил
қарошинг, қиз.
Қафасда қалб қушин қийнаб, қанот қоқмоққа
қуймайсан,
Қараб қуйгин қиеким, қалбни қиздирсин
қуешинг, қиз.

(Э. Воҳидов.)

33- топшириқ. Ўзингиз ёдлаган шеърлардан ассонанс ва алли-
терацяга мисоллар келтиринг.

59- машқ. Қуйидаги шеърий парчалардаги фонетик ифодавийлик
воситаларини изоҳланг.

1. Сени қуёш кўтаргай бошга
Сен ҳам ошиқмисан ёки оҳуҷон.

(Абдулла.Орипов.)

2. Азиз асримизнинг азиз онлари
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.

(F. F.)

3. Розимасман бир ёш томса кўзимдан,
Розимасман сал ранг кетса юзимдан,
Йўл ошсам-у, сал яшашдан адашсам,
Розимасман унда тамом ўзимдан.

(Ҳ. О.)

4. Мен то жондан севдимки, сени жон элим,
Бу жаҳон эли бўлмиш жонажон элим.

(Нусрат Карим.)

ЛЕКСИКОЛОГИЯ

45-§. Тилшунослик фанининг барча бўлимлари бири-бири билан чамбарчас боғлиқ. Фонетикада тилнинг товуш томони, морфологияда сўз тузилиши, синтаксисда сўз бирикмалари, гап, гап тузилиши ва турлари ўрганилса, лексикологияда сўз бойлиги, сўзнинг маъно хусусиятлари, қўлланиш жараёнида касб этадиган турли маъно нозикликлари ўрганилади. Масалан, *Кўклам келди* гапи синтактик жиҳатдан: гап, содда гап, йиғиқ содда гап; лексик жиҳатдан: бири фаслнинг номини, иккинчиси ҳаракатни англатган икки сўздан иборат; морфологик хусусиятига кўра *кўклам* сўзи уч қисмдан иборат: *кўк-ла-м*: кўк рангни билдирипти, *кўкла* сўзида *-ла* сифатдан феъл ясапти, *кўклам* сўзида *-м* феълдан фасл номи — от ясапти. Ҳз навбатида, бу сўз яна майда бўлақларга бўлинади, яъни икки унли ва тўрт ундош товушдан иборат.

Демак, тилнинг юқоридаги барча соҳалари бири-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шу туфайли улар бизнинг нутқимизга маъноли тус беради ва фикр ифода қилишимизга имкон яратади.

Лексикология тилнинг сўз бойлиги, сўзларнинг пайдо бўлиши (этимологияси), маъноси ва маъно тараққиёти (асосий ва кўчма маънолари), шакл ва маъно муносабатига кўра турлари, эскирган ва янги сўзлар каби масалаларни ўрганади. Шунинг учун сўзлар шу тилда гаплашувчи халқнинг тарихи, маданияти, турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқ.

СЎЗЛАРНИНГ АСОСИЙ ВА КЎЧМА МАЪНОЛАРИ

46-§. Сўз баъзан матнда бир маънони, алоҳида олинганда бошқа маънони англатиши мумкин. Масалан, *қулоқ* ёки *кўз* дейилганда, инсоннинг икки аъзоси ангилашади. Бу сўзларнинг бошқа маънолари (*ариқнинг қулоғи*, *бўлоқнинг кўзи*, *деразанинг кўзи* ва ҳоказо) ана шу асосий маъно негизида юзага келган бўлиб, сўз маъносининг тараққиётини билдиради. Сўзлар-

нинг бир неча маъно англатиб келиши кўп маънолилиқ (полисемантизм) саналади.

Сўзнинг бундай кўп маъноли бўлиши тил тараққиётининг натижасидир. Тилда ҳар қандай сўз, аввало, бирор нарса ёки ҳодисанинг аташ туфайли пайдо бўлади, яъни бир маънонигина ифодалайди. Кейинчалиқ эса шу сўз маъно тараққиёти натижасида бошқа нарса, ҳодисаларни ҳам ифодалашда қўллана бошлайди ва шу туфайли кўп маъноли сўзга айланади. Баъзи сўзларнинг бадний асарда қўлланишидан англашиладиган айрим маъноси кўп маънолилиқдан фарқ қилади. Чунки бу айрим маъно фақат ўша асардагина мавжуд бўлиб, асар матнидан ташқарида, адабий тилда қўлланмаслиги мумкин. Шунга кўра, айрим маъно замирида маълум эмоционалликни, таъсирчанликни юзага келтиради. Масалан:

Ақлу балоғатнинг шотиларидан
Юксала берингиз секундлар сайин.

(*Гафур Фулом.*)

Шоти сўзи аслида «юқорига, тепага чиқишга мўлжалланган ёғоч (ёки темир) асбоб» маъносида қўлланади. Бу мисраларда эса «давр, босқич» маъносида ишлатилган. Демак, кўп маънолилиқ сўзларнинг лексик маъноларидир.

Кўп маъноли сўзларда икки маъно тури: бош (туб) маъно ва ясама маъно мавжуд.

1. **Бош маъно** бошқа лексик маъноларнинг ўсиб чиқишига асос бўлган маънодир. Масалан, *кўз* сўзининг бош маъноси унинг одам аъзоларидан бирини англашидир.

Сўзнинг бош маъноси нутқий шароит, контекст талабига кўра тўғри маъно, асосий маъно, номинатив (номловчи) маъно деб ҳам юритилади.

2. **Ясама маъно** сўзнинг бош маъносидан ўсиб чиққан маънодир. Масалан, *ёғочнинг кўзи, деразанинг кўзи* каби.

Ясама маъно контекст, нутқий шароит талабига қараб кўчма маъно, мажозий маъно деб ҳам юритилади.

34- топшириқ. Бешта кўп маъноли сўз топиб, улар иштирокида гаплар тузинг ва маъно турларини изоҳланг.

60- машқ. Ғ. Фуломнинг «Сизга» номли шеърдан олинган парчаларни ифодали ўқинг. Сўзларда учраган кўчма маънони унинг асосий маъноси билан қиёслаб изоҳланг.

Одамлик мазмуни тоғлардан буюк,
Айниқса, озодлик нақд хазинадир.
Сен унинг қадрига етгучи фарзанд,
Асрлар кўзгуси мағрур сийнадир.

Шудгорнинг четида, тут соясида,
Кўп ширин тотади меҳнат кулчаси.
Ҳар ноннинг катталиги худди офтоб
Меҳнатсиз умрдир миннат кечаси.

Даланг қирғовидан уқадай ўтар,
Пахталар юкланган чексиз қарвон,
Сенинг манглай теринг, меҳнатинг сингган
Ҳар бир дақиқадир пўлат, зўравон.

Музика бешиги, Штраус ватани,
Оҳанглар бозори қадим Венада.
Динора яратди ўзбек юрагин
Рубобий ҳиссини пианинода.

61-машқ. Узингиз билган бирон шеърни ёддан айтинг. Ундаги айрим (индивидуал) маъно ифодалаган сўзларни топиб, маъносини тушунтиринг.

СУЗ МАЪНОСИНИНГ ТАРАҚҚИЕТИ

Ҳар бир тил фақат янги сўзлар ҳисобига эмас, шунингдек, мавжуд сўзлар маъноларининг ўсиши ҳисобига ҳам бойиб боради. Бир предмет, белги, ҳаракат-ҳолат номининг бошқа бир предмет, белги, ҳаракат-ҳолатга ном бўлиб кўчиши ёки лексик маъно ҳажмининг ўзгариши сўз маъносининг тараққиётига олиб келади.

Сўзларнинг маъно тараққиёти 1) маъно кўчиши; 2) маънонинг кенгайиши; 3) маъно торайиши тарзида рўй беради.

47-§. Сўзларда маъно кўчиши метафора, функция-дошлик, метонимия, синекдоха каби ҳодисаларни ўз ичига олади.

1. **Метафора** (юнонча «*metaphora*» — кўчирма) нисбий ўхшашликка эга бўлган икки предметдан бирининг номи билан иккинчисини ҳам аташ ҳодисасидир. Масалан: *ёқа*: тўннинг ёқаси — дарёнинг ёқаси; *этаж*: кўйлакнинг этаги — тоғнинг этаги.

2. **Метонимия** (юнонча «*metonymia*» — қайта номлаш) нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги асосида бир предмет номи билан иккинчисини ифода этишдир. Бунда икки предмет ўртасида ҳеч қандай ўхшашлик бўлмайди. Улар орасидаги доимий боғланиш туфайли бирини айтганда иккинчиси ҳам англашилади. Масалан:

Лермонтовни ташламадим ҳеч,
Сўнгра қўйиб олдим Ҳофизни.
Пушкин менга кўрсатди ҳар кеч
Йиғлаб турган бир черкас қизни.

(Ҳ. О.)

Мисолдаги *Лермонтов*, *Ҳофиз*, *Пушкин* сўзлари бу санъаткорларнинг асарларини англатяпти.

3. **Синекдоха** (юнонча «*sinekdoche*» — бирга англамоқ, қўшиб фаҳхламоқ) қисмнинг номи билан бутунни ёки бутуннинг номи билан қисмни аташ ҳодисасидир. Масалан, *бош* ёки *туёқ* сўзларининг қорамол, қўй-эчки маъносига, *тирноқ* сўзининг фарзанд маъносига қўлланиши синекдоха ҳодисасига киради.

4. **Маънонинг функциядошлик жиҳатидан кўчиши** маълум бир предметнинг вазифасини иккинчи бир предмет бажариши натижасида аввалгисининг номи кейингисини ифодалаш учун қўлланишидир. Масалан, *ўқ* сўзи камон (ёй) билан отиладиган қуролни ифодалаган. Милтиқ, замбарак ихтиро этилгач, улардан отиладиган қурол ҳам *ўқ* номини олди. Бу вазифаси жиҳатдан ўзаро ўхшашлик туфайли юз берди.

Шуни қайд этиш керакки, сўз маъносининг кўчишидаги кейинги икки усул — синекдоха ва маънонинг функциядошлик жиҳатидан кўчиши у қадар типик эмас. Биринчи икки усул анча кенг тарқалгандир.

62- машқ. Кўчма маънода қўлланган сўзларни топинг. Қайси йўл билан кўчганлигини айтинг.

1. Ҳақиқатан ҳам у булоқнинг кўзини эслатаркан. (Ч. Айт.) 2. ... Латофат ариқ лабидаги чойдишни олиб, ойисига қараб чопди. (О. Ё.) 3. Йўлдошбой сой ёқасидан пастга томон қиялаб юради. (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов.) 4. Икки кўзи ҳар наф моллар билан тўла хуржунни елкага ташлаб, ... инқиллаб кирди. (О.) 5. Зал гуриллаб кулиб юборди. (А. Қ.) 6. Бутун вужуди билан берилди у ўқишга. Ҳар кун олиб папкасин, қатнар у «Навойи»га. (Мирм.) 7. Қўлингиздан қоладиган ёлғиз тирноқ бу. Ишқилиб мендан кейин етимлиги билинмасин! (И. Сулаймон.) 8. Эшитган қулоқ нима дейди? (Ҳ. Ғ.) 9. Ойга учаётган космонавт агар сўраса не китоб олишини, у дам Навойи-ю, Пушкин, Ғафур Тагор ва олиб уч дердим Тихоновни ҳам. (Мирм.) 10. Чорвам бор десам, дегудай. Туёғимиз кўпайса кўпайдики, камайгани йўқ. (Ш.) 11. Қанақа ташвишни айтаяпсиз, оқсоқол? (Р. Файзий.) 12.— Алло, ҳозир

Тошкент билан гаплашасиз,— деди телефонистка.
(*Р. Файзий.*)

48-§. Маънонинг кенгайиши. Сўз жамият билан, шу тилда гаплашувчи халқнинг турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқ. Сўзларда маъно кенгайиши ва торайиши ҳодисасининг рўй беришида ҳам ана шу боғлиқлик кўзга ташланади. Масалан, *ватан* сўзи фақат уй-рўзгор ва туғилиб ўсган қишлоғимизни эмас, эндиликда мамлакатни англатади. Демак, жамият тараққиёти сўз маъноларининг ривожига ва кенгайиши учун имкон беради. Бунда бир маъно асосида янги (ясама) маъно ҳосил бўлмайди, фақат мавжуд лексик маънонинг ҳажми кенгайиши: *нотиқ* (касб маъносида) — *нотиқ* (нутқ сўзлаган киши, маърузачи маъносида); *ойлик* (бир ой — 30 кун маъносида) — *ойлик* (бир ойда олинадиган маош, пул маъносида) каби. *Ампер*, *Маузер*, *Ризамат* каби атоқли отларнинг турдош от (*ампер* — ток ўлчови бирлиги, *маузер* — пистолет тури, *ризамат* — узум нави)га ўтиши ҳам маъно кенгайиши ҳисобланади.

Маънонинг торайишида кенг доирадаги воқеликни атовчи сўз тор доирадаги воқеликни аташ учун хизмат қилади. Масалан, турдош отнинг атоқли отга айланиши (*пўлат* — *Пўлат*, *ўлмас* — *Улмас*) каби. Бунда ҳам янги маъно юзага келмайди, балки сўзнинг илгари англатган маънолари ҳажми нисбатан тораяди: *ўртоқ*, *деҳқон* каби сўзлар дастлаб кенг маънони, эндиликда тор маънони ифодалайдиган бўлиб қолган. Шунга ўхшаш белги ифодалайдиган сўзлар ҳам отлашганда тор маъно ифодалади. Масалан: *мард*, *номард*, *яхши*, *таниш*, *бегона* қабилар.

63-машқ. Узингиз мустақил равишда бирорта бадий асардан лексик маънонинг ҳар бир тараққиёт йўлига биттадан мисол топинг.

64-машқ. Уқинг. Ажратилган сўзларда маъно кенгайиши ёки торайиши ҳолатларини изоҳланг.

1. Помирга кетиш йўли менга беш қўлдек **равшан** эди. (*Ч. Айт.*) 2. Ҳаётда ўз **нонингни** ҳалол меҳнат билан топишни ўрган. 3. Рашид Москвага жўнаш учун **отланди**. 4. Унинг зеҳни жуда **ўткир**, ўзи тиришқоқ эди, мактабда энг кучли ўқувчилардан ҳисобланади. (*П. Т.*) 5. **Уктамнинг** сал сузук кўзлари энди беихтиёр равишда ҳовлида айланиб қолди. (*О.*) 6. Лола, сенга ажойиб совға олдим.

7. Иигитлар сен учун жангга кирганда,
Ботирлар осмонда берганида жон,
Кўзидан қон оққан ёвни кўрганда,
Сенинг енгишингга келтирдим имон.

(Х. О.)

СУЗЛАРНИНГ УСЛУБИЙ БУЁҒИ

49-§. Тилда сўзнинг бош ва кўчма маънолари лексик маъно сифатида нарса ва ҳодисаларни аташга хизмат қилади. Сўзнинг лексик маъносини билиш ва уни тўғри қўллаш тил саводхонлигининг асосини ташкил қилади. Аммо нутқ жараёнида сўзнинг фақат лексик маъносигина назарда тутилмайди: сўзловчи ўзи айтаётган, тилга олаётган нарса-ҳодисаларга ўз муносабатини ҳам билдиради. Демак, сўзлар нутқ жараёнида лексик маънодан ташқари, сўзловчининг аталаётган нарса-ҳодисаларга ижобий ёки салбий муносабатини ифодаловчи қўшимча маънога — услубий бўёққа ҳам эга бўлади. Услубий бўёқ лексик маънога таянган ҳолда уни янада бойитади, бадий, образли сўзга айлантиради. Масалан, *гапирмоқ, сўзламоқ, жаврамоқ, вайсамоқ, бидирламоқ, минғилламоқ, тўнғилламоқ* каби сўзларда овоз чиқариб айтиш умумий маъноси бор. Агар бу сўзлар бошқаларга нисбатан киноя, мазах, кесатиш маъносида қўлланса, услубий бўёқдорлик касб этади.

Лексик қўллаш сўзнинг алоҳида шахс ёки муаллиф нутқида маълум даражада ўз лексик маъносига зид ҳолда янгича маънода қўлланилишидир. Лексик қўллаш натижасида сўз нарса ёки воқеликни атамайди, балки олдин номланган нарса ёки воқеликнинг образли ифодасига айланади. Масалан: *Ҳамма кўриб-билиб турибди, мана шу соддагина одам бир йил ичида айтайлик ўнга отни еб юбормаган. Бу отлар қачонлардир ўз «эга»сини топиб кетганини отбоқардан бошқа ҳамма билади.*

(Е. Хўжамбердиев, «Ўзбеклар иши».)

35- топшириқ. Услубий бўёқнинг ифодаланиш усулларига биттадан мисол топинг ва ифодаланиш усулини изоҳланг.

65- машқ. Матни ўқинг. Услубий бўёқли сўзларни топиб қўшимча маъносини аниқланг.

— Бир илтимос, — дея Баширжон шоирга илтижо қила бошлади, — йўқ деманг энди, домлажон!

— Бу қандоқ бўлди, шоир? — деди Қаримий. — Кат-

тароқ бир нарса бошлаб қўйган эдим-ку? Достон ёзяман, ҳа...

— Бир илтимос, ака... э, домлажон, сангтарош уста қараб турибди, шу бугундан кечикма, деган...

Каримий, осонликча қутулмаслигига ақли етди шекилли, яна Баширжоннинг қўлтиғидан олди.

— Гап бундоқ, шоир...— У сўзини давом эттирмоқчи эди, Баширжон тўсатдан:

— Нега мени «шоир» дейсиз, домла?— деди қизариб. Каримий кулиб юборди. Узун, мошкичири сочини озғин бармоқлари билан орқага тараб:

— Биласизми, дўстим,— деди жиддийлашиб,— бу дунёда ҳаммаям ўзича шоир, мен ҳамма нарсада, ҳамма одамда ўзгача бир поэзия кўраман...

Баширжон унинг нега бирдан «поезд»ни тилга олганига тушунмаса-да, шоирнинг жиддий сўзлаётганидан мамнун бўлиб ўтирарди.

(Н. Аминов, «Елғончи фаришталар».)

ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР

50-§. Ўзбек тили луғат таркиби жиҳатидан жуда бой ва ранг-барангдир. Тилимизда мустақил лексик маънога эга бўлган алоҳида сўзлардан ташқари, маъно жиҳатидан шундай сўзга тенг, аммо икки ва ундан ортиқ сўзнинг турғун бирикувидан ташкил топган фразеологик бирликлар ҳам мавжуд. Уларнинг маънолари таркибидаги сўзларнинг яхлит маъноси асосида юзага келади ва инсон хотирасида бир бутун ва тайёр ҳолда сақланиб, гапдаги бошқа бирликлар билан худди алоҳида сўз каби муносабатда бўлади. Фразеологик бирликлар ибора деб ҳам юритилади. Тилимизда асрлар давомида қўлланиб келаётган, халқимизнинг тафаккур қудратини, турмуш тажрибасини мужассамлаштирган, ҳаёт зиддиятлари жараёнида шаклланган, сайқал топган қуйма иборалар ниҳоятда кўп. Масалан: *боши осмонда, оғзи қулоғида, кўз остига олмоқ, кўз қирини ташламоқ, қўли узун, қўли қисқа, бели бақувват* каби-лар.

Фразеологик бирлик ифодалайдиган маъно кўп жиҳатдан сўз англатадиган лексик маънодан фарқ қилади. Фразеологик маъно сўзга нисбатан, аввало, маънони ўта кучли даражада ва муҳими, ўткир образли-

лик, таъсирчанлик белгиси билан ифодалайди. Шунга кўра, улар сўзнинг бой образлиликка эга бўлган маънодоши саналади. Қиёсланг: *яширин* — *енг ичида*, *хурсанд* — *оғзи қулоғида*, *олғир* — *юлдузни бенарвон урадиган*, *афсусланмоқ* — *бармоғини тишлаб қолмоқ*.

66- машқ. *Еқасини ушламоқ, қилдан қийиқ чиқармоқ, кавушини тўғрилаб қўймоқ, бошини емоқ, оғзи қулоғида, арпасини хом ўрмоқ, тепа сочи тикка бўлмоқ, ҳафсаласи пир бўлмоқ, бармоғини тишламоқ, кўзи учмоқ* ибораларининг маъносига изоҳ беринг. Улар иштирокида гаплар тузинг.

67- машқ. Гапларни ўқинг. Фразеологик бирликларни топиб, уларни маънодош сўзлар билан қиёслаб, фарқини айтинг.

1. Маҳалла-қўй узоқдан овозини эшитиб: «Жўра полвоннинг ошиғи олчи экан-да?» — деб қўйди. (С. Ан.)
2. Мирзакаримбой илоннинг ёғини ялаган одам. (О.)
3. «Зуваласи пишиқ яратилганлар-чи, ҳозир ҳам пишиқ», — деган эди. (С. Ан.) 4. Узиям тегирмонга тушса, бутун чиқади. (О.) 5. Она кўзи тўрт бўлиб йўлга қарайди. (Ҳ. О.) 6. Ҳамманинг оғзи очилди-қолди. (М. Исм.) 7. Сатторов оёғи куйган товукдек типирчилаб қолди. (Ю. Шомансур.) 8. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқарайлик. (М. Исм.) 9. Туробжоннинг тепа сочи тикка бўлди. (А. Қ.) 10. Ҳамма иш ҳамирдан қил суғургандай бўлди. (С. Аҳм.) 11. Энди гидростанция қуриш учун астойдил бел боғлашимиз керак, ўртоқ Сайрамов. (О.) 12. Сехина — қўли эгри хотин. (Р. Турсунов.)

51-§. Иборалар услубий бўёқдорлиги билан ажралиб турувчи тил бирликларидир.

Кучли экспрессивлик, образлилик ибораларни нутқнинг фаол воситасига айлантиради, унинг оғзаки нутқда, бадий адабиётда ҳамда публицистикада ўткир ва ихчам тасвирий восита бўлишини таъминлайди. Фразеологик бирликлар қаҳрамон образини таърифлашда, персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда, воқеа-ҳодисаларнинг эмоционал-сиқиқ тасвирини яратишда тайёр таъсирчан восита саналади. Баъзан ёзувчилар, сўз усталари ибораларни ғоявий-бадий мақсадга, контекстга мослаб қисман ўзгартирадилар ва шу орқали яқка муаллифга хос фразеологик бирликлар яратилади. Масалан, А. Қаҳҳор асарларидаги «*миа механизмидан бир винти тушиб қолган*», «*бошини қашлаб туриб қорнига муштламоқ*», «*бурганинг йўталидан бў-*

рон қўпормоқ», «кигна билан битадиган ишга жуволдиз тикмаслик» каби иборалар шундай яратилган.

36-топшириқ. Бирон бадий асардан таркибидаги сўзлар қисман ўзгартирилган 5 та фразеологик бирлик топинг ва уларни Ш. Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати»даги тузилиш шакли билан солиштиринг.

68-машқ. Уктам Усмоновнинг «Гирдоб» романидан олинган қуйидаги парчалардан ибораларни топинг, услубий бўёғини, таркиби қандай ижодий ўзгартирилганини изоҳланг.

1. ... Муҳиддин Жабборович хўмрайиб, бирдан журналистлардан хафа бўлиб кетди. «Уларга учини чиқарса бас — қуруқ аравани тоза олиб қочишади. Ўзлари масалани тузукроқ тушуниб етмай туриб, ҳақиқатни арзон шов-шувга қурбон беришларига, илмий фактларни юзаки билган ҳолда яна уялмай умумий хулосалар чиқариб, олимларга ақл ўргатишларига куясанми ё ўласанми?! «Истеъдодли олим» эмиш! Шундай донгдор пахтакорни ҳам йўлдан уришибди-я! Унинг обрўйи керакда, ахир! Гавҳар узук билан данак чақиш бу!.. Ваҳоланки, партия минбаридан бундай пала-партиш фойдаланиш... билмадим, нима дейиш мумкин буни?! Тишларининг оқини кўрсатиб, керилиб туришларини қаранг! Гўё тоғни қулатиб бергандай...»

2. ... «Ҳаммасига мана шу калондимоғ айбдор! — деган фикр ўтди Салтанатнинг хаёлидан, кўз қири билан эрининг дўрдайган бурнига қараркан. — Ҳатто муомалани билмайди-ку, тагин димоғларидан қор ёғади... Кўнглига қарайвериб-қарайвериб, туғишганларимдан ҳам бегона бўлдим. Бу авлиёга эса ҳали-ҳали бир гап — оз, икки гап — кўп...» Салтанат қимматбаҳо зираклари электр нурида ялт-юлт чақнаб кўзни олаётган нозанин опа-сингилларга яна бир бор қаради-ю, чуқур хўрсинди; «ўзи шу — ови юрганнинг дови ҳам юраркан!»

СЎЗЛАРНИНГ ШАҚЛ ВА МАЪНО МУНОСАБАТИГА ҚУРА ТУРЛАРИ

Шакл ва маъно муносабатларига кўра сўзлар уч турли бўлади: омоним, синоним ва антонимлар.

52-§. Омонимлар талаффузи ва ёзилиши бир хил, маънолари ҳар хил бўлган шаклдош сўзлардир. Масалан: 1) *соз* — пухта, маъқул; 2) *соз* — чолғу асбоби; 3) *соз* — иноқ, ўзаро яқин.

Шаклдош сўзларни кўп маъноли сўзлардан фарқ-

лаш лозим. Улар айтилиши ва ёзилиши бир хиллиги жиҳатидан ўхшаш бўлса-да, шаклдош сўзлар маъносида ички боғланиш бўлмайди, уларнинг ҳар бири алоҳида маънога эга бўлган сўзлардир. Юқорида келтирилган *соз* сўзининг ҳар бири алоҳида сўз ҳисобланади. Кўп маъноли сўз эса, ўз номидан англашилаётганидек, бир неча маъноси бўлган бир сўздир. Кўп маъноли сўзлар англатган маъноларда ички боғланиш бўлади.

69- машқ. Гапларни ўқинг. Омоним сўзларни топиб, маъноларини тушунтиринг. Метафоралардан фарқини айтинг.

1. От яна пишқириб икки олдинги оёғини осмонга ташлади. (*Туроб Тўла.*) 2. Каталакдек кичик ҳовли ўртасидаги ток остига қўйилган темир чорпояда кечаги уч йигит ўтирар эди. (*Ф. Насриддинов.*) 3. Ҳазонлар орасида бизнинг олма, дўлана ташийдиган кажаваларимизга ўхшаш кажавалар думалаб ётарди. (*Туроб Тўла.*) 4. Бир неча сувори тапира-тупур қилиб кўприк устидан от чоптириб ўтди. (*И. Содиқов.*) 5. Тушимда алаҳсиганман, шекилли. (*М. Маҳмудов.*) 6. Соч олдириш навбати Қори Ишкамбага етди. (*С. А.*) 7. Кўпик сочиб боради. (*«Равшан» дostonидан.*) 8. Чанг-тўзон машина ойнасига урилиб, йўлни кўрсатмай кўяр эди. 9. Бастакор чангда қандайдир куй чалар эди. 10. Оҳ, бизнинг ёшлигимиз уруш вақтида ғам-ҳасрат билан ўтган. (*Ҳ. Муҳаммад.*) 11. Ана энди кўз ёшингни дарё қилавер. (*Ҳ. Муҳаммад.*)

70- машқ. Қуйидаги сўзларни ўқинг. Аввал омоним, кейин кўп маъноли сўзларни кўчиринг, уларнинг фарқини шу сўзлар иштирокида гаплар тузиб тушунтиринг.

Боғ, чанг, ёзмоқ, ёз, бош, қулоқ, кўз, томир, от, той, ошиқ, кўк, ойлик, тирноқ, қирқ, сон, қўй, соч, ёз.

Шаклдош сўзлардан услубий мақсадларда кенг фойдаланилади, улар бадний адабиёт ва сўз санъатида муҳим таъсирчан восита саналади. Шаклдош сўзларни қўллаш билан турли сўз ўйинлари, аския, пайров, ҳазиллар келиб чиқади, шеърятда туюқ жанри тузилади. Масалан:

Бу дунёдин фараҳ йўқтур мени маҳсунга жононсиз,
Жаҳондин ким десун биллоҳ керакмас манга жон онсиз.

(*Бобур.*)

Келур сел, кўкда гоҳо бўлса чақмоқ,

Зарар қилгай данакни тишда чақмоқ.
Емондир икки ўртоқ ўртасида
Уриштирмоқ учун бир-бирига чақмоқ.

(Ҳабибий)

Матн мазмунини очувчи шаклдош сўзларнинг маъносини тўғри фарқлай билиш муҳимдир. Маънони тўғри англай олмаслик оқибатида нутқда ноаниқликка, баъзан қўпол хатога йўл қўйиш ҳоллари учрайди. Бу ҳолат омонимларнинг бошқа кўриниши — паронимлар (товуш жиҳатдан фарқли, аммо айтилиши ўхшаш сўзлар) да, айниқса яққол кўринади:

Асил номинг нима?, Қўйлак асл шоҳидан тикилган гапларида асил ва асл сўзлари нотўғри қўлланган.

37-топшириқ. Ўзингиз билган пайров, қочиріқ ёки туюқлардаги шаклдош сўзлар маъноларини тушунтиринг.

71-машқ. Қўйидаги бадний парчалардаги таъсирчан воситаларни топинг ва уларнинг қайси жанрда ва қандай маънода қўлланганини айтинг.

1. Йўлдошхон: **Ширин** гапирасиз-да, Айниддин ака! Бу сафар ўзимиз билан «**Очил дастурхон**» ҳам олиб келганмиз. Қандолатчиликнинг энг ноёб меваларидан топилади. Ҳатто **қуш сuti** ҳам бор.

Зайнобиддин ака: Ҳамма **чучуқлик** муҳайё экан-ку, манави шогирдим **Шираев** бўлса, келишда бир дўконда савдо қилаётган ёш жувондан **ирис бор-ми** деб сўраяпти.

Ғуломжон ака: Жувон ҳам бўш келмай, «Ака **Қорақумдан** келганмисиз, бировнинг **ирисини сўраб** нима қиласиз? Ана сизбоп **кис-кис, тузиклар бор**» деганмиш.

Шираев: Мен қувониб, «**Оқ**» ўшалардан **тортинг** дедим-да, **мағизли ҳолвасидан** ҳам олдим.

(«Т. оқшоми» газ.)

2. Дейдиларки, кунгабоқар
Умр бўйи кунга боқар.

(«Еш ленинчи» газ.)

3. Ул ёр агар ёшурса юз оқ,
Ағёрға гар кўрунса юз оқ.

(Бобур.)

4. Қўлингдан келганча чиқар яхши от,
Яхшилик қил болам, ёмонликни от.

Насихатим ёд қилиб ол, фарзандим,
Елғиз юрса чанг чиқармас яхши от.

(Фольклордан)

Шаклан тенг келувчи фразеологик бирликлар ҳам нутқда мавжуд. Масалан, *қўл кўтармоқ* (урмоқчи бўлмоқ) — *қўл кўтармоқ* (тарафдорликни билдирмоқ); *жони чиқмоқ* (ўлмоқ) — *жони чиқмоқ* (қаттиқ ғазабланмоқ); *бошига кўтармоқ* (қаттиқ шовқин солмоқ) — *бошига кўтармоқ* (қаттиқ ҳурмат қилмоқ) каби.

Шаклдош фразеологик бирликларнинг асл кўчма маъноси контекстда намоён бўлади. Иборанинг қандай маъно ифодалаётганини тўғри англаш учун унга контекстан ажралмаган ҳолда ёндошиш лозим, акс ҳолда ибора маъноси нотўғри тушунилади.

72-машқ. Узаро шаклдош фразеологик бирликларнинг маъноларини фарқлаб изоҳланг.

1. Отвод бериш қаёқда, ҳеч ким мени оғзига ҳам олмади. (А. Қ.) 2. Асли мени хўжайин ўргатди. Илгари бир қатра оғзимга олмас эдим. (О.) 3. Сал ўтмай пастликда қордан рўмол ўраган ғарамлар кўринди. Маънос келаётган қўйларга жон кирди. (С. Ан.) 4. Арава сиғмайдиган ичкарилик кўчага бугун жон кирган. (О.) 5. «Мен айта қолай, опа!» — деган эди, ўқитувчи сўз бермади. (Ҳ. Назир.) 6. Мен ҳам сиздай ҳақдоний бўлишга сўз бераман. (П. Қ.) 7. Атроф-теварақда кўчани бошига кўтариб юрган болаларнинг шовқини тинган. (Р. Файзий.) 8. Жамила хола ҳам Ҳамида келгундай бўлса, «қизим-қизим» деб бошига кўтаради. (С. Ан.)

53-§. Синонимлар бир умумлаштирувчи, бирлаштирувчи маънога эга, аммо маъно нозикликлари билан фарқланувчи ҳамда талаффузи, ёзилиши ҳар хил бўлган маънодош сўзлардир. Масалан: *юз, бет, афт, башара, чеҳра, турқ, дийдор, тус, ранг*. Бу сўзлардаги бир умумлаштирувчи маъно замирида юзага келган маъно нозикликлари уларнинг фарқини ва қўлланишида ўзига хосликни таъминлайди.

Синонимлар одатда бир сўз туркумига мансуб бўлади: *дўст, ўртоқ* (от); *аъло, яхши* (сифат); *юксалмоқ, ўсмоқ, ривожланмоқ* (феъл); *кўп, мўл* (равиш).

Бир бирлаштирувчи маъно атрофига уюшаётган синонимлар синонимик қатор, шу қаторда нисбатан бетаараф маъно ифодаловчи сўз доминанта деб юритила-

ди. Масалан, кишининг қиёфасини англатувчи юқорида келтирилган сўзлар бир синонимиқ қатор бўлиб, унинг доминантаси юз сўзидир. Синонимларни тўғри қўллаш билиш гап мазмунининг равон, аниқ ифодаланишини, нутқнинг ноўрин такрорлардан холи бўлишини таъминлайди ва сўзловчининг савияси, нутқ маданиятини намоён этади. Синонимларнинг нозик маъно қирраларини ва ранг-баранг услубий бўёғини фарқлай билиш лозим. Масалан, *касал, бемор, хаста, бетоб* сўзларининг ўзаро маъно қирраларини фарқлаб ишлата билмаслик, нутқ эстетикасини бузади, қўпол хатоларга олиб келади.

73- машқ. Гапларни ўқинг, синоним сўзларнинг маъноси ва маъно нозикликларини тушунтиринг.

1. Ҳазал ҳам бўлурми бунча дилрабо, Бунчалар серишва, бунчалар серноз. (Э. В.) 2. Лекин генерал унга парво қилмай очиқ юз, табассум билан капитанни чақирди. (Ш.) 3. Эндиликда боя ўйламаган ўйлари, инсофу адолат, диёнат, ҳалоллик, ва яхшилик тўғрисидаги ўйлари рўёбга чиқариш лозим эди. (О. Е.) 4. Ҳамиша шундай бахтли, фароғатда яшашимга юрагим бовар қилмайди. (Ш.) 5. Бечора қизим! Шўрлик қизим. (Ҳ. Ҳ.) 6. Бой, қолмади тоқатим! Бир йўла ўлдир, бўғиб ташла мен бахти қарони! Қутулайин шу ортиқча жондан! Халос бўлай шу ит азоби кунлардан! Ўлдир, ноинсоф, бераҳм бой! (Ҳ. Ҳ.) 7. Мен ҳали ҳасратимни, дардимни келиб-келиб сизларга айтдимми?! (Ҳ. Ҳ.) 8. Кокили гул, кўйлаги нур баҳорнинг, Қучоғида яйра, яшна, қанот қоқ. (Яшин.) 9. Унганман қип-қизил баҳор кўйнида, Ғам-алам, қайғуга улфат эмасман. (Яшин.) 10. Ҳамма хурсанд, ўзида йўқ шод, Етганига шундайин дамга. (Ҳ. Ҳ.)

74- машқ. *Истак, кўкрак, юз, виждон, дангаса қизик, одам, уятсиз, катта, аввал, жуда, севги, от* каби сўзларнинг синонимлар қаторини тузинг. Маъно жилоларидаги фарқларга низоҳ беринг.

Иборалар ҳам синоним бўлиб келади. Нутқнинг мантиқийлигини кучайтириш, мазмунни аниқ ва ихчам ифодалаш учун бундай синоним иборалар муҳим восита ҳисобланади. Шу жиҳатдан синоним иборалар сўз санъаткорларига манзарани аниқ гавдалантириш, ҳолатни муҳим нуқталари билан кўрсатиш, тасвири жонли, ширали ва табиий қилиб беришда жуда қўл келади. Масалан: *Оғизларингда қатиқ ивтидиларинг-*

ми: нега индамайсизлар? Бир гапириб, ўн куларди, ҳаммани оғзига қаратарди... Бугун мум тишлаб қолди. (Ойдин.) Бу мисоллардаги оғизларингга қатиқ ивитдиларингми, мум тишлаб қолди синоним иборалари бир умумий маънони — гапирмасликни, жим туришликни ифодали тасвирляпти.

38- топшириқ. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» ва Ойбекнинг «Қутлур қон» романиларидан 10 тадан синоним иборалар топинг. Уларнинг бирлаштирувчи маъносини ва маъно нозикликларини изоҳланг.

54- §. Антонимлар бир-бирига зид, қарама-қарши маъно билдирувчи сўзлардир. Масалан: *катта — кичик, иссиқ — совуқ, рост — ёлғон, аччиқ — чучук, вафоли — вафосиз* каби.

Одатда иккита сўзнинг зид лексик маъно муносабати антоним сўзларни ҳосил қилади, бирини айтиш билан унинг зид маъноси ҳам назарда тугилади. Тилда белги-хусусият англатувчи сўзларда зидлик, қарама-қаршилиқ муносабати кенгроқ тарқалган: *узоқ — яқин, оқ — қора, оч — тўқ, дўст — душман* каби.

Антоним сўзларнинг нутқда жуфт ҳолда ишлатилиши кўпроқ учрайди, бунда сўзларнинг зид маънолари умумлашади: *яхши — ёмон, оқу қора, ёшу қари* каби.

Фразеологик бирликлар ҳам ўзаро антонимик муносабатда бўлиши мумкин: *ерга урмоқ — кўкка кўтармоқ, кўнгли қора — оқ кўнгил, ҳаш-паш дегунча — туянинг думи ерга текканда* каби.

Нутқда воқеа-ҳодисалардаги, характер-фаолиятдаги қарама-қарши муносабатларни кўрсатиш ва зидлаш усули орқали ифодавийликка, маънони кучайтиришга, белгиларни аниқ ажратишга эришилади. Шунга кўра, фикрни таъсирли, кучли, тасвирий ифодалаш, ажратиб таъкидлаш мақсадида бадий асарда, халқ оғзаки ижодида антонимлар кенг қўлланади. Халқ мақоллари ва ибораларида ҳам антонимларнинг хусусияти мужассамлашган. Масалан: *Яхши топиб гапирар, ёмон қопиб гапирар. Аччиқ билан чучукни тотган билар, узоқ билан яқинни юрган билар, иссиқ билан совуқни кўрган билар. Ақлли ўзини айблар, ақлсиз — дўстини.* (Мақоллар.)

75- машқ. Гапларни ўқинг, антоним сўзларни топиб, маъносини изоҳланг ва уларни жуфтлаб қўчиринг.

1. Яқин-йироқдаги манзиллардан одамлар ёрдамга

келяпти. (Ж. Абдуллахонов.) 2. Олдинлари Отақўзи иссиқ-совуқни, паст-баландни билмайдиган бир киши эди. (О. Е.) 3. Қачон иқроор бўлишга қарор қилсанг, хабар қил: кечасими-кундузими, барибир. (Ш.) 4. Турмуш аччиқ-чучугини тортавериб кўзи чиниққан мудир ёшгина терговчининг хатти-ҳаракатларидан ажабланар, гоҳ кулгиси қистар эди. (Ш.) 5. Яхши рўзгор — жаннат, ёмон рўзгор — дўзах. (Мақол.) 6. Сабр қил, қизим, сабр. Сабр ожизнинг куч-қуввати, кучлининг зийнати. (Ш.) 7. Давжон паст-баланд қирлар ошиб, тоққа чиқди. (О. Хусанов.) 8. Ёш келса — ишга, қари келса — ошга. (Мақол.) 9. Ер очишди. Чигит экишди. Маъна энди эртаю кеч юқори ҳосил оламиз деб тиришиб ётишибди. (Ш.) 10. Меҳнатдан дўст ортар, ғийбатдан — душман. (Мақол.) 11. Каримова ўзига-ўзи гапирар, гоҳ олдинга юрар, гоҳ орқага юрар эди. (А. Муҳиддин.) 12. Бу хирмонни тиклашда катта-кичик, ёш-қари — ҳаммасининг ҳиссаси бор. (Газ.) 13. Унинг ҳаёти яхшидир-ёмондир, аччиқдир-чучукдир — хотиралардан иборат бўлади. (Э. Аъзамов.) 14. Катта-кичик — ҳамма қийқириб юборди. (М. Исм.)

76- машқ. *Азоб, хафа, мавҳум, азиз, айёр, анқов, арзон, аччиқ, баланд, бегуноҳ, гўзал, бор сўзларининг антонимларини топиб, гаплар тузинг.*

77- машқ. *Уқинг. Ажратиб кўрсатилган сўз ва фразеологик ибораларнинг антонимларини топинг.*

1. Сўзни **тўғри** ёзишни ўрган. — **У** — **тўғри** одам.
 2. Уста **ўткир** асбоб билан симни қирқди. — **Ўткир** зеҳнли бола.
 3. **Бўш** ўринга ўтиринг. — Унинг **кўнгли бўш**. — **Бўш** идиш борми?
 4. Бизга **тоза** сув керак. — **Кўнгли тоза** кишининг дўсти кўп бўлади.
 5. Эшик **очиқ**. — Меҳмонни **очиқ чеҳра билан** кутиб ол. — **У очиқ**, самимий йигит.
 6. Урлингиз **катта** йигит бўлибди. — Бу бола **катта** кетяпти, машина оламан дейди. — Ташаббус — **катта гап**.
 7. Қопни **тескарасига** ағдарди. — Бу йўл менга **тескари**. — Омбор мудирини **тўнини** дарров тескари кийиб олди.

55- §. Нутқда сўзларни, ибораларни тўғри, ўз ўрнида ишлатиш киши фикрининг равонлигидан, унинг маданиятлигидан далолат беради. Кўпинча қуйидаги ҳолларда хатоларга йўл қўйилади:

1. Нутқда сўзнинг аниқ маъносини билмаслик натижасида синонимларни ноўрин қўллаш. Масалан:

ўрин, жой, макон синонимлари бир синонимик қаторни ташкил қилади. Бироқ уларни ҳамма вақт ҳам бирини иккинчисининг ўрнида қўллаб бўлмайди: *у ўз ўрнида одам, ўз жойига эга; у ўз маконига эга* каби. Яна: *одам, киши, инсон* синонимик қаторидаги сўзларни ҳам бирини иккинчисининг ўрнида ҳамма вақт қўллаб бўлмайди. Қ.и.ё.сл.анг: *инсон келди, одам келди, киши келди.*

2. Антоним сўзларни қўллашда ҳам антоним сўзлар қаторидаги зидлик тушунчасини тўғри англамаслик туфайли хатоларга йўл қўйилади. Бунда зид ва қарама-қаршиликдаги ҳар хиллик эътиборга олинмайди. Масалан: *хафа — хурсанд, совуқ — иссиқ* каби қатордаги сўзларнинг синонимик қатори бор. Антоним шу сўзлар қаторидаги ҳамма сўзга антоним бўлавермайди: *хунук, бадбашара, кўримсиз*. Бу синонимик қатор ичида *хунук* сўзи нейтрал. Юқоридаги *совуқ* сўзи *иссиқ* сўзига бевосита антоним. *Совуқ* сўзи нутқда *хунук* сўзига, *иссиқ* сўзи нутқда «истараси иссиқ», «чиройли» маъносидаги сўзга синоним. Лекин *совуқ* сўзи чиройли сўзига антоним бўла олмайди.

3. Омонимлар ва кўп маъноли сўзлар ўртасидаги фарқларни билмаслик туфайли. Масалан: *от* (исм), *от* (ҳайвоннинг бир тури), *от* (ҳаракат маъносида) — сўзлари омонимлардир. *Бош* (одамнинг боши), *бош* (ишнинг боши), *бош* (йўлнинг боши), *бош* (сатрнинг боши) кабилар кўп маъноли сўзлардир.

4. Пароним (талаффузи ўхшаш) сўзларни қўллаганда уларнинг маъноси билан талаффузини тушунмаслик туфайли. Масалан: *дипломат* — дипломант, *афзал* — абзал, *қолмоқ* — қалмоқ, *факт* — пакт, *амр* — амир кабилар.

5. Нутқда кўпинча бир хил сўзларни такрор қўллаш туфайли хатолар юз беради. Масалан: *Мен дарсга доимо тайёрланиб келаман. Мен ўртоқларимга ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Бу билан мен ўзимни бахтли деб ҳисоблайман* каби гапларнинг ҳар бирида мен сўзининг қайта-қайта қўлланиши — такрорланиши хато ҳисобланади. Яна: *Мард бир ўлар — номард минг ўлар* типидagi мақолаларни *Мард бир ўлар — номард минг* шаклида, *ўлар* сўзисиз қўллаш маъқул.

6. Нутқ жараёнда сўзларни жуда кўп қисқартириб ишлатиш билан боғлиқ хатолар. Масалан: *студентларимиз ўрнида ст.миз, бахтимизнинг ўрнида, б.нинг, пио-*

нервожатий ўрнида пион.вож., мактаб-интернат ўрнида мак.-инт., Тошкент давлат маданияти институти ўрнида ТДМИ каби қўллашлар айниқса оғзаки нутқ учун кўпол хато саналади.

7. Бирикма тузишда сўзларни тўғри танлай олмаслик билан боғлиқ бўлган хатолар. Чунончи, ҳамма вақт ҳам бир сўз бирикмаси таркибига кирган сўзни бошқа, маъноси яқинроқ бўлган сўз билан алмаштириб бўлмайди. Чунки бу сўзлар ҳар хил нутққа хос бўлади: Масалан: *Институтда очилган кўргазма болалар дунёқарашини бойитди* дейиш ўрнига *кенгайтирди* деган маъқул. *Еки: чой қилди ўрнида чой тайёрлади, фойда бермоқ ўрнида фойда келтирмоқ, ёрдам қилмоқ ўрнида ёрдам бермоқ.*

8. Фразеологик бирикмалар нутққа тайёр ҳолда киритилади. Уларни нутқда тўғри қўллай билиш лозим. Маълум мақсадга қаратилган иборани бошқа ибора ўрнида қўллаш мумкин бўлмаганидек, бирикма таркибига бошқа бир сўзни киритиш ҳам мумкин эмас. Масалан, *суяксиз ўрнида суяксиз тил, қўлдан бермоқ ўрнида бой бермоқ, ўрнига қўймоқ ўрнида бажо келтирмоқ* каби. Худди шунингдек, *пдадан олдин чанг чиқармоқ ўрнида ҳамма вақт ҳам тўйдан илгари ноғора қоқмоқ* иборасини қўллаб бўлмайди.

ТАРИХИЙ ЖИХАТДАН ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИКАСИНИНГ ТАРКИБИ

56-§. Тарихий жиҳатдан ўзбек тили лексикасининг таркиби қуйидаги қатламларга бўлинади: а) умумтуркий сўзлар; б) ўзбекча сўзлар; в) форсча-тожикча сўзлар; г) арабча сўзлар; д) рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан кирган сўзлар.

Туркий тилларда қадим замонлардан буён ишлатилиб келаётган сўзлар умумтуркий сўзлар ҳисобланади. Масалан: *ота, она, киши, бош, қўл, кўз, бир, икки, ер, қуш, бурун, этак, учқун, довьюрак* каби ўзбек тили билан бир қаторда, турк, туркман, озарбайжон, қозоқ, уйғур, қирғиз, қорақалпоқ, татар, бошқирд, ёқут, чуваш, болқор ва бошқа туркий тилларда ҳам ишлатилди.

Ҳозирги ўзбек тили лексикасида умумтуркий сўзларга ва бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзларга турли қўшимчалар қўшиш ёрдамида янги сўзлар яса-

лади. Ўзбек тилининг ички имконияти асосида пайдо бўлган сўзлар **Ўзбекча сўзлар** деб юритилади. Масалан: *ундалма, ишчан, боғдорчилик, экскаваторчи, пуракагич, ёнилғи, ёқилғи, чўлқувар.*

Ўзбек ва тожик халқлари жуда қадимдан ёндош яшаб, яқин иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатда бўлиб келди. Бунинг таъсири тил тараққиётида ҳам ўз ифодасини топди, яъни тожик тилига ўзбек тилидан, ўзбек тилидан тожик тилига кўплаб сўзлар ўзлашди. Ҳозирги ўзбек тили лексикасига *дастурхон, дастурмол, хокандоз, пояндоз, пойдевор, барг, дарахт, гул, фарзанд, дутор, сетор* каби **форсча-тожикча сўзлар** ўзлашиб кетган.

Ўзбек тилига араб сўзларининг кириб келиши эса арабларнинг Урта Осиёни забт этиши билан боғлиқ. Араблар Урта Осиёни эгаллагач, араб тили бу ерда бирмунча вақт давлат ва илм-фан тили сифатида амалда бўлди. Бу жараёнда анчагина **арабча сўзлар** ўзбек тилига ўзлашди: *мактаб, китоб, мактуб, адабиёт, аҳоли, оила, фан, санъат, ҳукумат, давлат, миллат, касб, косиб, қассоб, муассаса, мутолаа, хизмат, меҳнат, раис, идора* каби.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўзбек тилига рус тилидан сўзлар кириб кела бошлади. Айниқса, асримизнинг 20—80-йилларида рус тилидан ва рус тили орқали бошқа Овropa тилларидан ўзбек тилига сўз ўзлаштирилиши кучайди. Эндиликда ўзбек тили лексикаси таркибида *стол, стул, ручка, паровоз, тепловоз*, каби русча сўзлар: *студент, министр, операция, республика, аудитория* каби латинча сўзлар ва илм-фаннинг турли соҳасига оид латинча атамалар; *грамматика, комедия, театр, музей, орган* каби юнонча сўзлар ва атамалар; *солдат, галстук, штаб, лагерь* каби немисча сўзлар; *костюм, пальто, кабинет, генерал* каби французча сўзлар; *опера, ария, ложа, тенор* каби италянча сўзлар; *трамвай, вокзал, митинг, футбол, баскетбол, волейбол, бокс* каби англизча сўзлар қўлланмоқда. Бу сўзлар кенг маънода **русча-байналмилал сўзларни** ташкил этади.

78-машқ. Ўзингиз мустақил равишда 5 та русча-байналмилал, 5 та форсча-тожикча сўзлар топиб, улар иштирокида гап тузинг.

79-машқ. Эркин Воҳидов ва А. Орипов шеърларидан бир нечтасини ўқиб, ўзбекча, арабча, форсча-тожикча сўзларнинг қўлланиш частотасини аниқланг.

80- машқ. О. Еқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романидан олинган қуйидаги парчани ўқиб, сўзларни тарихий қатламлар бўйича гуруҳланг.

Али Қушчи ўйлайдики, Мирзо Улуғбек салтанат талашмасдан тожу тахтни шаҳзодаларга бериб, илму идрок йўлига ўтса бас, шаҳзодалар уни ўз ҳолига қўядилар, суюкли ишинг билан шуғуллан деб, расадхона ва мадрасаларнинг дарвозаларини очиб берадилар. Ҳайҳот! Агарчи фоний олам юмушлари Али Қушчи ўйлагандай осон бўлганида Мирзо Улуғбек бу бевафо ҳокимиятни қачонлар тарк этиб, ўзини суюкли ишига бағишламас эрдими? Бошидаги тож, тагидаги тахт илми фунун учун даркор эканини тушунмаганида, бу совуқ кошонани, гуноҳи азимга ботиб қолган бу ҳарам, шон-шуҳрат ва мансаб ишқида ҳеч бир разолатдан тоймаган бу амирлар, саркору саройбонлар, хурофот ва таассуб ботқоғига ботган дин пешволаридан юз ўгириб, суюкли талабалари орасига, маърифат даргоҳига кетмас эрдими? Лекин не чора? Бу манҳус тожу тахт, бу салтанат, инсонлар устидан ҳокимлик қилмоқ истаги шундай ширин эканки, унинг нияти поклигига ким инонади? Ким унинг самимийлигига, ўз ихтиёри билан салтанатдан қўл ювганига инониб, тинч қўяди? Агар унга инонсалар, инониб илму идрок билан бамайлихотир шуғулланишга қўйиб берсалар, у ҳозир ҳам бу вафосиз ҳокимият, бу тожу тахтдан бажону дил воз кечар эрди...

ҚўЛЛАНИШ ДОИРАСИГА КўРА ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИКАСИ

57- §. Ўзбек тилининг луғат бойлигидаги барча сўзлар нутқда қўлланиш қўлами доирасига кўра турлича бўлади. Ҳозирги ўзбек тилининг лексик таркибида асосий қисмни ташкил этувчи сўзлар ҳаммага тушунарли бўлгани учун шу тил вакиллари уларни бирдай қўллайдилар. Шу билан бирга тилда шундай сўзлар ҳам мавжудки, уларни маълум ҳудудда, жойда яшовчиларнинг ёки муайян касб-ҳунар эгаларигина ўз нутқларида ишлатадилар. Масалан: *бор, йўқ, бир, ер, сув, ҳаво, олмоқ, бермоқ, кулмоқ* каби сўзларни ўзбек тилида сўзловчиларнинг барчаси ўз нутқида доимо қўлласа, *биринж, сатил, залдору* сўзларини Бухоро ва Самарқанд ҳудудида яшовчилар, *сузақ, бодрак, гешир* сўзларини Хоразмда яшовчилар қўллайдилар; *фонд, картотека, алфавитли кўрсаткич, каталог* кабиларни ку-

тубхона ходимларигина фаол ишлатадилар. Шунга кўра, ҳозирги ўзбек тили лексикаси қуйидаги икки қатламга ажратилади:

1. Қўлланиш доираси чегараланмаган лексика.

2. Қўлланиш доираси чегараланган лексика.

58-§. Қўлланиш доираси чегараланмаган лексикани барча ўзбеклар учун умумий ва бир хилда тушунарли бўлган сўзлар ташкил қилади. Умумхалқ ишлатадиган бундай сўзлар кундалик турмушда зарур бўлган нарса белги, ҳодиса, жараёнларни англатади. Тарихий жиҳатдан ўзбек тили лексик таркибидаги сўзлар, барча сўз туркумларига оид сўзлар умумистеъмолдаги лексикани ташкил этади. Бошқа тиллардан ўзлашиб, эндиликда барча халққа тушунарли бўлган фан-техника, маданият, сиёсатга оид атамалар ҳам, адабий тилга ўзлашган айрим шеваларга оид сўзлар ҳам қўлланиш доираси чегараланмаган лексика таркибига ўтиши мумкин. Шу тарзда бойиб, кенгайиб бораётган умумхалқ сўзлари адабий тил лексикаси ривожига самарали таъсир этади.

Оммавий тадбирларда, нотиклик фаолиятида, барча маданий-маърифий ишларда умумистеъмолда бўлган, барча халққа тушунарли сўзлар ва иборалардан фойдаланиш нутқ таъсирчанлигини оширади, унинг оммабоплигини таъминлайди, нутқнинг тушунарсиз ва зерикарли бўлишига йўл қўймайди.

39-топшириқ. Кутубхонашунослик ва маданий-маърифий соҳага оид атамалар ичида кўпчилик истеъмолга ўтган, умумхалқ ишлатадиган сўзларга айланган лексикага доир мисоллар топинг ва улар иштирокида 10 та гап тузинг.

ҚўЛЛАНИШ ДОИРАСИ ЧЕГАРАЛАНГАН ЛЕКСИКА

Тил луғат бойлигининг нутқда ишлатилиш доираси жиҳатдан чегараланиши турли хил бўлади. Қўлланиш доираси чегараланган лексика ишлатилиши ҳудудга кўра чекланган сўзларга, ишлатилиши касб-ҳунарга қараб чегараланган сўзларга, ишлатилишида эскилик ёки янгилик бўёғи борлигига кўра фарқланадиган сўзларга, бирор ижтимоий гуруҳ нутқидагина ишлатиладиган сўзларга ва экспрессив-услубий бўёқдорлигига кўра қўлланилиши чекланган сўзларга ажратилади.

59-§. Ишлатилиши ҳудудга кўра чекланган тил

бирликлари шевага хос сўзлар саналади. Булар муайян ҳудудда яшовчи кишилар қўллайдиган, ўша ерлик аҳолининг оғзаки нутқиغا хос бўлган сўзлардир. Бундай лексика сўз ва фразеологик ибора кўринишида учраши, фонетик ва грамматик хусусиятларига кўра ўзига хосликка эгалиги билан фарқланиши мумкин. Масалан, шевага оид сўзлар унлиларнинг чўзиқ ёки юмшоқ талаффузига кўра, товуш ўзгаришига нисбатан бир-бирдан фарқланиши, грамматик шаклларнинг қўлланиш маъноси ва шаклига кўра ажралиб туриши табиий ҳолдир.

Бадий асарларда ҳаётнинг реалистик тасвирини чизиш, маҳаллий белги-хусусиятни бериш, персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда шевага хос сўзлардан кенг фойдаланилади.

40- топшириқ. Ўз шевангизга хос 5 та сўз топинг ва уларни адабий тилдаги муқобиллари билан солиштиринг.

81- машқ. Матнларни ўқинг. Шевага хос сўзларни топиб, уларнинг ўрнига адабий тилдаги муқобилини қўйинг. Шевага хос сўзларнинг қайси жиҳатдан фарқланишини изоҳланг.

«Нилу!» дейишим билан ярқ этиб қаради-ю, арқоннинг бандидан судраганча мен томонга югурди.

— Сенга миннама обкелдим!— дедим бир қўлимда лимон ўралган газетани қучоқлаганча, иккинчи қўлимни чўнтагимга тиқиб.

— Нима, катта ада, нима?— деди Нилуфар ҳаллослаб.

— Аввал битта ўпай, кейин бераман.

— Ҳо!— Нилуфар ўзини орқага ташлади.— Олдин беринг-да!

— Майли, яримта ўпаман.

Нилуфарнинг терлаб, кир бўлиб кетган юзидан ўпиб, сақични узатдим.

— Мана! Ўртоғинггаям бер...

— Урре! Катта адам жевачка обкелдила!— Нилуфар қўлимдан сақични юлқиб олди-ю, кутиб турган ўртоғи томонга югурди.

(У. Ҳ.)

— Модарни кўрдиларму?— сўради Вафо аттор кемшик тишларини кўрсатиб.— Хўш, қалайлар, кампир туюқларму?

— Раҳмат!— Баширжон гапни қисқа қилиб, ўтиб кетмоқчи эди, лекин Вафо аттор:

— Бир дақиқа!— дея унинг енгидан тортди.

— Хўш!

— Инди, ука ўртоқ Зайнишув!— деди у митти кўзларини йилтиратиб.— Биз ўзимиз бетобдурмиз, ҳовлида ногирон куррачанинг ҳоли не кечди? Кеча ўғул келиб эрди, эшшак боласига ем ва беда керак дейдур...

Баширжоннинг жаҳли чиқиб кетди, атторнинг қўлини қаҳр билан силтаб ташлади.

— Бас-да энди!— деди у қип-қизариб.— Ҳозирга қадар ўттиз сўм олдийиз... Уша куррайиз икки пулга қиммат!..

— Мани, беморни силтаманг, ука ўртоқ Зайнишув!— деди Вафо аттор йиғламсираб.— Бобонгиз тенгиман, силтаманг мани!

(Неъмат Аминов.)

60- §. Ишлатилиш доираси маълум касб-ҳунарга кўра чегараланган сўзлар **касб-ҳунарга оид сўзлар** (профессионализмлар) ҳисобланади. Бу сўзлар қайси ҳудудда яшашидан қатъи назар, бир хил касб эгаларига тушунарли бўлади. Масалан: *клуб, тўгарак, ҳаваскор, саҳна, режиссёр, роль, услубиётчи, микрофон* каби сўзлар барча клуб ходимлари нутқида фаол қўлланади.

Касб-ҳунарга хос сўзларнинг асосий қисмини шу соҳага хос атама (термин)лар ташкил этади.

Атамалар (терминлар) фан, техника, маданият каби соҳалардаги аниқ чегараланган тушунчаларни ифодалайдиган бир маъноли сўз ва сўз бирикмаларидир.

Атамалар қўшимча маъно жилоларига эга эмас. Маълум диалект ва шевага алоқадор бўлмасдан, умуммиллий тил учун хос ҳодисадир.

Атамаларнинг кўпчилик қисмини русча-байналмил сўзлар ташкил қилади: *абзац, абонент, абонемент, ария, баян, дефис, диалог, дисгармония, дирижёр, пауза, партия, оратория, дуэт, генерал-бас, генерал пауз* кабилар.

41- топшириқ. Ўзингиз эгаллаётган ихтисосликка оид 10 та атама топинг ва уларнинг маъносини изоҳлаб, кўп маъноли сўзлардан фарқини айтинг.

82- машқ. Қуйидаги матнни ўқинг, ундаги атамаларнинг маъносини изоҳланг.

ТРАГЕДИЯНИНГ КАМОЛОТИ

Илк пайтларда бадиҳагўйлик (импровизация) йўли билан — дифирамбни бошлаб бериш ва ҳозир ҳам кўп шаҳарларда яна қўлланилаётган фалл қўшиқларни бошлаб беришдан келиб чиққан трагедия ва комедияга хос хусусиятларини аста-секин ривожлантириш йўли билан бироз ўсди. Хуллас трагедия кўп ўзгаришларни кечиргач, ўзига хос табиий хусусиятларини кашф этган ҳолда тўхтаб қолди. Актёрлар иштироки масаласига келганда, Эсхил битта актёр ўрнига иккита киритди, хор қисмини озайтирди ва диалогни биринчи ўринга қўйди, Софокл эса актёрларни учтага етказди ва декорациялар киритди. Камолот масаласига келганда шуни айтиш керакки, кичик афсоналар ва кулгили ифода усулидан бошланиб, сатирик томошалар йўлини босиб ўтган трагедия аллақачон ўзининг улуғворли босқичига эришди; унинг вазни ҳам (трохайк) тетраметрдан ямбга айланди (дастлаб тетраметрдан фойдаланилган вақтларда, поэзия асарлари сатирик руҳда ва кўпроқ рақсга мойил эди, диалог тез ривожлангандан сўнг эса, бу хусусият унга мувофиқ келувчи вазни кашф этди, чунки ямб ҳамма вазнлар ичида жонли сўзлашув тилига энг яқин бўлиб қолди. Биз бир-биримиз билан қилган суҳбатда жуда кўп вақт ямб билан сўзлашишимиз бунинг исботидир, гекзаметр эса баъзан нутқ уйғунлиги бузилгандагина жуда сийрак учрайдиган ҳодисадир).

(Аристотель. «Поэтика»)

61-§. Эскирган сўзлар ҳозирги ўзбек адабий тили учун одатий бўлмай, балки ўтмиш давр тушунча ва тасаввурларига оид номлардир. Бундай сўзлар замонавий лексикадан эскилик бўёғига эгаллиги билан фарқланади: *амир, девонбеги, миршаб, ёноқ, зарб* (кўпайтирув), *йўқсил* (пролетариат) каби. Эскирган сўзлар икки гуруҳга: тарихий сўзлар (историзмлар) ва архиазмларга ажралади.

Сўзнинг ўзи ҳам, маъноси ҳам эскириб, тарихий номга айланиб қолган бўлса, тарихий сўз ҳисобланади: *султон, қул, жарчи, ясовул, чориқ, кулоҳ, шайх, арк* каби.

Сўзнинг ўзи эскириб, маъноси сақланган ва ҳозирги тилда бошқа сўзлар (ўша сўзнинг синонимлари)

билан ифодаланса архаизм саналади: *тарх* (эски номи) — *айирув* (ҳозирги номи), *сарф* (эски номи) — *морфология* (ҳозирги номи), *мужаррад* (эски номи) — *мавҳум* (ҳозирги номи).

Эскирган сўзлардан тарихий воқеа ва ҳодисаларни ҳаққоний тасвирлаш, бадий асарга тарихий руҳ бериш, тингловчини ўтмиш давр тасаввурлари билан таништириш эҳтиёжи туфайли фойдаланилади.

42-топширик. *Арбоб, абушқа, хаттот, қироатхона, мударрис, домла, сабоқ, расадхона, фуқаро, фалакиёт, суворий, ваъзхонлик, шамс, қамар, амри вожиб, фармони олий* каби эскирган сўзларнинг маъносини изоҳланг.

83- машқ. Қуйидаги матнларни ўқинг. Эскирган сўзларнинг маъносини изоҳланг. Историзм ва архаизмларни ажратиб кўчиринг.

I. Қироатхона — иборатдир тиловати қуръон қилотурғон жойдан; Мулло Маҳкам қори — иборатдир ҳофиз қуръон бўлгон зотданки, ўшал қироатхонада доимил вақот, тиловати қуръон қилсун. Бу даюсни қарангки, ўзининг оғзидан чиққан иборатга тушунмайди. Ваҳоланки, айтган иборати каминанинг саволимга жавоби босавобдир.

Бас бадарустки фақирга зиёрат муяссар бўлди. Абдулвоҳид қори домлонинг имонларини худо саломат қилсунки, бунчалик дин йўлида хизмат кўрсатиб, болшавойдан қуръонни сўроб ва яна келтуриб ва яна қироатхона очуб ва бир қорийи мураттабни бунга мутасадди айлабдир. Бинобарин ул зоти шарифга барча мўъминлар изҳори миннатдорчилик қилсолор керак.

(А. Қод.)

II. Навоий Балх девонхонасига келиб, бундаги ёш ва қари, содда ва «хирфа» амалдорлар билан сўзлашди, вилоят ишлари билан танишди. Кечани шу ердаги хоналардан бирида, мутолиа ва ёзиш билан ёлғиз кечирди. Эртаси пешиндан сўнг, ўзи виждонли деб тахмин қилган бир неча мулозимларни йиғиб, халқ орасида зулми, порахўрлиги ва ҳоказо ёмон сифатлари билан танилган баъзи амалдорлар тўғрисида сўзлашаркан, навкар югуриб кирди.

— Жаноб Мир, Дарвешалибек жанобларини келтирдилар! — қичқирди ҳовлиқиб навкар.

(Ойбек.)

62- §. Неологизмлар турмуш тараққиёти натижасида туғилган эҳтиёж туфайли янги пайдо бўлган ва янгилик хусусиятини йўқотмаган сўзлардир: *фахрий, ҳафтанома, тамаддихона, илмгоҳ, телетасвирчи, раёсат, мусиқа, ашула дастаси, ижара пудрати* каби. Янги сўз тезда умумтил меъёрига айланиши ёки кўп вақт қўлланмасдан истеъмолдан чиқиб эскириши мумкин. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати билан эскириб, истеъмолдан чиқиб кетган *ширкат, чилта, тайёра, жумҳурият, муҳандис* каби атамалар қайтадан янги сўзлар қаторига қўшилмоқда. Неологизмлар илмий ва расмий адабиётларда асосан номлаш вазифасини бажарса, бадий адабиётда маълум услубий мақсадда қўлланади. Ёзувчилар ижод қилган янги сўзлар катта таъсир ва тасвир кучига эга бўлади.

43- топшириқ. Маданият ва санъат соҳасидаги янги атамаларга 10 та мисол топинг ва маъносини изоҳланг.

84- машқ. Гапларни ўқинг, янгилик бўёғи бор бўлган сўзларни аниқлаб, маъносини тушунтиринг.

1. Қайта қуриш демократияга ва ошкораликка кенг йўл очди. 2. Ишбилармон кишилар телефакс хизматидан бош тортишмайди. 3. «Машъал» ижара корхонасида саноат ускуналарини таъминловчи чилангарлар ишлайди. 4. Экология сўзи грек тилидан таржима қилинганда, барча тирик жонзот озикланадиган уй тўғрисидаги фан тушунчасини беради. 5. Тошкент давлат муаллимлар олий билимгоҳининг докторанти Амриқо ҳақидаги таассуротларини ўртоқлашди. 6. Самарқанд вилояти Ургут ноҳиясининг «Бешқарсақ» рақс дастасининг чиқишлари кооператорларни хушнуд этди. 7. Телетасвирчи шоу-дастур билан кик-боксинг бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ турнирини тўлиқ тасвирга туширди.

85- машқ. М. Шайхзоданинг қуйида келтирилган мисраларидан индивидуал неологизмларнинг маъносини изоҳланг ва уларнинг қандай мақсадда қўлланганини айтинг.

1. Кечадан бугун яқин, бугундан эрта яқин,
Меҳнатдошлар устида балқийди қуёш ёрқин.
2. «Раҳмат» де, фазода йўлдошлар учун,
Ойга иноқ бўлган ойдошлар учун.
3. Ҳаракатда баракат, кўп қадим ҳикмат,
Советистон юртида бу — темир низом...
4. Билар эдик қайтиш муқаррар,
Йиғлар эдик ... аммо кўз ёшин —

Қалидламоқ мумкинми магар?..

Дард бор эди дилда оташин...

5. Ҳар юмушнинг фасли бор, ишнинг асли бор,
Кечикканга қишбойнинг ёмон ҳазили бор.
6. Қитъалар ўртасида қисқариб масофалар,
Рўзномага қўйилар фазошумул вазифалар.
7. Кўп жумбоқлар ечилар,
Сен бўларсан у замон
Башарият масканининг еттинчи қитъаси,
Жуғрофия бобларининг биттаси.
У чоқда ўқиймиз биз лирик дафтаринг,
Кундалик эмас,
Тундалик дафтаринг...

ЭМОЦИОНАЛ-ЭКСПРЕССИВ БУЁҚДОРЛИК ЖИҲАТДАН ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИКАСИ

63-§. Ўзбек тили луғат бойлигидаги сўзлар сўзловчининг турли эмоционал-экспрессив (*экспрессив* — латинча маънодор, таъсирли, ифодали, *эмоция* — кишининг ҳис-туйғуси, кечинмаси маъноларини англатади) муносабатини ифодалаш хусусиятига кўра икки турга ажратилади. Булар эмоционал-экспрессив бўёқсиз (нейтрал) сўзлар ва эмоционал-экспрессив бўёқдор сўзлардир.

Маълум тушунчанигина ифодалаб, сўзловчининг турли муносабатини билдирувчи кўшимча маъно жилоси бўлмаган сўзлар **эмоционал-экспрессив бўёқсиз ёки нейтрал лексика** ҳисобланади: *кун, ҳафта, йил, китоб, саҳна, мақом, сўз, жой, қўшиқ, қизил, оқ, ҳамма, олмақ, кутмоқ, танишмоқ* каби.

Лексик маъно билан бирга, сўзловчининг маъноси англашилаётган нарса, белги, ҳаракат-ҳолатга турлича муносабатини ҳам ифодаловчи сўзлар **эмоционал-экспрессив бўёқдор лексика** саналади: *қувонч, табассум, даҳшат, чеҳра, жамол, башара, бўшанг, ношуд, алп, дўмбоқ, зумраша, газанда, хомкалла* каби. Бундай сўзлар ҳурмат, эркалаш, кўтаринкилик, менсимаслик, нафрат, жирканиш, киноя сингари маъно муносабатларини ифодалайди. Шунга кўра, икки гуруҳга: **ижобий эмоционал-экспрессив бўёқдор сўзлар** ва **салбий эмоционал-экспрессив бўёқдор сўзларга** ажралади.

Ижобий эмоционал-экспрессив муносабатни англаувчи сўзлар қаторига эркалаш, хушмуомалаликни билдирувчи *опажон, кенжатой, дўндиқ, дилбар, айланай, ўргилай, жилмаймоқ* каби сўзлар; тантанали ва

поэтик руҳдаги *абадул-абад, зукко, даҳо, оламшумул, фусункор, ҳассос, ажиб* каби сўзлар киради.

Салбий эмоционал-экспрессив муносабат эса нафратланиш ва менсимаслик маъносига эга бўлган *анди, беномус, балохўр, сатанг, сурбет, сўтак, пашшахўрда, нонкўр, шарманда* каби сўзлар; қарғиш, ҳақорат англлатувчи *зумраша, даюс, ярамас, баччағар, аблаҳ, кўрнамак, оқпадар, имонсиз, ғаламис, уйинг куйгур* каби сўзлар; шахс ва ҳаракат-ҳолатни салбий баҳоловчи *иржаймоқ, вайсамоқ, санқимоқ, мижғов, довдир, ўлимтик, без, безраймоқ, чақчаймоқ* каби сўзлар орқали ифодаланади.

86- машқ. Гапларни ўқинг, эмоционал-экспрессив бўёқсиз ва бўёқдор сўзларни топиб, фарқини айтинг.

1. Сўйла гулим. Яширмагил недирса дардинг, Яраланимиш юрак, нечун қизардинг? (*Фитрат.*)

2. Уч қадамча нарида Умар ака жийронни жиловидан тутиб турарди. (*У. Ҳ.*) 3. Баширжонинг хумкаллеси кўксига солинган, кичик, энсиз бағбақаси икки букланиб, осилиб турарди. (*Н. А.*) 4. Э, акиллайберасанда, Сафар!— деди бўқоқ.— Биз нима деяпмиз-у, сен нима деяпсан! (*А. Қод.*) 5. Расадхон зимистон бўлса ҳам, Али Қушчининг ўткир кўзлари дарров кўрди: пойгакда бир кимса гавдаси билан эшикни тўсиб, қаққайиб турарди. (*О. Ё.*) 6. Қўшиқнинг охири олқишларга кўмилиб кетди. (*Н. А.*) 7. Устанинг чехрасидаги маҳзунлик, овозидаги дард Қаландарнинг юрагига наштардек санчилди. (*О. Ё.*)

87- машқ. Матни ўқинг. Эмоционал-экспрессив бўёқдор сўзларни топиб, ижобий ва салбий маъно жилоларини изоҳланг.

...Болам... Музаффарим йигит бўп қопти. Мўйлови сабза урибди. Овози дўриллаб қолибди... Виждонсиз чўлоқ! Ақалли шў куни ясантириб қўйса ўладими! Анави шаллақи Робия жиллақурса туғилган қунида болага йиртиқ шим кийгизишга уялмайдами? Золимми, аблаҳми, отаси Насибага ҳар йили туғилган куни бошоёқ сарпо қилади-ку! Уғлим бўлса почаси илма-тешик шим кийиб юрибди. Туғилган кунни қаёқдан биледи қишлоқи Робия! Боланинг кўнглини олиш хаёлига келадими тўпани чўлоқнинг! Яхшиям чўнтагига пул солиб қўйганим. Билиб қўйларинг! Боланинг кўнглини сенлар ололмасанг, хурсанд қиладиган онаси бор!

Қаерга келиб қолдим? Ажаб, ўзимизнинг кўча-ку!..
Қизиқ, инсон умри шунақа тез ўтарканми? Кечаги-
на эмасмиди, шу кўчада қўшни қизалоқлар билан со-
палак ўйнаганимиз!

(У. Ҳ.)

НУТҚ УСЛУБЛАРИ ВА УСЛУБИЯ ЖИҲАТДАН ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИКАСИ

64-§. Тил бирликлари ва материалларидан фикрни ифодалаш мақсадида фойдаланиш жараёни нутқ саналади. Кишилар ана шу жараёнда тилдаги лексик, фразеологик, фонетик ва грамматик воситаларни танлаш ва ишлатишларига кўра бир-бирларидан фарқ қиладилар. Шунга кўра нутқнинг хилма-хил кўринишлари пайдо бўлади. Нутқ дастлаб икки турга: адабий нутқ ва сўзлашув нутқига бўлинади.

Адабий тил материалларига асосланган ва адабий тил меъёрларига бўйсундирилган нутқ **адабий нутқ** ҳисобланади.

Тилнинг жонли сўзлашув материали (салбий услубий бўёғи бўлган сўзлар, шевага оид сўзлар, дағал ва қўпол сўзлар, жаргонлар каби)га асосланган ва шу белгиларига кўра адабий тил меъёрига номувофиқ бўлган нутқ **сўзлашув нутқидир**. Тилдаги мавжуд луғавий бирликлар яна шу икки нутқ турига хосланибгина қолмасдан, ҳар иккала турда ҳам қўлланиши, яъни умумнутқ қатламига хос бўлиши мумкин. Масалан: *китоб, катта, олтиши, олмоқ, келмоқ, ши, тинчлик, яхши, эсда тутмоқ* кабилар умумнутқ лексикасига кирса, *шубҳасиз, зеро, ташкил этмоқ, табассум, курашчан, шахсан, қатъиян, режа, товар, масъулият, дудоқ, дақиқа* кабилар адабий нутқ лексикасига, *алдоқчи, тузук, жиндай, кетворган, тоқай, шунақанги, аттанг, жувонмарг, гумроҳ* кабилар эса сўзлашув нутқига хос ҳисобланади.

Адабий нутқ икки шаклда: ёзма ва оғзаки нутқ шаклида ифодаланади. Нутқ турлари ўзларига хос хусусиятларидан қатъи назар, адабий тил меъёрлари асосида умумийликка эга бўладилар. Адабий меъёрлар ёзма нутқ учун ҳам, оғзаки нутқ учун ҳам зарурдир.

Нутқ кўринишлари тилнинг вазифаси — функцияси билан бевосита боғлиқ бўлади. Алоқа-аралашув жараёнида нутқнинг ҳар бир кўриниши учун мос келадиган, шунга танлаб олинган воситалар бор. Шунга кўра,

нутқиниң қуйидағи функционал услублари фарқланади: сўзлашув услуби, расмий услуб, илмий услуб, публицистик услуб ва бадий услуб.

Ҳар бир услуб тил тизиминиң тарихан ташкил топган бир кўриниши бўлиб, уларниң ўз қўлланиш соҳаси ва хусусиятларини билиш нутқ саводхонлиги учун зарурдир.

65-§. Сўзлашув услуби тил бирликларини танлаш ва уларни қўллашниң нисбатан эркин услубидир. Бу услуб ўз хусусиятларига кўра икки турга: адабий сўзлашув услуби ва оддий сўзлашув услубига ажратилади.

Адабий сўзлашув услуби умумхалқ адабий тилиниң кенг тарқалган ва барча соҳалар учун боп тури бўлиб, у адабий меъёрларга мос, ишланган ва тартиб солинган бўлади.

Адабий сўзлашув услуби кундалик мулоқот учун хизмат қилади, ўқитиш ишлари, тарбия ва ташвиқот шу услубда олиб борилади, бадий адабиёт шу услубда яратилади.

Оддий сўзлашув услуби нутқ муомаласи жараёнида (эркинлик билан) адабий тил ҳамда шева элементлари иштирок этиши, фикрий идрокни кенг қамровли баён этиши билан таърифланади. Бу услубда сўз тартиби қондага номувофиқ бўлиши (*Кеча концерт бўлди, клубда*); кўчма, образли эмоционал воситалар кўпроқ (*Ғайрат қил, шалвирама; Алини қаранг, оғзи қулоғида каби*), диалогик шаклда бўлиб, тўлиқсиз гаплар ва имо-ишораниң кўп ишлатилиши (*Келяпти (домла), Кетдими?—Ҳа каби*), такрорлар (*Келиб-келиб шу гапни топдингми?*), талаффузда эркинлик (*налат* (лаънат), *янгитдан* (янгидан), *опти* (олибди) каби) яққол намоён бўлади. Оддий сўзлашув услуби бадий асарда персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда кенг қўлланади.

44-топшириқ. Ўз шевангизга хос сўзлашув услубиниң белгиларини адабий тил меъёрлари билан қиёсланг ва фарқларини тушунтиринг.

88-машқ. Матни ўқинг. Сўзлашув услубига хос тил бирликлари ва грамматик воситаларниң хусусиятларини изоҳланг.

Ташқарида от кишнади. Дарвозадан Умар закунчи кириб келди. Бошида чақмоқ телпак, эғнида ихчам поча-пўстин, қўлида қамчи.

— Ҳорманглар-ов!— деди тетик оҳангда.— Настрена зўр-ку! Демак иш беш!

Раиснинг ҳурмати учун ўрнимиздан турдик. Парча, Башор опанинг бояги нияти эсидан чиқмаган экан шекли, қайлиғидан уялган келинчакдек омбор бурчагига лапанглаб қочди. Башор опа ўрнидан турмаса ҳам бир қўзғалиб қўйди.

— Ие, сиз ҳам ҳашарга келдингизми?— деди Закунчи унга қараб,— МТС нима қилади сизсиз?

— Мен-ку, ҳашарга доим келаман!— Башор опанинг кўзига тик қараб таъжидлади.— Сизлар ҳам ҳашар қилмасанглар бўлмайди. Менга иккита ёрдамчи керак.

— Билмадим!— Умар закунчи юзини ўгирди.— Закун бўйича МТС мустақил ташкилот.

— Мустақил бўлгани билан трактор колхознинг ерини ҳайдайдами?— деди Башор опа кескинлик билан.

— Билмадим!— Закунчи тез-тез юриб нари кетди.— Тезроқ қимирланглар!— деди дарвоза олдида тўхтаб.— Эртага фронтга бир вагон пиёз жўнатамиз.

Ташқарида от туёқларининг қорга бўғиқ урилиб дукиллаши эшитилди.

— Э, ўл, закун-пакунинг билан!— деди Башор опа энсаси қотиб.— Тракторни томорқамга обориб ишлаяпманми, олифта-қуруқ!

(У. Ҳ.)

66-§. Расмий услуб жамиятдаги ижтимоий, ҳуқуқий муносабатлар, давлат ва давлатлараро расмий сиёсий-иқтисодий, маданий алоқалар учун хизмат қилувчи нутқ услубидир. Бу услуб ҳужжатчилик характери билан ажралиб туради. Шунга кўра ёзма нутқнинг хизматга доир бу тури давлат қонунлари, актлар, фармонлар, баёнотлар, шартномалар, идора ҳужжатлари, эълонлар ва бошқа расмий ёзишмалар услуби ҳисобланади. Расмий услуб тилининг асосий хусусияти аниқлик ва ихчамликдир, унда муайян нутқий штамплар, профессионал сўзлар, терминлар, тайёр синтактик қурилмалар кенг қўлланиб, нутқнинг аниқ ва равшан ифодаланишини таъминлайди. Тайёр нутқ формуллари (*шу асосда; шунга кўра; маълум қиламизки; ...ни эътиборга олиб; ...га кўра; ... биз, қуйида имзо чекувчилар, ...га асосан (мувофиқ); ... учун, ...дан келиб чи-*

қиб; ... шарти билан; ... берилсин, ... тақдирлансин каби) ҳужжат матнининг дарак-ҳикоя характерида бўлишини, сўзларнинг бир манода ишлатилишини, бадий-тасвирий воситаларнинг бўлмаслигини, феълнинг мажҳуллик ва буйруқ-истак формаларининг, қўшма гап турларининг кенг қўлланилишини талаб қилади. Тил материали ҳужжатнинг тури ва характерига қараб танланади. Масалан, ариза, билдирги, тавсиянома, ишончнома кабиларнинг тили аниқ ва ишонарди жумлалардан иборат бўлиши; талаб, ахборот, таклиф билдирилиши, рақам ва саналар кўрсатилиши керак. Ёки тилхат, тушунтириш хати, далолатномаларда содда гаплар кўпроқ ишлатилади, сонлар аввал рақам билан, сўнг қавс ичида сўзлар билан берилади. **Н а м у н а:**

ТИЛХАТ

Мен, Тошкент давлат маданият институтининг хўжалик ишлари бўлимининг мудирини Баҳодир Олимов Тошкент музыка асбоблари корхонасининг тайёр буюмлар омбури мудирини Эркин Қаримовдан институт буюртмаси асосида тайёрланган, умумий баҳоси 1800 (бир минг саккиз юз) сўм бўлган 100 (юз) дона рубобни қабул қилиб олдим.

1990.12.08.

(имзо)

Б. Н. Олимов

Эълонлар эса билдиришлардан фарқли равишда баъзан расмий тусга эга бўлмаслиги; ўқувчи қизиқишини кучайтириш учун ҳазил характерида, чақирқиқ ёки реклама кўринишида ёзилиши мумкин. **Н а м у н а:**

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

Ҳазил-мутойиба, кулги, шўх қўшиқ ва рақс мухлисларини янги йил кечасига таклиф этамиз. Учрашув жойи — мажлислар зали, вақти — 28 декабрь соат 17.00 да. Самимий табассумсиз залга кириш мумкин эмас.

«Мулоқот» клуби.

Концерт, кинофильм ва спектакллар намоиши ҳа-

қидаги эълонлар — афишалар эса безакдор бўлиб, фильм ёки спектакль номи билан бирга ундаги айрим саҳнавий кўринишлар ҳам акс эттирилади.

45- топшириқ. Уқув юртингизда ўтказиладиган бирон анжуман (мажлис, адабий кеча, учрашув, ҳисобот концерти, спектакль премьераси) тўғрисида эълон ёки афиша ёзинг.

89- машқ. Матни ўқинг. Расмий услубга хос нутқий штамплар, синтактик қурилишлар ва феъл шаклларининг хусусиятини изоҳланг.

АТОҚЛИ САНЪАТКОР

Тошкентдаги илм маскани — педагогика билим юртини тугатган Амин Турдиев 1929 йилда ҳозирги Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри қошида ташкил этилган Ишчи-ёшлар сайёр труппасида актёр бўлиб ишга таклиф этилди. У А. Ҳидоятлов, М. Уйгур каби атоқли санъаткорлардан актёрлик сирларини ўрганди.

Амин Турдиев Самарқанд театрида, Наманган область театрида, Андижон театрида, Тошкентдаги Охунбобоев номи ёш томошабинлар театрида бош режиссёр ва бадий раҳбар вазифаларида ишлади. 1968 йилдан то умрининг охиригача Ҳамза номидаги драма театрида фаолият кўрсатди.

А. Турдиев театр саҳнасида юзга яқин тўла қонли образлар яратган бўлса, кейинчалик у Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» асарида Қодирқул, Н. Погадиннинг «Милтиқли киши» асаридаги Иван Шадрин, А. Корнейчукнинг «Макар Дубрава» асаридаги Макар, А. Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар»идаги Заргаров каби ўнлаб образларни яратди.

(Ҳ. Узоқов)

46- топшириқ. «Ўзбек тилида иш юритиш» («Қомус», 1990 йил) китобидаги намуналардан фойдаланиб ўзингиз қатнашган мажлис баёнини ёзинг.

67- §. Илмий услуб табиат ва ижтимоий ҳаётдаги барча нарса ҳамда ҳодисалар тўғрисида аниқ, асосланган, изчил маълумот беришда қўлланади. Унда нарса-ҳодиса моҳиятини таърифлаш, таҳлил қилиш, сабабини аниқлаб дадиллар билан исботлаш ва асосли натижаларни баён этиш муҳим ҳисобланади. Махсус терминлар, атамалар бу услубнинг лексикасини ташкил қилади, унда адабий нормага қатъий риоя этилгани

ҳолда мажҳул ва мураккаб қурилишли гаплар кенг ишлатилади.

Илмий услуб билимнинг турли соҳаларига қараб, шунингдек, кимга мўлжалланганлигига нисбатан ўзаро фарқланади. Масалан, фан соҳалари муайян шартли белгилар, формулалар, баён қилиш материали билан ажралиб туради.

Илмий услубдаги китоблар илм-фанга оид маълумотлар бериш билан мутахассисларгагина мўлжалланиши ёки бундай илмий маълумотлар кенг оммага қаратилган бўлиши мумкин. Кенг жамоатчиликка тушунарли бўлган, тасвир баёнида эмоционаллик, образлилик мавжуд бўлган услуб илмий-оммабоп услуб саналади. Кўпчиликка мўлжалланган лекциялар, илмий маърузалар, рисола ва дарсликлар шу услубнинг кўринишларидир.

Илмий-оммабоп услубда махсус атамалар кам ишлатилади (ишлатилганда эса изоҳи берилади), фикрлар қизиқарли тилда тушунтирилади, баёнда образлиқни таъминловчи бадий нутқ усулларидан фойдаланилади.

Китоблар тўғрисидаги аннотациялар, уларга бериладиган тақризлар, турли саҳна тадбирларининг сценарийлари илмий-оммабоп услубда ёзилади.

Масалан, аннотацияда китобнинг кимга мўлжалланганлиги, мазмун мундарижаси, формалари ва бошқа хусусиятлари қисқача таърифланади. Каталог карточасига ёзиладиган тавсифнинг ўзига хос тиниш белгилари мавжуд.

Н а м у н а:

Абдуллаева Қ. ва бошқ.
Савод ўргатиш дарслари — Уроки обучения грамоте: Уқитувчилар учун методик қўлл. (Қ. Абдуллаева, М. Юсупов, Х. Фуломова.— Т.: Уқитувчи, 1986.—248 б.
(Муқовада): 45 т., 2500 нусха.
1. Юсупов М. П., Фуломова Х. Ш. Сарл.

Сценарий режаси турли тадбир, томошаларнинг, драматик ҳолатларнинг сўзлар, деталлар орқали қисқача илмий-оммабоп услубда баён этилишидир. Бунга

расмий-ҳужжат ва бадий нутқ кўринишлари ҳам сингдирилиши мумкин. Муаллиф сценарий устида ишлаш жараёнида зарур ҳужжатли ва адабий-бадий материалларни танлайди, таҳлил қилиб, ижодий фойдаланади: маълумотнома, шеър, қўшиқ, бадий ва публицистик материалларни ижодий монтаж қилади, спектакль ва кинофильмлардан парчалар олади ва бу материалларнинг ҳаммасини муайян мавзу, композиция ва ғоя атрофида бирлаштиради.

Сценарий тузиш ва ёзишда ана шу хусусиятлар билан бирга ўтказиладиган тадбирнинг тури ва мақсадига, жанр хусусиятларига эътибор бериш лозим.

47- топшириқ. Ғ. Ғафуровнинг «Клуб сценарийси асослари» («Ўқитувчи», 1983) қўлланмасидаги сценарий намуналаридан фойдаланиб, мустақил равишда бирон мавзуда сценарий тузинг.

90- машқ. Қуйидаги парчани ўқинг ва қайси услубга ҳослигини айтинг. Бу услубнинг лексик-синтактик хусусиятларини изоҳланг.

Халқимиз орасида етти мўъжиза, етти хазина, етти иқлим, етти хил ранг, етти фалак, етти қават ер, етти дарё, етти гўзал, етти донишманд каби тушунчалар ҳам учрайдики, улар ҳам ана шу «сеҳрли» рақамимизнинг ғаройиб саргузаштлари билан боғлиқдир. Бу тушунчаларнинг айримлари жуда қадим замонлардан бери инсониятни лол қолдириб келмоқда. Шулардан бири оламнинг етти мўъжизаси ҳақидаги афсонавий тасаввурлардир.

Етти мўъжиза... Нега энди улар фақат еттитагина деган савол туғилиши табиий. Ахир, мўъжиза деса арзигулик санъат ва архитектура ёдгорликлари камми? Йўқ, албатта, улар талайгина. Лекин 7 рақамига алоҳида аҳамият берилгани туфайли мўъжизалар сонини еттита дейиш анъанаси пайдо бўлган ва одамлар ўзларига маъқул бўлган обидаларни танлаб олиб, етти мўъжиза дейишаверган. Антик давр тарихчилари асарларида етти мўъжиза тушунчаси ва унинг таркибига кирувчи ёдгорликлар турлича талқин қилинишининг боиси ҳам ана шунда. Хусусан, Катта Плиний етти мўъжиза рўйхатига ўзгартиш киритиб, Вавилон ёки Бобил осма боғларини Фарос оролидаги маёқ билан алмаштиради. Бу ҳолатни бошқа олимларнинг асарларида ҳам кузатиш мумкин. Шунинг учун тарихий-бадий асарларда жаҳоннинг етти мўъжизаси сифатида

тақдим этилган маданият ва архитектура обидалари рўйхати сира бир-бирига мос келмайди.

(М. Жўраев, К. Холмухамедов.
«Етти иқлимдаги еттилар»)

91-машқ. Қуйида берилган илмий услубдаги матн парчасининг ўзига хос хусусиятларини тушунтиринг. Уни илмий-оммабоп услубга айлантиринг.

Қайта қуриш даври жамиятимиз олдига бир неча муҳим вазифаларни қўйган. Шулардан бири ёш авлод-ни, болаларни ахлоқий тарбиялаш, маънавий бойликларга ошно қилишдир.

Маълумки, санъат шахснинг камол топишига таъсир этувчи муҳим факторлардан биридир. Санъатнинг асосий вазифаси фикр уйғотиш, туйғуларни тарбиялаш, инсониятни гуманизм ва тараққиёт идеалларига чорлашдан иборатдир. Хор санъати бу вазифаларни маълум даражада ҳал этишга қодир.

Хор санъати ашула айтиш билан чегараланмай, болаларга музикавий таълим бериш ва тарбиялашнинг оммавий тури эканлиги маълум.

Улар орасида шуларни таъкидлаб ўтамыз:

1. Хорда ашула айтиш музика ижрочилигининг бирмунча қулай тури. Бу қулайлик инсонга табиат томонидан инъом этилган ва доим ривожланишда бўлган овоз «чолғу» билан боғлиқ.

2. Қўшиқчилик кўникмасини тарбиялашнинг ўзи айни пайтда, инсон туйғусини ва ҳис-ҳаяжонни тарбиялашдир.

3. Хор музикаси сўз билан боғлиқ, бу ўз навбатида хор асарларини бирмунча аниқ тушуниш учун асос яратади. Унинг мазмуни поэтик матн ва музикавий ифода воситасида очиб берилади. Музикавий ифода унинг ғоявий-эмоционал аҳамиятини оширишда муҳим омилга айланади.

Шундай қилиб, хорда ашула айтиш болаларга оммавий музика таълими бериш учун жиддий асос бўла олади.

(«Кичик ёшдаги болалар хори билан машғулот ўтказиш усуллари», Т., 1990)

48-топшириқ. Яқинлашиб келаётган бирон байрам сценарийсини тузинг.

68-§. Публицистик услуб сиёсий-ижтимоий доирадаги муносабатлар учун хизмат қилади. Бу услубда ижтимоий ҳаётнинг турли масалалари вақтли матбуот ва нашрлар орқали оммавий акс эттирилади. Публицистик услуб ёзма ва оғзаки кўринишларга эга. Бу услубнинг ёзма турига публицистик мақолалар, фельетонлар, мурожаатнома ва хатлар, чақириқлар кирса, оғзаки турига нотиқлик киради. Бу услуб, аввало, ташвиқот ва тарғибот услуби бўлганлиги учун ҳам унда сиёсий фаоллик, ҳозиржавоблик, ўткир ва таъсирчан нотиқлик, мантиқий мулоҳаза ва далиллар билан тунтириш ва исботлаш каби белгилар устунлик қилади. Шунга кўра публицистик услубда ёзма нутққа хос хусусиятлар (ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа турли соҳаларга оид лексиканинг; параллелизм, анафора, эпифора каби интонацион синтактик воситаларнинг ишлатилиши) ҳам, бадий услубга хос хусусиятлар (образли ифодалар, эмоционал бўёқдор лексикани қўллаш каби) ҳам ўзаро уйғунлашиб кетади. Бу услубда ҳаётий факт ва ҳодисалар оддийгина қайд қилинмай, жўшқин ва ҳароратли мисраларда ифодаланади, улардан умумий хулосалар чиқарилади ҳамда муҳими — халққа мурожаат, ундаш, қизиқтириш орқали ўқувчига таъсир кўрсатилади. Масалан:

Халқимизда шундай урф-одатлар, удумлар борки, уларга амал қилишининг ўзи кишини тарбиялаб қўйганини билмай қоласиз. Биз, болаларимизни ҳар қандай тарбиявий даргоҳларга жалб этмайлик, лекин тарбиянинг боши ҳам, яхши тарбиячи ҳам кенг жамоатчилик, оила ва маҳалла аҳлидир. Боланинг атрофидаги муҳит ҳар қандай тарбиячидан улўғдир. Халқимизда «Бир болага етти қўшни ота-она», деган ажойиб нақл бор.

(«Т. оқиш.», газ. 1991, 24 январь.)

Кўриниб турибдики, публицистик услуб ўзига хос синтактик қурилишга эга: ундаги *-ки, лекин, ҳам* боғловчилар қўшма гаплар, кўчирма гаплар, синтактик такрорлар таъсирчанликни оширишга хизмат қилган.

Кишилар ўртасидаги мулоқотнинг ёзма шакли бўлган мактуб-хат ҳам, репортаж, очерк, ҳисобот, лавҳа ҳам публицистик услубнинг оммалашган жанрларига киради.

49- топшириқ. Бирон рўзномадан сиёсий-ижтимоий мавзудаги ахборотни ўқинг, унинг тили ва услубий хусусиятларини изоҳланг.

92- машқ. Матни ифодали ўқинг. Унинг публицистик услубини шакллантирувчи нутқ воситаларини аниқланг.

Дарвоқе биз, кўпларимиз ҳаётлик чоғларида ота-онамизнинг қадрига етамизми, ҳурматини ўрнига қўямизми, ахир улар бизни деб соғлиқларидан кечишган, тунларни бедор ўтказмишган. Кўп машаққатлар чекишган. Не-не тўсиқларни енгишган ва охир оқибатда куч-қувватдан қолишган. Асаблари ишдан чиққан. Кўнгиллари яримта бўлиб қолган. Табиийки, бундай ҳолатда улар ўғил-қизга муносабатда, муомалада, гап-сўзда эҳтимолки, хатога йўл қўйишлари мумкин, ана шундай пайтда биз уларни тўғри тушунамизми, кечира оламизми, ошиқмай, асабийлашмай хушмуомалалик билан фикримизни тушунтира оламизми?

Мен дунёдан, ҳаётдан, келажакдан, пуф-пуфлаб, авайлаб — оқ ювиб, оқ тараб ўстираётган фарзандларнинг орзу-ҳавасини кўришдан, уларнинг келажакда бахтли бўлишидан умидвор бўлган одамлардан, йигит ва қизлардан бу ҳақда чуқур ўйлаб, мушоҳада қилиб кўришларини истар эдим.

(«Т. оқш.», газ. 1991, 2 август.)

50- топшириқ. Билимгоҳингизда ўтказилган йирик анжуман тўғрисида газетга хабар ёки мақола ёзинг.

93- машқ. А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги Кумуш-биби ва Отабекнинг бир-бирларига битган, биринчи мактубларини ўқинг. Хат-мактуб жанрнинг ўзига хос хусусиятларини шу хатлар мисолида изоҳланг.

69- §. Бадий услуб киши ҳаётининг ҳамма томонларини қамраб олиши, умуминсониятга ҳослиги, барчага баробарлиги билан, ўқувчи ёки тингловчига эмоционал-эстетик таъсир этишга йўналтирилганлиги билан бошқа услублардан ажралиб туради. Бадий услубда муаллиф асарнинг эстетик таъсирини кучайтириш мақсадида тилнинг лексик ва грамматик воситаларидан усталик билан ва ижодий фойдаланиши, турли ифодавий воситаларни қўллаши ёки ўзи янгиларини яратиши мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам бу услубда ёзувчилар мавжуд сўзларни образли ишлатишдан ташқари индивидуал сўз ва иборалар ҳам ижод этадилар. Бадий нутқда тил образ, характер, манзара яратишга, юксак образлиликни намоён қилишга хизмат қилади.

Бошқа барча услубларнинг материали ҳам бадий нутқ мақсадига бўйсундирилиши мумкин. Бадий образлиликсиз бадий нутқни тасаввур этиб бўлмайди. Бу услубда ҳар бир ёзувчининг воқеликни бадий идрок этиш кўлами, ижод усули, поэтик маҳорати бадий нутқнинг жанр хусусиятига мувофиқ тарзда бири-бирдан фарқланади. Шунга кўра, бадий нутқ услуби нисбатан кенг имкониятларга эга ўта қамровли ва бой нутқ кўринишидир. Барча турдаги санъат ва адабиёт асарлари шу услубда яратилади.

94- машқ. Қуйидаги матнни ифодали ўқинг. Бадий нутқни шакллантирувчи лексик-грамматик воситаларни топинг.

САНЪАТҚОР

Концерт одатдагича «навбатдаги номеримизда... Қелганларингга раҳмат, ўртоқлар» билан тамом бўлди. Ном и чиққан ашулачи — санъаткордан бошқа ҳамма хурсанд бўлиб тарқалди. Санъаткор тажанг эди: танаффус вақтида залга чиққан эди, бир тракторист уни саводсизликда айблади. Тракторист танқид қилганига санъаткор асти чидай олмас эди: трактор қаёқда-ю, масалан «чорзарб» қаёқда, тракторист қаёқда-ю, ашулачи қаёқда!

Санъаткор уйига кетгани извошга ўтирганида яна тутақиб кетди: «ҳеч бўлмаса айтадиган ашулангни ўрган, сўзларини тўғри айт» эмиш! Нимасини билмайман, нимаси тўғри эмас? Мени шу вақтгача мухбирлар, ёзувчилар ҳам танқид қилган эмас, формализм, натурализмлардан ўтдим — ҳеч ким отвод бергани йўқ. Отвод бериш қаёқда ҳеч ким мени оғзига ҳам олмади. Энди бир тракторист танқид қилар эмиш!..

Санъаткор извошчини ҳайрон қолдириб, ўзидан-ўзи гулдираб борар эди. Уйда хизматчи овқат қилиб қўйган экан, санъаткорнинг томоғидан ҳеч нарса ўтмади — икки пиёла чой ичди, холос...

(А. Қ.)

51- топшириқ. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасидан ижтимоий мавзудаги бирон мақола билан унда босилган бадий ижод намунасини ўзаро солиштиринг ва услубий фарқларини тушунтиринг.

95- машқ. Кўчиринг. Гапларнинг қайси услубга хослигини ва қўлланиш мақсадини айтинг.

1. Тўхтавойим тухматга учради, ўргилай. Болагинамнинг хусуматга йўлиққанига қандоқ чидайман. (Ў. Ҳ.) 2. Аёл! Биргина шу сўзда ҳаёт ўз ифодасини топган. Аёл — она, аёл — заҳматқаш, аёл — меҳр-муҳаббат тимсоли, унинг қалби қуёш мисоли башариятга нур сочиб туради. 3. Библиографик тавсифлаш — ҳужжат, унинг таркибий қисми ёки ҳужжатлар туркуми тўғрисидаги библиографик маълумотлар тўпламидан иборат бўлиб, бу маълумотлар муайян қондаларга мос бўлиши ҳамда ҳужжатнинг умумий тавсифи ва уни бирдай қилиш (идентификациялаш) учун зарур ва етарли бўлиши шарт. 4. Ҳийлагар ой, сеҳргар дилбар, Солиб қўйдинг ёдимга кимни? (Ҳ. О.) 5.— Эргашов, ука, менинг бир саволим бор шу одамга... Айта берайми? Айта берсам шуки, бу ўртоқ 26-числода, қайси ой экани эсимда йўқ, қовунга пиёз қўшиб еганлар ўртоқ Нурматовни кулдириш учун... 26-числода. Айвондаги устунга ёзиб қўйганман... (А. Қ.) 6. Стенография махсус белгилар системасини, қисқартма сўз ҳамда сўз бирикмаларини қўллашга асосланган тез ёзиш усулидир. Стенография оғзаки нутқни синхрон равишда ёзиш ва ёзув техникасини ихчамлаштиришга имкон беради. (*«Фан ва турмуш» ж.*) 7. Ҳа, биз ўрта ва кекса авлод фарзандларимизга яхши ўрнатилган кўрсатишимиз, халқ анъаналарига бўлган ҳурматни мужассам этиб, уларга ўзимиз ҳам риоя қилишимиз даркор. Авлодларимизнинг яхши удумларини улар ўтиб кетмасдан олиб қолайлик. (*«Т. оқиш», газ. 1991, 25 январь.*)

НУТҚНИНГ ТАСВИРИИ ВА ИФОДАВИЙ ВОСИТАЛАРИ

70-§. Нутқнинг барча услублари ўзига хос ифода усулига эга. Айниқса, бадий нутқ лексик жиҳатдан кенг қамровлилиги, бойлиги ва образлилиги билан ўзига хос ифода усули сифатида ажралиб туради. Бадий асар тилида лексик воситалар эстетик таъсир этиш вазифасини бажарадилар. Шунга кўра бу услубда ҳар бир сўз фикрни образли ифодалашга хизмат қилади. Бадий нутқнинг образлилиги сўзларнинг, грамматик шаклларнинг ўз ва кўчма маъноларидан эстетик-ғоявий мақсадга мос равишда фойдаланиш ҳамда тасвирий-ифодавий воситаларни, услубий усулларни ўринли қўллаш орқали янада кучайтирилади. Шунга мувофиқ нутқда образлилиқни таъминловчи ҳам лисоний, ҳам услубий омиллар амал қилади. Нутқнинг ифодавийли-

гини таъминловчи лисоний омил сўз қўллаш билан боғлиқ бўлиб, бу ҳолат тилнинг сўз бойлигидан (омоним, синоним, антоним, пароним, эскирган сўзлар, диалектизмлар, неологизмлар, фразеологик бирликлар, ҳикматли сўзлар, мақоллар, цитаталардан) ўринли фойдаланиш натижасида вужудга келади. Услубий омил эса образли воситалардан, услубий усуллардан мақсадга мос фойдаланиш орқали юзага келади.

Бадий нутқда кўп учрайдиган услубий воситалардан бири **троплардир**. Троплар маъно кўчиши орқали фикрни ифодаловчи воситалар бўлиб, нутқда ифодалилик, экспрессивликни кучайтириш учун қўлланади.

Тропларнинг метафора, метонимия, синекдоха, сифатлаш, ўхшатиш, оксюморонирония, антифраза, сарказм, перифраза, муболаға, тафрит (литота), аллегория, символ, жонлантириш, апострофа каби турлари кенг қўламда ишлатилувчи тасвирий-ифодавий воситалардан саналади.

71-§. Нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб сўз ҳамда ибораларнинг кўчма маънода ишлатилиши **метафорадир**. Бадий метафорада кўчма маъно ҳосил қилувчи сўз лингвистик метафорага ўхшаб фақат предметнинг номини олибгина қолмайди, балки предметнинг образли атамасига ҳам айланади. Масалан, *гумбаз* (осмон), *ниҳол* (кишининг ёшлиги), *оқ олтин* (пахта), *қора олтин* (нефть), *темир одам* (робот), *оҳу кўз* (чиройли), *қора куч* (душман, ёмонлик белгиси), *тузини емоқ* (нон-туз, овқатини емоқ) каби.

Бадий нутқда образлилик ва таъсирчанликни таъминлашда метафоранинг ҳиссаси катта. Мисоллар:

Бу Фарҳод тоғидан чўзилган симдир,
Ҳар битта томирда ўн минг киловат. (F. F.)
Беш асрим, назмий саройни
Титратади занжирбанд бир шер. (A. O.)

Метонимия, синекдоха («Сўз маъносининг кўчиши» параграфига қаранг) ҳодисалари ҳам нутқнинг ихчамлиги ва таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади.

96-машқ. Гапларни ифодали ўқинг. Сўз маъносининг кўчиши билан боғлиқ ҳодисаларнинг турини айтинг ва эстетик вазифасини тушунтиринг.

1. Оғир, ҳазин оҳанглар —
Юракларни эзарди.
Турмушда ҳар севинчда
Ўргимчаклар кезарди. (Ҳ. О.)

2. Мен шоирми,
Уз давримнинг чайкасини билмай нега? (F. F.)
3. Ҳамдам бўлиб сен билан
«Ҳамса»дан сабоқ олдим,
Йироқ-йироқ юлдузлар
Сеҳрини дилга солдим. (A. O.)
4. Кўкда қуёш ва бир лочин қиз
Чаппор уриб этмоқда парвоз.
Пўлат қушлар ўраб атрофин
Учмоқдадир булутдан баланд. (X. O.)
5. Уни қадамнингга ташлама бойлаб,
Қўйвор набирангни, отажоним, Шарқ... (A. O.)
6. Тонготар чоғида жуда соғиниб,
Бедил ўқир эдим, чиқди офтоб.
Лойқа хаёлотлар чашмадай тинди,
Пок-покиза юрак бир қатра симоб... (F. F.)

52- топшириқ. Бирон бадий асардан метафора, метонимия, синекдохага мисоллар топинг, уларнинг нутқдаги вазифасини изоҳланг.

72-§. Нарса ёки ҳодисанинг белгисини иккинчи нарса ёки предметнинг худди шу белгисига кўра қиёслаш натижасида ўхшатиш вужудга келади. Тасвирий воситанинг бу тури ифодавийлик, тасвирийликни кучайтириши, поэтик образлилиги билан ажралиб туради. Ухшатиш нутқий ҳодиса сифатида турли лексик воситалар: *ўхшаш, тенг, каби, сингари, гўё, худди, мисоли, бамисоли, айнан* каби сўзлар, *-дай (-дек), -симон, -она, -омуз, -ларча* каби қўшимчалар, шунингдек бошқа қиёслаш формалари орқали ҳосил қилинади.

Масалан:

1. Бизга қалин дўст китоб,
У гўё нурли офтоб. (*Илёс Муслим.*)
2. Само артилган чиннидай тиниқ, юлдузлар чарақлаб турар эди. (O. E.)

Сифатлаш нутқда предмет, нарса-ҳодисанинг белгисини алоҳида ажратиб, бўрттириб кўрсатиш ва шу орқали нутқнинг эмоционал-эстетик таъсирчанлигини ошириш учун қўлланади.

Агар умумнутққа хос сифатлашлар нутқнинг аниқлигини кўрсатишга хизмат қилса, бадий нутқ сифатлашлари улардан эмоционал образлиликни таъминлаш кўлами билан ажралиб туради. Қиёсланг: *кўк денгиз — ложувард денгиз, қора тун — зим-зиё тун, оппоқ юз — ширмой юз, тоза чашма — зилол чашма, ёқимли ашула — майин дилгир ашула* каби.

Юқори даражада сифатлаш натижасида бирикманнинг экспрессивлиги оширилиб кўчма маънода ишлатилса сифатлашнинг бошқа тури — **эпитет** ҳосил бўлади. Бадний нутқда баъзан эпитетлар рамзий маънони ҳам ифодалайди: *оппоқ тонг* («Сен етим эмассан» шеърида ғалаба тонги маъносида), *қора куч* (душман маъносида), *қизил аскар* (халоскор маъносида), *оқ кабутар* (тинчлик рамзи маъносида).

Баъзан эса маънолари бир-бирига зид бўлган сўзларнинг бирикиши орқали аниқланмишга қарама-қарши белгини кўрсатувчи ғайриодатий бирикма ҳосил бўлади. Поэтик нутқда, кучли оҳангда айтилиб бундай бирикма юқори экспрессивлик ва эмоционаллик касб этади. Бу тасвирий восита **оксюморон** дейилади. Масалан, *ширин оғриқ, сассиз овоз, аччиқ қувонч, ақлли аҳмоқ, қари ўсмир каби*.

Мисоллар: 1.— *Оббо соқолли чақалог-ей,— деди Шамси Тўраевич Ушаровнинг елкасига қўл ташлаб.* (Н. Аминов, «Елвизак».)

2. Шундай юрагимда *товушсиз фарёд,*

Мен сенга инонмоқ истайман, эвоҳ...

(Р. Шарфи, «Муҳаббат» шеъри.)

97- машқ. Гапларни ўқинг. Тасвирий-ифодавий воситаларни аниқлаб, турини айтинг ва вазифасини тушунтиринг.

1. Достонларда битган гулистон —
Ўзбекистон дея аталур,
Уни севиб эл тилга олур.
Чиройлидир гўё ёш келин,
Икки дарё ювар кокилин. (Х. О.)

2. Бу уй ичида Отабекнинг саодатли кунларининг ширин хотиралари сақланар. (А. Қод.) 3. Мен бора қолай, кеч бўлди... деди тиниқ сузук кўзлари жавдираб. (Х. Ғ.) 4. Сиддиқжон, худди аллақачон уйғонгану, шунга маҳтал бўлиб ётгандай, дарров ўрнидан турди. (А. Қ.) 5. Тариқдай заминнинг устида беун, Яшаб ўтди шундоқ буюк бир юрак. (А. О.) 6.— Ким билсин. Тўғриси, ичи қора одам, ўзи сариқ бўлса ҳамки, ичи қора. (Н. А.) 7. Охири қўлларим куя-куя тирик гулханни қорга босиб ўчирдим. (У. Ҳ.) 8. Узоқларга боқар сузук кўзингиз, Нуқтадай тор қорачиқдан оқар нур... (Ғ. Ғ.)

9. Ҳушёр боқ, то фоний умр кечади,
Тегрангда турфа хил тошлар учади.

Бири қора ҳасад ё гараз тоши,
Бири ёвуз тухмат ё мараз тоши. (А. О.)

53-топшириқ. Узингиз танлаган бадий асардан ўхшатиш ва сифатлашларга мисоллар топинг ва уларнинг нутқдаги вазифасини изохланг.

73-§. Нутқда сўз ва ибораларнинг кесатиқ, масхара, пичинг билан ўз маъносига зид ҳолда қўлланиши киноя (ирония) саналади. Бу тасвирий воситанинг **антифраза**, **сарказм** каби кўринишлари бадий нутқда кенг қўлланади. **Антифразада** муаллиф ёки персонаж нутқдаги ҳар қандай сўз ёки иборанинг маълум муҳитда интонация билан боғлиқ равишда киноя-пичинг маъносига қўлланиши назарда тутилади.

Масалан: *Баширжон зўрға тонг оттирди. Эрталаб уни олиб кетишга келган Илҳомжонга ҳам: «Бор, ўша Хўжақуловага айт, касал де, яйраб ишлайверар экансиз де!»— деди. (Н. Аминов, «Елвизак».)* Бу гапда аламзада Баширжоннинг уни партия мажлисида муҳокама қилмоқчи бўлган Хўжақуловага пичинг ифодаланган.

Сарказм муаллифнинг тасвирланаётган воқеа-ҳодисага салбий муносабатини аччиқ кулги, таъна асосида ифодалашга хизмат қилади.

Масалан: Уткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романида раисликка тайинланаётган Хўжаевнинг дўқпўписасига мажлис аҳлининг аччиқ заҳархандаси, пичинги қўйидагича берилган:

«...Пастдагилар анча тинчиб қолган, лекин чеккачеккадан ҳамон норози хитоблар эшитиларди:

— Кеча келди югуриб, бугун олар суғуриб...

— Туппа-тузук мол эканмизу билмай юрганмизни қара...»

Шахс ёки нарса номининг унга мазмун жиҳатдан боғлиқ бошқа сўз, тасвирий ибора билан алмаштирилиб ифодаланиши **перифраза** саналади. Масалан: А. Ориповнинг «Баҳор» шеърида Ғафур Ғулом номи қўйидаги-бирикмалар билан аталган:

Ун ойким сўнмишдир у таниш наъра,
Ҳамон фироғида фиғон чекар Шош.
Баҳор келаётир, бош кўтар, қара,
О, сўрур куйчиси, дондош замондош.

Бадий нутқда, айниқса, шеърий асарларда, масалларда сўзнинг кўчма маъносига асосланган муболаға (бўрттириш, кучайтириш), тафрит (ҳаддан ташқари

кичрайтириш), мажоз (аллегория), жонлантириш, апострофа каби тасвирий-ифодавий воситалар ҳам кенг қўлланади. Апострофадан бошқа бу тасвирий воситаларга адабиётшуносликда кенг ўрин берилган. **Апострофада** жонсиз нарсалар жонлантириш усулида бўлганидек, инсонларга ўхшаб ҳаракат қилмайди, бунда фақат жонсиз нарсага жонли нарса каби мурожаат ифодаланади:

Сиёҳдон, азизим, қора кўзлим,
 Қора тунлар аро ёриган кўзгу.
 Сендаги у сиёҳ — йўқ, сиёҳ эмас,
 Қалбимни қийнаган қип-қизил қоним. (F. F.)

Нутқ жараёнида қатнашмаётган шахсга мурожаат ҳам апострофанинг бир кўриниши ҳисобланади:

Уқнётиб сиз ҳақдаги
 китобларни
 Уқнётиб сўроқларни,
 хитобларни
 Бошим говлар, бошим тошдай
 қотар гоҳо,
 Не жаҳолат, маломат бу
 Темури бобо!

(А. Кўшимов)

98- машқ. Қуйидаги бадий парчалардаги тасвирий воситаларни топинг ва уларнинг қандай мақсадда қўлланганини тушунтиринг.

1. Заргаров билан Зуҳра чиқиб кетади. Машина гудок бериб жўнайди. Насиба уйдан югуриб чиқади.

Н а с и б а. Қетишдимми?

М а р а с у л. Ҳа.

Н а с и б а. Юринг, Хуморхон опа, бирга борамиз.

Хуморхон. О, опаси ўргилсин, Аҳаджон акангизнинг гапини уйда эшитганим ҳам етар, энди клубга бориб ҳам эшитайми?

М а р а с у л (болани бериб). Ушланг! Сиз ҳам бормай қўя қолинг!

Н а с и б а. Ўзингиз айтдингиз-ку!

М а р а с у л. (аччиғи келиб). Қачондан бери мен нима десам шуни қиладиган бўлиб қолдингиз?

Н а с и б а. Бир йилда бир марта борсам нима қипти?

(А. Қ. «Оғриқ тишлар»)

II. Баширжон «Дайди» фильмидаги машҳур қўшиқ-

дан шу икки қаторини завқ билан куйлади. Унинг хаёлчан, ўйчан кайфияти ўрнини бир муддатнинг ичида қувноқлик эгаллаган эди.

— Яна индийский фильмлардан «Ганга билан Жамна», «Байжу Бавра»... Хўш, «Тошдаги гул».

— «Гулдаги тош»,— деб юборди Қурбонов.

— Ҳа-ҳа!— деди Баширжон ўз сўзини тузатган бўлиб.— «Гулдаги тош»...

Қурбонов қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Нимага куласиз?

— Гулдаги эмас, «Тошдаги гул»,— деди у қорини ушлаб куларкан:

Баширжон ҳам бўш келмади.

— «Гул» билан «тош» сўзлари борми ахир?— сўради у қип-қизариб.— Гулда тош бўлди нима-ю, тошда гул бўлди нима, бари бир-да!

(Н. А., «Елвизак».)

III. Эй Фарғона!

Мушкул кунлар боласини
тишида тишлаб,

Ювиб,

тараб,

севиб,

ўпиб,

қучиб,

опичлаб.

Эй, бахтларни балоғатга етказган она!

(Ҳ. О.)

IV. Тиллашибдир бўри бирла тозилар,
Бирлашибдир ўғри бирла қозилар.
Не деб айтар ул баобрў анжуман,
Қўл кўтарсин ушбу ҳолга розилар.
Зўр баҳодирмиз, жасрат биздадир,
Пашша қонин тўккан, эй, мард ғозилар.

(Э. Воҳидов)

54-топшириқ. Бирон бадий асардан сўзнинг кўчма маъносига исосланган тасвирий воситаларга мисоллар топинг, унинг турини айтинг ва бадий нутқдаги ўрнини, вазифасини изоҳланг.

МОРФОЛОГИЯ ВА ИМЛО

КИРИШ

74-§. Грамматика ўзаро боғланган икки қисмдан — морфология ва синтаксисдан иборат.

Морфологияда сўзларнинг тузилиши ва ўзгариши, ясалиши ва сўз туркумлари ўрганилади.

Синтаксисда гапда сўзларнинг ўзаро боғланиши, гап қурилиши ва турлари ўрганилади.

Морфология ўрганилаётган тилнинг имло қонунияти билан, синтаксис шу тилнинг пунктуацион (тиниш белгилари) қонунияти билан узвий боғлиқдир.

СЎЗНИНГ МОРФОЛОГИК ТАРКИБИ

75-§. Сўзлар морфологик таркибига кўра туб ва ясама бўлади. Сўзларнинг туб ва ясама деб икки турга ажратилиши уларнинг маъноли қисмларига, грамматик таркибига боғлиқ.

Бу қисмлар вазифаси ва сўздаги ҳолатига қараб икки хил бўлади: 1. **Ўзак қисм** (асосий қисм); 2. **Қўшимча** (кўмакчи қисм) — **аффикс**.

Ўзак мустақил ҳолда ҳам маъно билдиради. Ўзак маъноли бўлакларга бўлинмайди. Қўшимча эса ўзакнинг маъносига турли маънолар қўшадиган кўмакчи қисм саналади. Масалан: *кул-ги, бош-лиқ-нинг, ток-зорлар-ни, из-чил-лик-дан, учра-ш-ган-лар-имиз* сўзларидаги: *кул, бош, ток, из, учра* — ўзак; *-ги, -лиқ, -нинг, -зор, -лар, -ни, -чил, -лик, -дам, -ш, -ган, -имиз* кабилар қўшимча (аффикс)лардир.

99-машқ. Матнни кўчиринг. Сўз ўзакларини ва қўшимчаларини аниқланг. Қўшимчаларнинг аниқланган маъносига аҳамият беринг.

Қаландаровни соя тортган асосий сабабларидан бири, унинг чаласаводлиги ва «ўқимаган бўлсам ҳам планни ўқиганлардан яхшироқ бажараман», деган қа-ноати; иккинчиси, маълум шарт-шароит натижасида танқид, меҳнат интизоми доирасидан ташқарига чиқиб қолганлиги экан. Бунинг оқибатида Қаландаров шуҳратпараст, ҳеч кимни ўзига тенг кўрмайдиган, демак, ҳеч кимнинг сўзига қулоқ солмайдиган, иззат-обру кел-

тирадиган план-процент ва даромаддан бошқа ҳамма нарсага панжа орасидан қарайдиган бўлиб қолибди.

...Саида Қаландаровнинг соя тортган сабабларининг натижаларини қидириб, яна бирмунча кўнгилсиз ҳодисаларга дуч келди. Қаландаров чаласавод эканини билдирмаслик учун букориш мумкин бўлган ёзув-чизувни Умидага ҳавола қилса, ўзи қўли билан ёзиши зарур бўлган нарсаларни уйда Эшонга ёздириб остига қўл қўяр экан. Бу ҳол уни маълум даражада Эшондан тилини қисқ қилиб қўйибди. Мактабда интизом бўш, ўқитувчиларнинг обрўйи йўқ, даволат жуда паст, ҳар йили мактабга тортиладиган қизларнинг фақат икки-уч процентигина ўзининг классни битирар, бу ҳол кўп даражада Қаландаровга боғлиқ экан. Болалар боғчаси ғирт оми, боғчага даромад манбаи ва Хуринисонинг хизмати деб қарайдиган Кифоятхон қўлида. (А. Қ.)

ҚУШИМЧАЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

76-§. Қўшимчалар маъно ва вазифаларига кўра сўз ясовчилар ва шакл ясовчиларга бўлинади.

1. Сўз ясовчи қўшимча янги маъноли сўз яшаш учун хизмат қилади. Масалан, *пахта* сўзи техника ўсимлиги номини билдирувчи сўздир. Бу сўзга **-кор** ясовчи қўшимчасини қўшиш билан *пахта* етиштирувчи шахсни ифодаловчи, бинобарин янги маъно билдирувчи сўз ясалади. Тер сўзи феъл бўлиб, ҳаракат маъносини билдиради. Унга **-им** қўшимчасини қўшиш билан иш-ҳаракатни бажариш жараёнини билдирувчи *терим* сўзи ясалади, *терим* сўзига **-чи** қўшимчасини қўшиш билан эса терувчи шахс номи (*теримчи* сўзи) ҳосил бўлади. Демак, бу хилдаги қўшимчалар ўзакка қўшилиб, янги маъноли сўз яшаш вазифасини бажаради, шу сабабли улар сўз ясовчи қўшимчалар дейилади.

Сўзларга ясовчи қўшимчалар қўшилганда, баъзан ўзак қисм фонетик жиҳатдан ўзгариши мумкин. Бунда ўзакнинг ясовчи қўшимчаларсиз қўлланиш ҳолатини — ўзакнинг асл ҳолатини унутмаслик керак. Масалан, *ёш*, *сон*, *тара*, *тирна* каби сўзларга **-а**, **-қ** ясовчилари қўшилганда, ўзакда қуйидагича ўзгаришлар содир бўлади: *ёш* — *яша*, *сон* — *сана*, *тара* — *тароқ*, *тирна* — *тирноқ*. Мисоллардан кўринадики, олдинги икки сўзда ўзакдаги **о** товуши **а** га, кейинги икки сўзда эса ўзакдаги **а** товуши **о** га айланган. *Тани*, *таши*, *ўқи*, *тўқи* каби сўзларга

в қўшилганда, охирги и товуши у га айланади: *ўқи — ўқув, таши — ташув, тўқи — тўқув* каби.

2. Шакл ясовчи қўшимчалар сўзнинг маъносини ўзгартирмай, унга ҳар хил қўшимча маънолар қўшади. Масалан: *кул-иб, юр-ган, катта-роқ, қуш-ча, уй-лар, беш-инчи, кўр-газ*.

Шакл ясовчиларга феълнинг равишдош, сифатдош шаклини ясовчи қўшимчалар; феъл нисбатларини ҳосил қилувчи *-л, (-ил), -н (-ин), -тир (-дир), -ш (-иш)* каби қўшимчалар; отлардаги кўплик, кичрайтиш ва эркалаш маъносини ифодаловчи *-ча (-чак), -лоқ (-алоқ), -гина (-кина, -қина, -ғина)* каби қўшимчалар; сонларнинг маъно турларини кўрсатувчи қўшимчалар, шунингдек, сўзларнинг синтактик муносабатини ифодаловчи эгалик, келишик ҳамда тусловчи қўшимчалар (*ватан-им, ватан-инг, ватан-имиз, машқ + дан; айт + ди, бора + ман*) киради.

100- машқ. Матнни ўқинг, ажратилган сўзларнинг маъноли қисмларини изоҳланг. Сўзларда учраган қўшимчаларни тавсифланг.

ТАРИХ — МАДАНИЯТ ИЛДИЗИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, санъатшунослик доктори, профессор, Ҳамза номидаги жумҳурият Давлат мукофоти лауреати Галина Анатољевна Пугаченкова... Ўзбекистонда бу ном кўпларга таниш. Дини, қони, миллати бошқа, лекин дарди-дунёси, тақдири еримиз ва халқимиз-ла чамбарчас боғланган қутлуғ сиймолар, кам дейсизми? Улар яратган илмий асарлар жаҳоншумул аҳамиятга эга. Бартольд, Вяткин, Морозов, Массон, Рампель... Галина Анатољевна ўзи ҳақида шундай дейди: Мен асли **зиёли** оиласида туғилиб ўсганман. Китоблар дунёси билан нафас олганман. Урта Осиё индустрия институти (ҳозирги ТошПИ)нинг архитектура бўлимини 1937 йилда аъло тугатдим. 1941 йили номзодлик диссертациясини ёқладим. 1959 йилда эса санъатшунослик доктори унвонига сазовор бўлдим. Сиз балки нега энди архитектор бўла туриб, санъатшунослик соҳасида иш олиб борганимга ҳайрон бўлаётгандирсиз. Фаолиятимнинг илк давриданоқ тарихий обидалар, масжиду қасрлар, жойларда топилган тарихий қазилмаларнинг ҳайратланарли гўзаллиги доимо лол қолдирарди. Мен уларда аждодларимизнинг буюк қалб ҳароратини туйгандек бўлардим. «Навоий даври Урта Осиё ёдгорликлари тарихи», «Ўзбекистоннинг буюк архитектура-

си», «Анау масжиди», «Араб ота мақбараси» каби бир қатор китобларим ана шу ҳайратим, кўзатиш ва изланишларим маҳсули бўлган. Ниманки ёзмай ўзбек халқига буюк ҳурматни дилимга тугиб қўдимга қалам олдим. Унинг дунёга кўз-кўз қилгулик тарихий санъатини, қадим санъаткорларини, меҳнаткашу меҳроқибатли одамларини қаерда бўлмай унутганим йўқ.

Г. А. Пугаченкова ўзбек маданиятини қатор мамлакатларда тарғиб қилди. Англия ва Франция дорилфунунларида маърузалар ўқигани учун 1976 йилда унга «Страсбург дорилфунунининг доктори» унвонини беришди.

Галина Анатольевна жумҳуриятимиздаги тарихий обидаларнинг аҳволини яхшилаш ва уларни келажак авлодларга тўла-тўқис сақлаш учун курашда сира тоймади. Зеро, Шарқ, Урта Осиё ва шу жумладан, Ўзбекистон ўзининг қадим ўтмишидан сўйлагувчи бинолари, наққошлик ва заргарлик намуналари, ҳунармандчилиги ва чеварлик санъати билан асосли равишда дунё маданиятининг бир бўлагидир.

«Ўзбекистондаги архитектура ёдгорликларининг бугунги аҳволи кишида жуда катта ташвиш уйғотади», — дейди Галина Анатольевна. Мана биргина Шаҳрисабздаги Амир Темур 1404 йилда қурдирган Жаҳонгир мақбарасини олиб кўрайлик. Биз бир гуруҳ архитекторлар билан 30-йилларда у ерда бўлганимизда Темурлангдек хоннинг кўнглида гўзалликка қанчалар ошуфталик бўлганлигидан ҳайратланган эдик. Ер остида оқ мрамрдан қурилиб нақшлар солинган хоналарнинг (бу ердаги сараналарнинг бирига Жаҳонгир, иккинчисига Мироншоҳ қўйилган бўлиб, учинчисига Темур ўлганимдан кейин ўзимни қўясизлар, деб васият қилган) ҳар бирининг пештоқиға Қуръондан суралар битилган эди. Лекин яқинда бориб кўриб, унинг қанчалар ҳароб аҳволга келиб қолганлигидан нечоғли қийналганимни билсангиз эди. Бу ҳақда мен ёзмаган мутасадди ташкилот қолмади. Энг асосийси, бу мақбара тўрт томонидан водопровод қурувчиларнинг ташаббуси билан қурилган қувурлардан оқаётган сувдан зарар кўрмоқда. Чунки, бинонинг тепасига зах сувлар йиғилиб, шифт ва деворлар нураб тушаяпти... Наҳотки, кечаги халқимиз босиб ўтган йўл буюк бир тарихга бугунги кун одамларининг муносабатлари шу бўлса. Ахир маданиятнинг илдизи тарихда-ку. Ўзлигини англаб яшамоғи учун инсон бутун умр ўтми-

шига, тарихига мурожаат қилади-ку. Наҳот энди биз ўзлигимиздан, аждодларимиз асрлар оша бизга қолдирган улуг ўтмишдан шу тариқа юз ўгирсак. Ахир бу ваҳшийлик-ку!.. Шаҳрисабздагига ўхшаш аянчли аҳволни Бухоро, Самарқанд, Урганч, Хива ва Тошкентдаги кўп-лаб архитектура ёдгорликлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу аҳволга тез суръатларда барҳам бериш, таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини янада мукамаллаштириш керак. Модомики, биз бугун маданий ва тарихий бойликларимизга нисбатан ўз муносабатимизни тубдан ўзгартирмас эканмиз, эртага кеч бўлади. Бунинг учун эса бизни ҳеч ким, ҳеч қачон кечирмайди.

(«Саодат» ж. дан.)

СУЗЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИГА КўРА ТУРЛАРИ

77- §. Сўзлар тузилиш жиҳатидан уч турга бўлинади: содда сўз, қўшма сўз ва жуфт сўз.

Биргина ўзакдан ташкил топган сўзлар содда сўзлар саналади: *ота, она, нон, сув, яхши, чиройли, ўқимоқ* каби.

Содда сўзларнинг ўзи туб ва ясама бўлади.

Таркибида ясовчи қўшимчалар бўлмаган сўзлар туб сўзлар ҳисобланади: *мактаб, бола, китоб, иссиқ, тез* каби.

Ясама сўзлар, одатда, ўзакка сўз ясовчи қўшимчаларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади: *гул-чи, сев-ги, терим-чи,*

Икки ва ундан ортиқ ўзакнинг қўшилиувидан ҳам янги сўз — қўшма ва қисқартма (от) сўзлар ҳосил бўлади: *қўлқоп, бешиктерватар, ўқиб бермоқ, йигирма олти, темир йўл, ижроқўм, телеминора* каби.

Икки ҳар хил маъноли ўзакнинг маъно ва грамматик жиҳатдан тенг боғланишидан ҳам янги сўз — жуфт сўз ҳосил бўлади: *катта-кичик, она-бола, ота-бола, у-бу, уч-тўрт, ўнқир-чўнқир, дала-дашт, борди-келди* каби.

101- машқ. Матнни ўқинг. Сўзларнинг тузилишига кўра турини аниқланг.

I. Қуёш чақнаб турган қиш ҳавоси. Мезбонлар меҳмонларни кузатиб ташқарига чиқишди, ўзининг кенг хонасида Абай ёлғиз қолди. У суяклар билан нақшбанд қилинган баланд каравот ёнида, одатдаги ўрнида ўтирар эди. Каттакон, оппоқ пар ёстиғи — унинг уйидаги дои-

мий ҳамдами — ўнг тирсагида. Гоҳ юмалоқ хонтахтага суяниб, гоҳ кенг кафтлари билан тиззасига тиришиб, шу ҳолатда узоқ-узоқ қолади, чуқур хаёлларга чўмади, кўзларида фикр қандиллари йилтираб ёнади. Субҳидам қуёшнинг ўткир нурларига ва қаҳратон қишнинг қалин қорларига бурканган Оқ-Шўқи қирлари деразадан оқаришиб кўринади. Нақадар осойишта, нақадар саришта дамлар анқийди улардан!..

II. Бу қиш шоир учун энг самарали қишлардан бири бўлди. Қозоқлар қозихоналарда негадир сур-сурга камроқ учрадилар.

Абайдан ҳимоя тилаб, уни дашт-сахроларда кезишга мажбур қилмадилар. Шоир овулда қолиб севикли ишига берилди. У кўркем қирлардан кун бўйи кўз узмас, кўнглининг қаеридадир уйғонган ёқимли ҳаяжон билан ўтган бахтли дамларга сира тўймас эди. (*Мухтор Аезов.*)

78-§. Баъзи сўзларга сўз ясовчи ва шакл ясовчи қўшимчалар қўшилганда, ўзакда қуйидаги каби товуш ўзгаришлари юз беради:

1. и билан тугаган отларга фамилия ясовчи -ев, -ева қўшилганда, ўзакдаги -й товуши тушиб қолади: *Уринбой — Уринбоева, Дадабой — Дадабоева.*

2. От ясовчи -к, -қ қўшимчаси, а, я билан тугаган сўзга қўшилганда, ўзакдаги а товуши о га, я товуши ё га айланади: *тара — тароқ, тая — таёқ.*

3. От ясовчи -ум қўшимчаси й билан тугаган сўзга қўшилганда ўзакдаги й қўшимчадаги у товуши билан биргаликда ю га айланади: *қуй — қуюм, уй — уюм.*

4. -(у) в от ёки ҳаракат номи ясовчи қўшимча ўзакдаги а товушини о га, и товушини у га айлантиради: *сайла — сайлов, ўқи — ўқув.*

5. қ ёки к билан тугаган бирдан ортиқ бўғинли ўзакка -им (-имиз), и каби эгалик қўшимчалари қўшилганда, ўзакдаги қ товуши ғ га, к товуши г га айланади: *ўртоқ — ўртоғим (ўртоғи), билак — билагим (биласи), бундан нок, фарқ, ўқ, иштирок, иттифоқ, ташвиқ каби сўзлар мустаснодир.*

6. Узаги и ёки у билан тугаган сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда, ўзакдаги и ёки у товуши қолади: *ўрин — ўрим, оғиз — оғзим, бурун — бурнинг каби.*

7. Сифат ясовчи -қ ўзакдаги а товушини о га айлантиради: *ийгла — ийғлоқ, ялтира — ялтироқ каби.*

8. Сифатдош ясовчи -ган (-кан, -қан) қўшимчаси

Ўзакдаги **г** товушини **к** га, **ғ** товушини **қ** га айлантиради: *туғ—туккан, соғ—соққан*. Равишдош ясовчи **-гач** қўшимчаси қўшилганда ҳам шу ҳолат юз беради: *туғ—туккач*.

102- машқ. Ўзак қисмига қўшимча қўшилганда товуш ўзгариши юз берган сўзларга мисол келтиринг. Ҳар бир товуш ўзгаришини изоҳланг.

Н а м у н а: *бурун-им — бурним; фироқ-и — фироғи, нок-га — нокка* каби.

103- машқ. Қуйидаги сўзларга **-им, -и, -си** эгалик қўшимчаларининг мосини қўйиб тусланг ва сўздаги товуш ўзгаришларини изоҳланг.

Баҳо, қўшиқ, идрок, мавзу, ғоя, кўрк, ғижжак; саҳифа, хулқ, иштирок, татбиқ, илиқ, мисра, топишмоқ, ток, доира, таёқ.

104- машқ. Берилган сўзларга **-в, -қ** қўшимчаларини мосини қўшиб, янги сўзлар ҳосил қилинг, сўз ўзагидаги ўзгаришларни тушунтиринг.

Сайра, сана, сийла, сайла, сўра, ўқи, тўқи, қатна, қайра, бағишла, тара, қурша, бўя, суя, йиғла, чимчила, танла.

СУЗ ТУРКУМЛАРИ

79- §. Сўз туркуми сўзларнинг бир умумий маънога, ўзига хос сўз ясовчи, шакл ясовчи ва гапда бир хил синтактик вазифани бажаришга мослашган алоҳида бир туридир.

Предмет ва нарса, белги ва ҳаракат, миқдор каби маъноларни англатадиган, маълум бир таркибга ва ясалиш шаклига эга бўлган, гапда мустақил синтактик вазифа бажара оладиган сўзлар **мустақил сўзлар** саналади. Улар ўзбек тилида олтига: от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш.

Мустақил маъно билдирмай, гапда бошқа мустақил сўзлар билан бирга қўлланиб, уларга қўшимча маъно қўшадиган, уларнинг ўзаро боғланишига хизмат қиладиган сўзлар **ёрдамчи сўзлар** саналади. Ёрдамчи сўзлар ўзбек тилида учта: кўмакчи, боғловчи, юклама.

Шундай сўзлар борки, улар на мустақил, на ёрдамчи сўзларга хос хусусиятларга эга. Бундай сўзларга модал сўзлар, ундов сўзлар, тақлидий сўзлар киради.

105- машқ. Матни ўқинг. Мустақил ва ёрдамчи сўзларга алоҳида-алоҳида изоҳ беринг. Маъно ва грамматик фарқларини тушунтиринг.

Мен қулоғимни динг қилиб, тошдай қотиб турардим. Аслида исмим Камол, бу ерда Академик деб лақаб қўйишган эди. Ҳа, ўйлаганимдай бўлиб чиқди. Нариги томондан тракторнинг тирр этган овози эшитилмасди. Жағимга туширмоқчи бўлган ўша одам — Абубакир экан. У яна дағдаға солиб роса сўкадиган бўлди-да, ҳа, мушт кўтаришдан ҳам қайтмайди. Сув ташиб етказиб беришга улгура олмаяпман, тракторлар иккита, мен бўлсам якка ўзим. Шунга қарамай, манови якка от-аравада уларга сув ҳам, ёнилғи ҳам, мой ҳам, яна бошқа бало-баттарларни етказиб беришим керак Тракторлар бўлса бу атрофда яккаю ягона ҳисобланган булоқдан тобора узоқлашиб борарди. Улар ёнилғи цистерналари сақланадиган бирдан-бир шийпонимиздан ҳам борган сайин одислашиб кетишаётганди. Шийпонни ҳам яқинроққа кўчиришга уриниб кўрдик, аммо қаёқда дейсиз, у ҳам сув билан боғлиқ-да. Абубакирга ўхшаганлар бўлса буни тушуннишни ҳам истамайди: «Жағингга соламан!» деб бақиргани-бақирган. Мен бу ерга оғзидан сўлаги оқиб юрган ландавур студентни деб бекорга вақт ўтказишга тоқатим йўқ, — дейди (Ч. Айт.)

106- машқ. Ўқинг. Ҳар бир сўзнинг сўз туркумига кўра турини айтинг. Қўшимчаларини ажратиб, вазибаларини тушунтиринг.

ШУКУР БУРҲОНОВ ҲАҚИДА

Улкан санъаткор Шукур Бурҳонов яратган Брут образи фақат мени эмас, балки залдаги барча томошабинларни беҳад қувонтирди. Унинг кучи томошабин қалбига етказа оладиган ҳаяжонли нутқида, қаҳрамон айтмоқчи бўлган ички тугённи тикилиб ёки хаёл суриб беришида, ички эҳтиросдадир. Унинг талқинида шекспирона сўзлар баралла етиб келади.

Г. М. Батукаев, Россия халқ
артисти, режиссёр.

Ўзбек санъаткорлари мени мафтун қилиб қўйди. Шоир ва драматург Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» тарихий трагедиясини ҳаяжон билан томоша қилдим. Шукур Бурҳонов бу спектаклда ҳам му-

раккаб ролни — ҳукмдор ва мунажжим олим образини монолит ярата олган. Унинг ҳар бир ҳаракати, боқиши, фикр юритиши, талаффузи, оғир соатларда ўзини тута билишида сунъийлик йўқ. Томошабин артистни эмас, чинакам XV аср намояндасини кўради.

*М. С. Григорьев, профессор,
санъатшунос.*

ОТ

80-§. Отнинг маъно ва грамматик хусусиятлари. Шахс, предмет нарса, воқеа-ҳодисаларнинг номини билдирадиган мустақил сўзлар туркуми отдир. Улар ким?, нима?, кимлар?, нималар? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади: *хонанда, қизиқчи, кутубхона, баян, кларнет, клуб, пианино, тановар, дугоҳ.*

Отлар кўплик, эгаллик ва келишик қўшимчалари билан ўзгариш ҳамда ўзига хос ясалиш шаклларига эга. Масалан: *билимгоҳимизнинг талабалари: -имиз (эгаллик), -нинг (келишик), -лар (кўплик), -и (эгаллик).*

107- машқ. Матнларни ўқинг. Отларни топиб, қандай сўроққа жавоб бўлишини айтинг.

I. Анорхой — ўтмишнинг тилсиз гувоҳи, даҳшатли жанглар майдони, кўчманчи саҳройи қабилаларнинг макони. Бизнинг замонамизда эса Анорхой даштлари бой ва сахий чорвадорлик ўлкасига айлантирилиши керак!..» ва ҳоказо, ва ҳоказо, шунга ўхшаш сўзлар. (Ч. Айт.)

II. Залда босинқи говур кўтарилди. Олдинги қаторда ўтирган тўдадан келган бир кампир ўрнидан турди, бир нима демоқчи бўлиб тишсиз, балиқнинг оғзига ўхшаган оғзини бир-икки ростлаганидан кейин баланд товуш билан деди:

— Саидахон, қизим, менда ҳам битта сағол бор: районинг хатоси топилган эмиш, масаласи қачон кўрилади? (А. Қ.)

III. Буларни яхши танийман, буларни мен билан бирга қамоққа олишган. Лекин Марекка зиёлилар ўртасида ишлашда ёрдам бериб юрган санъат тарихчиси Кропачек нима қилиб бу ерга келиб қолди? (Ю. Фучик.)

81-§. От ясовчи қўшимчалар. От ясовчи қўшимчалар турли сўзларга қўшилиб от ясайди. Бундай қў-

шимчалар қайси сўз туркумидан от ясашига кўра, асосан, икки катта гуруҳга бўлинади:

1. Отдан от ясовчи қўшимчалар:

-чи: муқовачи, қўшиқчи, ижрочи;

-дош: тилакдош, курсдош, маслакдош;

-каш: меҳнаткаш, сураткаш;

-бон: боғбон, қўйчибон, дарвозабон (вон- каби талаффуз қилинса ҳам, -бон ёзилади);

-боз: дорбоз, ишқибоз, каптарбоз (-вoз каби талаффуз қилинса ҳам, -бoз ёзилади);

-паз: ошпаз, сомсапаз, кабоппаз;

-дор: боғдор, чорвадор, байроқдор, айбдор;

-шунос: тилишunos, адабиётшunos, санъатшunos;

-хон: китобхон, ғазалхон, навоийхон;

-соз: кемасоз, соатсоз, машинасоз;

-дўз: этикдўз, маҳсиддўз, дўппидўз;

-нома: ёднома, йилнома, таклифнома;

-хона: қабулхона, чойхона, нурхона;

-чилик, -гарчилик, -зор, -лоқ, -истон каби қўшимчалар ҳам, асосан, отдан от ясайди: қўшиқчилик, одамгарчилик, гулзор, тошлоқ, Гулистон, Ўзбекистон.

II. Феълдан от ясовчи қўшимчалар:

-ма: қатлама, сузма, қовурма, қайнатма;

-к (-ик, -ук), -қ (иқ, -уқ): элак, курак, кўрик, чақирик, учуқ;

-оқ: тузоқ, қочоқ, қучоқ;

-ки, -ги, -қи, -ғи (-ғу): туртки, тепки, ёқилғи, туйғу, ачитқи, сезги, кулги;

-кич, -қич, -ғич, гич: кўрсаткич, совутғич, қисқич, қашлағич;

-м, -им, -ум: чидам, унум, ютум, кириш, чиқим;

-инди: ювинди, чўкинди, чиқинди, қиринди;

-ч, -инч: ишонч, қўрқинч, таянч, ўтинч;

-лик қўшимчаси тозалик, софлик (сифатдан); тезлик, созлик (равишдан); ўзлик (олмошдан); учлик, бешлик (сондан) от ясайди.

108- машқ. Гапларни кўчиринг. Отларни топиб, от ясовчи қўшимчаларнинг қайси сўз туркумларидан от ясаётганлигини айтинг.

1. Овчилар буғу отиб, шохини танасидан жудо қилдилар. (Ч. Айт.) 2. Ертўла унча катта эмас, нари борса ўқувчи болаларнинг дарсхонасича келади, холос. (Х. Т.) 3. Обид ака пахтазорнинг этак томонига ишора қилди. (У. Ум.) 4. Қайтиб келгач, қоровулхонада ёғоч уй қурди,

ўрмончилик билан машғул бўлди. (Ч. Айт.) 5. Ортиқча ютуқ Каримовни шуҳратпараст қилиб қўйганди. (А. Ҳ.) 6. Чехрасида ҳам хавотир, ҳам севинч бор эди. (А. У.) 7. Элмурод Муҳаррам билан китобхонлар анжуманида иштирок этишганди. (Ш.)

109- машқ. -м, -ки, -к, -лик, -ч, -ма, -оқ от ясовчи қўшимчалари ёрдамида сифат ва феълдан от ясанг ва улар иштирокида гап тузинг.

82- §. Фамилия ясовчи қўшимчалар киши отларига қуйидаги тарзда қўшилади ва ёзилади:

1. Ундош билан тугаган киши отларига -ов, -ова шаклида: *Самадов, Қосимов, Собирова, Қурбонова.*

Э с л а т м а. ш ундош товуши билан тугаган киши отларига -ев, -ева шаклида қўшилади: *Эргаш — Эргашев, Йўлдош — Йўлдошева.*

2. Унли билан тугаган киши отларига -ев, -ева шаклида: *Абдуллаев, Тўраева, Боқиев, Тиллаева.*

3. й билан тугаган киши отларига -ев, -ева шаклида қўшилади, бунда от охиридаги й ундоши тушиб қолади: *Дадабой — Дадабоева, Турғунбой — Турғунбоева — Турғунбоев, Уринбой — Уринбоева.*

110- машқ. Қуйидаги исмларга фамилия ясовчи қўшимчалар қўшинг. Қўшимча қўшилганда ўзакда юз берган ўзгаришларни изоҳланг.

Уринбой, Йўлчи, Зокир, Урин, Сафар, Ихтиёр, Қўлдош, Зариф, Нўъмон, Қарим, Муса, Қўзибой, Исроил, Солиҳ, Соли, Йўлдош.

83- §. Қўшма отлар ва уларнинг ёзилиши. Икки ва ундан ортиқ ҳар хил маъноли ўзакнинг бирикувидан ташкил топган отлар қўшма отлар саналади. Қўшма отнинг таркибий қисмлари аслида ўзаро қуйидагича синтактик муносабатда бўлади:

1. Аниқловчи + аниқланмиш: *қўлнинг қопи — қўлқоп, томнинг орқаси — томорқа, шолининг пояси — шолিপоя.*

2. Тўлдирувчи + кесим: *молни боқар — молбоқар, музни ёрар — музёрар, китобни севар — китобсевар.*

3. Ҳол + кесим: *босиб олди — босволди (қовуннинг тури), беш отар — бешотар.*

Қўшма отларнинг қуйидаги турлари қўшиб ёзилади:

1) бир тушунчани билдирадиган ва бир бош урғу билан айтиладиган қўшма отлар: *гултожихўроз, шолипоя, қовоғари, белбоғ;*

2) иккинчи қисми **-ар** билан ясалган сифатдош бўлган қўшма отлар: *молбоқар, отбоқар, бешиктерватар;*

3) кейинги қисми турдош от бўлган географик номлар: *Оқдарё, Уртасарой, Кўкбулоқ, Янгибозор, Олтиариқ;*

4) таркибида **аро, умум, бутун** сўзлари бўлган турдош қўшма отлар; *халқаро, умумхалқ, Бутуниттифоқ.* Қўшма отларнинг қуйидаги турлари ажратиб ёзилади:

1) иккинчи қисми атоқли от бўлган қўшма отлар: *Бутун Россия, Умум Оврупо;*

2) биринчи қисми сифат, иккинчи қисми атоқли от бўлган қўшма отлар: *Урта Чирчиқ, Кичик Осиё, Шарқий Сибирь, Кўҳна Урганч.*

3) шажара ва жинсни билдирувчи киши номлари: *Муҳаммад Ризо, Огаҳий, Муҳаммад Содик, Муҳаммад-Юсуф, Мунаввара Мурод қизи.*

Э с л а т м а. Таржиман ҳол, ойнан жаҳон, шаҳри азим, нуқтан назар каби изофали бирикмалар: қишлоқ хўжалик, темир йўл, сўз боши, иш ҳақи, сиёсий иқтисод каби сўз бирикмаси шаклидаги отлар ҳам ажратиб ёзилади.

111-машқ. Гапларни кўчиринг. Отларни аниқлаб содда отларга алоҳида, қўшма отларга алоҳида изоҳ беринг. Қўшма отларнинг ёзилишини тушунтиринг.

1. Отақўзи тол шохидан хипчин синдириб, этигини чарс-чарс урди. (О. Е.) 2. Азиз лип этиб меҳмонхонага урди ўзини. (К. И.) 3. Чопонберган горнинг олдидан ўтиб, қирга кўтарила бошладик. (О. Ҳ.) 4. Эшикдан кўзойнак таққан Хайри хола кўринди. (У. Ҳ.) 5. Урмонжонга, Бўтабойга, Қанизакка кўпдан-кўп салом айтди ва «Кўшчинор»га шу ҳафта ичи, яъни ваъдасидан бурунроқ боришини айтди. (А. Қ.) 6. У идора ишларини ўзидай ишەқмас, бекорчи Шамсиевга топшириб қўйган. (Ас. М.) Она-бола туни билан ҳасратлашиб охир маслаҳатни бир ерга қўядилар. Эрталаб Қутбинисо ўғлига оқ йўл тилаб, дуо ўқийди. (П. Т.) 8. Ғўзапояси йиғиб олинган далаларда тракторлар ҳайқириб шудгор қилишга тушди. (Қ. Ҳ.)

84-§. Қисқартма отлар. Қисқартма отлар нутқда ихчамликка эришиш зарурати билан ҳосил қилинадиган ҳодисадир. Улар турғун сўз бирикмаларининг маълум грамматик қонуният асосида қисқартирилишидан юзага келади. Қисқартма сўзлар, асосан, от туркумига хос ҳодиса бўлиб, бошқа сўз туркумида учрамайди. Қис-

қартма отлар оғзаки ва ёзма нутқда хилма-хил турда бўлади. Бир хил қисқартма отлар сиёсий партиялар, касба уюшмалари, жамиятлар, ҳарбий ташкилотлар, хўжалик ва маданий-оқартув ташкилотлари номларини билдиради. Бошқалари эса давлат органлари, маъмурий-ҳудудий жойлар, илмий-текшириш институтлари, олий ўқув юртлари ва бошқа шу каби муассасалар номи сифатида таркиб топади. Масалан: *ТошДУ, ХХЮК, агитбригада*.

Қисқартма отлар қуйидагича тузилади ва ёзилади:

1. Турғун бирикма таркибидаги сўзларнинг биринчи ҳарфлари олинади ва ҳар бири бош ҳарф билан ёзилади: *Бухоро давлат университети — БДУ, Бирлашган Миллатлар Ташкилот — БМТ*.

2. Турғун бирикма таркибидаги сўзларнинг биринчи бўғинлари олинади: *ижроқўм, филфак*.

3. Турғун бирикма таркибидаги биринчи сўзнинг биринчи бўғини, кейинги сўзларнинг бош ҳарфлари олинади: *ТошДУ, ТошТИ*.

4. Турғун бирикма таркибидаги биринчи сўзнинг олдинги бўғини, кейинги сўзнинг яхлит ўзи олинади: *Ўзкитоб, ижроқўм, ўзгазлойиҳа*.

Қисқартма отларни шартли қисқартмалардан фарқлай билиш зарур. Масалан. *А. Навоий, Ҳ. Ҳ. Ниёзий, Ҳ. Олимжон, М. Шайхзода* каби.

Киши исмларини қисқартириб айтиш ва нутқда қўл-лаш қисқартма от ясалиши ҳисобланмайди. Бу усул билан эркалаш, ўзига яқин олиш ёки кучли эҳтирос каби қўшимча маънолар ифодаланади. Масалан, *Дилор, Гули, Муқад, Баҳо* каби.

112- машқ. Қуйидаги қисқартма отларнинг тўлиқ шаклини ёзинг.

Намун а: *МҚ — Марказий Қўмита*.

ЎзТАГ, АҚШ, музфак, физмат, БМТ, филфак, ГЭС, телекўрсатув, БУМ, ДАН.

113- машқ. Ўзингиз мустақил равишда қисқартма отлар топиб, тўлиқ шаклини ёзинг, улар иштирокида гап тузинг.

Намун а: *БАР — Бирлашган Араб Республикаси* каби.

85- §. Жуфт отлар. Икки ҳар хил маъноли сўзнинг маъно ва грамматик жиҳатдан тенг боғланишидан ташкил топган от жуфт от ҳисобланади. Жуфт отлар орасига дефис (-) қўйилади: *она-бола, ака-ука, бола-чақа, кўрик-танлов, ҳисобот-сайлов, чора-тадбир*.

Э с л а т м а. Жуфт отларнинг қисмлари -у (-ю) юкласи билан қўлланганда, дефис қўйилмайди *нону чой, боғу бўстон* каби.

Жуфт отларнинг қисмлари тубандагича бўлади.

1. Таркибий қисмлари мустақил қўлланадиган сўзлар: *нон-чой, кириш-чиқим, ишчи-хизматчи, ўғил-қиз, меҳр-муҳаббат, тоға-жиян.*

2. Биринчи қисми мустақил, иккинчи қисми мустақил қўлланмайдиган сўзлар: *чой-пой, дон-дун, бола-чақа, темир-терсак, нон-пон.*

3. Ҳар иккала қисми мустақил қўллана олмайдиган сўзлар: *ғала-ғовур, ивир-шивир, алғов-далғов.*

Э с л а т м а. 1. Амал, унвон билдирадиган *вице-, экс-, унтер-* белгилари билан келган русча-ўзлашма сўзлар (отлар) ҳам дефис билан ёзилади: *вице-адмирал, вице-президент, экс-чемпион, унтер-офицер.*

4. *Киловатт-соат, грамм-молекула, чанглагич-пуркагич, мактаб-интернат* каби отлар ҳам дефис билан ёзилади.

114- машқ. Жуфт, қўшма ва қисқартма отларни топиб, қисмларининг маъносини, ёзилишини изоҳланг, дефис билан ёзилмайдиган жуфт отларнинг сабабини тушунтиринг.

1. Бир ҳафтадан сўнг мамлакатдан нефть қузури ўтказиш масаласи юзасидан бўлган фикрлашув мажлисида Саидакбар ҳожи шундай ҳимоя қилдики, ҳатто Американинг расмий вакили ёқа ушлаб қолди. (Ш.)

2. Ўзи ҳам кўз-қулоқ бўлиб турди. (Ш.) 3. Ота-бола Гулсум опанинг уйида учрашдилар. (О. Ё.) 4. Бизни табрик-лаб қўйинг, опажон, раҳбар бўлдик. (О. Ё.) 5. Ёлғиз Қўчқор, қўйлаги ёқавайрон, яланг бош, олдинда зипиллаб кетяпти. (О. Ё.) 6. «Болалар дунёси» деган магазинга бордик. Қават-қават кийим-кечаклар, шақилдоқ ўйинчоқлар олдик. (Сайёр).

7. Арава-арава кийим-кечак келтирилиб, ҳамма болаларга бир сидра ички ва устки кийимбош берилди. (Л. Т.) 8. Қуёш кўринар-кўринмас тош-тупроқ чўғ бўлиб олади. (И. Р.)

9. Писта-бодомни кузатишга чиққан ошна-оғайнилари олиб чиққан эдилар. (С. Абдулла.) 10. У вақтда радио йўқ, телевизор йўқ, ишчи-ёшлар томошага интиқ пайт.

86- §. Турдош отлар. Турдош отлар бир хилдаги нарса ва нарса-буюмларнинг умумлаштирувчи номидир. Турдош отлар атоқли отларга қараганда кўпчиликни ташкил этади. Турдош отлар кичик ҳарф билан ёзилади: *китоб, папка, кутубхона, танбур, рубоб, такт, драма, бахт, сурнай, музей, бахши, кулги, анжуман.*

87-§. Атоқли отлар. Атоқли отлар айрим шахс ёки предметга атаб қўйилган номларни ифодалайди. Атоқли отлар бош ҳарф билан ёзилиб, одатда, кўпликда қўлланмайди. Масалан: *Аброр, Фарғона, Самарқанд, Аму-дарё, Орол, «Саодат» ойномаси.*

115-машқ. Гапларни кўчиринг. Атоқли ва турдош отларни топиб, таркибига кўра таҳлил қилинг. Уларнинг ёзилишидаги фарқларини тушунтиринг.

1. ТошТИдан Қомилжонларникага келгунча қанча йўл босишмади. (*С. Н.*) 2. Гап шундаки, ... Жаббор акам ҳам... бу орада таътилга келиб қолади. (*О. Е.*) 3. Воҳид Миробидов билан Назокатбиби ман, уч-тўрт кундурки, «Бўстон» санаторийсида дам олишмоқда. (*О. Е.*) 4. Маҳсим ака норози бўлиб бош чайқади. (*М. Исм.*) 5. Шундан кейин Қиртепа ўртасига ҳовуз қазилиб, шийпон қурилди. (*С. Н.*)

88-§. Қуйидаги атоқли отлар бош ҳарф билан ёзилади:

1. Кишиларнинг исми ва фамилиялари: *Мурод, Рус-там, Уктам, Уткир, Маҳмудов, Аҳмедов.*

2. Ёзувчи ва шоирларнинг тахаллуслари: *Ойбек, Уй-ғун, Муқимий, Фурқат.*

3. Рус тилидан ўзбек тилига кириб, қўшалоқ сўздан ташкил топган фамилияларнинг иккала қисми чизиқча билан ажратилиб, бош ҳарф билан ёзилади: *Салтиков—Шчедрин, Николаева—Терешкова.*

Э с л а т м а: Атоқли отлардан ясалган илмий тушунча ва сиёсий оқимни ифода этган сўзлар, турдош отга айланган ёки аниқловчи вазифасида келган атоқли отлар кичик ҳарф билан ёзилади: *ампер, маузер, фарҳодлар, ширинлар, наполеон (қандолат) каби.*

Аммо, Менделеев даврий системаси, Улугбек расадхонаси каби турғун бирикмалар таркибидаги атоқли отлар бош ҳарф билан ёзилади.

4. Уй ҳайвонларига атаб қўйилган номлар: *Олапар, Тўрткўз, Мош.*

5. Икки-уч қисмдан ташкил топган корейсча, вьетнамча исм ва фамилияларнинг ҳар бир қисми: *Ким Ир Сен, Хо Ши Мин, Фон Вонг Донг.*

6. Планета, юлдуз ва сайёраларнинг номлари: *Ер, Зухра, Етти қароқчи, Миррих.*

Э с л а т м а. *ер, қуёш, ой* сўзлари астрономик тушунчани ифода этгандагина бош ҳарф билан, оддий қўлланишда эса кичик ҳарф билан ёзилади.

7. Географик номлар (шаҳар, қишлоқ, тоғ, дарё, кўл,

чўл, қитъа номлари): *Тошкент, Марғилон, Чотқол, Помир, Оҳангарон, Чирчиқ, Осиё*.

8. Жумҳуриятлар номларининг ҳар бир қисми: *Ўзбекистон Жумҳурияти, Қозоғистон Жумҳурияти, Қорақалпоғистон Жумҳурияти*.

9. Олий Давлат ва юқори ташкилотларнинг номлари таркибидаги ҳар бир сўз: *Ўзбекистон Вазирлар кенгаши, Олий Кенгаш Раёсати, Вазирлар Маҳкамаси*.

10. Илмий муассасалар, олий ўқув юртлари, вазирликлар ва корхоналар номи бўлган бирикмали отларнинг биринчи қисми ва шу ташкилотнинг хусусиятини ифода этувчи биринчи сўз: *Пахтачилик илмий текшириш институти, Урта Осиё Ипакчилик илмий текшириш институти, Тошкент давлат педагогика институти, Молия вазирлиги, Давлат банки, «Олимлар уйи»*.

11. Юқори мансаб, олий фахрий унвон номлари бўлган бирикмали отларнинг ҳар бир сўзи: *Ўзбекистон Президенти, Вазирлар Маҳкамаси Раиси, Бош Қўмондон*.

12. Турли конференция, ҳужжат ва резолюциялар, тарихий саналар, воқеалар, урушларнинг номлари (бу номлар агар бирикмали бўлса, уларнинг биринчи сўзи): *Улуғ Ватан уруши, Мустақиллик куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Тошкент анжумани*.

13. Фабрика, завод, жамоа хўжалиги, спорт жамиятлари, кино, театр, китоб, газета, журнал номлари қўштирноққа олиниб, бош ҳарф билан ёзилади (бу номлар бирикмали бўлса, уларнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан ёзилади): *«Шарқ юлдузи» хўжалиги, «Қутлуғ қон» романи, «Маърифат» газетаси, «Еш куч» спорт жамияти, «Гулистон» журнали*.

14. Байрам ва ҳар хил муҳим воқеалар (ойлар)нинг номини билдирувчи сўзларнинг иккала қисми бош ҳарф билан ёзилади. Биринчи қисми тартиб сон билан ифодаланган бўлса, кейинги сўз бош ҳарф билан ёзилади: *Биринчи Май — 1 Май, Саккизинчи Март — 8 Март*.

15. *Она-Ватан* типигаги отларнинг биринчи қисми кичик, иккинчи қисми бош ҳарф билан ёзилади.

16. *СамПИ, ТошДУ* каби қисқартма отлар бош ҳарф билан ёзилади.

17. *ЎЗР, БМТ, ТДПИ* каби қисқартма отларнинг ҳар бир қисми бош ҳарф билан ёзилади.

116- машқ. «Халқ сўзи» газетасининг бирор сонидан олинган парчани ўқиб, бош ҳарф билан ёзилган сўзларни аниқланг. Бош ҳарф билан ёзилиш сабабларини тушунтиринг.

89-§. Отларда сон. Отлар бирлик ва кўплик сонда қўлланади. Отлар бирликда қўлланганда, якка, ажратилмайдиган предметни бевосита, яъни ҳеч қандай грамматик шаклсиз (**-лар қўшимчасисиз**) ифодалайди: *дарахт, гул, китоб, бола, одам, бургут*. Кўпликда қўлланган отлар эса махсус грамматик кўрсаткич (**-лар қўшимчасини**) олади: *китоб* (бирлик) — *китоблар* (кўплик), *уй* (бирлик) — *уйлар* (кўплик), *безак* (бирлик) — *безаклар* (кўплик), *доира* (бирлик) — *доиралар* (кўплик).

-лар қўшимчаси кўплик маъносидан ташқари, нутқий эҳтиёжга қараб кучайтириш (Сизларга қараб *завқла-жим* тошиб кетади), *ҳурмат* (*Ойимлар* келдилар, *дадамлар* келдилар), кесатиқ ёки пичинг (*Ўзлари хон, кўлланкалари* майдон) маъноларни ифодалайди.

90-§. Бирликда қўлланадиган отлар. Ўзбек тилида ҳаракат-ҳолат, белги номини билдирадиган, доналаб саналмайдиган нарса ва предмет, воқеа-ҳодиса номлари, мавҳум отлар, жуфт предметларни билдирувчи отлар, атоқли отлар фақат бирликда қўлланади: *яхшилик, бугдой, ун, қулоқ, қўл, кўз, Рустам*.

Баъзи отлар фақат бирликда қўлланса ҳам, кўплик маъносини ифодалайди: *халқ, қўшин, гала, тўда, эл*.

Бирлик сонига бундай отлар кўплик қўшимчаси **-ларни** қабул қилганда, кучайтириш, муболаға маъноларини ифодалайди: *Кўп баҳорлар, қанот ёзиб тилакларга етдилар.* (Ҳ. О.)

117-машқ. Гапларни ўқинг. Аввал бирлик шаклдаги отларни, кейин кўплик шаклдаги отларни, сўнг фақат бирликда қўлланиб, кўплик маъносини ифодалайдиган отларни кўчиринг. **-лар қўшимчасининг қандай маънони ифодалаётганини тушунтиринг.**

1. Кўзларимга ишонмайман. 2. Яхшилик қил, сувга ташла: сув билар, сув билмаса, балиқ билар, балиқ билмаса, Холиқ билар. (*Мақол.*) 3. Ойимлар шаҳарга, бувимларникига кетдилар. 4. Зулҳумор ойимлар қаерда бўлсалар, сўзга ўргатилган майна ҳам шу ерда. (*Ўзбек халқ достонидан.*) 5. Онаизор болаларига шундай меҳрибон бўлар экан. (*М. Қориев.*) 6. У ўрта бўйли, йигирма уч ёшларда, чаққон, серҳаракат йигит. (*О.*) 7. Бири пахтадан мўл ҳосил олмоқчи, Теран ўйлар билан кузатар чигит. (*Ҳ. Раҳмат.*) 8. Йўлнинг бундан бу ёғи танишувларига сабаб бўлган «Ўтган кунлар»ни бирга ўқиш билан ўтди. (*Ш.*)

118- машқ. Кўплик қўшимчаси -лар шаклидаги сўз билан ўзингиз мустақил равишда бир нечта гап тузинг. -лар қўшимчасининг ўз маъносидан ташқари яна қандай маъно ифодалашини айтинг.

119- машқ. Кўплик маъносини ифодаловчи отлардан бир нечани иштирокида гап тузинг. Маъносини изоҳланг.

91- §. Отларда эгалик қўшимчалари ва уларнинг ёзилиши. Отларга қўшилиб, предмет ёки предметлик тушунчасининг уч шахсдан бирига тааллуқлигини, қарашлигини ёки мансублигини кўрсатувчи қўшимчалар эгалик қўшимчалардир.

Эгалик қўшимчалари предметнинг бирор шахсга тааллуқлиги жиҳатидан учга, бирлик ва кўплик сонда қўлланишига кўра иккига, унли ёки ундош билан тугаган негизга қўшилиш хусусиятига кўра иккига бўлинади.

Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Шахс	Бирлик		Кўплик	
	унлидан сўнг	ундошдан сўнг	ундошдан сўнг	унлидан сўнг
I шахс (сўзловчи)	ота-м	қалб-им	ота-миз	қалб-имиз
II шахс (тингловчи)	ота-нг	қалб-инг	ота-нгиз	қалб-ингиз
III шахс (ўзга)	ота-си	қалб-и	ота-лари	қалб-лари

120- машқ. Тушириб қолдирилган ўринларга эгалик қўшимчаларидан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг. Эгалик қўшимчаларининг қўлланишини изоҳланг.

1. Ушанда юра...га ҳеч нарса сиғмасди. (У. Ум.) 2. ...«Пахта бизнинг фахр...» деган гап шунчаки бир шиор эмас. (О. Е.) 3. Курсидан тушиб, ток қайчи...ни белбоғига қистирди. (Ш.) 4. Бу музыка бир умр эс...дан чиқмайди. 5. Собир дуторни созлаб ашуланинг бир банд...ни айтиши билан, Солижон унга жўр бўлди. (Р. Ф.) 6. Сарви хола даладан тўғри болалар боғ...га келди. (Р. Ф.) 7. Халқ...ни севаман, бу севги менга жондан азиз десам, хато қилмасдим. (У.) 8. У амиркон ковуш...ни ечди-ю, пошна... билан ёнғоқни чақиб, битта...ни ўз...еса, иккита...ни менинг оғз...га солди. (А. Қ.) 9. Мусулмон меҳнаткашлар... ҳам озодлик йўл...ни танладилар.

(Х. Ғ.) 10. Музиканинг янги парда... бошланиши билан, кутилмаганда—Гулчеҳра бош..ни кўтарди. (У. Ум.)

121-машқ. Қуйидаги сўзларни эгалик қўшимчаси билан турланг. Узақдаги товуш ўзгаришига изоҳ беринг. Айрим сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

Топшириқ, клуб, нок, чок, парк, варақ, тарюқ, ҳақ, завқ, ризқ, кўнгил, сингил, ўғил, оғиз, йўқ.

92-§. Отларда келишик. Отлар келишик қўшимчалари билан турланади. Ўзбек тилида олтига келишик бўлиб, улар бирлик ва кўпликдаги отларга қўшила олади. Келишик қўшимчаларининг айримлари отнинг отга ёки отнинг феълга тобелигини ифодалайди.

Шунинг учун ҳам улар бир сўзнинг бошқа сўзга тобелигини кўрсатувчи синтактик восита ҳисобланади. (Бош келишик бундан мустасно.) Масалан: *Чин сўзни ёлғонга чулғама ва чин айта олур тилни ёлғонга булғама. (Навоий.)* Бу гапда: 1) *сўзни* сўзидаги *-ни* қўшимчаси унинг *чулғама* сўзига тобелигини; 2) *ёлғонга* сўзидаги *-га* қўшимчаси унинг *чулғама* сўзига тобелигини; 3) *тилни* сўзидаги *-ни* унинг *булғама* сўзига тобелигини; 4) *ёлғонга* сўзидаги *-га* қўшимчаси унинг *булғама* сўзига тобелигини ифодалайди.

Қаратқич келишиги от билан отнинг, тушум, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари, одатда, от билан феълнинг синтактик алоқасини кўрсатади. Келишик қўшимчаларини олган сўз тобе бўлади. Масалан: *гулнинг барги, Ватанни севмоқ, клубга бормоқ, клубда ишламоқ, клубдан қайтмоқ.*

Қаратқич, тушум келишиклари баъзи ўринларда белгили, баъзи ўринларда белгисиз қўлланади. Хусусийлик, аниқлик маъноси ифодаланганда бу келишиклар белгили қўлланади (*китобнинг варағи, Аҳрорнинг дўсти* каби), умумийлик, ноаниқлик маъноси эса келишикнинг белгисиз шакли орқали берилади (*клуб боғи, шаҳар кўчаси* каби).

93-§. Келишик қўшимчаларининг ёзилиши. Келишик қўшимчалари эгалик қўшимчасини олган отларга қўшилиб келиши мумкин. Бунда сўз негизида ҳеч қандай ўзгариш юз бермайди. Агар отлар эгалик, келишик ва кўплик қўшимчаларини олганда, уларнинг жойлашиш тартиби қуйидагича бўлади:

Қаратқич келишиги қўшимчаси ҳамма вақт *-нинг* шаклида ёзилади: *китобнинг варағи, Республикамининг*

Келишик	I шакл	II шакл
Б. к.	бола-лар-им	бола-лар-имиз
Қ. к.	бола-лар-им-нинг	бола-лар-имиз-нинг
Т. к.	бола-лар-им-ни	бола-лар-имиз-ни
Ж. к.	бола-лар-им-га	бола-лар-имиз-га
У. -п. к.	бола-лар-им-да	бола-лар-имиз-да
Ч. к.	бола-лар-им-дан	бола-лар-имиз-дан

пойтахти. Бу келишик маъноси жонли нутқда **-ни**, поэтик нутқда **-н**, **-им** шакллари орқали ҳам ифодаланadi: **Укамни олдига кирдим. Ўзбекистон Ватаним маним (А. О.) каби.**

Тушум келишиги қўшимчаси ҳозирги ўзбек тилида ҳар вақт **-ни** шаклида ёзилади: *Муродни кўрдим, хатни ёздим* каби. Оғзаки нутқда **-н**, **-и** кўринишларига эга: *унинг шеърин ўқиган, Қўқонди кўрмоқ* каби.

Жўналиш келишиги қўшимчаси к ёки г билан тугаган сўзларга **-ка**, **қ** ёки **ғ** билан тугаган сўзларга **-қа** тарзида қўшилади; *билак — билакка, кўрак — кўракка, барг — баргга, тоғ — тоғқа*. Аммо **ғ** билан тугаган русча-байналмилал сўзларга, атоқли отларга, географик номларга қўшилганда, **г** ўз ҳолича ёзилади: *педагогга, Оренбургга, филологга, Люксембургга*. Бошқа ўринларда эса доимо **-га** шаклида қўшилади ва шундай ёзилади: *мактабга, ишга, ўқишга, уйга, Тошкентга, Самарқандга*.

Урин-пайт келишиги (**-да**), чиқиш келишиги (**-дан**) қўшимчалари сўзларга қўшилганда, **-та**, **-тан** каби талаффуз қилинса ҳам, ҳар доим **-да**, **-дан** шаклида ёзилади: *даштда, дашtdан, қишлоқда, қишлоқдан, Тошкентда, Тошкентдан*.

122-машқ. Нуқталар ўрнига келишик қўшимчаларидан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг. Келишикдаги сўзнинг қайси сўз билан алоқага киришганини изоҳланг.

1. Элмурод... ҳамма... олдин... юборилган разведка... ҳадеганда қайтмаётгани ташвишлантирди. (Ш.) 2. Бугун эрталаб... бери важ қидиради-ю, тополмайди. (Ш.) 3. Укаси... кўз узмай секин гапи... бошлади. (У. Ум.) 4. Абдулла ҳаяжони... босолмай, жойи... қимирламади. (У. Ум.) 5. Асрорқул... товуши ўзгарди. (А. Қ.) 6. Сафар ака... астойдил аччиқлангани... сезган имом орага тушди. (А. Қод.) 7. Йўлчи арава... нимаси шикастланганини... пайқамай, ҳайрон бўлиб турар экан, арава... тагидан

деҳқон... аянчли товуши эшитилди. (О.) 8. Ҳоким пича қаҳрланиб турди, кейин қўли... силтаб, ясовул... қайтарди. (М. Исм.) 9. Сен Пушкин... севган малаги. (А. О.) 10. Урмонжон Қурбон ота... бу иш... бемаслаҳат, бемаврид бошланганига хафа бўлди. (А. Қ.)

123-машқ. *Ватани, халқини, даврини, баҳорини, онани* сўзлари иштирокида гаплар тузинг. Шу отлар боғланиб келган сўзларни чизма билан кўрсатинг. Бу бирикмаларнинг фарқини изоҳланг

124-машқ. Нуқталар ўрнига жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишikleri қўшимчаларидан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг. Шу келишиқ қўшимчаларини кўринишларига, талаффузига ва ёзилишига кўра изоҳланг.

1. У яширин овоз бергани... Ҳайдарни қўллаб-қувватлаш..., лекин гапирмаслик..., оғзи... толқон солиб, тек ўтириш... жазм қилди. (О. Ё.) 2. Ашула ниҳояси... етди. Лекин бир зум... сўнг яна айни товуш парвоз қилди. Аммо ўзга мақомда. (О.) 3. Кўзлар зим-зиё қоронғилик... беихтиёр бошпана қидирарди. (О.) 4. Правление мажлиси... бригаданинг барча аъзолари таклиф қилинди. (Р. Ф.) 5. Паровоз ўнг... бурилганда, шамол унинг ўтхонаси... чиқаётган тутунни дераза...урди. (Р. Ф.) 6. Инсон маннун бўлар ҳар бир осуда табассум ва шодлик бахш этган кун... (У.) 7. Йўловчи, қудуқ... сув олиб ичганингда, шу гул таги... бир пиёла сув қўй... (С. Аҳм.) 8. Мунгли кўзлари меҳр... тўла бу нозик кампир Шукуров... марҳум бувисини эслатади. (О. Ё.)

125-машқ. Нуқталар ўрнига -га, -ка, -қа, -ға, -да, -дан қўшимчаларидан мосини қўйиб кўчиринг. Талаффузини изоҳланг.

сувлиқ..., тўриқ..., ўрик..., хирург..., металлург..., келажак..., челақ..., драматург..., таёқ..., оёқ..., ўтлоқ..., ёғ..., тоғ..., Тошкент...

94-§. Кичрайтириш ва эркалаш қўшимчалари. -ча, -чак, -чоқ, -лоқ, -алоқ, -гина (-кина, -қина, -ғина), -жон, -хон, -ой, -пошша, -биби, -бой (-вой) каби қўшимчалар отга қўшимча маъно қўшувчи қўшимчалардир: *той-ча, бола-гина, келин-чак*. Бу каби отлардаги кичрайтириш, эркалаш, кучайтириш каби маънолар контекстга қараб белгиланади.

127-машқ. Ўзингиз мустақил равишда кичрайтириш, эркалаш маъноларини ифодаловчи қўшимчалар ёрдамида гап тузинг ва ҳар бирига алоҳида тавсиф беринг.

128-машқ. Бир неча ясама отлар иштирокида гап тузинг. Ясама отларни намунадагидек морфологик таҳлил қилинг.

На мун а: *Ўзбекистон* — атоқли от, бирликда, бош келишикда, содда от, *Ўзбек* отига -истон от ясовчи қўшимчасини қўшиш билан ясама от ҳосил қилинган.

129- машқ. Матни ифодали ўқинг ва от мавзусини умумлаштириш мақсадида қуйидаги вазифаларни бажаринг:

- а) атоқли ва қисқартма отларни ажратинг;
- б) қўшма ва жуфт отларни топиб, ёзилишини тушунтиринг;
- в) келишик қўшимчаларининг қўлланиши ва ёзилишини изоҳланг;
- г) эмоционал-экспрессив бўёғи бўлган отларни, публицистик услубга хос сўзларни ажратинг.

САНЪАТ КАЛИТИНИ ЭГАЛЛАГАН УСТА

Ўзбек халқ амалий санъати ривожига самарали ҳисса қўшган, дунёга донғи кетган академик Уста Ширин Муродовнинг талантли шогирди, ганч ўймакорлиги бўйича ўзига хос мактаб яратган, кўплаб шогирдлар тайёрлаган халқ усталаридан бири — Маҳмуд Усмоновдир.

Маҳмуд Усмонов Тошкентдаги Кўкча даҳасининг Обиназар маҳалласида 1910 йил 3 январда дунёга келган. Отаси Усмон Икромов — ўз даврининг кўзга кўринган усталаридан бири эди. Ота Маҳмудни ёшлик чоғиданоқ турар-жойларни безаш ишларига бирга олиб борар, ўғлига ганчкорлик сирларини ўргатарди. Унга аввал оддий ўсимликсимон ва геометрик нақшларни чизишни, сўнгра ганч элашдан тортиб пардозлашгача таълим берди.

Ёш Маҳмуд отасидан ганчни элаш, ҳовонда қориб туриш, кейин эса нақшлар заминини тайёрлашни ва сўнг пардоз беришни ўзлаштирди. Уста Усмон Икромов унинг бичимини тўғри олар, бунинг сирларини ўғлига ҳам ўргатарди. Ота-бола меҳмонхона, айвон ва оддий хонадонларни ганч ўймакорлиги билан безар, айниқса, Маҳмуд таҳмон ва косомонларга зеб беришга қизиқарди. Уша вақтда у ўн беш ёшларда эди. Аста-секин Маҳмуд Усмонов мустақил ишлайдиган уста бўлиб етишди.

1945—1947 йилларда А. Навоий номидаги опера ва балет театри қад кўтарди. Унинг қурилишига академик, машҳур меъмор А. В. Шчусев бошчилик қилди. Театрнинг безак ишлари учун Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан халқ амалий санъати усталари таклиф этилди.

Улар орасида Маҳмуд Усмонов ҳам бор эди. Театр биносини маҳорат билан беаганлари учун усталар Давлат мукофотига сазовор бўлдилар. Шундан сўнг Маҳмуд Усмонов рассомлар уюшмасига қабул қилиниб, унинг ижоди янада равнақ топди. У ўз асарлари билан турли кўргазмаларда қатнашди.

Уша давр меъморчилигида янгича услуб таркиб топа бошлади. Ганч ўймакорлиги санъати керак эмас, ҳозирги уйларимиз замонавий бўлиши керак, яъни биноларни тез ва арзон қуриш ҳамда ортиқча ҳашамдорликдан қочайлик, деган фикрлар тарқалди. Бу — баъзи кишиларнинг кўр-кўрона шиори эди. Мазкур шиор халқ амалий санъатининг ганч, ёғоч ва тош ўймакорлиги, наққошлик каби турларининг ривожланишига маълум даражада тўсиқ бўлди. Халқ усталарининг айримлари бошқа ишларга ўтиб кетишди, лекин ўз ҳунарига содиқ бўлган Маҳмуд Усмонов санъатини давом эттирди. Ёшлар орасида ганч ўймакорлиги ютуқларини кенг тарғиб этди.

Уста шогирдлар тайёрлаш билан бир қаторда, кўпгина биноларни ҳам беади. 1953 йили унинг илтимоси бўйича П. Беньков номидаги жумҳурият бадий ўқув юрти қошида халқ амалий санъатининг бир неча бўлимлари, жумладан, ганч ўймакорлик бўлими очилди. Бу ўқув юртига Уста Ширин Муродов, Уста Тошпўлат Арслонқулов ва бошқалар таклиф қилинди. Маҳмуд Усмонов бу ерда ёшларга дарс берди, жуда кўп шогирдлар тайёрлади.

Маҳмуд Усмонов 1957 йили ўзининг қирққа яқин шогирди билан Бухородаги машҳур Ситораи Моҳи Хоса саройидаги ганч ўймакорлигини қайта тиклади. Устанинг ганч ўймакорлиги тажрибаларига асосланиб, 1961 йилда Алишер Навоий номидаги театр безаклари қайта тикланди.

1966 йили Тошкент шаҳрида ер қимирлаши натижа-сида кўпгина уйлар вайрон бўлди, меъморий ёдгорликларга шикаст етди. Шулардан бири Ватан урушида немис-фашистлари устидан қозонилган ғалабага бағишлаб қурилган Курант эди (У 1947 йили уста Ширин Муродов бошчилигида бунёд этилганди). М. Усмонов уни таъмирлаш баробарида ганч ўймакорлигида ажойиб янгилик яратди: ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган сақич заминини қўллаб, ўйма композициясини янада майинлаштиришга муваффақ бўлди.

Шарққа машҳур буюк наққош Моний айтганидек,

кимки сувратдаги ҳар бир чизиққа жон бағишлай олар экан, у санъат калитини эгаллаган бўлади.

(«Гулистон» ж. дан.)

СИФАТ

95-§. Предметнинг ранги, ҳажми, шакли, маза-таъмини, хусусиятини, ўрин-вақтга муносабатини билдирувчи мустақил сўз туркуми **сифат** дейилади: *гўзал, илмли, кичик, қизиқ, ширин, оғир, енгил, кузги, ёзги*. Сифатлар қандай?, қанақа? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади. Сифатлар предмет белгисини даражалаб, баъзан кичрайтириб ёки камайтириб кўрсатиш каби ўзига хос морфологик хусусиятларга эга: *пухта — пухтароқ, энг пухта* (даража); *сан-сарик, сарғиш* (белгини кучайтириш, камайтириш). Гапда сифатлар одатда отга боғланиб келади.

129-машқ. Ўқинг. Сифатларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг. Сўроғини ва маъносини айтинг.

1. Томдан атроф жуда яхши кўринар эди. (*П. Қ.*) 2. Деярли ҳар бир киши ўрмонларда оқ буғуларни овлашга тушиб кетди. (*Ч. Айт.*) 3. Пастда, икки ўрик панасидаги сўрида ёш қиз ва оқ соч аёл хаёлга чўмиб ўтиришибди. Кекса она, дилбар қиз. (*М. Пирматов.*) 4. Ражаб ака, сиз ўз вахтангизда тарбиявий иш олиб бормаё кўйибсиз. (*П. Қ.*) 6. Ахир энг жасур, энг тажрибали денгизчилар ҳам Шимолий Кутбгача етаман деб, ... ҳалок бўлганлар. (*Ж. Верн.*) 7. Бу хатларга самимий, инсоний туйғу битилган эди. (*С. Аҳм.*) 8. Лекин бу иш аввалги ишларидан ҳар жиҳатдан мушкулроқ эди. (*Х. Ф.*) 9. У ўтакетган даражада совуққон, чаққон, шижоатли ва фаросатли одам эди. (*Ж. Верн.*) 10. Ошиқлар суйган қизларини сулувликда гўзал оқ буғуга қиёс қилишади. (*Ч. Айт.*)

96-§. Сифат ясовчи қўшимчалар. Сифат ясовчи қўшимчалар деярли барча сўз туркумларидан сифат ясади. Уларнинг баъзилари от ва олмошдан, баъзилари эса феълдан сифат ясади.

Сифат ясовчи қўшимчаларнинг асосий турлари қуйидагилар:

-сиз: *меvasиз, кучсиз, сабабсиз, тузсиз, виждонсиз, ақлсиз;*

-ли: *илмли, сирли, кучли, қайғули, сабабли;*

-чил: *эпчил, дардчил, изчил;*

БАЪЗИ СИФАТ ЯСОВЧИ ҚУШИМЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЗИЛИШИ

Сифат ясовчи қўшимчалар	Езилиши	Мисоллар
1	2	3
-ги, -ки, -қи	Унли ва жарангли ундош товуш билан туганган сўзларга -ги , жарангсиз товуш билан тугаган сўзларга -ки , -қи қўшилади.	<i>ёзги, кузги, ташқи, кечки, тонгги, сўнги, тунги, хоначи</i>
-ний, -вий	Унли товуш билан тугаган сўзларга -вий , ундош билан тугаган сўзларга -ий қўшилади.	<i>илмий, расмий, оммавий, партиявий, замонавий, оилавий</i>
-ба- (бо-), бе-, -но-	Бу қўшимчалар сўзларга олд томондан қўшилиб, фақат ордан сифат ясайди (но- бундан мустасно).	<i>бақувват, ноинсоф, боадаб, бесабр, бетамиз, номард</i>
-қир, -кир, -ғир, -гир	Жарангсиз товушлар билан тугаган сўзларга -қир , -кир , жарангли товуш билан тугаган сўзларга -ғир , -гир қўшилади.	<i>кесқир, ўтқир, чопқир, олғир, топқир, сезгир</i>
-қ, -к, -иқ, -уқ, -ук	Унли товуш билан тугаган феълларга -қ , -к , ундош билан тугаган феълларга -иқ , -иқ , -уқ , -ук қўшилади. Бунда феъл охиридаги а о га айланади; таркибида у товуши бўлган сўзларга -уқ , -ук , бошқа ҳолларда -иқ , -иқ қўшилади.	<i>ялтира — ялтироқ, қалтира — қалтироқ, тарқа — тарқоқ, йиғла — йиғлоқ, очиқ, бўғиқ, йиртиқ, тешиқ, ёпиқ, узуқ юмуқ</i>
-аки	Доймо отлардан сифат ясайди. Бунда баъзан ўзакдаги и тушиб қолади.	<i>оғиз — оғзаки, қалбаки, даҳанаки</i>

- чан: уятчан, ишчан, кўнгишчан, синовчан;
- аки: қалбаки, юзаки, даҳанаки, оғзаки;
- ий, -вий: деворий (газета), нисбий, оилавий, оммавий;
- симон: тухумсимон, шарсимон, одамсимон;
- лик: дўппилик, тошкентлик, кийимлик;
- ги (-қи, -ки): кузги, қишқи, ички, ташқи;
- бе-: бебаҳо, бетоқат, беминнат, бегуноҳ;
- но-: ноўрин, номар(д), нотурғун;
- ба-: басавлат, бақувват, бадавлат, баҳаво;
- сер-: сердаромад, серсут, серсув, серўт, сермахсул;
- к, -қ, -ик, -ук, -уқ, -ак: кемтик, порлоқ, чанқоқ, йиртиқ, қуруқ, юлуқ, қуюқ, юмуқ;
- қоқ, -ғоқ: тиришқоқ, ёпишқоқ, тойғоқ;
- чоқ, -чак, -чиқ: куюнчак, тортинчоқ, эринчоқ, мақтанчоқ;
- ғин, -ғун, -қин, қин: сўлғин, кескин, сотқин, турғун;
- ағон: билағон, чопағон, қопағон, ётағон;
- мон: билармон, топармон, устабузармон;
- қир, -қур, -ғир, -ғур, -кир, -гир: чопқир, сезгир, ўткир, бўлмағур, олғир, учқур.

130- машқ. Гапларни кўчиринг. Сифат ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизинг, сифатларнинг қайси сўз туркумидан ясалганини изоҳланг.

1. Мардон Йўлчиевич сертакаллуф йигитнинг бу қишлоқлик йигит эмаслигини сезиб турарди. (Ж. Абд.) 2. Қиз нима қилишини билмай, турган жойида қотиб қолди, беихтиёр олдинга талпинди (С. Н.) 3. Акаси чиндан чарчаган эди. Бунини мен сўниқ товушидан сезиб турардим. (Сайёр) 4. Мен жингалар ва пиёзларнинг жуда ёқтирмаман, аммо бундай лаззатли нарсаларнинг буви аҳён-аҳёнда ёпади. (О.) 5. Яхши қиз, ёқадаги қундуз, яхши ўғил — кўкдаги юлдуз. (Мақол.) 6. Илмли минг яшар, илмсиз бир яшар. (Мақол.) 7. Шаҳар четидagi сўлим жойларнинг бирида менинг яқин дўстим яшайди. (И. Р.) 8. Ҳозирги вақтда жумҳуриятимизда бақувват хўжаликлар, сердаромад қолхозлар сони йил сайин кўпаймоқда. 9. Жисмоний тарбия кишини соғлом, эпчил, бақувват қилади. 10. Исмаил бобо, кўзойнаги офтобда йилтиллаб, нотекис жой келганда, қолжақанда силкиниб борар эди. (П. Қ.) 11. Иссиққўлнинг кўм-кўк саҳнида оппоқ кема пайдо бўлди. (Ч. Айт.)

131- машқ. Ўзингиз сифат ясовчи қўшимчалар ёрдамида одан сифат ясаб, улар иштирокида гап тузинг.

97-§. Содда, қўшма, жуфт сифатлар ва уларнинг ёзилиши. Сифатлар тузилишига кўра содда, қўшма ва жуфт бўлади.

Содда сифатлар бир ўзакдан ташкил топиб, улар туб ва ясама бўлади.

Сифат ясовчи қўшимчалари бўлмаган сифатлар туб сифат саналади: *оқ, қизил, қора, кўк, хира, пушти, хипча.*

Сифат ясовчи қўшимчалар билан ясалган сифатлар ясама сифат саналади: *серсавлат, бақувват, маъноли, тиришқоқ, зарурий, баҳаво, бебаҳо.*

Икки ёки ундан ортиқ ўзакдан ташкил топиб, бир белгини ифодалайдиган сифатлар қўшма сифатларни ҳосил қилади. *Қўлбола, ўзбилармон, очкўз, соҳибжамол, тинчликсевар, эртапишар, кечпишар* каби қўшма сифатлар бир бутун ҳолда айтилади ва қўшиб ёзилади.

Қисмлари алоҳида-алоҳида олинганда лексик ва грамматик маъно ифодалайдиган қўшма сифатлар ҳам бор. Бундай қўшма сифатларнинг ҳар бир қисми алоҳида урғу билан талаффуз қилинади ва алоҳида ёзилади: *бодом қовоқ, яланг оёқ, жигар ранг, тўқ кўк, чўққи соқол, соф дил, тим қора, оч-пушти* каби.

Э с л а т м а. 1. Биринчи қисми сон, иккинчи қисми сифат бўлган қўшма сифатлар ҳам ажратиб ёзилади: *беш хонали, бир жингли, ўн беш қаватли.* 2. Тил олди, тил ўрта каби сифатлар ҳам ажратиб ёзилади.

Предметнинг бир умумий белгисини билдириб, икки содда ўзакли сифатнинг тенг боғланишидан (ёки тақрорланишидан) ташкил топган сифат **жуфт сифат** саналади: *катта-катта, узун-қисқа, яхши-ёмон, оқ-қизил.* Бундай сифатлар ўртасида *-у, -ю,* юкламалари қўлланганда чиқишча қўйилмайди: *пасту баланд, каттаю кичик.*

Э с л а т м а: *жимжит, оппоқ* сифатлари қўшиб ёзилади.

132- машқ. Гапларни кўчиринг. Содда, қўшма ва жуфт сифатларни аниқлаб, қандай қисмлардан ташкил топганини, талаффузи ва ёзилишини тушунтиринг.

1. Панжара орасида еру деворларга ёзиб ташланган яшил, кўк чўғдек ёниб турган қизил Хуросон гиламлари кўзга ташланарди. (А. О.) 2. Мен сенинг самимийлигинга, нияти пок, яхши йигит эканингда шубҳа қилмайман, болам. (О. Ё.) 3. Ясси тоғ тепасига олиб чиқадиган йўл тинкани қуритадиган даражада бўлиб, яйдоқ кул ранг адирларда қишда доим совуқ шамол ер ялаб изғиб

юрар, ёзда эса тандирдек қизиб кетар эди. (Ч. Айт.) 4. Шамол эски қорнинг нимхуш ҳидини учириб келтирарди, ер ҳам музлаб ётар, жонсиз эди. (Ч. Айт.) 5. Унинг юзи ориқ, рангсиз, бурни қирра, чуқур ботган катта кўзларининг оқи аллақандай мовий эди. (Ас. М.) 6. Ҳар куни эртапишар ўрикнинг учига чиқиб, ғўралигида еб тамомлардим. (Ойдин.) 7. Бола камгап, қиладиган ишини бировга айтмасди. (С. Аҳм.) 8. Узоқдан оқ-қора нарсалар кўрина бошлади. (В. Фафуров.) 9. Гуласал кўзлари қийиқ, бодом қовоқ, истараси иссиқ, жимжитгина қиз. (О.) 10. Дилдор очиқ кўнгил, ширин сўз, жонкуяр ва меҳрибон бўлгани учун тез орада кўпчиликнинг ҳурматини қозонди. (Ҳ. F.)

98-§. Сифат даражалари. Бир неча предметдаги бир хил белгини миқдор жиҳатдан фарқлаш ҳодисаси сифат даражаси ҳисобланади.

Икки предметдаги бир хил белгининг ўзаро қиёсланмаган шакли **оддий даража** саналади. Масалан: *қизғин, катта, ёмон, совуқ, иссиқ.*

Бир хил белгининг қиёс қилинишидан икки хил даража ясалади:

1) **қиёсий даража**; 2) **орттирма даража.**

Предметдаги маълум бир белгининг бошқа предметдаги худди шундай белгидан ортиқ ёки камлигини кўрсатувчи даража **қиёсий даражадир**. Қиёсий даража оддий даражага **-роқ** қўшимчаси қўшиш билан ясалади. Масалан: *Бизнинг уйимиз сизнинг уйингиздан кичикроқ. Унинг бўйи менинг бўйимдан узунроқ.*

Предметдаги белгининг бошқа предметдаги шундай белгидан миқдор жиҳатдан анча кўп эканлигини кўрсатувчи даража **орттирма даражадир**. Орттирма даража белги ифодаловчи сўздан олдин *энг, жуда, ғоят, ниҳоятда* каби сўзлардан бирини келтириш билан ифодаланади. Масалан: *«Езувчининг энг яхши асарлари кўрғазмага қўйилди.*

133- машқ. Сифатларни аниқлаб, қиёсий ва орттирма даражадаги сифатларнинг ясалишини, уларнинг ўзаро маъносига кўра ва ясама сифатлардан фарқини тушунтиринг.

1. У нотаниш кишиларни яхшироқ кўриш учун деразадан қаради. (К. И.) 2. Қиз эшикни каттароқ очиб, унинг киришини кутмай, тўрдаги баланд зинали даҳлиз томон йўл олди. (У. Ум.) 3. Қуёшдан нурафшон юртимизнинг энг антиқа водийсига боряпмиз. (М. Муҳаммедов.) 4. Оталар ўз болаларини дунёдаги болаларнинг

зўри, энг хушбичими деб билишади. (С. Аҳм.) 5. Кўчаларда «Тошкентни энг чиройли шаҳарга айлантирамиз», деган шиорлар пайдо бўлди. (У. Ҳ.) 6. «Болалар дунёси» деган магазинга бордик... Энг пастки қаватга тушиб, «Қоляска» танладик. (Сайёр.) 7. Ҳанифа ўпкаси тикилиб ҳансирар, унинг яримта-яримта гапидан ҳеч нарсани англаб бўлмас эди. (С. Ан.) 8. Модомики шундай экан, у бизнинг энг яқин дўстимиздир. (Туроб Тўлла.) 9. Одам ёмон кунини кўпроқ эслайди, чунки ёмон кун кам бўлади бизда... (Сайёр.) 10. Қишлоқ марказида яқинда бўёқдан чиққан сернақш клуб олдида одам гуж. (М. Муҳаммедов.)

99-§. Озайтирма ва кучайтирма сифатлар, уларнинг ёзилиши. Сифатларнинг озайтирма ва кучайтирма шакллари белгининг кучлилигини, ортиқлигини, камлигини, ноаниқлиги каби маъноларни ифодалайди.

Жуда, ғоят, ниҳоятда каби сўзларни сифатдан олдин келтириш билан унинг кучайтирма шакли ҳосил қилинади: *ғоят нафис, жуда билимли, ниҳоятда ёқимли: қипқизил, кўм-кўк, сап-сарик, кап-катта* каби сўзлар ҳам сифатнинг кучайтирма шакли ҳисобланади ва улар чизиқча (—) билан ёзилади.

-роқ қўшимчаси қиёсий даражадан ташқари, баъзан белгининг камлиги шаклини ҳам ясайди: *қоши қора — қоши қорароқ, кўзи кўк — кўзи кўкроқ.*

-иш, -мтир, (-имтир) қўшимчалари ҳам белгининг камроқ эканлигини билдиради: *сарғиш қоғоз, кўкимтир осмон.*

Чала-чулпа, ола-кула (ола-була), майда-чуйда, ғирашира, ували-жували, калта-култа, чатоқ-чутоқ, ғадир-будур кабилар белгининг ноаниқлигини ифодалайди; бундай сифатлар одатда жуфт ҳолда қўлланади ва ёзувда улар орасига чизиқча қўйилади.

134- машқ. Гапларни ўқинг. Сифатларнинг озайтирма ва кучайтирма шакллари топиб, уларнинг ясалиши ва маъноларини изоҳланг, сифат даражаларидан фарқини тушунтиринг. Сифатларнинг ёзилишига аҳамият беринг.

1. Кулганда сал юмалоқ оппоқ юзи жуда очилиб кетарди. (О. Е.) 2. Ҳозиргина бахмалдай қорайиб турган соф кўкимтир рангга кирган қишлоқ уйғона бошлаган эди. (О. Е.) 3. Очиқ деразадан тип-тиниқ осмоннинг бир чеккаси кўриниб турарди. (У. Ҳ.) 4. Кўкиш ялтироқ галстук тақиб олибди. (У. Ҳ.) 5. Қулоғига тегай-тегай деб учиб ўтган қалдирғоч, орқасидан сарғимтир уфққа қараб

қолди. (С. Аҳм.) 6. Ҳовли ўртасидаги булоқнинг тип-
тиниқ суви куёш нурида мавжланиб ётар экан. (Т. Ғоли-
бов.) 7. Давлатбеков унча семиз ҳам, озғин ҳам эмас,
оқиш юзли, хушмўйлов новча одам эди. (П. Қ.) 8.
Кейин қаттиқроқ пайраҳа ёна бошлади. Бора-бора печ-
ка гувиллаб кетди. (Ҳ. Ҳ.) 9. ...Ним қоронғи уйда қандни
қисирлатиб тез-тез чайнайман. (О.) 10. Офтоб қаршида-
ги тоғларнинг ортига ўтиб, уларни кўкиш нур пардаси
билан чулғаб олган эди. 11. Хонага кирдик. Кўримсиз-
гина, мурғаккина хотин экан Катянинг онаси. (Сайёр.)
12. Анову, шундоққина қишлоқ устига соя ташлаб тур-
ган баланд тоғ ёнбағридаги ялангликка қип-қизил мато
ёзиб қўйилгандай. (С. Н.)

СИФАТЛАРНИНГ ҚўЛЛАНИШ ХУСУСИЯТИ

100- §. Сифатлар предметнинг турли хусусиятларини
очиқ бериши ва баҳолашига кўра бадий тасвирда кенг
қўлланади. Предмет белгисини англатиши жиҳатидан
гапда кўпинча аниқловчи бўлиб келади. Аниқловчи ва-
зифасидаги сифат маъно кўламига кўра икки хил бў-
лади:

а) Мантиқий талаб билан қўлланувчи сифат оддан
англашилган маънони аниқлаштириш, торайтириш, аж-
ратишга хизмат қилади ва нейтрал услубга хос бўлади:
*Тошкент — катта шаҳар; олма (умуман олма) — қизил
олма (олманинг бир тури).*

б) Тасвир талаби билан қўлланувчи сифат маъно
ҳажмига таъсир этмайди, фақат тасвирлаш, баҳолаш,
таъкидлаш каби қўшимча маъноларни ифодалашга хиз-
мат қилади ва бадий услубга хос бўлади: *Дала оппоқ
қорға бурканди (қорнинг рангига кўра тури йўқ; қор
ҳам, оппоқ қор ҳам маъно ҳажмига кўра бир хил).* Бу
вазифадаги сифатлар поэтик восита сифатида муҳим
аҳамиятга эга бўлиб, бадий тилда сифатлаш ва эпитет-
ларни ҳосил қилишда фаол қўлланади: *тиниқ осмон,
ёруғ кун, қора кун, қора хат, қизил аскар* каби;

Тонг яқин, тонг яқин, *оппоқ* тонг яқин,
Бир нафас ором ол, ухла, жигарим. (Ғ. Ғ.)

Озайтирма ва кучайтирма сифатлар (*оқиш, каттаги-
на, жуда нафис*), бош қисми такрорланган сифатлар
(*кўм-кўк, қоп-қора, кап-катта*), кўчма маъноли сифат-
лар (*тулки одам, анор юз, тош юрак*) асосан турли ус-
лубий мақсадларда қўлланади.

Нутқ жараёнида сифатларнинг от ўрнида қўллани-

ши — отга кўчиши, отлашуви ҳам кенг тарқалган. Бу, айниқса, мақолларда кўп учрайди: *Яхши топиб гапирар; ёмон қопиб. Ешни меҳнат, қарини овқат асрайди.*

135- машқ. Узингиз сифатлар иштирок этган ўнга мақол топиб ёзинг. Сифатларнинг маъно ва тузилишига кўра таҳлил қилинг.

136- машқ. Гапларни ўқиб, сифатларнинг маъно хусусиятларини аниқланг, кўпроқ қайси вазифада қўлланганини изоҳланг. Сифатларнинг ёзилишига аҳамият беринг.

1. Серзавқ нарсаларни эсалагандан яхши нарса борми? (Ш.) 2. Элмурод ботинкасини ечиб, оёғи остига қаради — қип-қизил, зирқиллайди. (Ш.) 3. Маҳкам ака йигитга аниқ бир гап айтмай, жойига бориб ўтирди. (Р. Ф.) 4. Ботирнинг юраги қафасдан чиқиб кетгудай тез-тез дукилларди. (Р. Ф.) 5. Юқорида ўнг юзида данакдай холи бор ўрта яшар бир киши қаҳрабо сопли пичоқ билан қазни тўғрайпти. (С. Аҳм.) 6. Аммо ота залварли таёғини қорга ниқтаб босиб бардам қадам ташларди. (С. Ан.) 7. Эй, қаҳрамон, довюрак, жасур улур халқ, Қудратингдан йўқ бўлди хўрлик, асорат. (Ғайратий.) 8. Қийими кўпол, лекин янги ва пухта эди. 9. Қийик энди биринчи марта төвуш чиқарди. Паст, нафис ва умидсиз овоз билан қисқагина маъради. (П. Қ.) 10. Қип-қизил чинни тарвуз булоқ сувидек муздек ва ширин эди. (У. Ум.)

137- машқ. Сифатларни аниқлаб, қўлланиш вазифаси ва услубий хусусиятларини изоҳланг.

ЭЗГУЛИК КУНЧИЛАРИ

Баъзан шундай ҳолатлар, дақиқалар бўладики, уларни сўз билан таърифлашга инсон заковати ожизлик қилиб қолади. Ана шундай пайтларда инсонга тасвирий санъат ёрдамга келади. Мусаввирнинг сеҳрли мўйқалами ранг-баранг бўёқлар ёрдамида ҳайратомуз мўъжизалар яратади. Муҳими шундаки, бу мўъжизалар ҳеч қандай изоҳга, таржимонга муҳтож бўлмайди. Тасвирий санъат асари қайси даврда, ким томонидан, қай услубда яратилмасин, барибир, у барча миллат ва элат вакиллари учун бирдек тушунарлидир. Бу санъат турининг ҳақиқий мўъжизакор қудрати, сирли таъсир кучи ҳам мана шунда.

Ҳар бир сурат, ҳар бир ҳайкалнинг ўз яратилиш тарихи, қизиқарли тақдири бор. Тасвир ҳам барча санъат асарлари каби давр элчисидир. У яралган даврдан бизга унсиз ҳикоя қилиб беради. Шу маънода бугунги ўзбек

рассомлари чизаётган ҳар бир асар келажак учун ўлкамиз тарихидан, меҳнаткаш, самимий кишиларимиз ҳаётидан ҳаққоний ҳикоя қилса ажаб эмас.

Одатда, шундай бир вақт келадикки, инсон қайси соҳада меҳнат қилишидан қатъи назар, босиб ўтган йўлга назар ташлаб, ўз ишларини сарҳисоб қилади. Шу жумладан, ижодкорлар — тасвирий санъат усталари ҳам вақти-вақти билан ижодий фаолиятларидан ўзларига ва халқимизга сарҳисоб бериб турадилар. Мана бугун шундай вақт келди. Аввало, йилнинг бошида ҳар бир мўйқалам соҳиби, санъат мухлисларини қандай ишлари билан хушнуд этдилар-у, қайси муҳим воқеалар, эътиборларидан четда қолганлигини назардан ўтказмоқдалар. Келинг, биз ҳам ана шу ўтилган йўлда мусаввирлар билан биргаликда бир лаҳзагина ҳамроҳ бўлайлик.

Бир оз камтарлик бўлса-да, айтиш керакки, салмоқли муваффақиятлар қўлга киритилди. Узоққа бормай, Баҳодир Жалоловнинг 1984 йил Давлат мукофотиغا сазовор бўлган «Ҳосил ўрими» ва «Рақснинг туғилиши» композицияларини олайлик. Айниқса, «Баҳор» концерт залига ишланган «Рақснинг туғилиши» асари ажиб нафосати, юксак баднийати билан ажралиб туради. Халқимизнинг сеvimли санъаткори, ўзбек рақс санъатида бетақрор мактаб яратишга муваффақ бўлган раққоса Мукаррама Турғунбоева санъатининг туғилиши, шаклланиши, камол топишини ўзида мужассам этган бу полотнони ўзбек рақсига қўйилган ҳайкал дейиш мумкин.

Рассомларимиз аёл назокатини, латофати, меҳнатини шарафловчи кўплаб асарлар яратдилар. Чингиз Аҳмадовнинг озод Шарқ аёлига бағишланган «Еруғлик сари», Гули Абдурахмонованинг «Қорақалпоқ қизи», «Жангчи қизлар ҳақида афсона» каби асарлари шулар жумласидандир. Шунингдек, Нина Ковинанинг «Колхоз бригадири Улмас Анорбоева портрети», «Янгийўллик колхозчи аёллар», Носир Қўчқоровнинг «Қурувчи Вера портрети», Илья Рубиннинг «Портрет», Роберт Авакяннинг «Камон тортувчи қиз», Валентин Клеванцевнинг «Ойгул портрети», Жўлдосбек Қуттимуротовнинг «Келинчак», «Гулойим», Дамир Рўзибоевнинг «Пахта терувчи қиз» ва бошқа кўплаб асарлари ўзбек аёлининг бугунги қиёфасини ўзида ҳаққоний акс эттирганлиги билан мухлислар диққатини тартади.

(«Саодат» ж. дан.)

СОН

101-§. Бир хилдаги предметларнинг сон-саногини, тартибини билдириб, неча?, неча нчи?, нечта?, қанча? каби сўроқлардан бирига жавоб бўладиган мустақил сўзлар **сон туркумини** ташкил этади: *ўнта китоб, беш баҳо, биринчи курс, олтинчи бригада* каби. Сон, одатга, отга боғланганда унинг миқдорини, боғланмаганда, эса *уч, тўққиз* каби мавҳум тушунчани ифодалайди. Сонларнинг саноқ ва тартиб сон каби турларга бўлиниши уни бошқа сўз туркумларидан ажратиб турувчи морфологик белгисидир.

Сон бошқа сўз туркумлари, хусусан, от, сифат, феълларга қараганда ўзбек тили луғат составида нисбатан озчиликни ташкил этади. Кўп ишлатиладиган туб сонлар 22 та: *бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, ўн, йигирма, ўттиз, қирқ, эллик, олтмиш, етмиш, саксон, тўқсон, юз, минг, миллион, миллиард.*

Сон ҳарф билан (*бир, ўн, юз*) ҳам, рақам билан (*1, 10, 100, V, X, XXIV*) ҳам ифодаланади.

Ўзбек тилида араб (*5, 30, 47, 90*) ва рим рақамлари (*V, XI, XII, XX*) ишлатилади.

138-машқ. *5, 10, 7* араб рақамлари ва *II, V, XX* рим рақамлари иштирокида гап тузинг. Уларнинг қайси сўз туркуми билан боғланганлигини айтинг.

102-§. Сонларнинг тузилишига кўра турлари. Сонлар тузилишига кўра содда, қўшма ва жуфт бўлади.

Содда сон бир негиздан тузилиб, туб (*беш, ўн, юз*) ва ясама (*бешта, бешинчи, ўнлаб*) бўлади.

Қўшма сон икки ва ундан ортиқ сон ўзагидан тузилади: *ўн бир, ўн бир ярим, бир юз йигирма, бир минг тўққиз юз олтмиш тўққиз* каби.

Жуфт сон иккита ҳар хил сон ўзагининг кетма-кет келишидан ёки бир хил сон ўзагининг такрорланишидан тузилади: *бешта-ўнта, уч-тўрт, беш-ўн, тўрт-тўртта.*

139-машқ. Гапларни кўчиринг. Сонларни топиб, тузилишига кўра таҳлил қилинг.

1. Биз ҳам чамамда ўн беш киши эдик. (*Ш.*) 2. Кўксуғур ва бир жуфт жайроннинг ўқдай учиб ўтгани кўзга ташланди. (*Ж. Абд.*) 3. Кампир қуришган бармоқлари билан тиззаларини бир-икки қаттиқ-қаттиқ уқалаб олгач, ...ўрнидан қўзғалди. (*О.*) 4. Миршаблар орасида учта ёш бола ёриб ўтиб, мингбошининг кимхоб тўнига,

оёғига осилди. (М. Исм.) 5. Бу воқеа минг тўққиз юз ўн еттинчи йилнинг апрель ойида бўлган эди. (К. Икромов.) 6. Қирқ иккинчи йилнинг августи эди ўшанда. (У. У.) 7. Куёш энди икки терак бўйи кўтарилган эди. (У. У.) 8. Одатда шу куни биз уч киши: дадам, ойим ва мен бўлардик. (К. Икромов.) 9. Нотаниш одамлар бир-бирига ўхшайди. (Э. А.)

103-§. Соннинг турлари. Сонлар маъно ва грамматик хусусиятларига кўра икки катта гуруҳга бўлинади: **саноқ сонлар** ва **тартиб сонлар**.

Саноқ сонлар беш турли бўлади: *миқдор сон, дона сон, чама сон, жамловчи сон, тақсим сон.*

Бир, ўн, йигирма, ўттиз, саккиз каби қўшимчаларсиз қўлланган сонлар **миқдор сон** ҳисобланади.

Дона сонлар миқдор сонга -та қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади; *еттита, юзта, мингта* каби.

Унтача, юзтача, минглаб, мингларча, бир-икки, беш-ўн каби сонлар **чама сонлардир**. Чама сонлар -тача, -ларча, -лаб қўшимчаси орқали ёки икки соннинг жуфтлашишидан ҳосил қилинади.

Олтов, икков, бешов, учов, иккала, бешовлон каби сонлар **жамловчи сонлар** бўлиб, улар миқдор сонга -ов, -ала, овлон қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлади.

Тақсим сонлар -тадан, -дан қўшимчалар ёрдамида ёки икки соннинг жуфтлашиши ва такрорланишидан ясалади. Бунда жуфтлашиб ёки такрорланиб келаётган сонларнинг иккинчи қисми -дан қўшимчасини олади: *ўнтадан, учтадан, ўнта-ўнтадан, тўртта-тўрттадан.*

104-§. Тартиб сон. Бир хил предметларнинг, нарса-ҳодисаларнинг тартибини билдиради ва -нчи (-инчи) қўшимчаси орқали ҳосил қилинади: *учинчи курс, тўртинчи босқич, биринчи қатор, биринчи чопиқ.*

140-машқ. Гапларни кўчиринг. Сонларни топиб, уларнинг тузилишига ва маъносига кўра турини айтинг.

1. Куннинг иккинчи ярмида оқ халат кийиб Ширмонхон кириб келди (Мирм.) 2. Тўртовлон жарликка қараб кетдилар. (Ш.) 3. Сариқ чигиртка—офатни йўқотиш учун юзларча қишлоқ аҳли оёққа турди. (Ас. М.) 4. Уларнинг бири олтмиш ёшларда, иккинчиси элликларда эди. (И. Раҳим.) 5. Ўттизинчи йили Мусофирободда колхоз тузилди. (Ҳ. Ғ.) 6. Еттинчи синфни аъло битириб, шаҳодатнома олганда, зиёфат қилиб бердим. (У. У.) 7. Шаҳар соати янги кун—Мансурнинг ҳисобича олтмиш

иккинчи кун бошланганидан дарак бериб, занг чалди. (Соҳиб Жамол.) 8. Каттагина тошбақа қандайдир ўсимлик шохларига бўй чўзиб, майда баргларни битта-битталаб юлиб ейди. (Ж. Абд.)

141- машқ. Гапларни ўқинг. Саноқ сояларни топиб, маъно хуссиятларини изоҳланг. Қўшимчаларини таърифланг.

1. Еши қирқлардан сал ошган, чанг босган пальто ва катак чолвор кийган барин уйга кириб келди. (И. С. Тургенев.) 2. Мен бу улуғ даргоҳга юз мартача келгим бор. (F. F.) 3. Бошимни кўтариб қарасам, садақайрағоч атрофида ғуж-ғуж чумчуқ. Бири учади, бири қўнади. Вой, инларнинг кўплигини! Биттаси жудаям пастда экан. (У. Х.) 4. 10-синфни 30 ўқувчи битирдик. Шулардан йигирма беш киши колхозда қолиб, ишлашга аҳд қилишди. 5. Навоий азамат ҳамлалар билан ҳаммаси бўлиб икки-уч йил ичида бу беш тоғнинг чўққисига етди. (О.) 6. Унақа оғайни мингтадан битта. (А. Қ.) 7. Иккови шаҳарга бориб, ҳақиқатан кутубхонадан Зухранинг адресини топди. (А. Қ.) 8. Иккаласи уй билан ошхонани йиғиштирди, тозаллади. (А. Қ.)

105- §. Сонларнинг ёзилиши. Сонлар рақам ва сўз билан ёзилади. Ҳозирги ўзбек ёзувида икки хил рақамдан — араб ва рим рақамларидан фойдаланилади.

1. Араб рақамлари математик ҳисоблаш учун ва вақт (соат, йилни) ни кўрсатишда ишлатилади: 5—3-2, соат 10, 5 ноябрь, 22 апрель, 1952 йил, 1990 йил.

2. Рим рақамлари аср ва ойни, мактабда қўлланадиган чорақлар сонини ёки тартибини, кенгаш, анжуман, йиғилиш санасини кўрсатишда ишлатилади: XX аср, X синф, II курс (булар араб рақамида ҳам ифодаланаверади), III қурултой.

Араб рақами билан ифодаланган тартиб сондан сўнг -нчи (-инчи) ёзилмайди, унинг ўрнига чизиқча (-) қўйилади: 10-синф, 2-смена, 5-курс, 14-мактаб.

Тартиб сон рим рақами билан ифодаланганда, сонлардан сўнг -нчи (-инчи) қўшимчаси ҳам ёзилмайди, чизиқча ҳам қўйилмайди: X синф, II смена, XIX аср, III чорақ.

Тартиб сон число, ой ва йилларни кўрсатганда (улар қандай рақам билан ифодаланганидан қатъи назар) ҳам дефис қўйилмайди: 21 сентябрь, 1987 йили, 5. IX. 1980 йил.

Ўзбек тилида қўшма сонларнинг, каср сонларнинг

қисмлари ажратиб ёзилади: *ўн етти, йигирма беш минг тўққиз юз етмиш учинчи, ўндан бир, бешдан уч*. Қўшма сон ҳосил қилувчи қўшимчалар, одатда, қўшма сонларнинг охириги қисмига қўшилади: *йигирма бештача, йигирма бешинчи*.

Охири и унлиси билан тугаган санок сонларга **-ов** қўшимчаси қўшилганда, и тушиб қолади ва шундай ёзилади: *олти — олтов, етти — еттов*.

Жуфт сонлар чизиқча билан ёзилади: *учта-тўртта, беш-ўнтача, тўрт-беш, йигирма-ўттиз*.

Санок сон турларини ҳосил қилувчи қўшимчалар баъзан жуфт соннинг ҳар иккала қисмига, баъзан иккинчи қисмигагина қўшилади: *уч-тўртта, бешта-ўнта, бешта-бешталаб* каби. Жуфт сонлар аксарият ўринларда тартиб сон аффикси **-инчини** қабул қилмайди.

Тартиб сон ҳарф билан ифодаланганда, миқдор сонга унлидан сўнг **-нчи**, ундошдан сўнг **-инчи** қўшимчаси қўшилади ва шундай ёзилади: *ўнинчи синф, иккинчи смена, еттинчи қават, ўн учинчи хона*.

142- машқ. Қуйидаги сонларни сўз билан ёзинг. Шу сонларга сон ясовчи қўшимчалар қўшиб, санок сон турларини ясанг ва турини айтинг.

2, 3, 4, 5, 6, 25, 30, 31, 173, 379, 399, 1973, 119999, 1119305.

143- машқ. Гапларни кўчиринг. Сонларни маъноси, ясалиши, тузилишига кўра таҳлил иилинг:

1. Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас, икковлон дастурхон устида ўтирарди. (Ж. А.) 2. Кунлардан бир кун Машриқий эшигини икки одам тақиллатди. (Мирм.) 3. Қосим, қочишнинг иложи бўлганда албатта иккаламиз қочардик, дегандек хўрсиниб қўйди. (К. Икромов.) 4. Энди ўзи тўққизинчини битирди. (О. Ё.) 5. Қизиқ: қизларнинг тўртови ҳам эгниларида атлас кўйлак, бошларида чуст дўппи, гўё даштга эмас, тўйга келгандай ясаниб олишган. (О. Ё.) 6. Икковга биров ботолмас, отлиққа яёв етолмас. (Мақол.) 7. Деворда иккита сурат бор. Иккаласи ҳам сарғайиб кетган. Битгаси Хусан бувамники. (У. Ҳ.) 8. Яккачинор — икки тоғ оралиғида қисилиб ётган кичкина қишлоқ. (У. У.) 9. Ўқтин-ўқтин шу маконда дилим сиеҳ бўлиб кетади-ю, битта-яримта чапани улфатларим олдига бориб жиндай кўнгил очаман. (О.) 10. Бир марта гапдан гап чиқиб, «Мен ўз қишлоғимизни мингта шаҳарга ҳам алмашмайман, ўқишни битираман»

у, шу ерга — сенинг олдингга келаман», — деганини унутибди-да энди. (С. Н.)

СОНЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШ ХУСУСИЯТИ

106-§. Сонлар гапда отга боғланиб, унинг миқдорини аниқлашга хизмат қилади. Шунга кўра аниқловчи вазифасида кенг қўлланади: *Туманимизда иккита музей бор.* Бунда сон (*иккита*) предмет (*музей*)нинг аниқ миқдорини кўрсатади.

Баъзан эса сонлар ноаниқлик маъносини ҳам билдиради. Масалан, *бир* сони, *бир-иккита*, *беш-олти* каби жуфт сонлар ноаниқликни ифодалашга хизмат қилади: *Бир кунни уни саҳнада кўриб қолдим. Узинг бир-иккита китоб ўқиганмисан?*

Соннинг турларини ясовчи қўшимчалар нутқ турларида қўлланишига кўра фарқланади. Масалан, жамлаш маъносини ясовчи **-ов** қўшимчаси оғзаки нутқда, **-овлон**, **-ала** эса бадий нутқда ишлатилади. **-ча** ва **-лаб** қўшимчалари ҳам услубий ўзига хослиги билан фарқланади.

Сонлар баъзан отлашиб, эгалик ва келишик қўшимчалари билан қўлланади: *Иккови йўлга чиқди. «Қаерда кўришамиз» — сўради бири иккинчисидан.*

Нутқ талабига қараб сонлар предметнинг турли хусусиятларига кўра ўлчовини кўрсатувчи ҳисоб сўзлари (нумеративлар) билан бирга қўлланади. Ҳисоб сўзларини ишлатилиш доираси ва услубий хусусиятларига кўра фарқлаб қўллаш лозим: *томчи — қатра, бўлак — бурда, минут — дақиқа — сонуя* каби. Масалан: *Бир томчи сув йўқ — Бир қатра сув йўқ.*

144- машқ. Ҳейнгиш мустақил *бешов, етти, XX, ўнта-ўнта, бир* сонларни иштирокида гаплар тузинг. Сонларнинг қайси сўзларга боғланганини, гапдаги вазифасини тушунтиринг.

145- машқ. Гапларни кўчиринг. Сонларнинг қайси сўзга боғланиб келганини ва маъно хусусиятларини изоҳланг.

1. Бирни биров беради, кўпни меҳнат. (*Мақол.*) 2. Бирининг юзи ярмини сичқон кемирган, бирининг юзи тагчармга ёпишиб кетган. (*О.*) 3. Талабаларимиз шаҳардаги йигирма тўртинчи мактабга педпрактикага чиқишди. 4. Дунё можаросидан қўл ювмоқчи бўлган бир отага кексайган кунларида фарзанд доғини кўрмасликнинг ўзи ҳам улуг мукофотдир. (*А. Қод.*) 5. Минг марта узр... зарур иш чиқиб қолди. (*Яшин.*) 6. Уламолар эса, гўё уч

кундан бери туз тотмагандай, лазиз овқатларга чигирткадай ёпирилиб, ура бошладилар. (О.) 7. 1264 ҳижрия январь ойининг ўн еттинчиси, қишки кунларнинг бири, қуёш ботган, теваракдан шом азони эшитиладир... (А. Қод.) 8. Буларнинг ҳаммасини анча вақтдан кейин, яна бир бор «Тўрт юзинчи» хонага келганимда тушундим. (Ю. Фучик.) 9. Ҳақиқатан ҳам еттинчи ноябрь куни эрталаб Мухин уларни олиб кетгани келди. Бу дафтарда юз минг камбағални юз минг бойга айлантира олувчи хазиналар кўрсатилган (К. Икромов.)

ОЛМОШ

107-§. От, сифат ва сон ўрнида қўлланиладиган сўзлар **олмош** ҳисобланади. Олмошлар предметни, белги ёки миқдорни билдирмай, фақат уларни кўрсатади, шулар ҳақидаги сўроқни ифодалайди: *Уктам дўстлари ичида ажралиб турарди. Шунинг учун уни ҳамма ҳурмат қиларди. 2. Рустамжон II курсда ўқийди. Солижон ҳам шу курсда ўқийди. 3. Шаҳарда кейинги йилларда кўп муҳташам бинолар қурилди. Бу бинолар шаҳримизнинг хуснига ҳусн қўшмоқда.* Биринчи мисолда от (*Уктам*) ўрнида *уни*, иккинчи мисолда сон (*II*) ўрнида *шу*, учинчи мисолда сифат (*муҳташам*) ўрнида *бу олмоши* қўлланган.

Олмошларнинг **кишилик, кўрсатиш, сўроқ, белгилаш, ўзлик, бўлишсизлик, гумон** олмошлари каби турларга бўлиниши унинг ўзига хос морфологик хусусиятидир.

Олмошлар от ўрнида қўлланганда улар каби олти келишик формасида кела олади. Сўроқ, белгилаш, ўзлик, бўлишсизлик, гумон олмошлари келишиклар билан турланганда, ўзақда ўзгариш юз бермайди. Лекин *мен, сен* кишилик олмошлари қаратқич ва тушум келишик қўшимчаларини қабул қилганда, одатда битта н тушиб қолади: *мен + ни — мени, мен + нинг — менинг* каби; *у, бу, шу, ўша* каби кўрсатиш олмошлари жўналиш, ўринпайт, чиқиш келишиги қўшимчаларини олганда, аксинча, бир н товуши орттирилади: *у + га — унга, бу + да — бунда, шу + дан — шундан, ўша + га — ўшанга* каби.

108-§. Олмошларнинг турлари. Олмошлар маъно ва грамматик хусусиятларига кўра етти хил: 1) кишилик олмошлари; 2) кўрсатиш олмоши; 3) сўроқ олмоши; 4) белгилаш олмоши; 5) ўзлик олмоши; 6) бўлишсизлик олмоши; 7) гумон олмоши.

109- §. Кишилик олмошлари нутқдаги уч шахс ёки предметни кўрсатиб, бирлик ва кўпликда қўлланади:

Шахс	Бирлик	Кўплик
I ш.	мен	биз
II ш.	сен	сиз
III ш.	у	улар

Кишилик олмошлари доимо эгалик қўшимчаларисиз қўлланади.

Кишилик олмошлари ҳурмат ва камтарлик, манманлик каби маъноларни ҳам ифодалайди. *Биз* олмоши *мен* ўрнида турли услубларда ҳар хил мақсадда ишлатилади. *Биз* олмоши илмий услубда камтарлик маъносида, сўзлашув услубида эса фахрланиш, манманлик маъноларни ифодалайди. Масалан, сўзловчи *менинг фикримча* дейиш ўрнига *бизнинг фикримизча*, *бу ишни мен бажардим* дейиш ўрнига *биз бажардик* деб мақтаниши ёки камтарлик қилиши мумкин. Оддий сўзлашувда *сен* олмоши ўзидан ёш жиҳатдан катталарга нисбатан ишлатилганда ҳурматсизлик, менсимаслик маъноларини билдирса, поэтик тилда кўзда тутилган шахсга нисбатан ҳурматни ифодалаш учун қўлланади. Масалан:

Бари, бари *сенга* бўлсин,
Сенга бўлсин онажон.
Сенга бўлсин бор ҳаётим
 Номим, шоним бир йўла.

(А. Орипов.)

146- машқ. Гапларни кўчиринг. Кишилик олмошларини топиб, маъносини тушунтиринг. Олмошларга қўшилган келишик қўшимчаларининг ёзилишини изоҳланг.

1. Сизга хат келганда, болам. (С. Н.) 2. Бундан чиқдики, мендан буткул кўнгил узмаган экан-да. (А. Қ.) 3. Ясовул уларни саф билан супа ёнига келтирди. (М. Исм.) 4. Унинг кўзларида жиддий ўй, лабларида маъноли ингичка табассум сезилар эди. 5. Давлатбековнинг кўнглидаги доимий бир чанқоқликнинг боиси шуки, у ўз мавқеини мумкин қадар баланд кўтаришни истайди. (П. Т.) 6. Шундан кейин Канизак Сиддиқжонни ўзига бир қадар яқин кўриб, унга суяниб қолди. (А. Қ.) 7. У мени кўрмас, афтидан, ўзи билан ўзи гаплашаётган бўл-

са керак. (*Сайёр.*) 8. Бундан кейин мени кўрганда, ўрнингдан турмасанг ҳам бўлаверади. (*О. Ё.*) 9. Ахир биз гап буриб ўйнаш учун тўпланганимиз йўқ-ку. Акбаров қизишди. (*П. Қ.*) 10. Қароматларникига кириб, ундан очиқ-ойдин сўраб билмоқчи бўлди. (*В. Фафуров.*)

147- машқ. Ўқинг. Кишилик олмошлари иштирок этган гапларни кўчиринг. Кишилик олмошлари ўрнида шахс ёки предмет номларини ишлатиб, маъно фарқларини тушунтиринг.

1. У мактабга кириб кетар экан, кечаси чала қолган китобини ўқир эди (*Ш.*) 2. Онам учун бениҳоя оғир бўлган ўша кунларда мен қўлимдан келганча унга ёрдам қилардим. (*Н. С.*) 3. Ҳеч кимга, ҳеч бир зотга қалбида нималар кечаётганини билдирмасди. (*Ч. Айт.*) 4. Хўп, дедиг-у, қайтдик, тагин пайсалга солдинг. Мана оқибат. (*Ж. Абд.*) 5. Бизникидир бутун муҳаббат, Биз ўзимиз унинг куйчиси. (*Ҳ. О.*) 6. Ишни ўзимиз бошладикми, энди охирига ҳам ўзимиз етказамиз. (*М. Исм.*) 7. Э-ҳа, қанча-қанча воқеалар бошимиздан ўтди. Сенлар ёлғиз бир учинигина биласанлар. (*О.*) 8. Мен ўзбек шоириман, ўз халқимнинг тилиман. (*Ғ. Ғ.*) 9. Ўзим чақимчиларни, майда гапларни ёмон кўраман. (*Ш.*)

110- §. Кўрсатиш олмошлари предмет ёки шахсни кўрсатиш учун ишлатилади. Буларга **бу, шу, у, ўша, ана у, мана бу** (ул, бул, шул, ўшал) каби олмошлар киради. Кўрсатиш олмошлари маъноси, қўлланиш хусусиятига кўра бир-биридан маълум даражада фарқ қилади. Чунончи, **бу** олмоши сўзловчига энг яқин предметни кўрсатса, **ўша** олмоши сўзловчига нисбатан узоқроқ бўлган предметни кўрсатиш ёки бирор нарса, воқеани эслатиш учун ишлатилади: *Едгор Чарос бу гапни унинг ғашига тегиш учун атайлаб айтганини тушунди.* (*У. Ҳ.*) *Ўша гул пайванд қилинган теракни уч марта кинога олишди.* (*С. Аҳм.*)

У олмоши эса, сўзловчи кўзи олдида бўлмаган предметни эслатиш, унга илова қилиш учун ишлатилади: *У кишидан ажралма; У яхши одам* каби.

Шу, ўша олмошлари **бу, у** олмошларидан нарса ва ҳодисаларни ажратиб, чегаралаб, кучли даражада таъкидлаб кўрсатишига кўра фарқланади: *Менга шу китобни беринг. Фақат ўша ерга борамиз, у жой бўлмайди.*

Ул, бул, шул, ўшал олмошлари эса тарихий асарларда ва поэтик нутқда қўлланади:

Дунёдаги барча илм
Шул бешовда мужассам.

(*А. Орипов*)

Кўрсатиш олмошларига қўшимчалар қўйидаги тартибда қўшилади: олдин кўплик, сўнг эгалик, кейин келишик қўшимчалари: *шуларингни, ўшаларингда*.

148- машқ. Гапларни кўчиринг. Кишилик ва кўрсатиш олмошларини топиб, маъноларини тушунтиринг. Улардаги қўшимчаларнинг қўлланишини изоҳланг.

1. Бизга қалин дўст китоб, У гўё нурли офтоб. (*И. Муслим.*) 2. Қандайдир устига оч кул ранг пахталик камзул кийган ўта новча киши танишдек туюлди унга. (*Б. В.*) 3. Уни маҳалланинг биноларидан ажратиб турадиган ери ҳам мана шу. (*Ас. М.*) 4. Уша оғир йилларда Бўтабек тузган мана шу колхозда звено бошлиғи бўлиб ишлаган. (*М. Муҳаммедов.*) 5. Ҳайдарали бу жойни эшитган-у, бормаган, у ёққа боришнинг ҳожати ҳам йўқ. (*У. У.*) 6. Шунга кўра Сиддиқжон бу гапларни куйиб-пишиб гапирди. (*А. Қ.*) 7. Бу беозор уй ҳайвони энди ёввойи тоғ эчкисига айланиб кетиши мумкин, бундай ҳодисалар тоғда бўлиб туради. (*П. Қ.*) 8. Сиз ана шу жаннатни дунёга келтирган одамлар соғлиғининг посбонисиз. (*М. Муҳаммедов.*) 9. Ўз номига мос келадиган бу баҳайбат дара Холбекка доим сирли ва хатарли кўринарди. (*П. Қ.*) 10. Шунинг учун ҳам у қишлоққа келиб топган омадини мана шу сўқмоқларда қўлга киритдим, деб биларди. (*М. Муҳаммедов.*) 11. Мана, Ризамат боплади: бригадасида шуни жорий қилди. Ҳамманинг жони кирди. (*М. Муҳаммедов.*) 12. У аллақандай гиламлар ҳақида сўзларди. (*Э. А.*)

149- машқ. Ўзингиз кўрсатиш олмошларини келишиклар билан турлаб, улар иштирокида гап тузинг. Олмошлар негизда юз берган ўзгаришларни тушунтиринг.

111- §. Сўроқ олмошлари предмет, шахс, белги, миқдор ҳақидаги сўроқни билдиради. Бошқача қилиб айтганда, сўроқ олмошлари отларга, сифат ва равишларга, шунингдек миқдор билдирувчи сўзлар — сонларга нисбатан сўроқни ифодалайди: *ким, нима* отга; *қайси, қандай* сифат ва равишга; *қанча, нечанчи* каби сўроқ олмошлари сонга нисбатан қўлланади.

Нутқда сўроқ олмошлари контекст талабига кўра бири иккинчиси ўрнида ишлатилиши мумкин. Масалан, сўзлашув нутқда *ким* олмоши ўрнида *нима* қўлланади. *Бу киши сизга ким бўлади?—Бу киши сизга нима бўлади?* Аммо адабий тилда бу ҳолат хато ҳисобланади.

Бадий асар тилида *нима* олмошининг не, на, нечун, нечук формалари кенг қўлланади: *Пайванд билан, на дахли бор бу ишнинг?* (Х. О.) Қалай, қай олмошлари ҳам сўзлашув ва поэтик нутққа хосдир:

Иброқ авлодларга бизлардан аммо
Қай бир хислатимиз қоларкан, ажаб? (А. О.)

Неча ва *қанча* олмошлари ҳам ишлатилишига кўра фарқланади. *Неча* олмоши аниқ миқдорни билдириб, нумеративлар билан бирга қўлланса, *қанча* умумий миқдорни ифодалаб, нумеративсиз қўлланади: *Неча кило оласиз? — Қанча оласиз?*

150- машқ. Гапларни кўчиринг. Сўроқ, кўрсатиш олмошларини топиб, уларнинг қайси сўз туркуми ўрнида келганлигини, қайси сўз билан боғланганини тушунтиринг.

1. Бир кун кечаси ҳатто шундай ҳодисалар ҳам содир бўлди: ҳовлида кимдир юргандек бўлиб туюлаверди. (Ж. Абд.) 2. — Кимнинг юраги билан? — деди ҳалиги товуш кулиб. (Ш.) 3. Ким иккинчи таклифни ёқласа, қўлини кўтарсин (М. Қориев.) 4. Хаёлида ҳамон ўша қўшиқнинг тўлқинлантирувчи оҳанги таралиб, қалби зир титрар, ҳар тарафга талпинар, кимгадир интилар эди. (С. Кароматов.) 5. У терлаб кетган, аммо негадир туришга кўрқар, аъзон бадани қараҳт бўлиб қолганга ўшар эди. (У. Х.) 6. У бу иш Олаҳўжанинг фикри билан бўлганини англайди. Олаҳўжа унинг эшигига ёрдам сўраб келадиган бир аҳволга солиб қўймоқчи экан. Абдурасул яна қайтиб унинг қўлига тушмайди. (П. Т.) 7. Қаёққа қарасанг камбағал, бекорчи, нонга зор одамларни кўрасан. (О.) 8. Қаердаки, интизом маҳкам, у ерда иш йирик. Қаердаки, интизом бузилди, у ерда иш расво. (У.) 9. Нега бундай хурсандчиликдан воз кечиб ўзимни кўчага, тим қоронғулик оғушига отдим. (Х. Ф.)

151- машқ. Қанча, неча, қанақа, ким, нима сўроқ олмошларини келишик ва эгаллик қўшимчалари билан турлаб, бир неча гап тузинг. Маъносини, гаптаги вазифасини тушунтиринг.

112- §. Белгилаш олмошлари предметларни ёки унинг белгисини жамлаб, яққалаб, ажратиб кўрсатиш учун ишлатилади. Маъно хусусиятига кўра икки гуруҳга бўлинади: бир гуруҳи (ҳар ким, ҳар нима, баъзи, ҳар қандай, ҳар қайси) шахс, нарса ва белгини ажратиб кўрсатса, иккинчи гуруҳи (ҳамма, барча, бари, бутун) эса жамлаш ва умумлаштиришга хизмат қилади.

Иккинчи гуруҳдаги белгилаш олмошлари нутқ услубларида қўлланиши ва маъно нозикликларига кўра фарқ қилади. Масалан, *барча* олмоши кўпроқ ёзма нутқда қўлланади. Унда умумлаштириб белгилаш маъноси *ҳамма* олмошига нисбатан кучли: *Ходимларнинг барчаси тўплансин*. Еки *бари*, *жами* олмошлари оғзаки нутққа хослиги билан фарқланса *бутун* олмоши кўпроқ ёзма нутқда қўлланади, унда нарсанинг яхлитлигини белгилаш кучлироқ: *Бутун замин ларзага келди*.

152- машқ. Гапларни кўчириб, белгилаш олмошларининг таги та чизинг, уларнинг маъносини ва турланишини изоҳланг.

Ҳамма ҳам бориши мумкин. (Э. А.) 2. Ҳеч ким атрофга қарамайди. (К. И.) 3. Дил қўшигини ҳамма—шоҳ ҳам, гадо ҳам баробар тинглайди. (М. Қориев.) 4. Ҳа, баъзи бир одамлар Олимжонни мулойим дейишади, аммо ўз ишига пишиқ; қаттиққўл... (М. Муҳаммедов.) 5. Ҳар нима бўлганда ҳам, сув даставвал халққа керак. (М. Исм.) 6. Бўзчилик бу ердагиларнинг қарийб ҳаммасига ота касб. (Ас. М.) 7. Эшикни очсам ҳамма болалар бир бўлиб чой ичиб ўтиришибди. (Сайёр.) 8. Ҳар ким ҳам ўз томига ёққан қорни ўзи курайди. (Сайёр.) 9. Гўё унинг бутун юзини оғиз қоплади. (О.) 10. Улимнинг тўсатдан бўлиши ҳаммага ёмон таъсир қилди. (М. Г.) 11. Мардонқуловнинг ҳар қандай одамни лол қолдирадиган зеҳни бор эди. (Э. А.)

153- машқ. *Жами*, *барча*, *бари*, *баъзи*, *ҳар ким*, *ҳар нима* каби белгилаш олмошларига эгалик ва келишиқ қўшимчаларини қўшиб, улар иштирокида бир неча гап тузинг.

113- §. Шахс ёки предметни аниқлаб, яққалаб кўрсатиш учун ишлатиладиган *ўз* (*ўзи*) сўзи *ўзлик* олмоши ҳисобланади.

Ўзлик олмоши кўпликда (кўпликда, асосан кесатик ёки пичинг маъносини ифодалайди) қўлланганда ундан олдин ёки кейин албатта эгалик қўшимчаси қўшилади. Ўзлик олмошига қўшимчалар қуйидаги тартибда қўшилади: кўплик + эгалик + келишиқ қўшимчаси: *ўзингларга, ўзларингни*.

154- машқ. Гапларни кўчиринг. Олмошларни топиб, турини айтинг. Ўзлик олмошларининг турланишини изоҳланг.

1. Палатада танҳо ўзим қолган эдим. (Ҳ. Т.) 2. Ўзи қўпол бўлгани билан ўғри мушукдай чаққон. (Ж. Абд.) 3. Йўлакдан гўнғир-гўнғир товуш келди-ю, Ёдгор ўзини

ўнглаб олди. (У. Ҳ.) 4. У мени кўрмас, афтидан, ўзи билан ўзи гаплашаётган бўлса керак. (Сайёр.) 5. Одам кутилмаганда ўз она тилини эшитса, зориқиб кутган ажиб куйни тинглаган одамдай яйрар экан-а. (Сайёр.) 6. Ҳожияхон ўз қизимдай бўлиб қолган. (Ас. М.) 7. Ўзга боғнинг олма-анорин тераман. («Сайёд ва Ҳамро».) 8. Мана шу Гаффор қўрбоши тўдасининг ўзи билан уч йил олишдик. (Н. С.) 9. Ўзим кўрган бўлсам кошки эди, таърифини эшитганман, холос. (М. Исм.) 10. Унинг истибдоди ўзга шаҳарларда унча сезилмаса ҳам, аммо марказ — Қўқон одамларини жуда тўйдирди. (А. Қод.)

11. Иккови эмакдош қариндош, пайванд,
Бирининг — бириси ўзининг ўзидир.
Бел тутди ўғлонлар ким ўзмоқ учун. (F. F.)

114-§. Бўлишсизлик олмошлари мавжуд бўлмаган предмет, белги, миқдорни умумлаштириб кўрсатади. Бўлишсизлик олмошларига *ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қандай, ҳеч қанча, ҳеч нарса, ҳеч бир* каби олмошлар яиради. Бўлишсизлик олмошларига қўшимчалар қуйидаги тартибда қўшилади: кўплик + эгалик + келишик қўшимчалари: *ҳеч нималарингни, ҳеч нарсаларингга.*

115-машқ. Гапларни ўқинг. Бўлишсизлик олмошларини топиб, уларнинг маъносини, гаптаги вазифасини изоҳланг.

1. Шоматга эътибор қилишмади, ҳеч ким нега қайтганини ҳам суриштирмади. (Э. А.) 2. Маҳмуджон «ҳеч нарсага тушунмаяпман, қизим аниқроқ айтсанг-чи», дегандай елкасини қисди. (Х. Т.) 3. Хатда бизлар ҳақимизда ҳеч нарса ёзмаяптими, ўғлим. 4. Палата эшиги аста очилди, лекин ундан ҳеч ким чиқмади. (Ойдин.) 5. Буни маҳаллада Карим отадан бошқа ҳеч ким билмай қолди. (А. Қ.) 6. Табиатнинг ҳеч кимга бўйсунмайдиган, бировдан рухсат ҳам сўраб ўтирмайдиган қонунлари бор. (У. Ҳ.) 7. Ҳеч қайси мамлакатда қурилиш суръати бизникига етмайди. (У. Ҳ.) 8. Қанақа ваъдани, мен ҳеч қанақа ваъда қилмадим, шекилли. (Сайёр.)

115-§. Гумон олмошлари нутқ жараёнида мавжуд бўлган, аммо сўзловчи учун ноаниқ, номаълум нарса, шахс ёки белгини кўрсатади.

Гумон олмошларига *-дир, алла-, -оқ, -он, -ор* каби қўшимчалар қўшилиши орқали ясалган *кимдир, нимадир, биров, бирон, бирор, аллаким, алланарса, баъзи бир, қайси бир, бир нима* каби олмошлар яиради. Гумон олмошларига қўшимчалар қуйидаги тартибда қўшилади:

кўплик + келишиқ (бировларни) ёки эгалиқ + келишиқ (аллакимингизни).

Нутқда уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин, чунки бунда сўроқни билдирувчи қисм ўзгаришсиз қолиб, фақат уларга қўшиладиган элементларнинг ўрни алмашади: аллаким//кимдир, аллақандай//қандайдир, нимадир//бир нима//алланима каби.

156- машқ. Гапларни кўчиринг. Гумон олмошларини топиб, уларнинг ясалиши, маъноси ва ўзгаришини тушунтиринг.

1. Кунлардан бирида Саври холани кимдир дарвоза олдига чақираётганини айтишди. (И. Р.) 2. Фарида кўча муюлишига етганда нимадир тарақлаб кетди. (Рашод Нури.) 3. Бола қандайдир мудҳиш ҳодиса содир бўлганини пайқади. (Ч. А.) 4. Кимдир Сиддиқжоннинг оиласига хабар бериб суюнчи олгани кетди. (А. Қ.) 5. Маҳалламизда биров бўзчи, биров маҳсидўз, биров баққол. (О.) 6. Гўзал ўйлабди. Нималарнидир кўнглига тугибди. (Сайёр.) Шкафнинг орқасида алланарса шитирлагандай бўлди. Ташқаридан аллакимнинг овози эшитилди. 8. Мен сўзлашга тайёрланиб турдим, лекин нимагадир гапира олмадим. (Ойдин.) 9. Қандай билай, бировнинг юрагини билиб бўладими? (Ойдин.) 10. Бу нимаси, чамадон кўтариб юриш шунчалиқ қийинми? (Э. А.)

55- топшириқ. -дир, алла-, -ов, -он, -ор қўшимчалари ёрдамида гумон олмошлари ясаб, улар иштирокида гап тузинг.

56- топшириқ. Олмошларнинг ҳар бир тури иштирокида учтадан гап тузинг.

116- §. Олмошларнинг ёзилиши. Бунда қуйидаги имло қоидаларига амал қилинади:

1) биринчи қисми мустақил маъно билдирмайдиган, алоҳида қўлланмайдиган аллаким, аллақачон, алланима, аллақандай, аллақайси каби қўшма олмошлар қўшиб ёзилади;

2) иккала қисми ўзича мустақил маъно англатиб, мустақил қўлланма оладиган ҳар ким, ҳар нима, ҳар қандай, ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч нарса, ҳеч бир, баъзи биров, баъзи бир, қайси бир каби олмошлар ажратиб ёзилади;

3) жуфт ва такрорланган олмошлар чизикча (—) билан ёзилади: у-бу, ўша-ўша, шу-шу каби.

Қуйидаги олмошлар энг кўп қўлланади. Уларнинг ёзилишини билиб олинг: аллаким, алланима, алланарса,

ОЛМОШЛАРНИНГ КЕЛИШИКЛАР БИЛАН ТУРЛАНИШИ

Келишиклар	О л м о ш л а р						ТУМОН ОЛ-МОШИ
	КИШИЛИК ОЛМОШИ	КЎРСАТИШ ОЛМОШИ	СЎРОҚ ОЛМОШИ	ҲАЛИК ОЛМОШИ	БЕЛГИЛАШ ОЛМОШИ	БЎЛИНСИЗ- ЛИК ОЛМОШИ	
1. Бош к.	мен	шу	ким	Ўз (Ўзи)	ҳар ким	ҳеч ким	аллаким
2. Қаратқич к.	менинг	шунинг	кимнинг	Ўзининг	ҳар ким-	ҳеч ким-	аллаким-
3. Тушум к.	мени	шунини	кимни	Ўзини	нинг	нинг	нинг
4. Жуналиш к.	мевага	шунга	кимга	Ўзига	ҳар кимга	ҳеч кимга	аллакимга
5. Урин-пайт к.	менда	шунда /	кимда	Ўзда	ҳар кимда	ҳеч кимда	аллакимда
6. Циқиш к.	мендан	шундан	кимдан	Ўздан	ҳар кимдан	ҳеч кимдан	аллакимдан

аллақандай, биров, бирон, бари, мен, сен, у, биз, сиз, улар, бу, шу, ўша, ким; нима, қайси, қандай, неча, қанча, қачон, нега, нимага, ўз(и), ҳамма, барча, жами, бутун, ялли, ҳар ким, ҳар нима, ҳар қандай, ҳар қачон, ҳар қанақа, ҳар бир, ҳар қанча, ҳар он, ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч бир, ҳеч нарса, ҳеч қачон, кимдир, бир неча, бир қанча, бир нима, бир нарса кабилар.

157- машқ. Гапларни кўчиринг. Олмошларни топиб, уларнинг ёзилишига эътибор қилинг, келишиқ кўшимчалари кўшилганда, ўзақда юз берган ўзгарншларни тушунтиринг.

1. Олтита болани боқиб катта қилган Маҳкам тақачи— шу. (Р. Ф.) 2. Юлдуз ўша-ўша гўё вақтнинг унга таъсири йўқдек, таҳбатах очилаверади. (М. Муҳаммедов.) 3. У ўз фикрлари, орзулари билан банд, ҳозир ҳеч кимни кўргиси, ҳеч ким билан гаплашгиси келмасди. (У. Ум.) 4. Тўтиқизни ўз отига мингаштириб, уни белидан ўзининг белига маҳкам боғлаб олди. (М. Исм.) 5. Мен ёзган нарсаларимни энг аввал унга ўқиб бераман. (Э. А.) 6. Келса сиз эшитган нақлни унга ҳам ўқиб беришим керак. (Э. А.) 7. Кечаси Икромжоннинг радиосини ўртага қўйиб, алла-паллагача эшитиб ўтиришди. (С. Аҳм.) 8. Ҳаммасининг ўзига хос фазилати, ҳусни бор. (У. У.) 9. Шу бу йил тўққизинчи числода мана шу Асрорқулдан Ҳайдар отага хат келди. (А. Қ.) 10. Шу лаҳза дарвозада қандайдир шарпа сезилгандек бўлди. (Мирм.)

158- машқ. Гапларни ўқиб, олмошларни топинг, уларнинг гаптаги вазифасини ва қайси тури фаол қўлланганини айтинг.

1. Фақат бир нарсани пайқаб қолди: у йўғида кимдир уйга кириб чиқяпти. (Э. А.) 2. Мен бунақа воқеалар тўғрисида қанча-қанча китоблар ўқиганман. (О. Е.) 3. Сиз менинг кимим бўласиз, амаки. (И. Р.) 4. Ахир менинг нимам Назокатга ўхшайди. (С. Ан.) 5. Мен ўз-ўзимга дейман: Наҳотки оз муддатда шунчалиқ ўзгарибман. (Мирм.) 6. Улар ўз қўллари билан нималар яратиб, нималар ишлаб чиқаришга қодир эканликларини билиб олишлари керак! (Ж. Абд.) 7. Қудратнинг бирдан-бир мақсади уларнинг ҳаммасида ҳақиқий фанга қизиқиш уйғотиш эди. (Ж. Абд.) 8. Зуфар Ҳакимович унинг ташвишли юзига қараб бирдан юришини секинлатди. (П. Қ.) 9. Чиқиб мусофирхона хизматкор-

лари билан гаплаш: пул берсанг, ҳар нарса топиб келадилар... (Мирм). 10. Одамларнинг деярли ҳаммаси шу ерлик. (У. У.)

ФЕЪЛ

117-§. Иш-ҳаракат ва ҳолат маъноларини ифодаловчи сўзлар **феъл** саналади. Феъл предмет — от билан боғланиб, унинг ҳаракатини, фаол ҳолатини англатади. Масалан: *Уктам ёзди. Рустам ўқиди. Дилором тинглади. Уткир ухлади.* (ёзди, ўқиди — ҳаракат; тинглади, ухлади — ҳолат маъносини ифодалаган).

Феъллар нима қилади?, нима қилмоқчи?, нима қилди?, нима қилипти? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади.

118-§. Феълларнинг ясалиши. Феъллар тузилишига кўра туб (*ёз, ол, ўқиди, кўряпти*) ва ясама (*ишла, уйқутиради*) бўлади. Ясама феъллар махсус феъл ясовчи қўшимчалар ёрдамида бошқа сўз туркумларидан ясалади.

I. -ла: *михла, турла, бошла, боғла*; -а, (-й, -ай): *оша, кучай, сана*; -ик (-иқ), -ир (-ур): *йўлиқ, гапир*; -и: *чанги, бойи, тинчи*; -сира: *сувсира, хавфсира*; -лан, -лаш: *гаплаш, кўмаклаш, дардлаш, отлан, жонлан* кабилар отдан феъл ясайди.

II. -а, -ла: *оқла, бўша, яхшила, тезла, секинла, қийна, бопла, гумбурла*; -й (-ай): *қорай, кўнай, озай, улғай, сарғай* (бунда баъзан ўзакдаги у ёки и тушиб қолади ва шундай ёзилади: *улғ-ай — улғай, сариқ-ай — сарғай*); -р (-ар, -ур): *оқар, эскир, тупур, уфур*; -ик (-иқ): *кечик, чиниқ*; -сира: *ётсира, бегонасира, сизсира* кабилар бошқа сўз туркумларидан феъл ясайди.

159-машқ. Гапларни кўчиринг. Феъл ясовчи қўшимчаларни аниқлаб, қайси сўз туркумидан феъл ясаётганини изоҳланг.

1. Бола шунда ҳам гапирмасди. (Ч. Айт.) 2. Икки ошиқ ўзакни ёқалаб, сўқмоқ билан йўлга тушишди. (Т. Қайип.) 3. Улар бошларини кўтариб, суюкли муаллимни табассум билан қаршиладилар. (О.) 4. Бўронбекнинг кесак ранг юзиде ясама кулги йилтиради. (Ҳ. Ғ.) 5. Черницовнинг сўнгги сўзи жангчиларнинг қасамёди бўлиб жаранглади. (И. Р.) 6. Оғирини енгил қиларсан деб ўйлаган эдим. (С. Аҳм.) 7. Сен, Черницов, шуларни айт жангчиларга! Машаққатли, аммо муқаррар ғалабадан гапир! (И. Р.) 8. У қишлоқдан қайтиб келгандан

кейин на дадаси, на онаси билан бу ҳақда гаплаган эди. (У. У.) 9.— Сиз бугун жа... тўғри гапларни гапир-япсиз. (О. Е.) 10. Эшик ғирчиллаб орқасидан ёпилган-да, Абдулла оғир хўрсинди. (У. У.) 11. Отанг бояқиш мардикорликка кетган йигитлар тўғрисида кўп гапирарди. (О.) 12. Зухра кўп ўйларди. (Р. Ф.) Беҳилардан бирининг чанг босиб ётган тукини у қўли билан ортди... Уни ҳидлади, яна ҳидлади. (М. Исм.)

57- топшириқ. Ўзингиз -сира, -ик (ик), -лан, -и, -ла қўшимчалари ёрдамида феъл ясаб, улар иштирокида гап тузинг. Қайси сўз туркумидан феъл ясалганини тушувинг.

119-§. Қўшма ва жуфт феъллар, уларнинг ёзилиши. Икки ёки ундан ортиқ ҳар хил маъноли ўзакнинг бирикувидан ташкил топган феъллар қўшма феъллар саналади: *қўл қўймоқ, имзо чекмоқ, қарор қилмоқ, кетиб қолди, ўқиб чиқди, етиб борган.*

Таркибидаги сўзларнинг ҳар хиллигига кўра қўшма феъллар икки турга бўлинади: 1) от+феъл шаклидаги қўшма феъллар; 2) феъл+феъл шаклидаги қўшма феъллар.

Биринчи шаклдаги қўшма феълларнинг биринчи қисми, асосан, отдан бўлиб; у етакчи қисм, иккинчи қисми феъл бўлиб, у кўмакчи қисм саналади: *назар солмоқ, ёд олмақ, жавоб бермоқ* каби.

Иккинчи шаклдаги қўшма феълларнинг таркибий қисми феъллардан ташкил топади. Биринчи қисм асосан -б (-иб) қўшимчаси билан ясалган равишдошдан иборат бўлади: у етакчи қисм ҳисобланади, чунки қўшма феъл асосида ётган лексик маънони ифодалайди. Иккинчи (кўмакчи) қисм кўмакчи феъл деб юритилади. Кўмакчи феъл қўшма феъл яшаш учун хизмат қилиш билан бирга унга турли-туман қўшимча маънолар ҳам қўша олади. Масалан: *ишлаб тур* (ҳаракатнинг давомийлиги), *ишлаб бўл* (ҳаракатнинг тугалланганлиги), *ишлаб юр* (ҳаракатнинг такрорланиб туриши) каби. Қўшма феълларнинг қисмлари ажратиб ёзилади.

Айта олди, кўра олмади каби қўшма феъллар *айтолди, кўролди* тарзида қўшиб ёзилади.

Бир хил шаклда шаклланган етакчи ва кўмакчи феъллардан ташкил топган, янги лексик маъно аниқла-тувчи феъл жуфт феъл ҳисобланади: *айтди-қўйди, ўтди-кетди, ўқиди-чиқди*. Жуфт феъллар доимо чизиқча билан ёзилади.

160- машқ. Гапларни кучиринг. Содда, қўшма ва жуфт феълларнинг тагига чизинг. Қўшма ва жуфт феълларнинг тузилиши ва ёзилишини изоҳланг.

1. Бўлган воқеанинг ҳаммасини айтиб берди. (Ш.)
2. Кўп ўтмай ҳовли қўни-қўшнига тўлиб кетди. (У. У.)
3. Борди-келди қилмайсиз, Кимдан қолди кўнглингиз. (Қўшиқдан.)
4. Баланд, бақувват қаддини тик кўтариб Собир пахта ҳақида жиддий, чуқур, сўзлай бошлади. (О.)
5. Собиржон ҳарбий хизматга жўнаётганида, Зухранинг тили чиқиб, бийрон-бийрон гапирадиган бўлиб қолган эди. (Р. Ф.)
6. Опа-сингил-тенгқур қизлар тўпига қўшилиб кетди. (Ас. М.)
7. Урмонжон шошиб чиқиб кетди ва бирон соатдан кейин озгин, сочи ўнг томонга жуда ҳафсала билан таралган оқ шим ва оқ кўйлак кийган ёшгина бир йигит билан кириб келди. (А. Қ.)
8. Фуломжон ўнг қўлини кўксига қўйиб туриб таъзим қилди. (М. Исм.)
9. Умаров бошидаги телпагини олди, оппоқ сочларини силай-силаё Инобатнинг рўпарасига бориб ўтирди. (О. Ё.)
10. Улар тоғ ён бағридаги чексиз тоқзорга кириб қолишган эди. (Ас. М.)

161- машқ. Гапларни ўқиб, қўшма ва жуфт феълларни аниқланг. Уларнинг ясалиши ва ёзилишини изоҳланг, қайси бири кўпроқ қўлланишини айтинг.

1. Орифжон бешик устига келиб, чақалоқнинг юзини очиб кўрди. (Ас. М.)
2. Шу ерда қишлоқ тугаб, кенг экинзор бошланар эди. (У. У.)
3. Бўлган воқеанинг ҳаммасини айтиб берди. (Ш.)
4. Сиз йўл-йўлакай менга қараб-қараб қўймадингиз-да, секингина сўрадингиз. (У. Ҳ.)
5. Шудрингдан ҳўл бўлиб кетган жингалак сочларини ушлаб ўрнидан турар, увишиб қолган қўлларини уқалаб-уқалаб қўярди. (У. Ҳ.)
6. Шивилғонга борсам, албатта кириб ўтаман. (Ас. М.)
7. Юмшоқ гапирсанг, хамирдек бўшашиб кетади. (А. Қ.)
8. Қанотли-қуйруқли махлуқ учади-кетади. (О.)

120- §. Ўтимли ва ўтимсиз феъллар. Ҳаракатнинг тушум келишигидаги от ёки отлашган сўзга ўтишини билдирувчи феъллар ўтимли феъл ҳисобланади. Масалан: *Ишни бажардим. Китобни ўқидим. Сувни ичдим.*

Таъсири бирор предметга ўтмайдиган ҳаракатни билдирувчи феъллар эса ўтимсиз феъл саналади: Масалан: *келди, кетди, ухлади, борди, юрди. Улар келдилар. Мен кетдим. У ухлади.*

Ўтимсиз феъллар жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишигидаги сўзлар билан муносабатга киришади. Маса-

лан: *У мактабга кетди. Мен уйдан келдим. Рустам ётоқхонада яшайди.*

162- машқ. Гапларни ўқинг, ўтимли ва ўтимсиз феълларни топиб, айтинг. Уларнинг ўзаро боғланиб келган сўзлар билан муносабатини изоҳланг.

1. Мол-мулки ёш болаларга қолди. Уртада меросхўрлар кўпайди. (О.) 2. Шундай қилиб, сизнинг олдингизга маслаҳатга келувдик. Бошимиз қотиб қолди. (М. Исм.) 3. Мажлис аҳлининг аксарияти хурсанд бўлиб Мустафо Содиқни мақтадилар. (О.) 4. Деҳқон осмонга қараб яхши ҳаводан қувонса, ерга қараб мўл маҳсулидан суюнади. (М. Исм.) 5. Лайлонинг уйдан иккита хотин дастурхон кўтариб чиқиб қолди. (М. Қориев.) 6. Анварни кузатгани вокзалга чиқдим. (М. Қориев.) 7. Буларни Абдулла кўрмаган, дадасидан эшитган. (У. Ум.) 8. Сен бу гапларни қаёқдан билиб олдинг десалар, жавоб берма. (Ш.) 9. Содиқ ҳам бу гапни қайтиб оғзига олмади. (К. И.)

163- машқ. *Тингла, эшит, кўр, бер, мақта, сийла, куйла, ундир, кўндир, келтир, олдим, ўқидим* каби феълларнинг ўтимли ва ўтимсизликка кўра турини айтинг.

121- §. **Бўлишли ва бўлишсиз феъллар.** Ўзбек тилидаги барча феъллар бўлишли ва бўлишсиз шаклларда қўллана олади.

Ҳаракатнинг бажарилиши, амалга ошишини англатувчи феъллар **бўлишли феъллардир**: *ишлади, кетяпти, ўқийди, ёздиган* каби.

Феълнинг бўлишли шаклини кўрсатувчи махсус қўшимча йўқ.

Бўлишсиз феъллар бажарилмайдиган ҳаракат ёки ҳолатни ифодалайди ва махсус қўшимча қўшиш ёки айрим сўзларни келтириш билан ясалади: *-ма: бор — борма, кел — келма, тур — турма, кўтар — кўтарма; эмас, йўқ* сўзлари ҳам феъллардаги бўлишсизлик маъносини ифодалаш учун хизмат қилади: *борган эмас, борадиган эмас, боргани йўқ, келгани йўқ.*

БЎЛИШЛИ-БЎЛИШСИЗ ФЕЪЛЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШ ХУСУСИЯТИ

122- §. Иш-ҳаракатнинг бажарилганлиги ёки бажарилмаганлигини билдирувчи бўлишли ва бўлишсиз шаклларнинг нутқда қўлланиш усули баъзан уларнинг моҳиятига зид бўлади. Яъни баъзан нутқда инкор маъ-

носи бўлишли феъл билан, тасдиқ эса бўлишсиз феъл орқали ифодаланиши мумкин: *Ахир, шу иморатни деб қанча азоб тортмадик? Бунга мендан бошқа ким ҳам қўл қўя олади?* Бундай ҳолларда интонациянинг муҳим ўрни бор.

-**ма** қўшимчасининг қўшма феъл таркибининг қайси қисмларида келиши асосида турли маъно нозикликлари ифодаланиши мумкин. Масалан -**ма** қўшимчаси қўшма феъл қисмларининг ҳар иккаласига ҳам қўшилса инкор эмас, тасдиқ ифодаланади: *олмай қўймайди — олади; айтилмай қолмади — айтилди* каби.

-**ма** қўшимчаси инкорни билдирувчи бошқа воситалар билан бирга қўлланганда ҳам инкорни инкор қилиш орқали тасдиқ ифодаланади: *ўқимаган эмас → ўқиган, кўрмаган йўқ → кўрди* каби. Еки: *Бу уйда йўқ нарсанинг ўзи йўқ // Бу уйда ҳамма нарса бор.*

164- машқ. Аввал бўлишли феълли, кейин бўлишсиз феълли гапларни кўчиринг. Уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида изоҳланг.

1. Кенгашдан кейин Отақўзи боғда зиёфат берди. (О. Е.) 2. Лоақал энди, бу улуғ инсоннинг қабри тепасида, ўз виждонинг олдида мунофиқлик қилмагин. (О. Е.) 3. Найманчада етти пушти бўзчи ўтганлардан ҳам ҳали белбоққа ёлчиган косиб чиққан эмас. Одамни очдан ҳам ўлдирмайдиган, қашшоқликдан ҳам чиқармайдиган бу касб ҳақида халқ аломат гаплар тўқиган. (Ас. М.) 4. Ҳурмат хола бу тушни ҳеч кимга, ҳатто чолига ҳам айтмади. (А. Қ.) 5. Қўчқор болаларга қўшилиб пиқ-пиқ кулса ҳам, Машраб кулмайди, кулолмайди. (О. Е.) 6. Ахир, наҳот унинг салкам чорак асрлик меҳнатини инобатга олишмаса, наҳот қилган шунча хизматлари эвазига уни суяб қолишмаса. (О. Е.)

ФЕЪЛ ШАХС-СОН ҚЎШИМЧАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШ ХУСУСИЯТИ

123-§. Феълдан англашилган ҳаракат бирор шахс ёки шахслар томонидан бажарилади. У сўзловчининг ўзи (I шахс), нутқ қаратилган шахс — тингловчи (II шахс) ёки нутқ жараёнида қатнашаётган шахс — ўзга (III шахс) бўлиши мумкин. Иш-ҳаракатнинг ким ёки кимлар томонидан бажарилиши шахс-сон қўшимчалари (тусловчилар) орқали ифодаланади.

Нутқда турли хил маъно нозикликларини ифодалаш мақсадида маълум шахснинг кўплик шакли унинг бир-

лиги ўрнида ёки аксинча бир шахс шакли бошқа шахс шакли ўрнида қўлланади. Шахс-сон қўшимчаларининг кўчма ҳолда қўлланилиши қуйидагича:

1. I шахс кўплиги унинг бирлиги сифатида тингловчига, ҳурмат, камтарлик (илмий услубга хос) ёки мағрурлик, кеккайиш (оддий сўзлашувга хос) маъноларида: *бир келдик, мен айтдим. Сенга бош ролни топиришни маъқул топдик,— деди бош режиссёр.*

2. II шахс бирлиги I шахс сифатида сўзлашув нутқида умумлаштириш маъносиди: *Гапиргинг келади, аммо шундай пайтда айтолмай қоласан.*

3. III шахс кўплиги II шахс бирлиги сифатида ҳурмат, кесатиш, ҳазил, мазах маъносиди: *Эртага ўша ерга борсалар (сиз борсангиз, сен борсанг.) Агар хоҳласалар, олсинлар.*

4. I шахснинг кўплигидан II шахсга мурожаатда: *яхши ухладикми (сиз яхши ухладингизми ўрнида), кўриб келамизми (сиз кўриб келасизми ўрнида).*

5. Барча шакллар I шахс ўрнида қўлланганда ўзини бошқа шахс ўрнига қўйиб, ўзига ўзи гапириш англашилади: *Мана, Қўчқорвой (сўзловчининг ўзи) ниятингга ҳам етдинг. (Ш. Бошбеков.)*

58- топшириқ. Сўзлашув нутқидан шахс-сон қўшимчаларининг кўчма маънода қўлланишига мисоллар келтиринг ва маъносини тунтиринг.

165- машқ. Қуйидаги парчани ўқинг. Тусловчи қўшимчаларининг маъносини изоҳланг.

I. Деҳқонбой. Пахтакорман... Кейинги вақтда бригадир эдим.

Одидов. Бу ерда нима иш қилмоқчисиз?

Деҳқонбой. Катта ниятлар билан келганмиз...

Одидов. Эшитсак мумкинми?

Деҳқонбой. Мумкин. Урушдан қайтишда Тошкентга тушдим. Навоий театрини кўрдим... Эскижўвага бордик. Бир томон боғ, бир томон стадион, театр, кино... Ҳайрон бўлдим, бунинг нимаси Эскижўва, нима учун Эскижўва?..

Одидов. Эскидан қолган от.

Деҳқонбой (*шавқ билан*). Бир вақти келиб Мирзачўл ҳам шунақа эскидан қолган от бўлиб қолса, келган одам: «Бунинг нимаси Мирзачўл? Нима учун Мирзачўл?» деса...Менинг орзум, бизнинг орзумиз мана шу!

Одидов (*Деҳқонбойга бошдан-оёқ разм солиб*). Кўп яхши орзу!..

II. Мавлон. ... Сенга ура-ура, чапак... Мен, бригадам бўйича центнер тушиб, ҳар йилги обрўйимдан маҳрум бўлай... Қизиқ бўлибди-да!

Салтанат. Сиз фақат ўз кўмочингизга кул тортар экансиз-да!

Мавлон. Сен, секретарь бўлсанг, машинкангни чиқиллат, бунақа гапларга аралашма!

Қўзи ев. Ие, нега аралашмайди!

Деҳқонбой (*мулойимлик билан*). Йўқ, Мавлон ака, Салтанатнинг гапига тушунмадингиз. Биз фақат битта бригада, ҳатто колхоз тўғрисида эмас, бутун мамлакат тўғрисида ўйлашимиз керак. (*А. Қаҳҳор.*)

124-§. Феъл нисбатлари. Иш-ҳаракатнинг бажарувчиси билан предмет ўртасидаги муносабатни билдирадиган феъл шакли **феъл нисбати** саналади. Масалан: *Дилором таранди* гапида *Дилором* — ҳаракатнинг бажарувчиси (эга, яъни субъект). Ҳаракат *Дилоромнинг* ўзига қайтади. Демак, *Дилором* аynи пайтда ҳам ҳаракатнинг бажарувчиси, ҳам предмети — объекти) саналади. *Улар суҳбатлашди* гапида ҳаракат бир неча субъект томонидан бажариляпти.

Феъл нисбатлари тўрт турга бўлинади: 1) аниқ нисбат; 2) ўзлик-мажҳуллик нисбати; 3) орттирма нисбат; 4) биргалик нисбати.

125-§. Аниқ нисбат. Бу нисбатдаги феъл ҳаракатнинг эга (субъект) томонидан бажарилишини билдиради, ҳаракатнинг манбаи (предмети) эса тўлдирувчи (ёки ўрин ҳоли) вазифасида келади. Аниқ нисбатни ясовчи махсус қўшимча йўқ: *У китобни ўқиди. Мен институтда ўқийман.*

126-§. Иш-ҳаракатнинг субъекти (эгаси — бажарувчиси) билан объекти бир шахснинг ўзи эканлигини кўрсатувчи ёки ҳақиқий бажарувчиси ноаниқ бўлган феъл шакли **ўзлик-мажҳуллик нисбати** саналади.

Ўзлик-мажҳуллик нисбати феъл ўзакларига **-н (-ин)**, **-л (-ил)** қўшимчаларининг қўшилиши билан ясалади: *таранди, ювинди, чўмилди, суркалди; пахталар терилди, сув сепилди, китоб олинди.*

127-§. Орттирма нисбат бир субъектнинг ҳаракати бошқа бир субъектнинг таъсири натижасида бажарилишини ифодаладиган феъл формасидир.

Орттирма нисбат феъл негизига қўйидаги қўшимчаларни қўшиш орқали ясалади. **-т:** *кўпайт, ухлат;* **-тир** (дир): *айттир, кийинтир, кулдир, қурдир;* **-ғиз** (ғиз),

-каз (газ, -каз), -қиз, -киз: турғиз, ўтқаз, тутқиз, юргиз, борғиз, кўргаз; -из: оқиз, боқиз (касални боқизмоқ).

Феъллардаги орттирма нисбат ясовчи -дир қўшим-часи жарангсиз ундошдан сўнг -тир, жарангли ундош-да сўнг бир бўғинли сўзларга -дир тарзида қўшилади ва шундай ёзилади: уқтирмоқ, айттирмоқ, эктирмоқ, эшиттирмоқ, ювинтирмоқ, шоширтирмоқ, чақиртирмоқ, чўмилтирмоқ; ёздирмоқ, ундирмоқ, илдирмоқ, оғдирмоқ. Бу қондадан кел сўзи мустаснодир, у жарангли билан тугаган бир бўғинли сўз бўлишига қарамай -тир қўшим-часини олади: келтир.

Жарангли г билан бошланган -гиз, -газ қўшимчалари жарангсиз товушлар билан тугаган сўзларга қўшилганда -қиз, -киз (айтқизмоқ, кетқизмоқ, ётқизмоқ), -каз, -қаз (ўтказмоқ, ютқазмоқ) каби шаклларда ёзилади. Жарангли ундош билан тугаган сўзлардан кейин эса -гиз, -ғиз, -газ, -ғаз ёзилади: турғиз, ўргиз, юргизмоқ, кўргазмоқ каби.

166- машқ. Берилган сўзларга қавс ичидаги қўшимчалардан мосини қўшиб, феълнинг орттирма нисбатини ясанг ва улар иштирокида гаплар тузинг. Бу феълларнинг маъносини изоҳланг.

торт (-тир, -дир)моқ, ўс (-тир, -дир)моқ, кес (-тир, -дир)моқ, туз (-тир, -дир)моқ, ун (-тир, -дир)моқ, илин (-тир, -дир)моқ, ил (-тир, -дир)моқ, тирил (-тир, -дир)моқ, қут (-каз, -қаз)моқ, юр (-ғиз, -ғиз)моқ.

128- §. Биргалик нисбати бир неча шахс (субъект) томонидан бажарилган ҳаракат маъносини ифодаловчи феъл формасидир.

Биргалик нисбати қуйидаги қўшимчалар ёрдамида ясалади: (-ш (-иш): ёзишди, сўзлашди, гапиришди, қайтишди; -лаш (-ла+ш): баҳслашди, гаплашди, суҳбатлашди.

Бунда ҳаракатнинг бажарилишида субъектлар барабар иштирок этади ёки бир субъект ҳаракатнинг бажарилишида бошқа субъектга ёрдамлашади, кўмаклашади: Улар планер ясашди. Дилором опасига қарашди.

167- машқ. Гапларни кўчиринг. Феълларнинг қайси нисбатда эканлигини аниқлаб, устига ёзинг. Ҳар бир нисбатдаги феъл маъносини изоҳланг.

1. Бахилни сахийлигинг билан уялтир. (Мақол.)
2. Учовлари олдин-кетин қалъа бошлиғига чопишди. (О.)
3. Бўлинма командирлари буйруқни эшитганларидан

кейин жой-жойларига жўнаб кетишди. (Ф. Ниёзий.)
 4. Мардикорликка нуқул камбағал болаларини рўқач қилишади. (О.) 5. Лекин кўп ўтмасдан кундузнинг кўзи юмилди. Урмон ичи бир пасда қоронғилашди. (О.)
 6. Алим бува билан Ҳасан сўфи дарров пастга қарашди. (М. Исм.) 7. Табиий, ҳаммадан Нурининг уйи ҳашаматли: қимматли жиҳозлар билан магазиндай ясатилган, кўрган одамнинг кўзи қамашади. (О.) 8. Барно ғарам орқасида олисларга тикилиб турар, нафис қайрилма қошлари чимирилган, кўзлари қисилган эди. (О. Е.)
 9. Ҳамма нарса, эҳтимол, шундан бошланди. (Ч. Айт.)

168- машқ. Нуқталар ўрнига феъл нисбатлари қўшимчаларидан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг. Феълларнинг нисбатига кўра турини айтинг.

1. Эртага қиём чоғида икки дўст кўчага чиқ...ди. (О.)
 2. Мирҳайдар ва Қомила ўз кишилари билан ёрдамга кел...ди. (О.) 3. Шунда чироқ шарақлаганича бориб шипга ур...ди. (А. Қ.) 4. Ҳувиллаган стадион шу топда негадир жуда ғариб кўр...арди. (У. Ҳ.) 5. Шу югуришлардан бирида бехосдан Дилшод бағрига келиб ур...ди. (М. Исм.) 6. Улар марказий трибунадаги панжара (олдида тўхта...ди. (У. Ҳ.) 7. У бу ердан, дара ва нишаб йўллар бўйлаб, тоғдаги қатағон ўрмонга кўтар...ди. (Ч. Айт.) 8. Тумонат одам ўшанда тараф-тараф бўлиб аскияни тўполонга айлан...ган эканлар. (У. Ум.)

129- §. Сифатдош. Предметнинг белгиси бўлган иш-ҳаракатни англатадиган феъл шакли **сифатдошдир**. Сифатдош феълнинг сифатга яқин шаклидир. Шунинг учун сифатдош гапда ҳам сифат, ҳам феъл бажарадиган вазифаларда қўллана олади: *Юрган дарё, ўтирган бўй-ра.* (Мақол.) *Ўқиган бола.*

Сифатдошлар феъл негизига тубандаги қўшимчаларни қўшиш орқали ясалади:

-ган (-кан, -қан): *борган, келган, юрган, эккан, чиққан, йиққан;*

-ётган: *бораётган, келаётган, ухлаётган, ўқиётган;*

-р (-ар): *турар (жой), оқар, (сув);*

-вчи (-увчи): *ишловчи, ясовчи, ёзувчи;*

-жак (-ажак): *ёзажак, боражак, бўлажак* (бу қўшимчалар кўпроқ эски ўзбек тилида сифатдош ясаган). Сифатдош ҳам барча феъллар сингари бўлишли, бўлишсиз (*ўқиган* — бўлишли, *ўқимаган* — бўлишсиз), ўтимли ва ўтимсиз (*китобни ўқиганман* — ўтимли, *китоб ўқилган* — ўтимсиз) бўла олади.

СИФАТДОШ ЯСОВЧИ ҚҶШИМЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЗИЛИШИ

Сифатдош ясов- чилар	Езилиши	Мисоллар
-ган, -кан, -қан	к, г, м, ғ дан бошқа товуш билан ёки унли билан тугаган фельга -ган, охири г, к товушлари билан тугаган фельларга -кан, қ, ғ товушлари билан тугаган фельларга -қан қўшимчаси қўшилади.	ўқиган, ўйнаган, келган, келтирган, севган, ўсган; эк—эккан, туг—тугкан, чиқ—чиққан, соғ — соққан
-диган, -ётган	а, й билан тугаган равишдошларга қўшилади. Э с л а т м а: -ётган қўшимчаси й билан тугаган равишдошларга қўшилганда, й товуши тушиб қолади.	очадиган, ўқийдиган, ўйнайдиган; ёзаётган; сўзлаётган; ишлай+ётган —ишлаётган, ўқий+ётган — ўқиётган
-р, -ар	Унли товуш билан тугаган фельга -р, ундош товуш билан тугаган фельга -ар қўшимчаси қўшилади.	ўқир, келар
-миш	Утган замон сифатдошнинг бу шакли эски адабий тилда, айниқса, поэзияда кўп ишлатилган, баъзан ҳозир ҳам қўлланилади.	ёзилмиш, айтилмиш, қутулмиш
-жак, -ажак (-яжак)	Ундош товуш билан тугаган фельга -ажак, унли товуш билан тугаган фельга -жак тарзида қўшилади.	қурилажак (бино), келажак (кунлар), ўқияжак
-аси	Бу қўшимча асосан келмоқ фельдан сифатдош ясайди.	келаси (замон)

169-машқ. Қуйидаги фельлардан -ган, -ётган, -(у)вчи қўшимчалари ёрдамида сифатдош ясаб ёзинг, сўнгра шулар иштирокида оғзаки гаплар тузинг.

Ухла, ўқи, ич, бор, қол, тара, сайра, куйла, ўтир, кел, юр.

130- §. Равишдош. Иш-ҳаракатнинг қай ҳолатда ба-жарилишини ифодалайдиган феъл шакли равишдош саналади. Равишдош феълнинг равишга яқин шаклидир. Шунинг учун равишдош ҳам феълга, ҳам равишга хос хусусиятларга эга: *У ўйламай жавоб қайтарди. У кулиб гапирди. Мотор гуриллаб, машина олдинга силжиди. У қийналиб жавоб берди.*

**РАВИШДОШ ЯСОВЧИ ҚУШИМЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ
ЕЗИЛИШИ**

Равишдош ясовчи қўшимчалар	Езилиши	Мисоллар
-а, -й	Ундош товуш билан тугаган феълларга -а , унли товуш билан тугаган феълларга -й қўшимчаси қўшилади. Равишдошнинг бу тури кўпинча такрорланиб қўлланади ва дефис билан ёзилади.	ёза-ёза, бора-бора ўқий-ўқий, ишлай-ишлай
-иб, -б	Ундош товуш билан тугаган феълларга -иб , унли билан тугаган феълларга -б қўшилади.	ёзиб, келтириб, ўқиб, қатлаб, буклаб, саватлаб, алалаб
-гач, -қач	к, г товушлари билан тугаган феълларга -қач , қ, г товушлари билан тугаган феълларга -гач қўшимчаси қўшилади.	боргач, ёзгач, ўқигач, эккач, боққач, туг — туккач
-гунча, -кунча, -қунча, -гани, кани, -қани	Бу қўшимчалар мақсад билдирувчи равишдошлар ясади. Езилиши аввалги пунктда берилгани каби. Э с л а т м а. Бу қўшимча илгари -гали шаклида ҳам қўлланган.	келгунча, эккунча, боққунча, эккани, чиққани, ўқигани, кўргани кўргали, ўқигали, эккали

Равишдошлар тубандагича ясалади:

-б (иб): *бориб, келиб, ўқиб, юриб;*

-а, -й: *бора-бора, ишлай-ишлай.*

Бу қўшимчалар билан ясалган равишдошлар шахсонда туслана олади: *борибман, борибсан, борибди, борамиз, борасиз, борадилар.*

-гач (кач, -қач): *боргач, келгач, чиққач, эккач;*

-гани (-қани, -кани): *боргани, ўқигани, эккани, чиққани;*

-гунча (-қунча, -кунча): *боргунча, тушунгунча, чиққунча, эккунча.*

Бу қўшимчалар билан ясалган равишдошлар шахсонда тусланмайди.

170- машқ. Гапларни кўчиринг. Сифатдош ва равишдошларни топинг. Қайси қўшимчалар ёрдамида ясалганини ва имлосини, бир-биридан фарқини тушунтиринг.

1. Уни тоғ оралиғидан топиб, ёрдам беришганда ҳеч маҳсисини ечиб олишолмай, кесишган. (Ш.) 2. Қўқон арава тош кўчада қалдираб боряпти. (К. И.) 3. Шу кундан бошлаб деярли ҳар кун мени «Тўрт юзинчи»га олиб борадиган бўлиб қолишди, ҳар гал дилни пора-пора қиладиган янгидан-янги оғир ва даҳшатли тафсилотларни билиб қайтар эдим. (Ю. Фучик.) 4. Йиғлай-йиғлай марза олсанг, ўйнаб-ўйнаб суғорасан. (Мақол.) 5. Элдан айрилгунча, жондан айрил. (Мақол.) 6. Дўконлар ёпилиб, катта-кичик ҳамма қочиб, чекка-чеккага яширинаётган эмиш. (М. Қ.) Чортерақдан келганлар самоварни тўлдириб, гурунглашиб ўтиришарди. (С. Аҳм.) 8. Акаларимиз, тўғаларимиз урушдан қайтиб келишса-ю, бизни оч қолдириб, ўзлари айш қилаётган бу аблаҳлардан ўч олишса эди, деб орзу қилар эдик. (О. Ё.) 9. Сиз нега бу одам менга елимдай ёпишиб олди, нега мени тергани тергаган деб ранжир эдингиз. (О. Ё.) 10. Бир қўлида чамадон, бир қўлида тугун кўтариб Абдулла йўлга чиққанда, қош қорая бошлаган эди. (У. Ум.)

59- топшириқ. *Бор, мақта, сила, сийла, тингла* феълларидан сифатдош ва равишдош ясанг. Шулар иштирокида бир неча гап тузинг.

131- §. **Ҳаракат номи** бевосита шахс, замон маъноси-ни билдирмай, гапда отга хос вазифа бажарувчи феъл шаклидир.

Ҳаракат номи отга ўхшашлигидан иш-ҳаракатнинг атамаси, номи деб ҳам юритилади: *олмоқ, ишламоқ, бормоқ, кўриш, тузиш, боров, келув* каби.

Ҳаракат номи қуйидаги қўшимчалар орқали ясалди:

-иш (-ш): *бориш, келиш, югуриш, ишлаш, яшаш;*

-моқ: *ўқимоқ, ёдламоқ, эсламоқ, курашмоқ;*

-в (-ув): *борув, ўқув* (бу қўшимча ҳозир камдан-кам ҳолларда ҳаракат номи ясайди). Луғатда феъллар ҳаракат номи шаклида берилади.

Ҳаракат номи шаклидаги феъллар мақол, ҳикматли сўз ва шиорлар тилида кенг қўлланади ва кучли оҳангда талаффуз қилинади:

171- машқ. Гапларни кўчириб, ҳаракат номларини топиб, таги-га чизинг. Қандай қўшимчалар билан ясалганини тушунтиринг.

1. Елнинг иши совурмоқ, ўтнинг иши қовурмоқ.
2. Гапда қанқув ёмон — дардда санчув ёмон. 3. Тиз чўкиб яшагунча, тик туриб ўлмоқ яхши. 4. Уқиш — улғайиш. (*Мақоллар.*) 5. Уқишнинг эрта-кечи бўлмайди. 6. Чопиш-югуриш. Бу кишини соғлом қилади. 7. Меҳнатни қадрламоқ, севмоқ керак. 8. Қатор-қатор тимларни томоша қилишни, биттасини қолдирмасдан кезиб чиқишни яхши кўраман. (О.)

60- топшириқ. *Уқи, бор, ёз, ёт, кел, кел* феълларидан сифатдош, равишдош ва ҳаракат номи ясаб, гап тузинг. Уларнинг маъносини, гапдаги вазифасини тушунтиринг.

132- §. **Феъл замонлари.** Феъллардаги замон иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтга муносабати билан аниқланади.

Иш-ҳаракат нутқ сўзланиб турган пайтдан олдин, нутқ сўзланаётган пайтда, ундан сўнг бажарилиши мумкин. Шунга кўра, феъл уч замоннинг бирида (ўтган, ҳозирги, келаси) бўлади. Масалан, *бордим* (ўтган замон), *бораман* (ҳозирги замон), *бормоқчиман* (келаси замон).

133- §. **Ўтган замон феъли** иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан илгари юз берганлиги ёки юз бермаганлигини ифодалайди: *У мажлисга ўз вақтида келди. Мен бу киши билан илгари дам олиш уйида танишган эдим.*

Ўтган замон феъли феъл негизига **-ди, -ган** (эди), **-ётган эди, -моқда эди, -б (-иб) эди, -р (-ар) эди, -моқчи эди, -диган эди** қўшимчалари ва ундан сўнг тўсловчи қўшимчаларни бириктириш орқали ясалди.

Бирлик

- I ш. ёз+ди+м
 II ш. ёз+ди+нг
 III ш. ёз+ди

Бирлик

- I ш. ёз+ган+ман (ёзган эдим)
 II ш. ёз+ган+сан (ёзган эдинг)
 III ш. ёз+ган (ёзган эди)

Бирлик

- I ш. ўқи+б+ман (ўқиб эди+м)
 II ш. ўқи+б+сан (ўқиб эди+нг)
 III ш. ўқи+б+ди (ўқиб эди)

Кўплик

- ёз+ди+к
 ёз+ди+нгиз
 ёз+ди+(лар)

Кўплик

- ёз+ган+миз (ёзган эдик)
 ёз+ган+сиз (ёзган эдингиз)
 ёз+ган+лар (ёзган эди+лар)

Кўплик

- ўқи+б+миз (ўқиб эди+к)
 ўқи+б+сиз (ўқиб эди+нгиз)
 ўқи+б+ди (лар) (ўқиб эди+лар)

134-§. Ҳозирги замон феъли. Ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтда бажарилишини ва ундан кейин ҳам давом этишини ифодалайди.

Ҳозирги замон феъли феъл негизига **-а (-й), -яп, -ётиб, -ётир, -моқда** қўшимчалари ва ундан сўнг тусловчи қўшимчаларни бириктириш орқали ҳосил бўлади.

Бирлик

- I ш. бор+а+ман
 II ш. бор+а+сан
 III ш. бор+а+ди

Бирлик

- I ш. бор+яп+ман
 II ш. бор+яп+сан
 III ш. бор+яп+ти

Кўплик

- бор+а+миз
 бор+а+сиз
 бор+а+ди (лар)

Кўплик

- бор+яп+миз
 бор+яп+сиз
 бор+яп+ти (лар)

135-§. Келаси замон феъли ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан сўнг (келажакда) бажарилишини гумон, тахмин йўли билан ифодалайди. Келаси замон феъли феъл негизига **-р (-ар), -моқчи, -диган** қўшимчалари ва ундан сўнг тусловчиларни бириктириш орқали ясалади.

Бирлик

- I ш. бор+ар+ман
 II ш. бор+ар+сан
 III ш. бор+ар
 I ш. бор+моқчи+ман
 II ш. бор+моқчи+сан
 III ш. бор+моқчи

Кўплик

- бор+ар+миз
 бор+ар+сиз
 бор+ар (лар)
 бор+моқчи+миз
 бор+моқчи+сиз
 бор+моқчи (лар)

Феълнинг замон шакллари контекст ва нутқ вазиятидан келиб чиқиб нутқда турли экспрессив ва кўчма маъноларни ифодалай олади. Масалан:

1. Ўтган замон шакли келаси замон маъносида: *Кўрмаган бўлсак, энди кўрамиз. Нима дединг? (Нима дейсан маъносида.)*

2. Ҳозирги замон шакли ўтган замон маъносида: *Индамай турсам, мен билан кўришмай кетяпти. Ҳайрон бўлдим.*

3. Ҳозирги замон шакли келаси замон маъносида: *Дарс машғулотлари камайтириляпти.*

Феъл замон шаклларининг қўлланиши бадий асарнинг жанр хусусиятлари, нутқ услубларига кўра ҳам фарқланади.

172- машқ. Гапларни кўчиринг. Феълларни топиб, замонни аниқланг. Ҳар бир замондаги феълни алоҳида-алоҳида таърифланг, ясалишни тушунтиринг.

1. Куёш аста-секин ўз ётоғига ботмоқда. Мавлон билан Наврўз колхознинг пахтасини ғайрат билан теераётган ёшларнинг ишларидан ҳайрон қолмоқда. (С. Аҳм.) 2. Еридан айрилган етти йил йиғлар, элидан айрилган ўлгунча йиғлар. 3. Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар. (Мақоллар.) 4. Аҳмад Хусайн бекорчиликдан улар қаторига чордана қурди. (О.) 5. Туркистон Ҳарбий округи ўз ихтиёридаги машиналарни чўлчи ўзлаштиришга берапти. (С. Аҳм.) 6. Шу сайҳонликнинг ҳар ер-ҳар ерида қамишлар ўсиб ётарди. (С. Аҳм.) 7. Беғубор жуда ҳам беғубор шабада эсди. (С. Аҳм.) 8. Фақат агар унасанг, Яна бир шарт кўярдим. (Ҳ. О.) 9. Эрта баҳор, дарахтлар эндигина куртак чиқармоқда. (Ж. Шарипов.) 10. Кабинетда ўринбосарнинг ёлғиз ўзи ўтирибди. (Е. Ш.) 11. Мен раисимизга, бутун правление аъзоларига битта савол бермоқчиман. (А. Қ.)

61- топшириқ. -ди, -моқчи, -р (ар) ҳамда тусловчи қўшимчаларни бириктириш йўли билан феълнинг уч замонини ясанг. Улар иштирокида гап тузинг. Маъносидаги фарқни айтинг.

136- §. Феъл майллари. Ҳаракат-ҳолат билан субъект ўртасидаги алоқанинг воқеликка муносабати майл орқали ифодаланади. Бундай алоқа ва муносабат турличадир, шунга кўра феълларда асосан уч хил майл мавжуд: 1) аниқлик майли; 2) буйруқ-истак майли; 3) шарт майли.

Аниқлик майли иш-ҳаракатнинг уч замондан бирида

бажарилиши ёки бажарилмаслигини ифодалайди: *кетди* (ўтган замон), *кетяпти* (ҳозирги замон), *кетмоқчи* (келаси замон).

Буйруқ-истак майли буюриш, илтимос, маслаҳат, чақириш каби маъноларни ифодалайди. Масалан:

Бирлик

Кўplik

I ш. бор+ай, ўқи+й

бор+ай+лик, ўқи+й+лик

II ш. бор+гин, ўқи+гин

бор+ингиз, ўқи+ингиз

III ш. бор+син, ўқи+син

бор+син (лар), ўқи+син (лар)

Шарт майли иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши шарт қилиб қўйилганлигини ифодалайди.

У феъл ўзагига **-са**, қўшимчасини қўшиш билан ясаиб, қуйидагича тусланади:

Бирлик

Кўplik

I ш. бор+са+м

бор+са+к

II ш. бор+са+нг

бор+са+нгиз

III ш. бор+са

бор+са (лар)

(-лар бундай вақтда кўпроқ кесатиқ, пичинг маъноларини ифодалайди.)

Бирлик

Кўplik

I ш. бор+са+м эди

бор+са+к эди

II ш. бор+са+нг эди

бор+са+нгиз эди

III ш. бор+са эди

бор+са+ (лар) эди.

Феъл майллари ўз хусусиятларига эга бўлиши билан бирга турли модал маъноларни ҳам ифодалайди. Нутқ талабига кўра майлларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин. Масалан:

1. Ижро майли буйруқ майли маъносида:— *Борасан. Қани кетдик!*

2. Буйруқ майли шарт майли маъносида: *Жавоб берсин, баҳо қўямиз // Жавоб берса, баҳо қўямиз.*

3. Шарт майли буйруқ майли маъносида: *Ишласанг тишлайсан // Ишла, тишлайсан.*

62- **топшириқ.** Аниқлик майли, буйруқ-истак майли ва шарт майлидаги феъл иштирок этган тўққиета гап тузиб, уларнинг маъносидаги фарқларни айтинг.

173- **машқ.** Матнни кўчириб, феъл майлларининг турини аниқланг, фарқларини тушунтиринг.

1. Маҳаллаларда хотин-қизларни йиғиб мажлислар ўтказамиз. (Е. Ш.) 2. Орзу қанот бағишлайди. (Мақол.)

3. Фарзандларимиз мурод-мақсадига етишсин, қўша қаришсин. (Х. Ғ.) 4. Даврон сурунг, ҳур меҳнатда, асти толманг. (А. Пўлат.) 5. Кел, ипакдек сочларингга мен Нурдан лента ясаб тақайин. (Мирм.) 6. Сиз яратган «Хамса» санъат оламида чинакам мўъжиза бўлди. Шу билан қаноатланиб қолманг. (Л. Батъ.) 7. Шамол қоғоз бурдаларини ҳовли томонга супуриб кетди. (С. Аҳм.) 8. У кечаси билан тўлганиб чиқди. Начора, созланган тор фарёдсиз узилмайди. (У. Ҳ.) 9. Биз сизларнинг ўқиганингизни кўриб юрсак ҳам кифоя. (П. Т.) 10. Агар кучим, қувватим етса, одамларнинг жон олғувчи таъналарига яна чидаш берар эдим, лекин мажолим қолмади. (М. Исм.) 11. Отингни эгарла, ҳамроҳ бўламиз. 12. Ҳаёт мана шу оқар сувдай оқар экан, умр ҳам ўта берар экан. (С. Ан.)

174- машқ. Матни ўқинг. Фейлнинг равишдош, сифатдош каби шаклларининг ва қўшма феълларнинг маъноларини изоҳланг.

ХАЛҚ САНЪАТИНИНГ ШУҲРАТИ

Буюмлар инсонга хос бўлган ахлоқий, эстетик ва ижтимоий тушунчаларни ҳам ўзига мос ифода воситалари асосида акс эттиради. Инсон ўзига фойдали бўлган нарсани, маълум эҳтиёжни қондирувчи буюмнинг чиройли бўлишига аҳамият беради. Киши мебель танлаганда, чойнак-пиёла олганда, кийим харид қилганда унинг ранги, нақши ва гўзаллигига эътибор қилади. Бинобарин, дераза пардаларининг гўзаллиги, стол-стулларнинг қулайлиги ва чиройлилиги, эшик ва хонтахталарнинг нақшлари, иморат пештоқлари ва деворларининг чиройли безатилиши, турли-туман буюмлар кишининг ахлоқий тушунчаларига ҳам таъсир этади.

Санъатни яратадиган халқ уни тушунадиган санъат мухлисларини ҳам вояга етказиши. Акс ҳолда нафосат уруғлари кўкармай, унмай, ўсмай қолади.

Халқ амалий санъатининг ҳаётга татбиқ этилиши жуда кўп моддий ва маънавий шарт-шароитларнинг уйғун мавжудлигини тақозо этади. Мисол учун Бухородаги «Интурист» меҳмонхонасининг ичига халқ мотивлари асосида ишланган, мисга ўйиб битилган тасвирлар, Тошкентдаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг ичидаги турли амалий безак санъати намуналари бунга мисол бўла олади. Ўзбекистонда қўли гул усталар, дили баҳор наққошлар, меҳри дарё чеварлар кўп. Жумҳуриятимизнинг

ганчкорлик санъати оламга машҳур. Унинг ўзига хос эстетик кўрки ва миллий гўзаллиги А. Навоий номидаги давлат академик опера ва балет катта театри, Тошкентдаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи деворларида яққол намоён бўлади.

Тошпўлат Арслонқулов, Абдулла Болтаев, уста Ширин Муродов, Чингиз Аҳмаров, Кули Жалолов, Шамсиддин Ғафуров, Болта Жўраев, Юсуфали Мусаев, Ёқубжон Рауфов, Саидахмад Норқўзиёвларнинг санъати миллий ифтихоримизга айланиб қолди.

Замонавий биноларнинг ташқи ва ички кўринишининг гўзал бўлиши учун уста Маҳмуд Усмонов, Тоҳир Тўхтаҳўжаев, Жалил Ҳакимовлар астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ўз устозлари йўлини ижодий давом эттирган ва ганч ўймакорлиги соҳасида юксак маҳорат кўрсатаётган уста Маҳмуд Усмонов жумҳуриятимизда ўз мактабини яратди. Унинг қатор шогирдлари уста қўлидан ишини олмоқдалар.

Ёғоч ўймакорлиги ҳам жумҳуриятимизда кенг тараққий этган. Иморатларнинг пештоқлари, устунлари, эшик ва дарвозалар нозик ўймакорлик гуллари билан безатилган, киши дилига худди мусиқа оҳангидай илиқ таъсир этади. Арча, чинор, қайрағоч, ёнғоқ ва тут дарахтлари ўз табиий қаттиқлиги ва ранг-баранг туси билан ўймакор усталарнинг доимий ишлов материали бўлган. Усталар қаттиқ дарахтлардан хонтахта, эшик ва устунлар ясаб аждодлар санъатини авлодлар умрига улаганлар.

Халқимиз орасида кенг тарқалган амалий санъат турларидан бири сопол буюмларидир. Сопол буюмларининг умри халқимиз умри билан тенг. Инсон пайдо бўлиши билан уй-рўзғори буюмларини биринчи навбатда лойдан ясаган, уни пишириш йўлларини излаган, аста-секин буюмларнинг бадий томонларини ўйлаган.

Ўзбекистон сопол буюмлари ниҳоятда хилма-хил ва ранг-баранг. Бир водийнинг сопол буюмлари бошқасиникига ўхшамайди, бир шаҳар кулоллари бошқа жойнинг усталарига ўхшатмай амалий санъат асарларини яратишга интиладилар. Самарқанд, Хева, Бухоро, Шаҳрисабз, Тошкент, Ғурумсой кулоллари ўз услуби, ўз санъати ва маҳорати мактабларига эга.

А. Ҳазратқулов, У. Жўрақулов сингари авлод-аждодлари кулол ўтган усталар халқимиз амалий санъатининг эстетикаси йўлида ажойиб хазина қолдирадилар.

Халқ амалий санъати ниҳоятда сержило ва сертармоқли. Қаштачилар, заргарлар, гиламдўзлар, металлардан чойдиш, мис чойнак, баркаш ва офтоба ишлайдиган қандакорлар, қуёш нурларидан андоза олган зардўзчилар, баҳор нафислигини гулларга жойлаган атлас тўқувчилар, дўппидўзлар бор.

Фазилат Сайдалиева томонидан зар билан тикилган А. Навоий ва Бобур портретларини қаштачилик санъатимизнинг юксак намуналари деса бўлади. Бухоронинг Уба қишлоғида яшайдиган Ҳамро опа Раҳимова ясаган ўйинчоқлар жумҳуриятимиздагина эмас, ҳатто чет элларда ҳам машҳур.

(«Фан ва турмуш» ж. дан)

РАВИШ

137-§. Иш-ҳаракат билан боғлиқ бўлган пайт, сабаб, ўрин, даража-миқдор каби маъноларни билдирадиган сўзлар туркуми равиш ҳисобланади. Равишлар ҳаракат билан боғлиқ ҳолатларни ифодалаши, ўзига хос ясовчи қўшимчаларни олиши, гапда кўпинча ҳол вазифасида келиши билан бошқа сўз туркумларидан ажралиб туради. Масалан: *Аброр жўрттага кетиб қолди. Мен кечқўрун йўлга тушаман. Биз кўп ўқиймиз.* Равишлар одатда феълга боғланиб келади.

138-§. Равишлар тузилишига кўра содда, қўшма ва жуфт бўлади. Содда равишлар биргина ўзакдан ташкил топади, туб ва ясама бўлади. Ясовчи қўшимчаларсиз қўлланадиган равишлар туб равишлардир: *тез, секин, кейин, оз, пича, бугун, кеча, қасддан, тўсатдан, бирдан.*

Равиш ясовчи қўшимчалар билан ясалган равишлар ясама равишлар ҳисобланади: *ойдай, мардларча, ғолибона, мардона, қаҳрамонларча.*

Равишлар қуйидаги қўшимчалар ёрдамида ясалади:

-ан: *тахминан, қисман, тасодифан, асосан;*

-сиз: *тўхтовсиз, чексиз, сўзсиз;*

-лаб: *граммлаб, тонналаб, килолаб, аравалаб, кўнлаб;*

-ча: *ўзбекча, бухороча, чопганича, янгича;*

-ларча: *йилларча, ҳарбийларча, бепарволарча, ўртоқларча;*

-н (ин): *яширин, ёзин-қишин;*

-инча: *яширинча, кўпинча;*

-лигича: *тириклигича, бутунлигича;*

-она: *дўстона, камтарона, ғойибона, халқона;*

-лай (-лайн): бутунлай, тириклай, тириклайн;
-дай (-дек): сутдай, метиндай пахтадек, муштдек.

175- машқ. Гапларни кўчиринг, равишларнинг тагига чизинг. Ясама равишларни қайси сўз туркумидан ясалганини тушунтиринг. Равишларга сўз ургусини қўйинг. Ургу олмайдиган равиш ясовчиларга алоҳида изоҳ беринг.

1. Ийгитали ноилож ўз ҳисобидан бир йилга таътил олди. (С. Н.) 2. Хотинларнинг баъзилари қизиққанларидан сочвонларини қия очиб, Йўлчига яширинча мўралайди. (О.) 3. Орёл шаҳри учун сен қилган жангни, Йилларча сўзлашар ёшу қарига. (Ҳ. О.) 4. Ҳайдар ота ундан жавоб олмаслигига кўзи етиб, шошганича ичкарига кирди. (А. Қ.) 5. Қимни койиди, қимни оталарча мақтади. (О.) 6. Қисқаси, илгаридан оддий бир тенгдошдек бўлиб келган бир қиз энди Элмурод учун сирли бир кимсага айланиб борар эди. (П. Т.) 7. Рашиднинг мардона кураши эди. (Ш.) 8. Улар шаҳарни ишғол қилишда астойдил курашдилар. (Ш.)

139- §. Бири мустақил қўллана олмайдиган, иккинчисиси мустақил маънога эга бўлган ўзак ёки ҳар иккаласи мустақил ҳолда маъно ифодалайдиган ўзакдан ташкил топган равишлар **қўшма равишлар** саналади.

Иккала қисми ҳам мустақил маъно ифодалайдиган қўшма равишлар ажратиб ёзилади: бир оз, бир йўла, ҳамма вақт;

Ҳар, ҳеч сўзлари иштирокидаги равишлар ҳам ажратиб ёзилади: бир нафас, бир зум, шу вақт, шу ерда, бу ёққа, ҳар кун, ҳеч маҳал;

Бирор қисми мустақил маъно ифодаламайдиган қўшма равишлар эса қўшиб ёзилади: алламаҳалгача, аллақерда, аллақачон, озмунча, бирпас каби (бу равишлар таркибида келган *алла, мунча, пас* сўзлари мустақил ҳолда маъно ифодаламайди).

Баъзи антоним сўзларни жуфтлашдан, от ёки олмошнинг баъзи турларини ўрин-пайт, жўналиш, чиқиш келишкларидан бирида такрорлаш орқали **жуфт равишлар** ҳосил қилинади. Улар орасига ёзувда чизиқча қўйилади: аста-секин, кеча-кундуз, йилдан-йилга, кўчама-кўча.

Равишларнинг жуфт шакли умумлаштириш ёки тахмин маъноларини билдиради ва белгини кучли оттенка билан ифодалашда қўлланади. Равишлар такрор қўлланганда ҳам белгини кучайтириб ифодалаш хусусиятига эга бўлади: *Уша кунлар сира-сира эсимдан чиқмайди.*

140- §. Равишларнинг маъно ва грамматик жиҳатдан

турлари. Равишлар маъно ва грамматик хусусиятларига кўра ҳолат равиши, даража-миқдор равиши, пайт равиши, ўрин равиши каби турларга бўлинади.

Ҳолат равиши иш-ҳаракатнинг қандай ҳолатда ёки қай тарзда бажарилганлигини кўрсатади: *аста, секин, тез (тез-тез), яёв, пиёда, дарров, дарҳол, бирдан, тўсатдан, қаҳрамонларча, қўққисдан, бирма-бир, қўлма-қўл, қушдай.*

Даража-миқдор равишлари одатда иш-ҳаракатнинг миқдорини, даражасини англатади: *кўп, оз, бир оз, кам, сал, пича, хиёл* (миқдор равишлари), *жуда, ғоят, обдан, ниҳоятда, асло, сира* (даража равишлари).

Пайт равиши иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини кўрсатади: *эрта, индин (эрта-индин), кеча кундуз, (кеча-кундуз), эрталаб, сўнг, илгари, кейин, ҳали, ҳамиша, бултур, аллақачон, яқинда, йилдан-йилга, қишин-ёзин.*

Ўрин равиши иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдиради. Масалан: *нари, бери (нари-бери), унда, бунда (унда-бунда), аллақерда, аллақерга, қуйида.*

176- машқ. Равишларни аниқлаб, турини айтинг, ҳар бирини алоҳида изоҳланг, фарқларини тушунтиринг.

1. Ўз онамни элас-элас хотирлайман. Пастак шифтли уйда, дераза тағида нуқул осмонга қараб ётар эди. (У. Ҳ.) 2. Ҳеч қачон хиёнат қилмаганман, энди қилмоқчиманми? (Ш.) 3. Совхоз ерида бир баландгина тепалик бор. (Ш.) 4. Мамаражабов арава кетидан анчагача қараб турди. (Ф. Ниёзий.) 5. Ака-ука бир-бирларига қарамай, жадал юриб юқори қаватга чиқишди. (С. Аҳм.) 6. Манзуранинг ҳовлиси икки маҳалла нарида эди. (О.) 7. Энди-чи, энди кўчаларимизда автомобиллар тинимсиз қатнайди. (Газ.) 8. Баҳузур ўтириб гаплашаверинглар. (О.) 9. Гулсум опа Чавандозни «юмшатиб» ишни битириш учун жўрттага ҳар сўзида бир «Холмат ака»ни тилга олиб жуда мулојим гапирди. (О. Ё.) 10. Гўё бу ерларга қандайдир даҳшатли ёвуз куч бостириб келган-у, бешафқат қўллари билан ҳамма ёқни ғижимлаб ташлаган. (Ж. Абд.)

177- машқ. Ўқинг. Равишларни топиб, маъносини ва тузилишига кўра турини айтинг.

1. Бир оздан кейин ўзинг билан алоҳида эркакчасига гаплашамиз. (Д. Нурий). 2. Зумрад оҳиста ёнига чўққайган онасининг тиззаларини қучоқлади. (О.) 3. Озроқ подада юрмаса, биз бунда эплломайдиганга ўхшаймиз.

(С. Аҳм.) 4. Меҳмонни уйга олиб кир, мен отга пича ем ташлаб қўяй. (С. Аҳм.) 5. Ҳали у ердан, ҳали бу ердан гулдурос чапақлар эшитилди. (Н. Бирюков.) 6. Тоға олдинда, Икромжон кейинда бир-бири билан гаплашмай катта кўчага етишди. (С. Аҳм.) 7. Боя елдай учиб кетаётган одам энди шошилмасди. (С. Аҳм.) 8. Поезд мени сершовқин станцияга ташлаб, яна қичқирганича, олдинга интилди. (С. Аҳм.) 9. Элмурод янгича ҳаёт бошлади. (Ш.) 10.— Тўғри бу ҳодисани денгиз бактериясига алоқаси йўқ,— деди йирик кўзларини хиёл сузиб қолган олим (Ж. Абд.) 11. Шундай қилиб, она шомга яқин ўғлини яна олис қишлоққа кузатди. (С. Н.)

141-§. Равишларнинг қўлланиш хусусияти. Равишлар иш-ҳаракат, ҳолатнинг қай тарзда ва қай даражада бажарилганлиги, бажарилиш ўрни, пайтини ифодалагани учун ҳам гапда ҳол вазифасида қўлланади. Равишлар от ўрнида қўлланганда унга хос белги маъноси кучлироқ ифодаланади: *Кўпдан қуён қочиб қутулмас.* (Мақол.)

Равишларни қўллашда услубий хослигига ҳам эътибор бериш лозим. *Мўл, заррача, пича, обдан, мардона* кабилар бадий нутқда фаол ишлатилса, *кўп, жиндай, озроқ, тоза, зўр* каби равишлар жонли сўзлашувга хосдир.

178-машқ. Ўзингиз мустақил равишда бирорта бадий асарнинг биринчи икки саҳифасини ўқинг. Равиш иштирок этган гапларнинг кучининг, уларнинг гапдаги вазифасини айтинг.

179-машқ. Гапларни ўқинг. Равишларнинг услубий қўлланиш хусусиятларини изоҳланг.

1. Горкунов мажбуран бу ишга қўл урган эди. (Ш.)
2. Қадамимни атайлаб дадил-дадил босаман... (П. Қ.)
3. Батальон эрталаб қишлоққа етиб келди. (Ш.) 4. Барча бирдай тинмай ишларди. (У.) 5. Мардона ишладик, силжидик олға! Мардларча зolimнинг бўғзидан тутдик. («Хатдан») 6. Ермат ҳамма нарсани, тартибсиз бўлса ҳам, батафсил айтиб берди. (О.) 7. Обдан чиниққан йигит, унга берилган овқат беҳуда кетмайди. (О.) 8. Эрталаб етиб бордим. Кечкурун уйга қайтиб келдим. 9. Барча ишлар тезгина ҳал бўлди. Иш қаердан бошланган бўлса, гапни ҳам ўша ердан бошлай беринг.

180-машқ. Гапларни ўқиб, мустақил сўзларнинг маъно ва грамматик хусусиятларини намунадагидек изоҳланг.

На м у н а. *Бугун қишлоққа жўнаймиз. Бугун — ра-*

виш, содда, пайт равиши, гапда пайт ҳоли вазифасида; **қишлоққа** — от, т. от, ж. к., содда, гапда ўрин ҳоли вазифасида...

1. Улар тасодифан учрашиб қолган эди. (Ж. Абд.)
2. Айвонда Жаннат хола билан Низомжон гаплашиб ўтирарди. (С. Аҳм.)
3. Колхоз идорасининг ёнгинасида янги клуб қад кўтариб турибди. (С. Кароматов.)
4. 20 августда Самарқандга қайтиб кетаман. (М. Қориев.)
5. Темиржон совуқ еб, увушган бармоқларини ишқалади. (Ж. Абд.)
6. Яқин-йироқдаги маъзиллардан одамлар ёрдамга келяпти. (Ж. Абд.)
7. Марғилонга олиб борадиган йўл гавжум эди. (С. Аҳм.)
8. Озода даставвал Мирзачўлга шу машинада келганини эслади.

181-машқ. Матни ифодали ўқинг. Ясама мустақил сўزلарни топиб, ясалишини тушунтиринг. Қўшма ва жуфт сўзларга алоҳида изоҳ беринг.

ДОЛОРЕС ИБАРРУРИ

Уни бир бор кўришга ва овозини эшитишга муяссар бўлган киши, уни сира унутолмайди. У испан тилида жўшиб сўзлайди. Лекин у шундай истеъдодли нотикки, уни ҳамма тушуна олади. Бу ном барча халқларнинг меҳр ва муҳаббатини қозонди. Бу аёл — Пасионария — Долорес Ибаррури!

Долорес Ибаррури — Пасионария (Оташин) номи билан машҳур, испан халқининг жасур қизи, халқаро ишчилар ҳаракатининг, бутун дунё тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг, халқаро хотин-қизлар ҳаракатининг йирик ва донгдор арбобларидан бири 1895 йил 9 декабрда Испанияда кон саноати ишчиси оиласида дунёга келган Долорес 22 ёшида социалистлар ташкилотига аъзо бўлиб киради ва ишчилар синфи матбуотида Пасионария таҳаллуси билан оташин тарғибот олиб боради. У Халқаро ишчилар ҳаракатининг фаол иштирокчиси сифатида Коминтерннинг VII конгрессида (1935 й.) унинг Ижроия Комитети аъзолигига кандидат қилиб сайланди, 1937 йилда кортес (парламент) раиси ўринбосарлигига сайланди.

Испан халқининг фашизмга қарши олиб борган миллий-революцион уруши даврида (1936—1939 йй.) Долорес Ибаррурининг сиёсий арбоб ва жўшқин ташкилотчилик фаолияти айниқса катта куч билан намоён бўлди.

Испания буржуа ҳукумати Ибаррурини коммунистик

ва революцион фаолияти учун олти марта озодликдан маҳрум этди. Франконинг фашистик ҳукумати келгандан (1939 й.) буён Долорес Ибаррури ватанидан ташқарида, эмиграцияда яшашга мажбур этилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ибаррури бутун ғайрати ва ташкилотчилик қобилиятини фашизмга қарши курашга қаратди. У фашизмга нисбатан ўзидаги нафратни, озодликка ҳурмат ва садоқатни фарзандига ҳам бера олган эди. Унинг ўғли Рубен Ибаррури Сталинград учун бўлган жангларда 19 ёшида қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Испания Коммунистлар партияси жуда заҳматли кураш йўлини босиб ўтди. Партия билан биргаликда партия Марказий Комитетининг котиби (1932—1942 йй.), партиянинг бош котиби (1942—1960 йй.) бўлган Ибаррури ҳам ўсди, чиниқди. 1954 йилда унинг раҳбарлиги остида партиянинг V съезди бўлиб ўтди. У партиянинг Устав ва дастурини ишлаб чиққан эди. Испания коммунистларининг VI съезди Долорес Ибаррурини партиянинг раиси этиб сайлади. Д. Ибаррури бир қанча назарий асарлар ва публицистик мақолаларнинг авторидир.

Долорес Ибаррури 1945 йилда Халқаро хотин-қизлар Демократия Федерациясини тузишда фаол қатнашди ва унинг вице-президенти вазифасига сайланди.

Испан халқининг жасур фарзанди, Испания Коммунистлар партиясининг раиси, Халқаро хотин-қизлар Демократик Федерациясининг фахрий вице-президенти, оташин революционер ва тинчлик учун тинимсиз курашчи Долорес Ибаррури 1963 йилда «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро мукофотга сазовор бўлди.

(«Саодат» ж-дан.)

ЕРДАМЧИ СЎЗЛАР

142-§. Лексик маъно ифодаламай, мустақил сўзлар орасидаги грамматик муносабатни ифодаладиган, баъзан сўзга қўшимча маъно қўшадиган сўзлар **ёрдамчи сўзлар** саналади: *дафтар ва қалам; қалам билан ёздим. Яхши куйлар экан-а?*

Ёрдамчи сўзлар гапда, одатда, гап бўлаги вазифасини бажармайди.

Ёрдамчи сўзлар қуйидаги турларга бўлинади: 1) кўмакчилар; 2) боғловчилар; 3) юкламалар; 4) модал сўзлар; 5) ундов ва тақлидий сўзлар.

КУМАКЧИЛАР

143-§. От ёки отлашган сўзнинг бошқа бир сўзга (кўпроқ феълга) тобеланишини кўрсатувчи ёрдамчи сўз кўмакчи ҳисобланади.

Кўмакчи от ёки отлашган сўздан кейин келади: *Укам учун китоб олдик. Қарим билан кинога бордим.*

Кўмакчилар қайси мустақил сўздан ўсиб чиққанлигига қараб, соф кўмакчилар ва кўмакчи вазифасида қўлланувчи сўзларга бўлинади.

Соф кўмакчилар — асл лексик маъносини бутунлай йўқотиб, бутунлай кўмакчига айланиб қолган сўзлардир: *билан, учун, каби, сингари, сайин, сари.*

Кўмакчи вазифасида қўлланувчи сўзлар — от ёки равишдан ўсиб чиққан кўмакчилар: *устидан, юзасидан, орқали, томон, ташқари, ҳақида, хусусида.*

Баъзилари феълнинг равишдош, сифатдош формаларидан ўсиб чиққан: *бўйлаб, қараб, кўра, яраша, қараганда* каби. Булардан *бўйлаб, қараб-қараб, кўра, яраша, тортиб* равишдошдан; *қараганда* эса сифатдошдан кўмакчига айланган сўзлардир.

Билан, учун кўмакчилари поэтик нутқда *-ла, -чун* тарзида қисқа шаклда ҳам қўлланади. Бунда улар ўзидан олдинги сўз билан чизиқча орқали ажратиб ёзилади.

Сенинг-ла, дўст бўлиб вафо кўрди ким?..
Яхшидир ўлмоқлик сен-ла курашда. (Ҳ. О.)

182- машқ. Уқинг. Кўмакчиларни топиб, уларнинг турларини айтинг. Қайси мустақил сўз билан бирга қўлланаётганини аниқланг ва маъноларини тушунтиринг.

1. Кейинги икки ой ичида Манзура опанинг ўртоқларидан мутлақо хат-хабар келмай қўйди. (У. Усмонов.)
2. Аммо йигитнинг овози ўчмасдан бурун ўзи от-поти билан ағдарилиб тушди. (Х. Т.)
3. Икки ярим йил аввал меҳрибон ота уни шаҳарга узатади. (О.)
4. Сиддиқжон сукут қилганича қимирламай ўтирар экан, қизарган пешанаси билан бурнининг учи тердан ялтирарди. (А. Қ.)
5. Сиддиқжон бу чоғ қиз боланинг тақдири тўғрисида ўйлар эди. (А. Қ.)
6. Арилар тўдаси ўзини қоп ичига урди. (Ҳ. Н.)
7. Қишнинг биринчи ярми қуруқ келди.

Икки мартагина қор ёғиб, тезда эриб кетди. (П. Т.)
8. Йўқ, Гулсум опанинг гаплари Машраб учун янгилик эмас. (П. Қ.) 9. ...Улар тонг билан йўлга чиққан эдилар. (Ж. Абд.)

63-топшириқ. Ўзингиз мустақил равишда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасидаги бирор мақолани ўқиб, кўмакчиларни топинг. Грамматик хусусиятига тўлиқ тавсиф беринг.

144-§. Кўмакчилар гапдаги вазифаси жиҳатидан келишикларга яқин туради. Баъзан кўмакчилар келишик бажарган вазифани бажаради. Шунинг учун ҳам айрим кўмакчилар, келишик ўрнида қўлланиши мумкин ёки айрим келишикларни кўмакчилар ўрнида ишлатиш гапнинг мазмунига, қурилишига зарар келтирмайди: *қаламда ёздим — қалам билан ёздим, қишлоққа шу йўл билан борилади — қишлоққа шу йўлдан борилади* каби.

Қуйидаги фаол қўлланадиган кўмакчиларни билиб олинг, ёзилишига аҳамият қилинг: *азбаройи, билан, учун, каби, илгари, бурун, бош, чоғли, қадар, сайин, бўйича, орқа, орқали, ора, сабабли, кўра, ён, ич, қарши, ўрта, томон, қараб, қарамасдан, қарамай, сўнг, бошқа, кейин, ташқари, ост, уст, таг, буён, бери, бўлак, ўзга, нари, сингари, янглиғ, сари, туфайли, оша, бўйлаб, узра, ичра, деган, олд, чамаси, ҳақида, тўғрисида, ҳолда, йўсинда, асосан, қадар, қараганда, доир, биноан, мувофиқ* каби.

64-топшириқ. билан (-ла), учун (-чун), кўра, қараганда, сингари кўмакчиларни иштирокида бир нечта гап тузинг. Баъзилари ўрнида келишикларни ишлатиб кўринг. Фарқини тушунтиринг.

БОҒЛОВЧИЛАР

145-§. Гапнинг уюшиқ бўлаklarини, қўшма гап таркибидаги содда гапларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қиладиган *ва, ҳам, ҳамда, аммо, лекин, бироқ, ёки, ёхуд, чунки, шунинг учун, токи* каби сўзлар боғловчиларни ташкил қилади. Масалан: *Қўнғироқ чалинди ва дарс бошланди. Уқитувчи ёки ўқувчилардан бири саҳнага чиқсин.*

Боғловчилар мустақил сўзи каби гапда гап бўлаги вазифасини бажара олмайди.

Боғловчилар маъно ва грамматик хусусиятига кўра икки хил бўлади:

1. Тенг боғловчилар (*ва, ҳам, бироқ, лекин, ёки* дам-

дам, баъзан каби). 2. Эргаштирувчи боғловчилар (чунки, шунинг учун, токи, негаки каби).

Боғловчилар якка ҳолда ҳам, такрорланган ҳолда ҳам қўлланади: ва, ҳамда, аммо, лекин, бироқ, балки, агар, башарғи, чунки, гўё каби боғловчилар одатда якка ҳолда ишлатилади, баъзан, ё, ёки, гоҳ, дам, ҳам, гоҳо, хоҳ каби боғловчилар кўпинча такрорланиб қўлланилади: Китоб ва дафтар. У ёзди, бироқ ўқимади. У ҳам ўқиди, ҳам ёзди. У дам куларди, дам йиғларди, Ё сиз келинг, ё мен борай.

183- машқ. Гапларни кўчириб, кўмакчи ва боғловчиларни топинг. фарқларини тушунтиринг.

Иссиқ кийинган йўловчилар дам-бадам бурун ва қулоқларини ушлаб, ўз ташвишлари билан югуриб-еладилар. (У. У.) 2. Буни Мамлакатнинг онаси тезда пайқаб қолди-ю, лекин кимлигини ундан сўрамади. (У. У.) 3. Қамишлар орасида уларнинг боши гоҳ кўринади, гоҳ сувга шўнғигандек йўқ бўлиб кетади. (С. Аҳм.) 4. Зумрадни дам овутиб, дам эркалаб айвонга базўр бошлаб чиқди кампир. (О.) 5. Қорни ғарч-ғарч босиб чопқиллаб келган Барно икки қадам нарида тўхтади. (О. Ё.) 6. Бўронбек қамчининг сопи билан Ибодилланинг кўкрагидан итариб Ойшабонунинг уйига кирди. (Ҳ. Ғ.) 7. МТС да ҳам, районда ҳам, областда ҳам ундан ҳайқишар ва унинг гапига қулоқ солишарди. (Г. Николаева.) 8. Қум ва лой билан қўлларини ишқалаб, кенг юзлари ва бошларини обдан ювдилар. (О.)

184- машқ. Уқинг. Боғловчиларни топиб, турини айтинг. Грамматик хусусиятларини изоҳланг.

1. Санобарнинг практикаси тугай деб қолди. Лекин ҳамон гаплашмаймиз. (У. У.) 2. Кеч куз бўлса ҳам ҳали унча совуқ тушмаган, аммо салқин этни жунжиктиради. (У. У.) 3. Назаримда, унинг бўғизига йиғи тикилиб қолган, шунинг учун овози бўғиқ ва ғамгин эди. (П. Қ.) 4. Асрлар бўйи сув чиқариш учун курашлар боради-ю, лекин бу кураш охирига етмай қолиб кетаверади. (Ж. Абд.) 5. У кетди... кетди-ю, хаёлимда ҳам ширин, ҳам аччиқ, ҳам қувноқ, ҳам аламли узуқ-юлуқ хотиралар қолди. (У. Ҳ.) 6. Икки дўст қўлларини бошлари остига ёстиқ қилиб қум устида чалқанча ётишар, гўё шу ҳолатлари билан роҳат қилмоқда эдилар. (Ж. Абд.) 7. У Икромжоннинг бир оёғи йўқлигини кўриб, юраги жиз этиб кетди. Аммо буни унга сездирмади. (С. Аҳм.)

8. Шамол гоҳ оч бўридай увиллар, гоҳ ўлим чангалига тушган мушукдай пихиллар, виғиллар, ҳеч нарса кўринмас эди. (А. Қ.)

ЮКЛАМАЛАР

146-§. Сўзларга ёки гаплар мазмунига қўшимча маъно қўшадиган ёрдамчи сўз юклама саналади. Юкламалар тузилишига кўра икки хил бўлади:

1) айрим ёзиладиган ва нутқда алоҳида қўлланадиган сўз ҳолидаги юкламалар: *фақат, ҳолбуки, наҳотки, ҳатто, чунки, ахир* кабилар;

2) сўзларга қўшилиб ишлатиладиган қўшимча шаклидаги юкламалар: *-им, -чи, -ку, -да, -у (-ю), -а (-я)* каби.

Юкламалар маъно ва қўлланиш мақсадига кўра тўрт хил бўлади:

1. Сўроқ юкламалари: *-ми, -чи, -а (-я)* каби. Масалан: —*Футболга борасанми?—Сен-чи?—Бу бинони мен қурганман!—Сен-а?*

2. Таъкид юкламалари: *-ку, -да, -у (-ю)*. Масалан: *Уктам-ку келди-я. Рустам келмади-да* каби, *-у (-ю)* юкламаси кўпинча тенг боғловчилар (*ва, лекин, бироқ, ammo*) ўрнида ишлатилади.

3. Айирув юкламалари: *-гина, (-кина, -қина), фақат*. Масалан: *Дарсга фақат Беҳзод келмади.*

4. Кучайтирув юкламалари: *ахир, ҳатто (ҳаттоки), -оқ (-ёқ)* кабилар. Масалан: *Биз ҳатто якшанба кунлари ҳам дарс тайёрлаймиз.*

Юкламаларнинг баъзилари сўз ёки гапга сўроқ, таажжуб, кучайтирув, таъкид, айирув, гумон каби маъноларни қўшиш билан бирга, қўшма гап қисмларини, содда гапларда эса уюшиқ бўлакларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилади. Масалан: *Низомжон — ўридан турди-да, ҳардамхаёллик билан кўчага кетди. (С. Аҳм.) Далада самовар шақиллаб қайнаб турса-да, теримчилар шўй ичишга вақтни қизғанар эдилар (О.)*

Юкламаларнинг *-ми, -оқ (-ёқ), -гина (-кина, -қина)* каби турлари сўзларга қўшиб ёзилади: *Уқидингми?, бу-гуноқ, кечаёқ, кечагина, оппоққина* каби. Қолган турлари эса чизиқча (—) билан ёзилади: *сен-чи?, айтгин-чи?, келди-да, укам-ку, мен-а!* каби.

185-машқ. Гапларни кўчиринг. Ёрдамчи сўзларни айтинг, уларнинг маъно ва вазифасини тушунтиринг. Юкламаларни алоҳида изоҳланг.

1. Ҳозир унинг кўкси гоҳ оғринтирувчи, гоҳ юпантирувчи кечинмалар билан, бутун руҳига сингган тотли ҳасрат билан тўла эди. (О.) 2. Мабодо ўзингиз душманга зарба беришингиз керак бўлиб қолса-чи, унда нима қиласиз? (А. Бекимбетов.) 3. Сиддиқжон этагини қоқиб ўрнидан турди-ю, жадаллаганича кўча эшигига қараб кетди. (А. Қ.) 4. Таппа ўзини ёстиққа ташлайди-ю, уйқуга кетади. (О.) 5. Бектемирнинг гўё нафаси ўчган, юракнинг болғадай кўкракда турганини ҳам сезмайди. (О.) 6. Эшон гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа бош тортган кўйларни йўлга солишга уринарди. (О.) 7. Ёнида чўққайган бола билан дам мактабдан, дам футболдан гаплашади. (О.) 8. Яхши одамлар ҳам бор экан-ку, дунёда дейман ичимда. (У. У.)

186-машқ. Гапларни ўқиб, юкламаларни аниқланг, тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини ва грамматик хусусиятларини тушунтиринг. Сўз юкламаларга алоҳида, қўшимча юкламаларга алоҳида изоҳ беринг.

1. Кўзларимиз экранда-ю, хаёлимиз бир-биримизда. (У. У.) 2. Номини унутмас халқлар, замонлар, Жонажон шоирнинг бахти ҳам шу-да. (У.) 3. Фақат одамзод бахти учун қилинган меҳнатгина чинакам ва боқий шуҳрат келтириши мумкин. (Ч. Сэмнер.) 4. Меливой ака ҳамроҳининг саволига жавоб бермади-ю, ўзига-ўзи гапиргандек сўзлади. (О. Ҳ.) 5. Ҳамроҳи ерга теккан жойларининг чангини қоқди-да отига минди. (О. Ҳ.) 6. Икромжон ганга аралашмай бир чеккада жимгина ўтирибди. (С. Аҳм.) 7. Наҳотки, биров билан тўғрилиқча кинога ҳам тушиб бўлмаса?! (У. У.) 8. Агар дўстликни ҳам билмаса асли, Кимга керак ахир, инсон деган ном. (А. О.)

УНДОВ СЎЗЛАР

147-§. Ундов сўзлар ҳис-ҳаяжон, ҳайдаш-чақириш каби маъноларни ифодалаб, кўпинча ундов сифатида қўлланади, баъзан отлашиб, гап бўлаги вазифасида келиши мумкин; баъзан эса сўз ва гапларга қўшимча маъно қўшади: *Оббо Комилжон-э, оббо Комилжон-э, сўзга жуда устасиз-да.* (У.) *Вой-вуй! Асл жаннат денг, тақсир.* (С. Ан.) *Вой, қўлимни ари чақди.* (С. Аҳм.) *Оҳ-оҳ-оҳ! Отангизга раҳмат! Камол топинг, дўстим!* (А. Қ.)

Ундов сўзлар якка ҳолда (оҳ, вой, э) ёки такрорланиб (оҳ-оҳ, беҳ-беҳ, бай-бай, вой-бўй каби) қўлланиши

мумкин. Ундов сўзлар такрорланган ҳолда қўлланганда чизиқча (-) билан ёзилади: *оҳ-воҳ, бай-бай* каби.

Ундов сўзлар маъно хусусиятларига кўра ҳис-ҳаяжон ва ҳайдаш-чақириш ундовларига бўлинади.

Ҳис-ҳаяжон ундов сўзларига *эх, оҳ, уҳ, ҳо, ҳе, э, эй, уф, туф, вой, ура, и-и, хув, марш, алло, салом, хайр, офарин, ана, мана* кабилар; ҳайдаш-чақириш ундов сўзларига эса *куч-куч, баҳ-баҳ, қурай-қурай, ҳай (чу), ту-ту-ту, кишт-кишт, так-так* кабилар киради.

Ҳис-ҳаяжон ундов сўзлари гап бўлақларидан кўпинча вергул билан ажратилади, кучли ҳис-ҳаяжон билан айтилганда эса, ундов белгиси қўйилади.

Қуйидаги ундовлар энг кўп қўлланади. Уларни ёддан билишга ва ёзилишини эсда сақлашга ҳаракат қилинг:

Эҳ, оҳ, уҳ, ма, ҳи (ҳим), бе, ҳо, ҳе, э, эй ҳа, уф, туф, дод, вой, ҳаҳ, ҳақ, оббо, ура, ўҳў, э-ҳа, э-ҳе, и-и, ие, хув, ҳов, ҳай, ҳей, тсс, марш, бас, ҳорманг, раҳмат, қани, алло, салом, хайр, офарин, балли, баракалла, ажабо, ай (эй), айюҳаннос, ай-ҳай, алвидо, бай-бай, беҳ-беҳ, оҳ-оҳ, воейей, э-воҳ, вой-бўй, вой-бў-ў, ҳой-ҳой, ҳа-кишт.

187- машқ. Гапларни кўчиринг. Ҳис-ҳаяжон ундов сўзларини топиб, ҳар бирининг маъно ва грамматик хусусиятларини таърифланг, ёзилиши ва тиниш белгиларига диққат қилинг.

1. Йўғ-э! Қим экан улар! (У. У.) 2.— Лаббай! Ҳа, мен... Ие, оббо! Қачон? Шофёрга айтинг, дарров етиб келсин. (У. У.) 3. Э, нималар деяпсиз Ларисахон, Ленинград дегандаёқ тушунганмиз ҳаммасига! (О. Е.) 4. Ҳой, Қумри, ахир уканга қарасанг-чи, ичаги узилиб кетди-ку! (F. F.) 5. Э, ўғлим, қаттиқ нон даво бўлади. (О.) 6. Вой, она қизимдан айланай... Эплогмассан, болам. (Р. Ф.) 7. Войдод! Зўравоннинг дастидан дод!.. (М. Исм.) 8. Уф, бирам зерикиб кетаётибман. (А. Қ.) 9. Қампирга ер остидан қараб қўйди-да, чуқур уҳ тортди. (С. Ан.) 10.— Ҳой, эчки беҳининг пўстлоғини шилиб ташлайди-ку! (С. Аҳм.)

188- машқ. Гапларни ўқиб, ундов сўзларни топинг. Маъноларини тушунтиринг ва услубий жиҳатдан таърифланг.

1. Ҳой, азаматлар, уйқуни бас қилинглар. (Гоголь.) 2. О, дўстлар, биласиз бахт учун кураш неча-неча аср давом этганин. (У.) 3. Ҳо, баракалла! Ана энди чинакам фронтчи қиз бўлдингиз. (З. Фатхуллин.) 4. Бай-бай-бай! Мунча ҳам ширин ухляпти! Менга бер-чи, бола кўтариш эсимда бормикин... (А. Қ.) 5. Балли, бу шароитга

мослашиш белгиси. (С. Ан.) 6. Ух, ўх, ўх! Жуда ярашипти-ку, Хуморхон! (А. Қ.) 7. Эҳ, Комил, қачонгача оёғимга тушов, йўлимга ғов бўласан! (И. Р.) 8. Ҳа, улар қачонлардир Назира билан дарс тайёрлаб ўтиришган жойга келишган эди. (С. Н.) 9. Вой, нега қуллуқ қилишар экан? Ҳеч-да! (А. Қ.)

ТАҚЛИД СЎЗЛАР

148-§. Шарпа-товушга ва ҳолатга тақлидни билдирадиган сўзлар тақлид сўзлар ҳисобланади. Масалан: *шиқ-шиқ, гумбур-гумбур, милт-милт* каби.

Тақлид сўзлар кўпинча жуфт ва такрорланган ҳолда (*вағир-вуғур, ғарч-ғурч, қий-чув, дук-дук, лип-лип* каби), баъзан эса якка ҳолда (*ярқ, ғуж, жимир, милт* каби) қўлланади.

Тақлид сўзлар ёрдамчи сўзлардан фарқ қилиб, гапда аниқловчи тўлдирувчи, ҳол каби вазифаларда кела олади: *Ойимлар шиқ-шиқ тугма олиб бердилар. Чақалоқнинг инга-ингаси эшитилди. Сув шилдир-шилдир оқмоқда. Боринг, қий-чувни бостилинг.*

Тақлид сўзлар маъносига кўра икки катта гуруҳга бўлинади:

1. Тovuшга тақлидни билдирувчи: *ғув-ғув, дупур-дупур, дук-дук, тақ-туқ, қий-чув, ғарч-ғурч* каби.

2. Ҳолатга тақлидни билдирувчи: *ғуж-ғуж, ялт-юлт, лип-лип, апил-тапил, милт-милт* каби.

Қуйидаги тақлид сўзлар тилимизда фаол қўлланади. Уларнинг ёзилишини билиб олинг:

анг-анг, гур, тарс, қарс, гумбур-гумбур, ялт-юлт, ярқ, лип-лип, шақ, шиқ, тарс-турс, тарақ-туруқ, тақ-туқ, виш-виш, пиқ-пиқ, пақ-пақ, дук-дук, пирр, гув-гув, дув-дув, шип, трик-трак, лим-лим, биж-биж, лик-лик, ялт, ярақ-юруқ, апил-тапил, гир-гир, ғув-ғув, лапанг-лапанг, пир-пир, дурдир, қалт-қалт, хиппа, гиппа, гун-гун, паққа, қилт-қилт, ғовур-ғувур, вақир-вуқур, тақа-тақ, паға-паға, данг, динг, ҳанг-манг, ғарч-ғурч тап-тап, ғир-ғир, қулт-қулт, шалп-шалп.

189-машқ. Гапларни кўчириб, тақлид сўзларни ажратинг. Маъносига кўра турини аниқлаб, гапдаги вазифасини тушунтиринг.

1. Узоқдан дук-дук овоз келарди. 2. Ғовур-ғувур бирдан тиниб, шундай майин ва осуда бир жимлик чўкдики, гўё бутун бепоён дашт Машрабга қулоқ соларди. (О. Ё.) 3. Шу он арава бирдан чайқалиб, тарақа-туруқ

бўлиб кетди. (М. Исм.) 4. Буларнинг бириси қўлида йилт этиб шам ёқилди. (С. А.) 5. Ҳа, ана! Уша ёқда лип-лип этган ўт кўринди. (С. Ам.) 6. Ҳамма ёқни темирнинг шақир-шуқур садоси қоплади. (О.) 7. Ғала-ғовур ичида аллакимнинг баланд овози янгради. (М. Исм.) 8. Боягидек дукур бор, лекин қаёқдан келаётгани маълум эмас. (М. Исм.) 9. Отанинг гаплари юрагига жиз-жиз тегадую, пиқ-пиқ кулаётган Қўчқорга қараб ўшқирди. (О. Ё.) 10. Моҳира бувининг боғидаги Мирза теракларнинг учидан ола қарғалар яхлаган қанотларини шақ-шақ уришадди. (О. Ё.)

МОДАЛ СЎЗЛАР

149-§. Модал маъно ифодалаб, гапда кириш сўз, гап бўлаги ёки бутун бир гап вазифасида қўлланадиган сўзлар модал сўзлар ҳисобланади. Қуйидагилар модал сўзлар туркумига киради: *албатта, шубҳасиз, ҳақиқатан, табиий, дарҳақиқат, эҳтимол, балки, афтидан, чамаси, шекилли, зарур, даркор, бор, майли, хўп, йўқ, дуруст, бўпти, демак, хуллас, модомики, дарвоқе, айтгандай, айтмоқчи, афсус, эсиз, аттанг, ажабмас, мазмуни* кабилар. Модал сўзлар фикрга аниқлик, гумон, мақсад, талаб, шарт, мавжудлик, тасдиқ, инкор, мавжуд эмаслик, маъқуллаш, таъкидлаш, яқунлаш, эслатиш, айтиниш каби маъноларни кўшади: *Демак, тўққиз-ўн тоғи йўл босишимиз керак...* (О. Ҳ.) *Майли, кийимларим ҳам санъат учун хизмат қилсин.* (О. Ҳ.) *Йўқ, бу ҳали ҳам ўша кучли, оташин қалб!* (Ас. М.)

Модал сўзлар гап бошида келганда, ундан сўнг, гап ўртасида ҳар икки томондан, гап охирида келганда эса ундан олдин вергул билан ажратиб ёзилади.

190-машқ. Гапларни кўчиринг. Модал сўзларни топиб, уларнинг маъно ва грамматик хусусиятларини тушунтиринг, юкламалардан фарқини кўрсатинг.

1. Хуллас, Белоруссиянинг Мозир деган шаҳари яқинида иккинчи марта яраландим. (О. Ҳ.) 2. Албатта... бу ерда ким яхши, ким ёмон, ҳаммаси менга маълум... (Усмон Умарзода). 3. Жаннат, жаннат дейишадую, жаннат деганлари Қорабулоғимиздан яхшимикан?— деди у ўзида йўқ қувониб. (М. Исм.) 4. Ўзининг мажруҳлиги учун ноилож фронтга бормаган қилиб кўрсатмоқчи бўларди шекилли, кексаларга ўхшаб сўзларди. (О. Ҳ.)

5. — Хоназаровга кўрсатиш керак. — Кўрсатган. Фойда-си йўқ. (Ас. М.) 6. Демак, шу бола ҳам ўққа учибди-да. (С. Аҳм.) 7. — Бўпти, сиз нима десангиз шу-да, Ҳожи опа, мен тайёрман. (О. Ҳ.) 8. — Йўқ, рост гапим, юрагим-нинг чуқур тагидан чиққан сўзим шу. (О. Ҳ.)

65- топшириқ. Танлаган бадий асарингизнинг 5—6 бетини ўқиб, модал сўзларни топинг ва маъно ҳамда грамматик хусусиятини изоҳланг.

191- машқ. Гапларни ўқинг. Ердамчи сўзларни топиб, уларни таърифланг. Гаптаги вазифаси ва грамматик хусусиятларини изоҳланг.

1. Ҳайдар ота баъзан кечалари унинг олдига кириб, бирпас-яримпас гаплашиб ўтирадиган бўлди. (А. Қ.)
2. Шип-шип пойабзал товуши эшитилди, эшик қулфи уч-тўрт марта шириқлагандан сўнг, қия очилди. (У. У.)
3. Нечук эканки, Саида раиснинг таклифини маъқул кўрмади-ю, мажлис аҳли унинг раъйига юради. (А. Қ.)
4. Классик адабиётни ҳам, ҳозирги замон поэзиясини, прозасини ҳеч қолдирмай ўқирди. (М. Қориев.) 5. Тўғ-рисини айтсам, Даврон Бакировичнинг номини эшитганимда, юрагим бирдан шиг этиб кетди. (У. У.) 6. Хўп, мен сен билан кейин гаплашаман. (А. Қ.) 7. Болалик-сан! Ҳам ҳеч гап бўлгани йўқ-ку! (А. Қ.) 8. Мен Анвар билан Султонали можаросини фақат кеча Мирзо Боисдан эшитдим. (А. Қ.) 9. Бай-бай... мен еган қаймоқларни ариқ қилиб оқизсангиз ҳеч қандай тўғон туриш бермайди. (А. Қ.) 10. Унинг хурраги ҳам нечукдир адабий-роқ эди: «плуқ-қум... пирр... плуқ-қум... пирр...». 11. Ие, шунчалик қурт боқасизлар-у, қанча пилла чиқишини билмайсизларми? (А. Қ.)

192- машқ. Матни ифодали ўқинг. Ердамчи сўзларни топиб, маъно ва қўлланш хусусиятларини изоҳланг.

ОТАХОН КОМПОЗИТОРНИ ЭСЛАБ...

Радио орқали Успенский ҳақида очеркимни беришлари керак эди. Бундан унинг мутлақо хабари йўқ эди. Радиони қўйишга қўйдиму, аммо ўзимни бир оз ноқулай ҳис қила бошладим. Чунки Виктор Александрович бундай нарсаларни унча хуш кўрмасди...

Радиода берилаётган эшиттириш тугади. Виктор Александровичнинг кўзларида ёш пайдо бўла бошлади... У тириклигидаёқ ўзига ўзбек халқ музыкаси сарчашма-

ларидан ҳайкал қўя олганини хаёлига ҳам келтирмасди. Чунки «Шашмақом»ни ногага кўчираган ёки «Фарҳод ва Ширин» музыкали драмасини соф миллий музика заминиде яратаркан, ҳеч қачон мукофот, шон-шуҳрат ҳақида ўйламаган эди.

Бир ўйлаб кўринг-а, унинг музыкали драмаси 3000 тактдан иборат бўлса, 1000 тактидан кўпи мақомлар асосида ёзилгандир. Агар биз уни биргина «Фарҳод ва Ширин» музыкали драмасидаги Ширин ариясини миллий руҳда ёзиш учун унинг 24 вариантини яратганлигини кўз олдимизга келтирсак, бу алломанинг миллий музыкали драма ёзишда қандай машаққатли, айти вақтда шарафли ишларни амалга оширганлигининг гувоҳи бўламиз.

(Ян Пеккер.)

СИНТАКСИС

ГАП

150-§. Гап фикр билдириш, хабар бериш вазифасини бажарадиган, турли ҳис-туйғуларни ифодалайдиган бир сўз ёки бир неча сўзлар йиғиндиси, нутқнинг грамматик жиҳатдан шаклланган, нисбий интонацион ҳам мазмунан тугалликка эга бўлган бирлигидир. Масалан: *Ой. Нозик жимжитлик. Салқин шамолларгина қизнинг сочлари билан ўйнашарди. (О.) Бунда учта гап бор: 1. Ой. 2. Нозик жимжитлик. 3. Салқин шамолларгина қизнинг сочлари билан ўйнашарди.* Бу гапларнинг ҳар қайсиси маълум фикр билдиради.

Гаптаги сўзлар бир-бири билан ўзаро боғланган бўлади, уларнинг ҳар бири гапта бирор грамматик функцияни — гап бўлаги вазифасини бажариб келади. Масалан: *Илғор пахтакорлар мажбуриятларини ошириб бажардилар.* Бу гапта *пахтакорлар* — эга, *илғор* — аниқловчи, *мажбуриятларини* — тўлдирувчи, *ошириб* — ҳол, *бажардилар* — кесимдир.

Гап бўлаклари иккига — **бош бўлақлар** ва **иккинчи даражали бўлақларга** бўлинади.

Бош бўлақлар (эга ва кесим) гапнинг асосини ташкил қилади. Иккинчи даражали бўлақлар (аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол) гапнинг бош бўлақларини аниқлайди, тўлдиради ёки изоҳлайди.

ГАПНИНГ МАҚСАДГА КЎРА ТУРЛАРИ

151-§. Ҳар қандай гап сўзловчининг мақсадини: хабар бериш, тингловчидан бирор воқеа-ҳодисани сўраш, буюриш, маслаҳат каби маъноларни ифодалайди. Шунга кўра гаплар тўрт турга бўлинади: **дарак гап, сўроқ гап, буйруқ гап, ундов гап.**

ДАРАК ГАП

152-§. Бирор воқеа-ҳодисанинг бажарилиши ҳақидаги тасдиқ ёки инкор билдирувчи гап **дарак гап** ҳисобланади. Масалан: *Биз тўғарақларга фаол қатнашамиз.* Дарак гап юз берган, юз бериши мумкин бўлган воқеа-

ҳодисани тасдиқ ё инкор қилиш йўли билан билдиради: *Ҳаммамиз шанбаликда яхши ишладик* гапида тасдиқ мазмуни; *У ишламайди. У ишлаган эмас* гапларида инкор мазмуни ифодаланган.

Дарак гаплар бир текис, тинч оҳангда талаффуз қилинади. Интонация гап охирига томон пасая боради. Улар бошқа гап турларига қараганда нутқимизда кўпроқ ишлатилади. Ёзувда дарак гапларнинг охирига одатда нуқта қўйилади.

193- машқ. Қуйидаги матнда нечта гап бор? Тиниш белгиларига эътибор бериб кўчиринг. Дастлабки бешта гапни морфологик ва синтактик таҳлил қилинг.

Темир (Ғанини кўриб юзини буради): Оғайнилар! Юрт вайрон, молу жонлар таланган. Эл оч, ярим яланғоч. Одам боласининг бағридаги ҳамма яралари қонаб ётибди. Уртоқ Полторацкий — бу азамат рус — сиз мусулмонлар учун, сизнинг юртингиз, озодлигингиз, қора кўз бола-чақангиз учун ўз жонини қурбон қилди. Полторацкийни инглиз босқинчилари отиб ўлдиришди. Мана, ўртоқ Полторацкийнинг юрак қони билан сизга ёзган хати!

Қўйлагини йиртиб солади, унинг куйган этларини кўрган халқ бир тебраниб олади, ғазабга келади. Башқин, Саидийлар писиб чиқиб кетишади. (К. Яшин.)

194- машқ. Дарак гапларни кўчиринг, уларнинг қандай оҳангда талаффуз этилишини кузатинг. Гапнинг бош бўлақларини айтинг.

1. Шу бир соатлик концертда сизлардан кимлар нима билан иштирок этади. (М. Исм.) 2. Уларнинг ҳолидан хабардор бўлиб турунг. (А. Иванов.) 3. У ўрнидан турди ва болаларга қаради. (М. Исм.) 4. Бу йил Содиқ аканинг қизи билан Халил аканинг ўғли Тошкентдан олий маълумот... олиб қайтадилар... (С. Абд.) 5. Содиқ Исмойлов эллик бешларга кириб қолган кекса муаллим. (М. Исм.) 6. Анчагина эслик бола бўлиб, катталар орасида ҳам яхшига мисол эди. (М. Исм.) 7. Болангизни ҳақ одам олдида ноҳақлик билан ҳимоя этганингиз яхшими? (М. Исм.) 8. Мана сенга қоғоз билан қизил қалам, шунда сен битта эълон ёзасан. (К. И.)

СҮРОҚ ГАП

153- §. Сўзловчига номаълум бўлган нарса, ҳодиса, воқеа ҳақида сўроқни ифодалайдиган гап сўроқ гап са-

налади. Масалан: *Бугун театрга борасанми? Шаҳноза имтиҳонга қандай тайёрланди?*

Сўроқ гаплар қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Сўроқ гаплар таркибида сўроқ олмошлари иштироқ қилади: *Жаҳоат ишларига ким фаол қатнашади? Нега курсдошингиз яхши ўқимайди? Дарсга қачон борасиз?*

2. Сўроқ гаплар таркибида сўроқ юкламалари (-ми, -чи, -а, я) ёрдамида тузилади: *Машғулотга яхши тайёрланяпсизми?*

— *Ўзингиз-чи?*

3. *Наҳот, наҳотки*, юкламалари ёрдамида: *Наҳотки унинг ҳақида, унинг бахти ҳақида ўйлайдиган одамлар ҳам бўлса? (Ас. М.)*

4. Бу воситалар бўлмаганда, сўроқ гап фақат оҳангнинг ўзи билангина ифодаланиши мумкин: *Талабалар меҳнат семестрида ишлайди? Бундай вақтда оҳанг, одатда, гапнинг охирига томон кўтарила боради. Охириги сўз кучли талаффуз қилинади, у мантиқ жиҳатдан ажратиб кўрсатилади.*

Езувда сўроқ гапнинг охирига сўроқ белгиси қўйилади.

195- машқ. Гапларни ўқинг. Дарак гапларни алоҳида, сўроқ гапларни алоҳида кўчиринг. Гап бўлақларини аниқланг. Сўроқ гапларнинг қандай воситалар ёрдамида ифодаланганини айтинг.

1. Инсон боласини табиат шундай ҳам чиройли яратадими? (С. Аҳм.) 2. Бу кеча ҳам уларнинг маслаҳати пишмади. (С. Аҳм.) 3. У вақтлар Муътабар миттигина қиз эди. (М. Муродов.) 4. Мен бир куй тўқиганман, билмадим, меҳмонларга маъқул бўладими, йўқми? (О.) 5. Тешабойни кўра олмайдиган ичи қоралар, айниқса, жирраки бойлар камми? (М. Исм.) 6. Буни эшитиб, Эътибор нима қиларкин? Ўзини-ўзи бир нима қилиб қўймасмикан? Ё севинармикан. (С. Аҳм.) 7. Ҳамма ўйнаб-кулиб ўтирганда, нега бу хаёл суришдан бўшамайди? (О.) 8. Иссиқхонанинг ўзиданоқ ишни битказиб, қайтариб юборибсан? (О.) 9. Сиз йўқмидингиз? Урушдмидингиз? Оёқни қаерга қўйиб келдингиз? (А. Қ.) 10. Пулдорларга эгилиш пасткашлик эмасми? (О.) 11. Бир муҳимроқ воқеа рўй берган дейман. (О.)

196- машқ. Гапларни мазмунига, оҳангига рия қилиб ўқинг, тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг. Дарак ва сўроқ гапларни айтинг.

1. У ўрнидан турди ва болаларга қаради. (М. Исм.)
 2. Ҳеч қаерга бормайсиз шу ерда кўриқдан ўтасиз. (С. Абд.) 3. Қаерга келиб қолдик қизим. (О. Ё.) 4. Бу сувни қаёқдан олиш мумкин (О. Ё.) 5. Агар шу кетишда ўсиб бораверса ким билади ҳали ким бўп кетади. (О. Ё.)
 6. Кўпчилик ўқитувчилар унга алоҳида эътибор билан қарашар эди. (У. У.) 7. Еттинчи синфгача у ҳар йили мақтов қоғоз олиб ўқиди. (У. У.) 8.— Дадамлар сизни борган заҳотингиз мактабга директор қип қўяман деяптилар-ку, нима дейсиз (О. Ё.) 9. Кўз қаерда бўлса меҳр ҳам ўша ерда бўлади. (Мақол.) 10. Ким бировга чуқур қазиса, унга ўзи йнқилади (Мақол.) 11. Ахир ишонч киши қалбининг ҳукми, у ҳеч вақт йўқотилмайди (М. Қориев.)

БУЙРУҚ ГАП

154-§. Буйруқ, илтимос, маслаҳат, ялиниш, истак-тилак, дўқ-пўписи, чақириниш каби маъноларни ифода этган гаплар **буйруқ гаплар** ҳисобланади. Масалан: *Ўтинг, Замон ака, бу ёқдан яхши кўринади.* (М. Исм.) *Кийим-бош, қурол-яроғ беришсин.* (А. О.)

Ялиниш, илтимос, маслаҳат каби маънолар ифода этилганда, гапнинг охирига нуқта қўйилади: *Бизникига келинг. Тортинмасдан келавринг. Елғончи бўлманг, бежавотир бўласиз.* (Эртақдан.)

Дўқ, чақириниш, қатъий буюриш каби маънолар ифода этилганда гап охирига ундов белгиси қўйилади: *Уйдан жўна! Уруш оловини ёқувчилар жиловлансин!*

Буйруқ гапларнинг кесими қуйидагича ифодаланади:

1. Буйруқ майлининг II шахс бирлигидаги феъл билан: *Қозонга яқинлашма, қораси юқар, Емонга яқинлашма, балоси юқар.* (Мақол.) *Мақтанчоқ бўлманг, хижолат тортмайсиз.* (Эртақдан.)

2. Кесимга айрим юкламалар қўшилиб келади: *Кетмасдан кўринг-чи! Бормасдан кўринг-чи!*

3. Расмий нутқда буйруқ гапнинг кесими мажҳуллик нисбаџи формасидаги феъл билан ифодаланади. Масалан: *Пахта йиғим-теримига барча ишчи кучлари жалб қилинсин! Пахта нобудгарчилигига йўл қўйилмасин!*

197- машқ. Буйруқ гапларни топиб, уларнинг қандай мазмун ифодаланиши тушунтиринг. Кесимнинг ифодаланишини изоҳланг.

1. Кундалик дафтарингни кўриш эсимдан чиқиб қолади. Олиб кел, бир кўрай,— деди. (М. Исм.) 2. Улар-

нинг ҳолидан хабардор ҳам бўлиб туринг. (А. Иванов.)
 3. Кемадан чиққандан кейин туя етакласак, чарчадим демайсанми? (С. Абд.) 4. Бўш хаёлларни иргитиб ташланг,— деди Эргашев.— Анови Нусратни ҳам ҳайдаб юборинг. Дикқатни бир жойга йиғиб, ишга киришинг.
 5. ...Томирлари тўғри турсин, букилиб қолмасин. Томирлар орасида бўш ҳаво бўлмасин. (С. Назар.) 6. Юринг, хўжалигимиз билан таништирай,— деди менга. Атрофига панжара тўсилган ҳовлига чиқдик. (С. Ан.) 7. Кейин Баҳромга бўлган воқеани бошдан-оёқ сўзлаб бердим.
 8. Юринг эшикка чиқайлик, ўзи ҳам шу ерда, ҳаммасини айтиб беради. (М. Қориев.)

198- машқ. Сўроқ, буйруқ гапларни кўчиринг. Тиниш белгиларини тушунтиринг.

1. Нима десанг де-ю, барибир қонунга бўйсунинишнинг шарт. (Ж. Абд.) 2. Қаршимда колхоз бош чўпони Мавлон аканинг ўғли Яшин кулиб турарди. (Р. Мурод.) 3. Бир жойдаги одаммиз, яна бир-биримизга ишимиз тушади, отахон! (О.) 4. Кексалар! Сиз ҳам шу ёшингизни эсланг! (С. Аҳм.) 5. Йўловчи, қудуқдан сув олиб ичганингда, шу гул тагига бир пиёла сув қуй! (С. Аҳм.) 6. Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт. (Мақол.) 7. Ишни эплотмагани учун ўз вазифасидан бўшатилинсин. (С. Аҳм.) 8. Йўлчи, юр ука, менга ҳамроҳ бўл! (О.) 9. ...Юрагингиздан чиқариб ташлай қолинг. Менга ачинманг, парвоналар қатори куйиб кул бўлай... (М. Қориев.) 10. Ўзингга муносиб гапни гапир! Енгил бўлма! (А. Қ.) 11. «Ахир дунёда киши яқин дўстсиз яшаши мумкинми?» дерсиз. Йўқ, албатта. Борди-ю, буни тақдир кўп кўрсачи? Тақдирнинг бундай қаҳрига сиз кўнармидингиз? (М. Қориев.) 12. Индинга сени ҳам гул кўргазмасига олиб бораман. Кўрасан!

УНДОВ ГАП

155- §. Фикрни ҳис-ҳаяжон билан ифодаловчи гаплар ундов гап ҳисобланади. Масалан: *Яшасин 1 Май байрами! Мусобақадош ҳамкасабаларимизга қизгин салом! Яша, ҳур Ўзбекистон!*

Ундов гаплар шодлик, қувонч, суюниш, қўрқув, тантана, таажжуб, қайғу, афсусланиш каби турли эмоцияларни ифодалайди ва кўтаринки интонацияда айтилиши билан бошқа гап турларидан фарқ қилади. Езувда ундов гапнинг охирига ундов белгиси қўйилади. Масалан:

Уз қилмишларингиздан уялинг. (А. Қ.) Вой, қоматингдан онанг ўргилсин! (А. Қ. Қадамларингизга ҳасанот! Шоирларимиз, санъатчиларимиз мана шундоқ йўқлаб келишса қандоқ яхши! (А. Қ.)

Ҳар қандай дарак, сўроқ, буйруқ гапларни турли ҳис-ҳаяжон билан айтиш натижасида ундов гап ҳосил қилинади. Масалан:

1. Дарак гап

Ундов гап

Ҳиди ҳам йўқдир, балки.

Ҳиди ҳам йўқдир, балки!

2. Сўроқ гап

Ундов гап

Биронта ошнаси бўлганда, шафтоли сайлига айтмасмиди?

Биронта ошнаси бўлганда, шафтоли сайлига айтмасмиди!

(А. Қ.)

3. Буйруқ гап

Ундов гап

Қўйинг, мени хафа қилгингиз келмаса, ўзингизни ўтга урманг, жон синглим.

Қўйинг! Мени хафа қилгингиз келмаса, ўзингизни ўтга урманг, жон синглим! (М. Исм.)

Айрим ундов гаплар таркибида ундовлар ва баъзи юкламалар келади: Эҳ, айб ўзимда! (М. Исм.) Ҳай-ҳай, ундай деманг, айланай! (М. Исм.)

Баъзи гапларда ундов мазмунидан ташқари, сўроқ мазмуни ҳам бўлганлигидан, гап охирида ҳам сўроқ, ҳам ундов белгилари қўйилади. Масалан: Улардан устун, ҳаёт ўзаги инсон-чи, инсон?! Ватан! Ватан! (Шухрат.) Қурилишда обрўйинг ошади, шу ердан кўтарилиб кетасан, деб айтгани келдингми?! (С. Аҳм.)

199-машқ. Ундов гапларни ифодали ўқинг. Уларнинг қандай эмоционал ҳолатни ифодалаганини аниқланг. Бош бўлақларни айтинг.

1. У гап қўзилатиш ҳақида бораётганини дарров тунди. — Сал қолди, раис. — Сал, сал! Қачон бажарилади деяпман? (С. Ан.) 2. Омон бўлсин рус халқи! Қойилман-эй, тилингиз айланганига! (Ҳ. Ғ.) 3. Эшакка тескари миндириб кел! Сазойи қилиб кел! Ҳамма кўрсин! Юзига қора сурт итваччанинг! Тез бор! (М. Исм.)

4. Айтмоқчи, бу сизларнинг аудиторияларингиз-ку! (П. Қ.) 5. Йўқолинг, менинг сиздек отам йўқ! (М. Исм.) 6. Дарҳақиқат, ўйлаб қаранг, бу қандай гап! Эҳе... қанча чўлу, қанча даштлар обод бўлади, қуш учса қаноти, қулун юрса туёғи куядиган қум ва чўлларда шаҳар ва қишлоқлар вужудга келади. (С. Назар.) 7. Йўқ, сенинг бошингни қотираётган нарса бошқа, оғайни, буни мен яхши биламан. (Ж. Абд.)

200- машқ. Дарак, сўроқ, буйруқ, ундов гапларни алоҳида-алоҳида кўчириг. Гапда дарак, сўроқ, буйруқ ва ундов мазмуни қандай воситалар билан ифодаланганини айтиг.

1. Қулогим, сизларда, меҳмонлар!—деди у тик турганича. (Ж. Абд.) 2. Илм, фан ва фикр олами ниҳоятда кенг ва чуқур. (О.) 3. Балли, Раъно, ана жиннилик!—деди дадаси,—атлас кўйлак ҳайф сенга, бўздан бошқаси, албатта, ҳайф! (А. Қод.) 4. Зап битибди-да, жонивор! (Х. Ғ.) 5. Ҳа, ҳўкиз уйларинга элтиб берилсинми? Ахир борилсин, арз қилинсин-да!!! (А. Қ.) 6. Эринг ота-онаси-дан кечсинми?—деди. (А. Қ.) 7. Сен қанақа чўққиға интилган эдинг? (А. Қ.) 8. Ўн йил! Ўн йилдан бери касал эканми? (А. Қ.) 9. Сиз йўқмидингиз? Нега йиғланади? А? Йиғланмасин! (А. Қ.) 10. Бу жойлар менга ёқади, жуда-жуда! (Ж. Абд.) 11. Сен чала қолган ерларинггагина ачиняпсан,—деди Бектемиржон, ҳаммасига. (Ж. Абд.)

СЎЗ БИРИКМАСИ

156- §. Гапда сўзлар бир-бири билан боғланган бўлади. Бу боғланиш маълум грамматик қонун-қоидалар асосида аниқлашади. Масалан: *Ҳусниддин шахримиздаги бошқармалардан бирида хизмат қилади.* (Мирм.) гапида грамматик жиҳатдан шаклланиб, ўзаро боғланган бирикмалар мавжуд:

1) *Ҳусниддин хизмат қилади;* 2) *бошқармалардан бирида хизмат қилади;* 3) *шаҳримиздаги бошқармалардан бири;* 4) *шаҳримиздаги бошқармалар;* 5) *бирида хизмат қилади.*

Ҳар бир сўз бирикмаси камида икки мустақил сўздан ташкил топади. Ҳар икки сўз биргаликда мураккаброқ тушунчани англатиш учун хизмат қилади. Демак, ўзаро семантик, грамматик жиҳатдан боғланган икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзлар қўшилмаси сўз бирикмаси дейилади.

Сўз бирикмасининг юқорида келтирилган кўришишлари эркин бирикма саналади. Эркин бирикмаларни турғун бирикмалардан фарқ қилиш керак. Чунончи, *бош кўтармоқ, кўзи учмоқ, тахта бўлиб қолмоқ* каби иборалар ҳам структурасига кўра сўз бирикмаси ҳисобланади, ammo бу бирикмалар таркибидаги сўзлар гап бўлаги сифатида ажратилмайди, чунки улар нутқ пайтидан олдин ўзаро бириккан ҳолда мавжуд бўлади, нутқда ҳам шу ҳолича қўлланади, ҳозир бузилмас бирикма ҳолатига келиб қолган. Бундай бирикма таркибидаги сўзларнинг ҳар бири мустақил тушунча билдирмай, бутунича кўчма маъно ифодалайди, гапда ҳам битта вазифада келади. Бирикмаларнинг бу турлари турғун бирикмалар саналади.

Эркин бирикмалар синтаксиснинг ўрганиш манбаидир. Унда ўзаро боғланиб келаётган ҳар бир сўз мустақил тушунча билдиради, гапнинг бўлаги вазифасида келади, алоҳида сўроққа жавоб бўлади.

157-§. Сўз бирикмасини *қўл қўймоқ, имзо чекмоқ, яланг оёқ, бош яланг* каби кўшма сўзлардан ҳам фарқлаш лозим. Кўшма сўзлар сўз бирикмаси каби маълум даражада мураккаброқ тушунчани ифодаласа-да, содда сўз каби гапда биргина гап бўлаги вазифасини бажаради, сўз бирикмаси (эркин бирикма) таркибидаги сўзлар эса, юқорида айтиб ўтилганидек, алоҳида-алоҳида гап бўлаги вазифасида келади. Сўз бирикмаси синтактик категория сифатида синтаксисда ўрганилса, кўшма сўзлар қайси сўз туркумига ~~олдинига~~, хослигига кўра морфологияда ўрганилади, лексик маъносига кўра лексикологияда ҳам текширилади. Кўшма сўз таркибидаги сўзлар маълум даврда маълум синтактик муносабатда бўлган, албатта. Лекин бу синтактик алоқа ҳозир унутилган бўлиб, боғланма таркибидаги сўзлар битта кўшма сўз ҳолатига келиб қолган. Масалан: *бешиктерватар — бешикни тебратмоқ, отбоқар — отни беқмоқ, шолпоя — шолининг пояси.*

201- машқ. Кўчиринг. Сўз бирикмаларини аниқланг.

1. Ой кўкда мағрур сузади. Унинг ҳусн-жамолига қанчадан-қанча севишган қалблар шайдо кўзлари билан термуларкан. Ой шуъласи нафис ва шаффоф. У жозиба кучи билан киши қалбини иситади, юракда ҳали йўқ ҳиссиётларни уйғотади, кейин уни аста-секин алангалатади. Айниқса, навбаҳор кезларида бундай кечалар гоят сеҳр-

ли ва мўъжизакордир. (М. Қориев.) 2. Уша йили Абдул-лаларнинг синфига янги бола келди. (У. У.). 3. Ҳовлида оёқ шарпасини эшитиб, ўгирилиб қаради. (О. Е.)

202- машқ. Гапларни сўз бирикмаларига ажратиб кўчиринг. Бирикмаларнинг турларини аниқланг. Кўп бўлақларини ва уларнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганини тушунтиринг.

1. Улар сандал атрофига ўтиришди. (Р. Ф.) 2. Яқиндагина келтирилган болалар ҳали хоналарга жойлашмаган. (Р. Ф.) 3. Темирчилар бирин-сирин коржомаларини ечиб чекка-чеккада ўтиришди. (Р. Ф.) 4. Полиз ям-яшил бўлиб яшнаб ётибди. (О. Е.) 5. Ашрафжоннинг овози тўсатдан ўзгариб, шиддатли янгради. (О. Е.) 6. Думалоқ, лўппи юзли бу йигит Ботирнинг эски таниши эди. (С. Назар.) 7. Қишлоқ активлари деҳқонларнинг аксарияти билан гапни пишириб қўйишди. (И. Сулаймон.) 8. Қиз бувисининг кўзини шамғалат қилиб, яна бурилиб қаради. (И. Сулаймон.) 9. Қўлимдаги адресга кўра ҳарбий академияни қидириб топдим. (F. F.) 10. Болаларнинг қувноқ шовқини, шод қийқириқлари уни ҳурсанд қилиш ўрнига, аксинча, асабини кўзгатди. (X. F.) 11. Заргарларнинг, косибларнинг, кулолларнинг бозорлари ҳам чаққон эди. (П. Т.)

СУЗЛАРНИНГ УЗАРО СИНТАКТИК МУНОСАБАТИНИ ИФОДАЛОВЧИ ВОСИТАЛАР

158- §. Гапдаги сўзлар ўзаро синтактик алоқага киришган — ўзаро боғланган бўлади. Бу синтактик муносабат турли-туман воситалар орқали шаклланади.

1. Сўз ўзгартувчи аффикслар — келишик, эгалик, шахс-сон аффикслари сўзларнинг ўзаро боғланишида, синтактик муносабатнинг аниқлашувида энг фаол восита ҳисобланади. Масалан: *Биз Ватанимизни жон-дилдан севамиз* гапида -имиз, (эгалик), -ни (келишик), -дан (келишик), -миз (шахс-сон) аффикслари сўзларнинг гапдаги муносабатини, ўзаро боғланишини ифодалаб келмоқда.

2. Ердамчи сўзлар (кўмакчи, боғловчи, боғлама) ҳам сўзларни бир-бири билан боғлайди ва бу билан синтактик алоқанинг ифодаланишида муҳим роль ўйнайди: *Қалам билан ёздим. Укам учун олдим. Рўзнома ва ойномаларга обуна бўлдим. Имтиҳон ва синовларни топширдим* каби.

3. Сўз тартиби — сўзларнинг ўзаро синтактик муно-

сабатга киришувини таъминловчи воситалардан бири. Масалан: *ойдин кеча, яхши бола, темир йўл* каби. Бирикма таркибидаги сўзларнинг ўрни алмаштирилса (тартиби ўзгартирилса), маъно бутунлай ўзгариб кетади: *ойдин кеча* — сифатловчили бирикма; *Кеча ойдин* — эга ва кесим (предикатив бирикма).

4. **Интонация** ҳам синтактик алоқанинг бир тури бўлиб, бирикма таркибидаги сўзларни боғловчи воситалардандир. Интонация синтактик алоқанинг турини, сўз бирикмасининг хусусиятини кўрсатади: *Бу китоб...* **С о л и ш т и р и н г:** *Бу — китоб; Кўп қаватли / бино.* **С о л и ш т и р и н г:** *Кўп / қаватли бино.*

203-машқ. Гапларни кўчириг. Сўз ўзгартувчи аффикслар орқали синтактик муносабатга кирган сўзларни ва шу сўзлардан таркиб топган бирикмаларни аниқланг.

1. Сутдек оппоқ тонг отяпти. (*Х. Т.*) 2. Ногаҳон боланинг кўзи ўзидан йигирма қўдамча нарида турган юмронқозиққа тушди. (*О. Ҳ.*) 3. Институтнинг пастки курслари шаҳар атрофида мудофаа иншооти қуришга ёрдамлашгани чиқиб кетган. (*Ш.*) 4. Соё бўйидаги мажнунтоллар панасида бир йигит билан қиз шивирлашиб гаплашмоқда эди. (*П. Қ.*) 5. Тоҳир орқасига ўгирилиб Қувасойнинг қуйи томонларига кўз югуртирди. (*П. Қ.*)

66-топшириқ. Берилган сўзларни қатнаштириб, сўз бирикмалари тузинг. Сўз бирикмасида сўзлар қандай воситалар билан муносабатга киришганини тушунтириг.

1. Ватан, бахт, ота, она, шамол, серсават, қизил, янги, катта, ҳамма, ҳеч, нарса, биз, ўзи, ёз, кел, кет, бор, узоқ, кўп, беқиёс, кўн, бўйи, бу, ер, кеча, кундуз.

204-машқ. Аффикслар воситасида синтактик муносабатга киришган бир нечта гап тузинг.

205-машқ. Гапда сўз тартиби ва интонация орқали алоқага киришган сўз бирикмаларини аниқланг.

1. Ҳаммамиз буталар панасига ўтиб ўтирдик. (*О. Ҳ.*) 2. Ҳаммаси боғчадагидек бир тартибда жойлаштирилган. (*Э. А.*) 3. Нозик, эпчил бармоқлар орасида беозоргина ушланган ингичка игна дўппи юзида нафис излар қолдириб борди. (*М. Исм.*) 4. Очиқ деразадан Шодасойнинг салқини билан қаердандир пишган беҳи ҳиди анқиб кирди. (*Ас. М.*) 5. Ёшлик йиллар, олтин дамлар ана шундай ўтаверади. Уқиш ҳам ўз йўли билан бораверди. (*М. Қориев.*) 6. Остонада жуссаси кичикроқ чўзинчоқ

юзли, сийрак сарғиш сочли, бошига эскириброқ қолган чуст дўппи, эгнига коломенка китель кийган йигит пайдо бўлди. (С. Ан.) 7. Тоғ ҳавоси жудаям иссиқ эмас эди. (О. Ҳ.) 8. Ҳамма корхоналарда бирдай иш тугагани учун бекат зум ўтмай одамларга тўлди. (Ж. Абд.)

67- топшириқ. «Менинг севган касбим» деган темада ёзма иш ёзиб, сўзларнинг қандай воситалар орқали боғланганини изоҳланг.

ТЕНГ ВА ЭРГАШ БОҒЛАНИШ

159- §. Сўзларнинг гапдаги синтактик алоқаси икки хил бўлади: **тенглашиш ва эргашиш (тобеланиш)**. Гапда бир хил вазифада келган бўлақларнинг тенг боғловчилар воситасида ёки санаш интонацияси орқали боғланиши **тенг боғланиш** деб аталади. Масалан: *Урик ва бодом гуллади. Урик, бодом гуллади* каби. Тенг синтактик алоқада бўлган бўлақлар орасида тобелик бўлмайди. Эргаш боғланиш эса бири ҳоким, бири тобе бўлган гап бўлақларининг синтактик алоқасини ифодалайди. Масалан: *бизнинг хўжалигимиз; китобни ўқимоқ; қизил гуллар* каби бирикмаларда *бизнинг, китобни, қизил* сўзлари тобе, *хўжалик, ўқимоқ, гуллар* ҳоким сўзлар ҳисобланади.

Тобе сўз ҳоким сўзни бирон-бир томондан аниқлайди, тўлдиради ёки изоҳлайди. Тобе сўз, одатда, бирон келишик аффиксини қабул қилади ёки у кенг маънода белги билдирувчи сўз билан ифодаланади (*яхши бола, пўлат сандиқ* каби).

Сўзларнинг эргашиш йўли билан боғланиши уч хил бўлади:

1. Мослашув. 2. Бошқарув. 3. Битишув.

1. **Мослашув.** Ҳоким ва тобе сўзнинг шахс-сонда ўзаро мослашиб келиши **мослашув** саналади. Масалан: *Биз ўқидик. Рустам ўқиди. Менинг укам. Бизнинг хўжалигимиз* каби.

Бу бирикмаларнинг биринчи ва иккинчисида *ўқидик* сўзи *биз* сўзи билан, *ўқиди* сўзи *Рустам* сўзи билан шахс (I шахс, III шахс) ва сон (кўплик, бирлик) да мослашиб келяпти. Кейинги бирикмаларда эса *мен* сўзи билан *ука* сўзи, *биз* сўзи билан *хўжалик* сўзлари қаратқич ва қаралмиш муносабатида шахс-сонда ўзаро мослашиб келмоқда.

206- машқ. Матндан мослашув йўли билан боғланган бирикмаларни топиб, мослашув алоқасини кўрсатувчи аффиксларни тушунтиринг. Отларни топиб, уларнинг тузилиши ва ясалишини изоҳланг.

1. Отасининг келиб-кетгани Аъзам ҳаёлини ўғирлаган эди. (Ш.) 2. Навоий шарафига тантанали қабул маросими ўтказилди, зиёфат берилди. (Л. Батъ.) 3. Унинг плани жўн ва умидли эди. (У. Умарзода.) 4. Заҳар солмоқ эмиш касби илоннинг, зулм аждарлари озори жоннинг. (Уйғун ва И. Султон.) 5. Аслида совхозимизнинг яйловлари атиги ўттиз саккиз минг қўй-қўзини тўйдирishга қодир. (С. Ан.) 6. Мен шу ерда қоладиган бўлдим, сизлар энди кетаверинглар, Самаржон, сиздан бир илтимос, бизнинг уйга телефон қилиб айтиб қўйинг. (М. Қориев.) 7.—Форобийнинг таълимотини қайси оқимга мансуб, деб биласиз? (А. О.) 8. Низомжон бошидан кечирганларини завқланиб гапириб берди. (С. Аҳм.)

68-топшириқ. Қуйдаги сўзлар иштирокида мослашув муносабатидagi бирикмалар тузинг. Бир-биридан фарқини тушунтиринг.

Мен, китоб, ўқувчи, синфдош, курсдош, гул, ўқимоқ, учрашмоқ, йиғилмоқ каби.

2. **Бошқарув.** Тобе сўзнинг ҳоким сўз талаб қилган келишик аффиксини олиши (бош ва қаратқичдан ташқари) ёки кўмакчи билан келиши **бошқарув** дейилади. Масалан: дарсни *тайёрламоқ*, *имтиҳонга тайёрланмоқ*, *сиздан кичик, қалам билан ёзмоқ*, *пахта учун курашмоқ* каби боғланишларда *тайёрламоқ*, *тайёрланмоқ*, *кичик*, *ёзмоқ*, *курашмоқ* — ҳоким сўзлар талабига кўра тобе сўзлар келишик қўшимчалари (**-ни**, **-га**, **-дан**) ёки кўмакчилар (*билан*, *учун*) билан қўлланади.

Бошқарув муносабатида ҳоким сўз вазифасида кўпроқ феъллар келади (*ватанни севмоқ*; *Гулни севган*, *тиканни ҳам севади* каби), аммо ўрни билан сифатлар ва равишлар ҳам ҳоким сўз вазифасида қўлланиши мумкин (*жондан азиз*, *шакардан ширин*, *сендан катта*, *отдан баланд* каби).

Одатда, келишик аффикси ва кўмакчилар билан келган сўзлар (улар кўпроқ тўлдирувчи ва ҳол бўлади) кесим томонидан бошқарилади (кесим феъл, от, сифат, равиш, модал сўзлар билан ифодаланиши мумкин). Бошқарувда кесим (ҳоким сўз) бошқарувчи, тўлдирувчи ёки ҳол (тобе сўз) эса **бошқарилувчи** дейилади.

207-машқ. Гаплардан бошқарув йўли билан муносабатга киришган сўз бирикмаларини аниқлаб, уларнинг қандай келишиклар ёрдамида ўзаро алоқага киришганини тушунтиринг.

1. Қозоннинг қулоғини қай тарафдан қўйиш дегрез ихтиёрида. (А. О.) 2. ...Қабулхонадан чиқаркан, зимма-

сига олган юкининг оғирлигини ўйларди. (И. Р.) 3. Ҳазратовнинг дардағасидан бошқа ҳеч нарсани англаёлмадим. 4. Деразадан кираётган шабада календарни варақлай бошлади. (И. Р.) 5. Ботир онасининг таъзиялари ўтгандан кейин холасининг бир оғиз гапи билан шу ерга келган эди. (Р. Ф.)

69- топшириқ. Тубандаги сўзлар иштирокида бошқарув муносабатидаги сўз бирикмалари тузинг.

Уқимоқ, китоб, дарс, гапирмоқ, ёзмоқ, юрмоқ, кесмоқ, бошламоқ, тингламоқ, боғламоқ, эшитмоқ, кетмоқ, бормоқ, қатта, яхши, гўзал, тез, баланд, паст.

3. Битишув. Битишувли алоқада ҳоким сўз тобе сўз билан асосан тартиб ва интонация ёрдамида бирикади. Масалан: *аълочи студент, ақлли бола, чаққон қиз, этиборли киши, биринчи курс, шошиб гапирди, туртиниб юрди, шиқ-шиқ тугма, тез юрди* каби.

Битишувда тартиб етакчи роль ўйнайди. Шунинг учун тартибнинг ва интонациянинг (оҳангнинг) ўзгариши бундай алоқа асосида ташкил топган сўз бирикмасининг грамматик характери ҳам ўзгарилади. Солиштиринг: *гўзал боғ* (битишув), *боғ гўзал* (мослашув).

Сифатловчи ва сифатланмиш (*чаққон қиз*), равиш ҳоли ва феъл кесим (*жилмайиб гапирмоқ*) ўзаро битишув йўли билан алоқага киришади. Аниқловчи вазифасидаги ёки ҳолат билдирувчи сўзлар асосан тобе сўз, аниқланмиш ёки кесим вазифасидаги сўзлар эса ҳоким сўз бўлади.

208- машқ. Матнни кўчининг, битишув йўли билан алоқага киришган сўз бирикмаларини аниқланг.

1. Яхши қанд едирар, ёмон панд едирар. (*Мақол.*)
2. Заргаров саҳродаги ишларнинг миқёсини яхши тасвирлаб берди. (*Ас. М.*) 3. Ут ўчирувчи машиналар кетмакет етиб келиб, тўппа-тўғри алангага ўзини урди. (*И. Р.*)
4. Унинг кўйлагига чиққан тер эгри-бугри ва оппоқ из солиб, қотиб қолган эди. (*Ш.*) 5. У онасининг тоғдай юраги, қуёшдай иссиқ меҳри олдида ўзини ожиз сезгандай бўлди. (*Ш.*) 6. Дунёда гўзал, лобар қизлар камми? (*Ш.*)

209- машқ. Гапларни намунадагидек таҳлил қилинг. Бундаги алоқаларни аниқланг. Сўзлар ўртасида эргаши алоқа қандай восита ёрдамида шаклланиганини тушунтиринг.

1. Уларнинг бу хонаки мунозараси ўша кун парма-

чиларнинг йиғилишида ҳам давом этди. (И. Р.) 2. Нодировнинг хонаси одамга лиқ тўла эди. (И. Р.) 3. Мактабнинг катта залида созандалар саф тортиб музика чалишмоқда. Ёшлар бирин-кетин рақсга тушмоқда. 4. Тонг бўзариб ёришди. (Ш.) 5. Йўлчи Унсинни эшик олдида тўхтатди. (О.) 6. У хонадан чаққон юриб чиқиб кетди. (Ж. Абд.)

Намун а: *Колхознинг ҳисоб-китоб ишларини Одил эплаб турибди.*

1) *Одил эплаб турибди* — (мослашув, III шахс birlikда шаклланган);

2) *Колхознинг ишлари* — (мослашув, III шахс);

3) *ҳисоб-китоб ишлари* — (битишув, сўз тартиби);

4) *ишларини эплаб турибди* — (келишликли бошқарув ва битишув).

210- машқ. Мослашув, бошқарув муносабатигаги сўз бирикмаларини топинг. Уларнинг боғланишидаги фарқларни чизмада кўрсатинг.

1. Ҳамро ака Мансуровнинг товушидан ўзини бепарволикда айблаб, таъна қилаётганини сезди, қовоғини солди, оғирлигини бир оёғидан иккинчи оёғига ағдарди. (С. Ан.) 2. Зум ўтмай ичкаридан икки боланинг баравар йиғлаши эшитилди. (У. Ҳ.) 3. Ширин хаёллар, яхши орзулар оғушидаман. (М. Қориев.) 4. Камолов яна бир колхоз даласини кўздан кечиргач, «Октябрь» колхозига томонга жўнади. (С. Назар.) 5. Қуёш ҳали Шарқдан бош кўтармасдан, ер бетини худди докадай юпқа туман пардаси қоплаган эди. (Ф. Ниёзий.) 6. Дала райҳонларининг бинафша гуллари киши кўзини ўйнатади. (С. Ан.) 7. Ермат шаҳардан пиёда қайтиб, ўлгудай ҳоригани учун ҳамма отларга Йўлчи қаради. (О.)

Гапларнинг тузилишига кўра турлари

160- §. Гаплар тузилишига кўра икки турли бўлади: содда гаплар, қўшма гаплар.

Таркиби айрим гапларга бўлинмайдиган гаплар содда гаплар саналади: *Поччам Лабзакда туради.* (О.) *Бунда икки юздан ортиқ бола дам олади* (С. Аҳм.)

Икки ёки ундан ортиқ содда гаплардан ташкил топган гаплар қўшма гаплар ҳисобланади: *Қизиқ экансан, нега энди атайлаб йиқитсин, сенда қасди борми?* (М. Қориев.) *Қиш бўлмайди, қўй текин, она-болалик фил тўрт танга.* (Ғ. Ғ.) *Мард бир ўлар, номард юз ўлар.* (Мақол.)

211-машқ. Қуйидаги гапларнинг тузилишига кўра содда ёки қўшма гап эканлигини аниқланг. Содда гап қисмларини бирикмаларга ажратиб кўринг.

1. Имомов дўнг бошида чўнқайиб, дарахтларга кўмилган район маркази томонга назар солди. (Э. А.)
2. Эски деворларни бузаётган бульдозерга тикилди, бирдан тутақиб кетди. (Мирм.)
3. Русановнинг билин-дажига бор, дўстларинг кутиб қолишди. (Х. Ф.)
4. Бошқа хоналарда чироқ ўчибди. Болалар ухлаб қолишибди... (С. Ан.)
5. Отабек хомуш ўтирар, Ҳасанали эса унинг холини таъқиб этмоқда эди. (А. Қод.)
6. Шу тобда бирдан эшик очилди-ю, талабалардан бири хужрага бошини суқди. (О.)
7. Қимирлаган қир ошар. (Мақол.)
8. Тинчлик урушни енгади! Яшасин тинчлик!
9. Сабрим чидамай, юқорига интилдим. (Х. Ф.)
10. Йўлларга тушиб қолган кесакларга қоқилиб, уйдим-чуқурларга оёғи тушиб, мункиб юра бошлади. (Мирм.)

161-§. Содда гаплар дастлаб икки турга бўлинади: **икки составли гаплар, бир составли гаплар.**

Эга ва кесими мавжуд бўлган гаплар **икки составли гап** ҳисобланади: *Кулмоқ ҳамиша умрни узайтиради.* («Аския».)

Икки составли гап эга ва кесимнинг ўзидангина таркиб топган бўлиши ҳам мумкин. Бу икки составли гапнинг энг содда кўриниши саналади. Бундай гап **содда йиғиқ гап** дейилади. Масалан: *Баҳор келди. Уқиш бошланди. Биз жўнадик* каби. Эга ва кесимдан ташқари, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол иштирок этган гаплар **содда ёйиқ гап** дейилади: *Дуторимнинг торлари қўш булбулдай куйлайди.* Ё эга состави, ё кесим состави мавжуд бўлган содда гап **бир составли гап** ҳисобланади: *Субҳидам. Қуёш ётоғидан бош кўтарди.* (П. Қ.) *Субҳидам*— бир составли гап. *Залда тартиб сақлансин!* Бу кесим составидан тузилган бир составли гап.

Бир составли гап бир сўздан ҳам, бир неча сўздан ҳам тузилиши мумкин. Масалан *Июнь. Қуёш олов сочади. Ям-яшил ётлоқ! Хулқар бу ерга келса, қандай қувонади.* (П. Қ.)

212-машқ. Икки составли ва бир составли гапларни аниқлаб, уларни алоҳида-алоҳида кўчиринг.

1. Ҳаёт қизиқ! Толибжон ҳеч шундай бўлади, деб ўйламаган эди. (Ш. У.)
2. Ҳаво иссиқ. Жийда япроқлари қимир этмасди. (Ж. Абд.)
3. Умидли дунё. Ишонч билан яшаганнинг иши ўнгидан келаверади. (Ж. Абд.)
4. У ер-

ларда ўрмонлар, боғлар барпо қилишнинг аҳамияти чи-
зиб берилади. (Ж. Абд.) 6. Бу хаёлнинг ҳаммасини
ҳақиқатга айлантириш керак. Мумкин эмасни қийиндан
ажратиш керак. Хатодан жиноятни айира билиш керак.
(А. Қ.) 6. Дарс гўё бир дунёга ўхшайди. Унинг поёни
йўқдек... Бир кунда келинчакдек бир неча бор турлана-
ди. (М. Қориев.) 7. Тўй, бахт, омонлик. Лекин дил тинч
эмас. (Ҳ. Ғ.) 8. Машинада бир оз юриб, тепаликка кўта-
рилдик. Пастда қўйлар ёйилиб юрибди. (С. Ам.)

БИР СОСТАВЛИ ГАПЛАР

162- §. Содда гаплар эга ва кесимнинг мавжудлигига
қараб бир составли ва икки составли бўлади.

Икки составли гапларда бош бўлақлар — эга ва ке-
симнинг иккиси ҳам мавжуд бўлади: *Дугоримнинг тор-
лари қўш булбулдай сайрайди.* (Қўшиқдан.) *Маҳмудхон
шаҳарга кетди.*

Бир составли гаплар ё эга составидан, ёки кесим сос-
тавидан ташкил топади: *Ойни этак билан ёпиб бўлмас.*
(Мақол.) *Чекилмасин* — бу гаплар фақат кесим тарки-
бидан иборат. *Қиш. Ҳамма ёқни қор қоплаган. Баҳор.
Ҳамма ёқдан атиргуллар ҳиди анқийди.* Бу гаплардаги
қиш, баҳор сўзлари бир составли гап бўлиб келган.

Бир составли гаплар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Шахси аниқ гаплар.
2. Шахси ноаниқ гаплар.
3. Шахсиз гаплар.
4. Атов (номинатив) гаплар.

163- §. Шахси аниқ гаплар. Кесими феъл билан ифо-
даланиб, ҳаракатни бажарувчи шахс ёки предмет —
эгани бевосита кўрсатиб турадиган бир составли содда
гап шахси аниқ гап дейилади. Чунки бундай гапларда
эга мустақил ифодаланган бўлмайди. Гапнинг кесими
биринчи ва иккинчи шахсдаги феъл билан ифодаланади.
Улар кўпроқ диалогик нутқларда қўлланади. Масалан:
*Қўшиқ деб ёздим юрак унларини. Уйлаб қарасам, муло-
ҳаза қилиб кўрсам, сизнинг ўзингиз қўшиқ экансиз.
Билмаймиз, қачонлардан бери юракда яширин эди бу
туйғу. Уни курашиб, изтироб чекиб ҳам юракдан чиқа-
риб ташлай олмадим.* (М. Қориев.)

213- машқ. Бир составли гапларни ажратиб кўчиринг. Эга
составидан ташкил топган гапларни алоҳида-алоҳида кўчиринг.

Уста Мўмин яккақўл бир, косиб эди. Асрорқул унинг дамини босиб, бўлак ишларига қарашиб, дўқонида ётиб юрди. Бу одам ўзи ўттиз бешларга бориб қолган бўлса ҳам, бола-чақа қилолмаган, отасидан қолган мерос — тегирмонни айлантириб, кунини ўтказиб юрган экан. Кейинчалик Ҳайдар ота иккови ошна бўлиб қолди. Ҳайдар ота баъзан кечалари унинг олдига кириб, бирпас-яримпас гаплашиб ўтирадиган бўлди. Шунда Асрорқул тегирмони тўғрисида гапириб хафа бўлаверганидан кейин Ҳайдар ота бир куни Ултармага бориб, тегирмондан хабар олди. Асрорқул қочгандан кейин Ултарманинг амин-оқсоқоли тегирмонни «пошшолик бўлди» деб ўзиники қилиб олган экан.

Орадан бир неча ой ўтиб, бир кун Ҳайдар ота шаҳарга борган эди, «оқ пошшо тахтдан тушди» деган гапни эшитиб қолди. «Ундоқ бўлса тезроқ бориб Асрорқулдан суюнчи олай» деб келса, Асрорқул йўқ: бу хабарни аллақачон эшитиб, Ултармага жўнабди. Лекин икки ҳафтadan кейин бўшашганича қайтиб келди. Ҳайдар ота «ҳа?» деса, «Оқ пошшо тахтдан тушгани билан оқ амин аминлигидан тушмабди», — деди (А. Қ.)

164- §. Шахси ноаниқ гаплар. Бош бўлаги феъл билан ифодаланиб, ҳаракат бажарувчи шахсни аниқ кўрсатмайдиган бир составли гап шахси ноаниқ гап дейилади. Шахси ноаниқ гапнинг бош бўлаги III шахсдаги феъл билан ифодаланади, лекин бажарувчи шахс аниқ кўрсатилмайди. *Қуш эдим, қанотимни қайирдилар. (Ҳ. Ҳ.) Кўчатни кўпинча баҳорда экадилар.* Бундай бир таркибли гапларда асосий эътибор ҳаракатга қаратилади.

214- машқ. Шахси ноаниқ гапларга 6 та мисол келтиринг, уларнинг шахси аниқ гаплардан фарқини тушунтиринг.

165- §. Шахсиз гаплар. Бош бўлак орқали ҳаракат бажарувчи шахсни топиш мумкин бўлмаган гаплар шахсиз гаплар дейилади. Бу тип гапларда ҳаракат бажарувчи умуман қатнашмайди, уни киритиш мумкин эмас. Шахсиз гапларнинг бош бўлаги учинчи шахс формасидаги феъл билан ифодаланиб, кўпинча составли бўлади:

а) равишдош ва бўлмоқ феълидан: *Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. (Мақол.)*

б) шарт майли, ҳаракат номи ва керак, зарур, даркор, тўғри келади, мумкин сўзларидан: *Ишни ўз вақтида бажариш керак каби.*

215- машқ. Берилган гаплар ичидан шахсиз гапларни топиб, уларга тавсиф беринг. Кесимларнинг ифодаланишини тушунтиринг.

1. Шундай қилиб, ясама қор одамни идорага олиб борибдилар. (О. Ҳ.) 2. Кўп ўтмай тандир кабобни очиш маросимини бошлашди. (О. Ҳ.) 3. Айтадиган гаплари кўп бўлса ҳам, айтолмай бир-бирларига қараб туришаверишади. (С. Аҳм.) 4. Ватан, менинг ишқ-муҳаббатим қуёш каби асло қаримас. 5. Бу ерда ўртоқ Эргашевнинг ҳушёрлигига тан бериш керак. (А. Қ.) 6. Эшик очиқ бўлса ҳам, сўраб кир. (Мақол.) 7. Дехқон бўлсанг, куз ҳайда, куз ҳайдамасанг, юз ҳайда. (Мақол.) 8. Бу чақириққа «лаббай» деб жавоб бериш лозим. 9. Кўнгилга армон бўлмасин деб, чиллаёсин ҳам қилдиришга тўғри келди. (А. Қ.) 10. Ҳақиқатан, қизиқ бир ном: ҳайвонларнинг ошқозонини «ишкамба» дейдилар. (С. А.) 11. Водилга шу йўлдан борилади. Пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун кўп чора ва тадбирлар амалга оширилсин. 12. Тун. Ҳамма ширин уйқуда ётибди. (О. Ҳ.)

166- §. Атов гаплар. Бирор предмет ёки ҳодиса-воқеанинг нутқ сўзланиб турган пайтда мавжудлигини кўрсатадиган бир составли гаплар атов гаплар дейилади. Атов гаплар от ёки отлашган сўзлар билан ифодаланади. Улар бир сўз билан ифодаланганидек, бир неча сўз билан ҳам ифодаланиши мумкин.

Атов гапдан кейин одатда унинг мазмунини аниқлаштирувчи гап келиши талаб қилинади. Масалан: *Уй жимжит. Демак, тинчлик. (Ҳ. Ғ.) Субҳидам. Қуёш ётоғидан бош кўтарди. (П. Қ.) Майнинг охири. Кундуз соат тўрт чамаси. Янги шаҳар кўчалари. Илк баҳор шамоллари ёқимли эсади.*

216- машқ. Атов гапларни ажратиб кўчиринг. Унинг нечта сўз, қандай бирикмадан ташкил топганини айтинг.

* 1. Ям-яшил ўтов, Хулкар бу ерга келса, қандай қувонади. (П. Қ.) 2. Қип-қизил саратон қуёши. Мулойим жилмайиб саховат билан нур соча бошлади. (У. Ҳ.) 3. Ҳовли зим-зиё. Ариқдаги сув шалдираб оқади. (Ҳ. Ғ.) 4. Уруш. Ойниса айвон устунига суянганича қотиб қолди. (Ҳ. Ғ.) 5. Қўшиқ. Санъатнинг бу турини севмаган ким бор. 6. Меҳмонлар ҳамма билан қучоқлашиб кўришдилар. (О. Ҳ.) 7. Меҳнат. Меҳнатнинг таги роҳат. 8. Хунар. Хунардан ризқинг унар. (Мақоллар.)

167- §. Сўз-гаплар. Бир сўздан иборат бўлиб, эга ва

кесим составига ажралмайдиган, бошқа сўзлар билан кенгая олиш имкониятига эга бўлмаган гаплар сўз-гаплар дейилади. Улар тасдиқ, инкор, сўроқ, таажжуб, ҳис-ҳаяжон кабиларни ифода этиб, контекст билан деярли боғлиқ бўлади. Сўз-гаплар, асосан, экспрессив-модал муносабатларни ифода этгани учун ҳам кўпроқ диалогик ва баъзан монологик нутққа хосдир. Масалан:

— Энди сўзингиздан айнаманг, хўпми?

— Майли, — деди Фазлиддин. (О.)

— Йўқ, — деди Отабек, лекин унинг таажжуби уй эгасига очик кўриниб турар эди. (А. Қод.)

Йўлчи эшикчани очиб кирди:

— Ассалом, Ҳорманг, ота! (О.)

Кишилар ўртасидаги оддий муомалада тез-тез ишлатилиб турадиган бир сўзли ёки фразеологик характердаги этикет бирикмалар сўз-гаплар вазифасида қўлланадиган бўлиб қолган: *салом, ассалом, ёқимли иштаҳа, марҳамат, саломат бўлинг, қуллуқ, ош бўлсин, яхши боринг, хуш кўрдик, лаббай, жоним билан, бажонидил* кабилар.

217- машқ. Берилган гапларнинг турини айтинг. Сўз-гапларнинг ифодалаётган маъносини тушунтириб беринг.

1. — Машиначингиз менга ёқмади, какеткани ўхшатоилмас экан. Бошқасини топамиз. — Хўп. (Ҳ. Ғ.) 2. — Тешавой, сой бўйида кутиб турмоқчимисиз? — Ҳа. (Ҳ. Ғ.) 3. — Юқоридан бирон нима олиб келишларини айтдим. — Раҳмат. Одамларни чақиртирдингизми? 4. М а р а с у л: ...Мен сизни доктор қиламан, академик қиламан! Н а с и б а (кулимсираб): Ростми? (А. Қ.) 5. Ҳа, лаббай? Салим Салимов? Хўш, хўш? Билетни олди? Тайёрланяпти? Хайрият. (Ҳ. Ғ.)

70- топшириқ. Ўзингиз биронта бадний асардан турли маънодаги сўз-гапларга мисоллар топиб уларни изоҳлаб беринг. Одоб-ахлоқ тарзидаги сўз-гапларга мисол топинг.

168- §. Тўлиқ ва тўлиқсиз гаплар. Гаплар нутқ мақсади талабига мувофиқ тўлиқ ва тўлиқсиз ҳолда айтилади.

Тўлиқ гапларда нутқ мақсади учун талаб қилинган барча гап бўлаги мавжуд бўлади: *Тўғри сўз қиличдан ўтқир. (Мақол.) Машраб вужуди қалт-қалт титраб чангал орасидан аста мўралаб қаради. (О. Ё.)*

Тўлиқсиз гапларда нутқ мақсади учун талаб қилинган зарур гап бўлакларидан бири ёки бир нечтаси нутқ

услуги талабига кўра иштирок этмайди. Аммо ифода-ланмаган бўлак нутқ жараёни ва контекстан англаши-либ туради. Масалан:

- *Сизлар қачон далага жўнайсизлар?!*
- *Бир оз тайёргарлик кўриб бўлайлик.*
- *Вақт алламаҳал бўлди-ку?!*
- *Бўлдик, кетяпмиз.*

Тўлиқсиз гап тузилиши тўлиқ гапдаги айрим бўлак-ларнинг эллипсис («тушириш») ҳодисасига учраши на-тижасида шаклланади. Гапда қуйидаги гап бўлаклари эллипсисга учраши ва шу йўл билан тўлиқсиз гап шакл-ланиши мумкин.

1. Кесим туширилади:

- *Йўл бўлсин?*
- *Мактабга.*

2. Кесимга тобе сўзлар (ҳол, тўлдирувчи) туширилади:

- *Бугун жўнайсанми?*
- *Жўнайман.*

3. Эга ва кесим туширилади:

- *Маҳмуджон нималар ҳақида сўзлади?*
- *Мактаб-тажриба участкаси ҳақида.*

Тўлиқсиз гапларда тиниш белгилари қуйидагича иш-латилади:

1. Тўлиқсиз гап охирига нуқта қўйилади:

- *Қаёққа отланяпсиз?*
- *Тоққа.*

2. Тўлиқсиз гаплар олдинги гапдан тире билан ажрати-либ, доим янги сатрдан ёзилади:

- *Ўзим ҳам тасодифан эшитдим. Қосимов ғам-ғус-сасини ичига ютиб юрипти. Ўзинг бор, ҳол-аҳвол сўра.*
- *Албатта, бораман.*

3. Қетма-кет сўроқ билдирувчи тўлиқсиз гаплардан кейин сўроқ белгиси қўйилади:

- *Нега биз билан хурсандчилик қилгингиз келмай-ди?*
- *Шу дамда кўнгулга хурсандчилик сиғадими?*

71-топириқ. Бирорта бадий асарнинг бир неча саҳифасини ўқиб кузатинг. Тўлиқ ва тўлиқсиз гапларни ажратиб, тўлиқсиз гап-ларда туширилган бўлакни аниқлаб, тиниш белгиларининг қўйили-шига эътибор қилинг ва изоҳланг.

ГАП БУЛАКЛАРИ

169-§. Гап таркибидаги сўзлар турли вазифани ба-жаради,— гапнинг турли бўлаклари бўлиб келади. Бу

сўзлар ўзаро боғланганда, ўзаро муносабатга киришган дагина гап бўлаги бўла олади. Масалан: *Шавкат бирпасда жонланиб кетди* (У. У.) гапида қуйидаги гап бўлаклари мавжуд: *Шавкат* (ким?) — эга; *жонланиб кетди* (нима қилди?) — кесим; *бирпасда* (қачон?) — равиш ҳоли.

Ҳар бир гап бўлаги ўзи муносабатга киришган сўз билан маълум синтактик алоқада бўлади:

1) *Шавкат жонланиб кетди*;

2) *бирпасда жонланиб кетди*.

Ҳар бир гап бўлаги ўзининг қайси сўз билан ифодаланишига ва бошқа гап бўлаги билан бўлган грамматик муносабатига кўра белгиланади.

Гап бўлаклари вазифаларига, гапдаги мавқега қараб дастлаб иккига бўлинади: 1. Бош бўлаklar. 2. Иккинчи даражали бўлаklar.

1. Икки составли гапнинг асосини ташкил қилган бўлаklar — эга ва кесим **бош бўлаklar** ҳисобланади. Масалан: *Ортиқ девор тагидаги қўзиларни кўриб қолди*. (П. Қ.)

2. Бош бўлаklarдан бирига эргашиб, уларни аниқлаб, тўлдириб, изоҳлаб келадиган бўлаklar **иккинчи даражали бўлаklar** ҳисобланади.

Иккинчи даражали бўлаklarга аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳол киради: *Тепада* (ҳол) *бир парча* (аниқловчи) *оқ* (аниқловчи) *булут сузиб юрибди*. (П. Қ.)

218- машқ. Бош ва иккинчи даражали бўлаklarни аниқлаб, бош бўлаklarнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганлигини айтинг.

1. У беихтиёр яна ўзи ва қизининг келажаги ҳақида ўйлаб кетди. (У. У.) 2. Кечга бориб қорасовуқ турди. (У. У.) 3. Рустам хаёл билан ҳарсанг тош ёнига ўтирди. (Ш.) 4. Иккиси қадрдонларча кўришди. (Т. Т.) 5. Мен отпуска олиб жиянни қидириш учун йўл олдим. (О. Ҳ.) 6. У айниқса ўқиш бошланган кун яйраб, яшнаб кетарди. (О. Е.) 7. Қоп-қора нозик ва майин сочлари кўнғир-кўнғир бўлиб бўйнига тушиб турарди. (Ш.)

БОШ БУЛАКЛАР

170- §. Эга ва унинг ифодаланиши. Гапдаги фикр қарашли бўлган, икки составли гапнинг мутлақ ҳоким бўлаги ҳисобланган бош бўлак эга деб аталади. Масалан: *Администратор* (эга) *минг тавозе билан ўн бешинчи томошабиннинг олдига борди*. (С. Аҳм.)

Эга доимо бош келишик шаклида келади. У қуйидаги сўз туркумлари билан ифодаланади:

1. От билан: *Рустам имтиҳонларга ўз вақтида тайёргарлик кўрди.*

2. Олмош билан: *Сен ўзингни мақтама...* (Мақол.)

3. Сифат билан: *Яхши — иш битирур, ёмон — иш йтирур.* (Мақол.)

4. Сон билан: *Қизиқ, бири — қочоқ, бири — қаҳрамон.* (С. Аҳм.) *Икки карра икки — тўрт.*

5. Сифатдош билан: *Эшитган кўрганни енгар.* (Мақол.) *(Уқиган ўқдан ошар, ўқимаган турткидан шошар.* (Мақол.)

6. Ҳаракат номи билан: *Ишламоқ иштаҳа очар.* (Мақол.) *Уқиш — улғайиш.* (Мақол.)

7. Модал сўзлар билан: *Бор — борича, йўқ — ҳолича.* (Мақол.)

8. Тақлидий сўзлар билан: *Қўшни ҳовлидан чақалоқнинг инга-ингаси эшитилиб турарди.*

9. Эга бутун бирикма билан ифодалана олади. Масалан: *Ўзбекистон Жумҳуриятининг пойтахти — Тошкент. Дўстнинг минги ҳам кам, душманнинг бири ҳам кўп.* (Мақол.)

219- машқ. Кўчиринг. Гапларнинг эгаларини аниқланг. Эга қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

1. Ақлли ўзини айблар, ақлсиз — дўстини. (Мақол.)

2. Улмас нохушлик билан қовун палласидаги нон қуюқларига қаради. (Е. Шукуров.) 3. Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар. (Мақол.) 4. Мастура Машрабнинг кўзларига қадалиб қаради. (О. Е.) 5. Ялқов билан анқов — душман учун катта ов. (Мақол.) 6. Учови правление аъзоларидан бир неча кишини чақириб маслаҳатлашди. (А. Қ.) 7. Камтарлик кишига зебу зийнатдир. (Мақол.)

8. Уқиш — бошқа, уқиш — бошқа. (Мақол.) 9. Яхши қанд едирар, ёмон панд едирар. (Мақол.)

171- §. Кесим ва унинг ифодаланиши. Гапда эганинг умумий белгисини билдирадиган бўлак кесим дейилади. Масалан: *Котиба хотин баракнинг брезент эшигини кўтариб ичкарига кирди.* (С. Аҳм.) Кесим гапнинг шаклланишидаги асосий белгиларни кўрсатувчи бўлак ҳисобланади. У феъл билан ифодаланганда, эганинг иш-ҳаракатини, ҳолатини тасдиқ ёки инкор қилиш йўли билан аниқлайди. Масалан: *Каттакон ер ўчоқ олдида бир қария чирсиллаб ёнаётган ўтга қараб жимгина ўтирибди.* (С. Аҳм.) *Айтишларича, у қишлоққа қайтмабди.*

Кесим феълдан бошқа сўз туркумлари билан ифодаланганда, эганинг белгисини, хусусиятини кўрсатади. Масалан: *Бол яхши, болдан ҳам бола яхши.* (Мақол.) *Акам — муҳандис, опам — ўқитувчи.*

Кесим қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра икки хил бўлади: **феъл кесим, от кесим.**

1. Феъл кесимлар қуйидаги кўринишларга эга:

а) соф феъл кесимлар: *Хўроз нима учун саҳарда қичқиради.* (А. Қ.) *Мен институтга кетдим;*

б) равишдош билан ифодаланган кесим: *Мотор гуриллаб, машина олдинга интилди;*

в) сифатдош билан ифодаланган кесим: *Ит ҳура — карвон ўтар.* (Мақол.);

г) ҳаракат номи билан ифодаланган кесим: *Уқиш — улғайиш.* (Мақол.) *Мақсадим — ўқимоқ.*

2. От кесим. Феъл формаларидан бошқа сўз туркумлари билан ифодаланган кесим кенг маънода от кесим дейлади.

От кесимлар қуйидагича ифодаланади:

а) от билан: *Тешабой ашаддий душману, сиз хизматини қилаётган депо хўжайини дўстми?* (М. Исм.) *Яхши рўзғор — жаннат, ёмон рўзғор дўзах* (Мақол.);

б) сифат билан: *Усти ялтироқ, ичи қалтироқ* (Мақол.);

в) сон билан: *Бирники — миңга, мингники — туманга.* (Мақол.) *Бу биринчиси. Икки марта икки — тўрт;*

г) олмош билан: *Мақсадим — шу. Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадур.* (Қўшиқ.);

д) равиш билан: *Сиздан умидим кўп;*

е) модал сўз билан: *Йўқолинг, сиз билан ади-бади айтишишга вақтим йўқ!*

Кесимлар одатда эга билан шахс-сонда мослашиб келади.

172-§. Кесимлар тузилишига кўра, асосан, уч хил бўлади: **содда кесимлар, составли кесимлар, бирикмали кесимлар.**

1. Содда кесимлар бир сўз билан ифодаланади: *Қани, чал. Бойваччалар эшитинг, дуторни қийворади бу йигит* (О.) — содда феъл кесимлар. *Илм, фан ва фикр олами ниҳоят кенг ва чуқур.* (О.) *Кеча — ойдин — содда от кесимлар.*

2. Составли кесимлар феъл-феъл, от-феъл шаклида тузилади. *Йигит супанинг бир четига қисилиб ўтиргач, тинғирлатиб дуторини созлай бошлади.* (О.) *Илгарилла-*

ри бу ер чакалакзор эди. Биринчи гапнинг составли кесими феъл-феъл типида, иккинчи гапнинг кесими эса от-феъл типида тузилган.

3. **Бирикмали кесимлар** кўпроқ бир неча мустақил сўзлардан ташкил топган бирикмалар билан ифодаланadi: *Бу бино — «Олимлар уйи». Душанба — Тоҷикистон жумҳуриятининг пойтахти. Ватанимиз бахтиёр авлодлар диёрдир.*

220- машқ. Гапларнинг кесимларини топиб, қайси сўз туркуми билан ифодаланганини ва кесимнинг қайси турига киришини айтинг.

1. Олтита болани бағрига олган Маҳкам тақачи — шу. (Р. Ф.) 2. Мўътабар эшикни секин ёпиб чиқиб кетди. (Р. Ф.) 3. Санасангиз-санамасангиз ҳам ҳаммаси қирқта. (О.) 4. ...Тез ҳал қилиш керак, талабгорлар кўп. (У. У.) 5. Бу қарорни амалга оширишдаги биринчи қадам — ўқиш, ўқиганда ҳам аъло ўқиш эди. (У. У.) 6. Мингбулоқ ўзи яхши, сув сероб, лекин у қаровсиз. Кўчалари тор, қинғир-қийшиқ. (У. У.) 7. Унинг Воҳид Миробидов ҳақидаги гаплари ҳам қизиқ. (О. Е.) 8. Табиатда ҳеч қандай сирли куч таъсирида рўй берадиган нарса йўқ. (Ж. Абд.)

173- §. Эга билан кесим орасига қуйидаги ҳолларда тире қўйилади:

1. Эга от, сифат, сон, сифатдош билан; кесим ҳам от, сифат, сон, олмош, модал сўз билан ифодаланганда: *Яхши рўзгор — жаннат. Емон рўзгор — дўзах. (Мақол.) Яхши — хунук либос билан ҳам яхши. (Мақол.) Бор — бор ишда бор, ишламаган нонга зор. (Мақол.)*

2. Гапнинг эгаси ҳам, кесими ҳам ҳаракат номи билан ифодаланганда: *Уқиш — улғайиш. (Мақол.)*

3. Эга ёки кесим кўрсатиш олмоши билан ифодаланганда: *Бу — сиз учун катта синов. Мақсадим — шу каби.*

1. Эслатма: Қуйидаги ҳолларда эга ва кесим орасига тире қўйилмайди.

1. Кесим от билан ифодаланиб, -дир эди (экан, эмиш), бўлмоқ кабилар билан бирга келса: *Акам муҳандисдир. Опам ўқитувчидир. Уша кезларда у тракторчи эди. Меҳнат қилган хор бўлмас, дўст-душманга зор бўлмас. (Мақол.)*

2. Эга кишилиқ олмоши билан ифодаланса: *Мен ака, сен ука.*

3. Агар эга составидан англашилган воқеа-ҳодиса мазмуни кесим составидан англашилган мазмунга ўхша-

тилиб, улар орасида ўхшатиш юкламаси худди келса: *Бепоен жумҳуриятимиз худди ўхшаши йўқ чаманзор.*

4. Кесим сифат, равиш, тартиб сон, кишилик олмоши билан ифодаланса: *Бол ширин, болдан бола ширин. (Мақол.) Оға-ини тотув бўлса, от кўп, опа-сингил тотув бўлса ош кўп. (Мақол.) Биз биринчи. Буларнинг ҳаммаси бизники.*

5. Кесим бор ёки йўқ сўзи билан ифодаланса: *Энди обрўйим бор, дилда ғурурим бор.*

II. Э с л а т м а. Икки атоқли от кетма-кет қўлланиб, икки жой оралғини билдирса (бир нарсага тенг ва алоқадорлик билдирганда), улар орасига ҳам тире қўйилади: *Тошкент — Янгийўл поёзди, Жоул — Ленц қонуни* каби. Макон, замон, миқдор чегарасини билдирувчи *20—30-йиллар, XIX—XX аср* каби ҳолларда ҳам тире қўйилади.

221- машқ. Гапларни кўчиринг, бош бўлақларни топиб, тагига чизинг, тиренинг қўйилиш сабабларини баён қилинг.

1. Элга эл қўшилса — давлат, элдан эл кетса — меҳнат. 2. Туяга юк азоб беради, одамга — виждон. 3. Кишиларга муҳаббат — энг яхши одат. 4. Ер — хазина, сув — олтин. 5. Уқиш — бошқа, уқиш — бошқа. (*Мақоллар.*) 6. Амал — асов отдек гап. (*У. Х.*) 7. Тошкент — Ўзбекистон жумҳуриятининг пойтахти. 8. Меҳмонларнинг аксарияти ўрта ёшли — ўттиз-қирқ орасидаги одамлар эди. (*О.*) 9. Эргашев — мажлис раиси — лабини бурди ва бошини чайқади. (*А. Қ.*) 10. Яхши рўзғор — жаннат, ёмон рўзғор — дўзах. Оз емак — тани соғлиқ, оз демак — ҳикматга боғлиқ. Оз емак — соз емак. Аччиқ тил — захри илон. (*Мақоллар.*) 11. Бир хизматчининг қизини ўз қариндошига... олиб беради ... Бу — бир. (*О.*) 12. Бу қиз Гулнор эди. (*О.*) 13. Томчи — ел бўлмас, душман — эл бўлмас. 14. Бирники — мингга, мингники — туманга. Давлатинг — ота-онанг. Кўл югуриги — ошга, тил югуриги — бошга. Фарзанд — белнинг қуввати. (*Мақоллар.*)

ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БУЛАҚЛАР

174- §. Иккинчи даражали бўлақлар бош бўлақлар билан (бошқа иккинчи даражали бўлақлар билан ҳам) боғланиши ва гапдаги вазифасига кўра уч турга бўлинади: **аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳол.**

175- §. **Аниқловчи.** Аниқловчи предметнинг белгисини ёки бир предметнинг бошқасига қарашли эканлигини

билдириб, қандай?, қанақа?, қайси?, қанча?, кимнинг?, ниманинг, қаернинг? сўроқларидан бирига жавоб бўлади. Аниқловчи отга боғланиб, аниқловчи аниқланмиш бирикмасини ҳосил қилади. *Одам боласи яхши гапнинг гадоси, дейдилар (Т. Т.)* гапидаги бир гуруҳ аниқловчилар (*одам, яхши, гапнинг*) ифодаланиши ва маъноси жиҳатидан иккинчи гуруҳ аниқловчилардан (*одам, гапнинг*) фарқланади. *Яхши* аниқловчиси сифат билан ифодаланиб, предметнинг белгисини билдирган. Иккинчи гуруҳ аниқловчилар: *одам* (белгисиз — қаратқич келишик кўшимчасиз), гапда от билан ифодаланган. Шунга кўра аниқловчилар иккига бўлинади: сифатловчи аниқловчи ва қаратқич аниқловчи.

176-§. Сифатловчи аниқловчи предметларнинг белгиланган хусусиятини, миқдор-даражасини билдиради. Сифатловчи ўзи аниқлаган сўзга битишув йўли билан тобе вазиятда бирикиб, сифатловчи-сифатланмиш бирикмасини ҳосил қилади. Сифатловчи содда сўз ва сўз бирикмаси билан ифодаланади: *Шарқ томондаги баҳайбат тоғ остида эса қудратли бир оқшилик кўзга ташланяпти. (У. У.)*

177-§. Қаратқич аниқловчи бирор предмет ё шахснинг ўзи ифодалаган шахс ёки предметга қарашли эканлигини кўрсатади: *Бу йилги баҳорнинг кеч келиши кўпларнинг тинка-мадорини қуритди. (С. К.)* Бу гапда қаратувчи — *кўпларнинг* сўзи қаралмиш — *тинка-мадори* сўзининг *кўпларга* қарашли эканлигини ифодалаган. Қаратувчи ўзи аниқлаган сўзга мослашув йўли билан, тобе вазиятда бирикиб, қаратувчи-қаралмиш бирикмасини ҳосил қилади.

222-машқ. Аниқловчиларни топиб, сифатловчи аниқловчиларга алоҳида, қаратувчи аниқловчиларга алоҳида изоҳ беринг. Қайси сўз туркумлари билан ифодаланганини тушунтиринг.

1. Ҳаво дим. Иссиққа тоб беролмаган ғўзалар хомуш. (*Ж. Абд.*) 2. Унг қўлда эса осмонупар қорли чўққилар, чўққилар этагида Мингбулоқнинг ям-яшил толзорлари кўзга чалинар, яқинда у ерда ҳам яна бир катта қурилиш пойдевори қўйилиши керак эди. (*О. Е.*) 3. Темиржон яхшироқ билмаган-нетмаган одам ҳақида ўринсиз қарор чиқариб қўяётгани учун ўзига ўзи дакки берди. (*Ж. Абд.*) 4. Қисқаси ғаройиб, айни пайтда оддий мактаб портфели эди. (*Ч. Айт.*) 5. Сурхонбойнинг кўзлари хиралашиб кетгандай бўлди. (*И. Р.*) 6. Иссиқ шамол ўрнини муздек тоғ ҳавоси эгаллади. (*У. Ум.*) 7. У оху

боласидай бағоят гўзал экан. (Ч. Айт.) 8. Паранжилик кимса нарироқ борғач, итлар вовиллашиб юборди. (Мирм.) 9. Қуёш тиг ураётган пайтдаги дашт манзарасидан гўзалроқ нарса бўлмаса керак. (Ч. Айт.)

178-§. Аниқловчиларнинг предмет ёки шахсни қайта номлаш учун қўлланадиган тури **изоҳловчи** дейилади.

Изоҳловчилар гапдаги вазифаси, маъноси жиҳатидан аниқловчига ўхшаса-да, от билан ифодаланиши жиҳатидан ундан фарқ қилади. Масалан: *Сулаймон ота Зулфиқор* амакиникига бориб хабар қилди. (М. Исм.) Изоҳловчи изоҳланмиш билан қатор келиб, унвонни, машғулот — касбни, жинсни, қариндош-уруғлик муносабатини ҳурмат қилиш, лақаб ва тахаллусни ифодалайди.

223- машқ. Гапларни ўқинг. Изоҳловчиларни аниқлаб, маъносини тушунтиринг, уларнинг сифатловчилардан фарқини айтинг.

1. Иқбол сатанг, Меҳринисани кулдирди-ю, кўнгли жойига тушиб ошхонага кетди. (Р. Ф.) 2. Отаси Иноят оқсоқол яна тирикчиликнинг пайига тушди. (С. Аҳм.) 3. Содиқ темирчи Раззоқнинг ҳорғин кўзларига боқиб сўради. (Ҳ. Ф.) 4. Сиз ўртоқ Тўқсоба афанди, ўзингизнинг Тўқсобалигингиздан шунақа орланасизми? (С. Аҳм.) 5. Фафур тоғамнинг ўғли-чи, Азамат. (Ҳ. Ф.) 6. Қишлоқда уни катта-кичик «Умматали паратқа» дерди. (С. Аҳм.) 7. Асқар понсот деган қонхўр босмачи ўт қўйган уйлاردан эди. (А. Қ.) 8. Оқсоч хотин қизларни ювинтириб, гарантириб, яхши кийимларини кийгизиб меҳмонхонага ча олиб чиқди. (А. Қ.) 9. Қурбон ота сада остидаги супага жой қилди. (А. Қ.)

224- машқ. Ўзингиз қариндош-уруғ, касб, лақаб маъносини ифодалайдиган изоҳловчилар иштирокида бир неча гап тузинг.

179-§. Тўлдирувчи ва унинг ифодаланиши. Гапнинг бирор бўлагига (кўпинча кесимга) бошқарув йўли билан боғланиб, уни тўлдириб келган иккинчи даражали бўлак **тўлдирувчи** дейилади. Масалан: *Омон менга қаради, мен унга қарадим.* (Ҳ. Ҳ.) *Водийларни, тоғларни ошиб, Далаларда ёлғиз адашиб, келиб қолди юртингга Омон.* (Ҳ. О.) *Сизга нима бўлди ўзи?* (О. Е.)

Тўлдирувчи қуйидагича ифодаланади:

1. От билан: *Дилшод мактубни холасига бериб, кўчага чиқиб кетди.* (М. Исм.) *Мансуров одамлар билан хайрлашди.*

2. Отлашган сифат билан: *Яхшига қора юқмас, ёмонга эл боқмас.* (Мақол.)

3. Отлашган сон билан: *Бешни бешга қўшсак, ўн бўлади.*

4. Сифатдош билан: *Билмагандан билган яхши, тўғри ишни қилган яхши. (Мақол.)*

5. Ҳаракат номи билан: *Унинг кулиб боқишларини бир зум ҳам унутмайман.*

Тўлдирувчилар бирикмали ҳолда ҳам ифодаланади: *Ешликдан ота-она ҳурматики ўрнига қўйишига интил!*

Одатда, тушум келишигидаги сўз билан ифодаланган тўлдирувчилар воситасиз; жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиги, кўмакчилар билан шаклланган тўлдирувчилар эса воситали тўлдирувчилар саналади.

Воситали тўлдирувчи белгили (тушум келишик қўшимчасини олган ҳолда) ва белгисиз (келишик қўшимчасисиз) келади: *Одамни меҳнат улғайтиради* (белгили). *Бир туп тоқ эксанг, бир туп тол эк.* (Мақол.) (белгисиз).

225- машқ. Гапларни ўқиб, тўлдирувчиларни топинг. Уларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчириб ёзинг. Тушириб қолдирилган келишик қўшимчалари ва кўмакчиларни қўйинг.

1. Дадаш меҳрибон одамлар... суҳбатлашиш... завқланар эди. (И. Р.) 2. Темиржон у... ўзгача севинч ва ҳаяжон... кутиб олди. (Ж. Абд.) 3. Сен мен... гап... чалғитма. (Ч. Айт.) 4. Юмалаб келаётган ёғоч ёшгина бақувват қайин... босиб, эзиб келмоқда... (Ч. Айт.) 5. Мана риёкор ота... икки оғиз ширин сўзи тугдирган умид... Тўтиқиз... кўнгли кўтарилди. У худди бувиси... холаси... кўргандай суюнди. (М. Исм.) 6. Аҳмад икковлари косиб... шогирд тушганлар Аъзам тиззасидаги маҳси... ҳафсала... пишиқ тикади. (О.)

180- §. Ҳол ва унинг ифодаланиши. Ҳол кесимга боғланиб, ундан англашилган иш-ҳаракатнинг ўрнини, пайтини, ҳолатини, бажарилиш сабабини, мақсадини билдирадиган иккинчи даражали бўлақдир.

Ҳол маъно ва вазифасига кўра бир неча турга бўлинади: равиш ҳоли, ўрин ҳоли, пайт ҳоли, сабаб ҳоли, мақсад ҳоли. Масалан: *эртага борамиз, оҳиста қадам ташлади.*

Равиш ҳоли. Иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини кўрсатиб, феъл билан ифодаланган гап бўлагига битишув йўли билан боғланадиган ҳолнинг туридир. Равиш ҳоли кўпинча равиш ва равишдош билан ифодаланади. Масалан: *Маъсуда хахолаб кулиб юборди.*

(Р. Ф.) Нодиров машинани тез ўнга буриб, йўлга тўғрилади. (И. Р.)

Ўрин ҳоли ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдириб, қаер (-га, -да) дан?, қаергача? сўроқларидан бирига жавоб бўлади: *Теварак-атрофда ҳеч ким йўқ. Сой томонга кетганди.*

Сабаб ҳоли ҳаракатнинг бажарилиш сабабини англатиб, нима учун? нимага? (нега?) нима сабабдан? сўроқларидан бирига жавоб бўлади: *«Ичкарисида бўлаётган бақириқларни эшитиб, қўрққанидан юраги қинидан чиқаёзди. (Мирм.)*

Пайт ҳоли ҳаракатнинг бажарилиш пайтини англатиб, қачон?, қачонгача?, қачондан бери? сўроқларидан бирига жавоб бўлади: *Ҳар кеч соат саккиз- (да шу ерга келади. (Р. Ф.)*

Мақсад ҳоли ҳаракатнинг бажарилишидан кўзда тутилган мақсадни билдириб, нимага?, нима учун?, нима мақсадда? сўроқларидан бирига жавоб бўлади: *Ўз кўзи билан кўриб ишониб мақсадида яна бир келиб кетди.*

Миқдор-даража ҳоли ҳаракатнинг бажарилиш миқдорини ва даражасини кўрсатиб, қанча?, қанчалик?, неча марта? сўроқларидан бирига жавоб бўлади: *Сиздайларни кўп кўрганмиз.*

226-машқ. Гапларни ўқиб, ҳолларни аниқланг. Маъносига кўра турларини айтинг. Ҳолнинг сўроғи, ифодаланиши, қайси сўзга боғланишини намунадагидай тушунтиринг.

1. Боғдан чиқиш учун бир неча одим юргач, ишком ичида суяниб турган қизга кўзи тушди; уялганидан бир зумда қизариб-бўзариб кетди, кетмонга тикилиб қаддини тезлатди. (О.) 2. У қасдан Суқсуройни хонга олиб берди. (А. Эшонов.) 3. Бир чимдим ухлаш учун кўзини юмди. (О.) 4. Эрталаб атайин Сизни излаб келган эдим. (С. Нуров.) 5. Бугун жўрттага қилгандай ёмғир ҳам тинмади. Олинг, атайлаб сиз учун қилдим. (С. Зуннунова.) 6. Музаффар ака, булар атайин сизни излаб келибди. (П. Қ.) 7. У мени қасдан қаматмоқчи бўлиб, қалбаки ҳужжатлар тўғрилади. (П. Қ.) 8. Биз атайлаб ўқиш учун шу даргоҳга келганмиз. 9. Бултурги хатоларни такрорламаслик учун ҳозирдан ишга киришдик. Қолхозчилар дам олиш учун шийпонга йиғилишган. (С. Назар.) 10. Концерт тугаши билан ҳаммадан олдин чиқиб кийимларини олдилар. Трамвай бекатига етмасдан момақалдироқ гумбурлаб, чақмоқ чақди, бирдан челақлаб

ташлангандек жала қуя бошлади. (М. Қориев.) 11. Бир неча кундан кейин уйимизга букчайган бир кампир келди. 12. Биринчи қор учқунлаб турганда, шу маҳаллалик Муҳим бува деганнынг ташқисига кўчдик. (А. Қ.) 13. Ботир билан Нор хола кечки овқатдан кейин гулзор лабига қўйилган катта ёғоч каравотда чой ичиб ўтирган эдилар, шошилганича Қодирқул кириб келди. (С. Назар.) 14. Меҳмонлар кеча Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини кўрдилар.

227- машқ. Гапларни синтактик таҳлил қилинг. Иккинчи даражали бўлақларни топиб, ҳар бирининг вазифасини, ҳоким бўлаққа муносабатини аниқланг.

1. Уртага бир оз жимлик чўкди. Хаёлимда ҳар турли фикрлар кезади. Демак, илгари Анварни севган экан-да, мени бўлса лақиллатиб юрган экан-да. Ахир битта юракка икки муҳаббат ҳеч қачон сизмайди-ку. (М. Қориев.) 2. Яқинда «Ғалаба» колхозига бордим. Паркент бурунгидан обод бўлиб кетибди... Колхоз идораси ўзгариб кетибди... Бухгалтерия аввалги жойида экан. Раиснинг илгариги кабинети чорвачилик бўйича бухгалтерга тегибди. Ичкарига кирдим. Нуриддин ака ўша-ўша, ўзгармабди. (С. Ан.) 3. Баҳор кечаси. Юлдузлар қора бахмалга қадалган беҳисоб гавҳарлардек йилтирамоқда. Ботир билан Бўстон катта қишлоқ кўчасидан ёнма-ён юриб келадилар. (С. Назар.) 4. Жувон ўтдек чақнаб турган кўзларини катта-катта очиб менга қараб турарди. (С. Аҳм.) 5. Икковлари гангир-гунгур гаплашиб ўтиришди. (О.)

228- машқ. Тўлдирувчи ва ҳолларни топиб, уларнинг ифодаланшини ва фарқларини айтинг. Ҳоким бўлак билан муносабатини тушунтиринг.

1. Мен кейинда қолмаслик учун зулукдай қорабайиримнинг тақимига аста қамчи босдим. Бехосдан отим олиб қочди. Эгардан ўмбалоқ ошиб тушишимга сал қолди. Кучли шамол шляпамни қаёққадир учуриб кетди, сочларимни тўзғатди; пиджагимдан юлқилади, нафас олишга қўймай, бўғизимга тиқилди. Зўр бериб жилонни тортаман. Отимнинг узун бўйни камондай эгилади. (С. Ан.) 2. Уйлайсан, ўтган кунларни эслайсан. Ҳаётнинг мураккаблигига, ўжарлигига тан беришга мажбур бўласан. Фақат ана шу қийинчиликлар гирдобидан ўз ақл-идрокинги кучи билан нурафшон йўл ахтарасан, бахтиёрлик сари интиласан. (М. Қориев.) 3. Ботир ан-

чагача электр ёруғида китоб ўқиди. Нималарнидир ёзди. Карим полвон янги газеталарни бир кўздан кечириб каравотга чўзилди. Ботир ҳам каравотга чиқиб ётди. (С. Назар.) 4. Ойниса танча устидаги чойнакни кўтариб, қулт-қулт совуқ чойни ютди. (О.)

229- машқ. Матни таҳлил қилинг: бош бўлақлар билан иккинчи даражали бўлақларни аниқлаиғ. Уларнинг ифодаланишини, ўзаро боғланишини схема асосида кўрсатиғ. Синтактик алоқани реаллаштирувчи воситаларни тушунтириғ.

Кўплаб китоб ўқиш, ўқиганда ҳам уни тушуниб ўқишда ҳикмат катта. Китоб ўқишнинг фойдаси ҳақида Ибн Синонинг ҳаётидан олинган ушбу лавҳа диққатга сазовор: Бухоро амири Нух Ибн Мансурнинг саройида жуда бой кутубхона бўлган, аммо унга киришга ҳаммага ҳам рухсат этилмаган. Бир тасодиф туфайли Ибн Сино ўша кутубхонага кириш ва китоблардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган. Амир касал бўлиб қолади, уни сарой табиблари даволай олмайди. Шунда Бухоро табиблари орасида энди ном чиқариб келаётган Абу Али ҳақида гапириб қолишади. Амир уни саройга чақиришларини буюради, Ибн Сино амирни даволайди. Амир эса уни сарой табибларига бошлиқ қилиб тайинлайди. Шу сабабли ҳам уни илмий адабиётларда «Шайх-ар раис» («Олимлар сардори») деб аташади. Амир Ибн Синодан хурсанд бўлиб, «Яна нималарни истар эдингиз?»— деб сўрайди. Абу Али эса амирдан кутубхонадан фойдаланишга рухсат беришини сўрайди. Амир рухсат беради. Бу кутубхона ҳақида Ибн Сино қуйидагиларни ёзади:

«Мен кўп хонали уйга кирдим: ҳар бир хонада китоб солинган устма-уст қўйилган сандиқлар бор эди: бир хонада арабча ва бадий китоблар, иккинчи хонада муслмон ҳуқуқига доир ва ҳоказо, ҳар бир хонада бирор фанга доир китоблар бор эди. Мен қадимги муаллифлар китобларининг рўйхатини ўқидим ва ўзимга кераклигини сўрадим. Мен кўпчилик, ҳатто номини ҳам билмайдиган китобларни кўрдим, мен бунчалик кўп китобларни олдин ҳам, кейин ҳам кўрмаганман. Мен бу китобларни ўқидим, улардан фойдаландим ва ҳар бир кишининг ўз фани соҳасидаги аҳамиятини тушундим».

ГАПНИНГ УЮШИҚ БУЛАҚЛАРИ

181- §. Гапда бир хил синтактик вазифани бажариб, бир хил сўроққа жавоб бўлган бўлақлар гапнинг уюшиқ

бўлақлари ҳисобланади. Уюшиқ бўлақлар одатда бир сўз туркумига мансуб бўлади. Улар ўзаро тенг боғловчилар, тенгланиш интонацияси орқали бирикади. Масалан: *Қарғим, шолғом, сабзи-пиёз, мева-чева — бари мухайё.* (Ҳ. Ғ.)

Гапнинг бош бўлақлари ҳам, иккинчи даражали бўлақлари ҳам уюшиб келиши мумкин. Масалан: *Унда на газаб, на нафрат, на қарғиш бор эди.* (Г. Н.) — эгалар уюшган. *Дунёда пулдан, буюмдан ҳам азизроқ нарсалар бор.* (Ҳ. Ғ.) — тўлдирувчилар уюшган.

Уюшиқ бўлақларда сон, эгалик, келишиқ қўшимчалари уюшиб келган сўзларнинг энг охиргисига қўшилади ва улар учун умумий бўлади. Боғловчи билан бирикканда эса, боғловчи уюшиб келувчи сўзларнинг энг охиргисидан олдин келади. Боғланиш кўмакчи орқали содир бўлганда эса кўмакчи охирги уюшиқ бўлақдан сўнг келади. Масалан: *Ҳам кўзлари, ҳам лаблари билан ширингина қилиб кулди.* (М. Исм.) *Бу дарахтларни Ҳиндистондан, яна аллақадан олдириб келибди.* (М. Исм.)

Уюшиқ бўлақларда сон, эгалик, келишиқ қўшимчаси ҳар бир уюшиқ бўлаққа қўшилиб, кўмакчи, боғловчи эса уюшиб келувчи бўлақларда такрорланиб қўлланиши ҳам мумкин. Масалан: *Меҳнатда, ижодда, санъатда, фанда каттадир ёшларнинг қўшган ҳиссаси.* (У.) *Алимардон ҳам қувонч, ҳам завқ билан унга бурилиб қаради.* (У. Ҳ.) *Комбайнчи ҳам слесарь, ҳам токарь, ҳам монтажчи, ҳам агроном бўлиши керак.*

230- машқ. Уюшиқ бўлақларнинг тагига чизинг, уларнинг ўзаро қандай боғланганини, қайси гап бўлаги уюшаётганини тушунтиринг.

1. Ойшабону тилга кирди: еримиз оз, сувимиз камчил, батрақларимиз йўқ. (Ҳ. Ғ.) 2. Саида гоҳ афсусланиб, гоҳ куйиб ва гоҳ кулиб гапириб берди. (А. Қ.) 3. Ҳар биримиз ўз институтимизни, талабалик вақтларимизни эсладик. (О. Ё.) 4. Эртадан кечгача заводдан чиқмайди, янги пахталарни ёйдиради, қуритади. (М. Исм.) 5. Ҳаёт-жон Ғуломжоннинг мардлигига, чидам, қаноат ва садоқатига, азаматлигига қойил қолди. (М. Исм.) 6. Даррани қозикдан олди, силтаб кўрди: вазмин, майин, лекин заҳардек аччиқ, ништардек ўткир, қиличдек кескир! (М. Исм.) 7. Бу чойхонага бозор-ўчарга санғиб тушиб қолган деҳқон, камбағал косиб, қозоқ, қирғиз ва бошқа оддий фуқаро киролмас эди. (Ғ. Ғ.) 8. Тешабойга ҳам, Аширмирзога ҳам шундай туюлди. (М. Исм.)

Уюшиқ бўлақли гапларда умумлаштирувчи сўзлар

ҳам ишлатилиши мумкин. Умумлаштирувчи сўзлар; ва-
зифасида жамловчи от, белгилаш, кўрсатиш олмошлари
келади. Уюшиқ бўлак ва умумлаштирувчи сўз бир хил
сўроққа жавоб бўлади. Умумлаштирувчи сўз уюшиқ
бўлаклардан олдин ҳам, кейин ҳам қўлланиши мумкин.
Масалан: *Боғдаги мевалар: ўрик, олма, олча, шафтоли-
лар гуллади. Беморнинг ҳис-туйғулари, ўй-хаёллари ва
келажак ишлари ҳамма-ҳаммаси врачнинг қўлида.*

182-§. Уюшиқ бўлакли гапларда тиниш белгилари-
нинг ишлатилиши. Уюшиқ бўлаklar орасига қуйидаги
ҳолларда вергул қўйилади:

1. Боғловчи ишлатилмасдан, фақат оҳанг ёрдамида
ўзаро алоқага кирганда: *Дўст меҳри, ёр муҳаббати ҳар
қандай офатни даф қила олишини билиб турибди.*
(С. Аҳм.)

2. Такрор ишлатиладиган боғловчидан олдин: *На
отам бор, на онам бор.* (Кр.) *Манзура гоҳ кулади,
гоҳ йиғлайди.*

3. Зидловчи боғловчилар ёрдами билан боғланган
уюшиқ бўлакли гапларда зидловчи боғловчидан олдин:
*Аёл ғамгин, лекин сеҳрли кўзларини бир нуқтага қа-
дади.*

4. Уюшиқ бўлаklar жуфтлик ҳосил қилганда, ҳар бир
жуфтлик орасига: *...Езади ё қўл қўяди, буюради ё яли-
нади, койийди ё мақтайди.* (О.)

Қуйидаги ҳолларда икки нуқта қўйилади:

1. Уюшиқ бўлаklarдан олдин келган умумлаштирув-
чи сўздан сўнг: *Ҳамма ерда: корпус тагида, ичида, ан-
ҳор бўйида, завод саҳнида, иш билан қайнашган одам-
лар.* (М. Исм.)

2. Ҳужжат ва буйруқларида, илмий асарларда, иш
қоғозларида умумлаштирувчи сўз бўлмаган ўринларда
ҳам уюшиқ бўлаklarдан олдин икки нуқта қўйилади:
Масалан: *Пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан йт-
казиш юзасидан хўжалик бошқаруви қарор қилади:*

1) терим агрегатлари тахт қилиб қўйилсин;

2) дала шийпонларида колхозчиларга барча қулай-
ликлар туғдирилсин;

3) теримчилар дала шийпонларида иссиқ овқат би-
лан таъминлансин.

Режа ёки иншонинг режаси тузилганда:

1. Кириш: ...

2. Асосий қисм: ...

3. Хулоса: ... кабилар.

Э с л а т м а: 1. Масалан, мисол типдаги сўзлардан кейин ҳам баъзан икки нуқта, баъзан вергул қўйилади. 2. Ўз ичида вергул билан ажратилган уюшиқ бўлақлар орасига, агар улар гуруҳлаштирилган бўлса, нуқтали вергул қўйилади: *Меҳнат, ижод, одам шарафи; Дил ёруғи, ҳаёт қувончи — ҳаммасининг асли, манбаи Сен, Ватаним — тинчлик таянчим. (С. Н.)* 3. Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан кейин келса, ундан олдин тире қўйилади: *Қудрат, Воҳид, Замон — ҳаммаси шу ерда ўт билан курашиб ётарди. (М. Исм.)*

231-машқ. Гапларни кўчиринг. Умумлаштирувчи сўзларни ажратиб (қайси гап бўлаги уюшган бўлса, ўша гап бўлагини белгиловчи чизиқ чизилади) қандай сўроққа жавоб бўлишини, тушириб қолдирилган ўринларга тивиш белгиларини қўйиб кўчиринг.

1. Қаранг бунча ҳам гул япроқлари чиройли йирик нафис тиниқ Буларни Москва яқинидаги Иваново-Вознесенск тўқимачилик корхоналарига сотай деса уларнинг хўжайинлари Миркамол Санхоев билан тузган шартномамиз бошқалардан пахта сотиб олишга йўл қўймайди. (*Газ.*) 2. Наҳотки у эрта-индин ўзоқ айрилиқ бошланишини ҳис қилмайди, юраги эзилмайди. (*П. Қ.*) 3. Фулом қаерда Дилшод қаерда бошқа қочирилганлар қаерда ҳаммасини айттирамиз. (*М. Исм.*) 2. Боғнинг турли жойларида ҳар хил мевали дарахтлар нок, ўрик, жийда ва ҳоказо анчагина. (*О.*)

АЖРАТИЛГАН БУЛАҚЛАР

183-§. Ажратилган бўлақлар қайси гап бўлагига оидлигига қараб, унинг маъносини изоҳлаб, аниқлаштириб, бўрттириб келади ва ўша гап бўлагидан қисқа пауза билан ажратилади. Улар ўзи алоқадор сўзлардан (бир сўз билан ифодаланишига, состави кенгроқ бўлишига қараб), вергул ёки тире билан ажратилади: *Қишда, далада иш йўқ кезларда, китоб ўқийди. Эрталаб Ойниса айвондаги супада хўппа семиз тўшакни тапиллатиб уриб қоқётганида, почтальон жувон — Олияхон қора чарм сумкасини елкасига осганича липиллаб кириб келди. (Ҳ. Ғ.)*

Одатда гапнинг иккинчи даражали бўлақлари ажратилади.

184-§. Ажратилган аниқловчилар — предметнинг белгисини қайта аниқлаш, бўрттириш, бошқа бир аниқловчининг маъносини изоҳлаш, аниқлаштириш мақсадида қўлланади. Масалан: *Онаси ҳам боласининг, бахти қора жигаргўшасининг кўзларида шу зору муштоқлик оловини кўрди. (М. Исм.)* Ҳозирча унинг, Воропаевнинг,

бажариши лозим бўлган иш йўқ, деди-да, ўзини четга олди. (Павленко.)

185-§. Ажратилган изоҳловчилар, одатда, эгага (баъзан ундалмага) оид бўлиб, унинг маъносини конкретлаштиради, изоҳлайди. Ажратилган изоҳловчилар изоҳланмишдан кейин келади ва ундан махсус пауза билан ажратилади. Масалан: *Лекин биз — ленинградликлар — бир ёқадан бош чиқариб колхозга ёрдам берайлик. (О. Ё.) Қоровул бошлиғи, барваста лейтенант, буларни объектларга бўлди. (Х. Ғ.) Жўрахонга ўхшаган гавдали хотин — билим юртининг мудираси — синфга кирди. (М. Исм.)*

232-машқ. Кўчиринг, ажратилган изоҳловчи ва ажратилган аниқловчиларни аниқланг. Фарқларини тушунтиринг.

1. Ток остида ўтирган икки дўст — Даврон билан Сергей иссиққа дош бериб қизғин суҳбатлашмоқда... (Е. Шукуров.) 2. Сен, туғишган укам, охири мени йиқитиб, юзимга оёқ қўйдинг-а! (П. Қ.) 3. Ана, у кичкина, қора мунчоқдай кўзларини очди. (Ғ. Ғ.) 4. Икки чол, ҳақоратланган мўйсафидлар, бошларини солинтириб, қайтиб кетди. (М. Исм.) 5. Улар биринчи самолёт учувчиси — ёшгина лейтенант буйруғи билан сафга тизилдилар (Х. Ғ.) 6. Машинадан хўжалик раиси Матқовул ака — паканагина, семиз одам тарвуздай юмалаб чиқди (О. Ё.) 7. Мана, Саври сатанг дутор ва чилдирма куйига йўргалай кетди. (О.) 8. Устига кўк кийим кийган, яғриндор бир мўйсафид ичкарига кирди. (М. Ғ.) 9. Бояги йигитнинг, Авазнинг, қўли гул экан. (П. Қ.) 10. У вақтда эндигина ўттиз бешга тўлган барваста йигит, Дадавой, Лобарга бир кўришдаёқ ёқди. (Х. Ғ.) 11. Сиз ўзингиз-чи, Муса Назарович, факультетга бориб кўпчиликдан сўраб кўрдингизми? (П. Қ.) 12. Йўғ-а, ундай деманг, Ўлмас ака, сиз ҳам акам қаторисиз. (Е. Шукуров.) 13. Бувам, яъни онамнинг отаси, ҳозир раиснинг ўрнида турибди. (Павленко.) 14. Унинг Холбек деган тенгдоши — ўнг кўзи билан қулоғининг орасида данакдай қора холи бор бола — бир кун Авазнинг бутун ошиқларини қоқлаб ютиб олди. (П. Қ.) 15. Ёшлар — Фируза, Шерали ва бошқа талабалар Мирзачўлга бориб ишлаш истагини билдирди. (Х. Ғ.) 16. Сен, онаси, бохабар бўлиб тур, тагин Варваранинг бошига бир кулфат солишмасин, уларнинг қўлидан ҳар бало келади. (М. Ғ.) 17. Бир вақтлар сиз ҳам, Темир Акбарович, хато қилишдан қўрқмаслик керак, деб дадил гапирар эдингиз. (П. Қ.)

186- §. Ажратилган тўлдирувчилар ўзидан олдин келган тўлдирувчининг маъносини аниқлаштиради: *Фирюза, кеча-кундуз ўйлайман сени, меҳрибонимни. (Ҳ. Ғ.)* Акангининг хотинига — келин аянгга уйлан, деяпти. (С. Аҳм.) Модомики, одам бир марта яшар экан умр-бод бир киши билан — ўз севгилисига билан яшаши зарур. (Ҳ. Ғ.)

187- §. Ажратилган ҳол ўзидан олдин келган ҳолнинг маъносини изоҳлайди. Оддий гап бўлаги, сўз бирикмаси шаклида бўлади: *Сойда, қўш ёнғоқнинг тагида, оппоқ қорга кўмилиб узоқ турди. (О. Ё.)* Юқоридан, *Нижнийдан, пиёда келмадим, кемага тушиб келдим, сув устида пиёда юришмайди. (М. Ғ.)* *Пастликка — Лабзак томонга туша бошладик. (Ҳ. Ғ.)* *Бир оқшом Мирза Едгорнинг тантана билан пойтахтга киришининг учинчи кунини, Султонмурод шам олдидан ғамгин, танҳо ўтирар эди. (О.)*

Ажратилган иккинчи даражали бўлақларнинг сўроғи ва вазифаси, одатда, ўзлари алоқадор бўлган гап бўлагининг сўроғи ва вазифасига теги келади.

СЎЗ ТАРТИБИ

188- §. Ўзбек тилида одатдаги тартибга кўра эга гап эга кесим бошида, кесим гап охирида келади: **Топшириқ шундай эди. (В. Катаев.)**

Эйиқ содда гапда иккинчи даражали бўлақлар эга ва кесимга боғланади. Эгага боғланган гап бўлақлари эга ва кесимга боғланган гап бўлақлари кесим составини ташкил этади: *Икки нафар оқсоч аёл судра-судра қилиб эски паранжигга ўралган келинни олиб чиқдилақ. (С. Н.)* Бу гапнинг биринчи қисми эга состави (*икки нафар оқсоч аёл*), иккинчи қисми эса кесим состави (*судра-судра қилиб эски паранжигга ўралган келинни олиб чиқдилар*) дир. Одатдаги бу тартиб маълум даражада эркин бўлиб, уларнинг ўринларини алмаштириш грамматик ҳолатни ўзгартирмаслиги ҳам мумкин. Масалан, *Биз даладан кеч қайтдик*. Лекин бу гапларда дастлабки грамматик ҳолат (ҳар сўзнинг дастлабки вазифаси) сақланган бўлса ҳам, сўз тартибининг ўзгариши гапнинг умумий мазмунига маълум даражада таъсир этган: логик урғу ҳар бир гапда бошқа-бошқа бўлаққа тушган.

Гап бўлақларининг ўрин алмашиши — одатдаги тартибнинг ўзгариши **инверсия** ҳисобланади. Инверсия тур-

ли стилистик талабларга (эмоционалликка) кўра содир бўлади: *Яшасин халқлар дўстлиги!*

Мени кутгил ва мен қайтарман,
Фақат кутгил жуда интизор:
Кутгил ёмғир зериктирганда,
Мени кутгил ёққанида қор. (К. Симонов.)

Сўз тартибининг ўзгариши грамматик ҳолатни ўзгартириши ҳам мумкин. Бунда қуйидаги ҳолат кўзга ташланади:

1. Эга ва кесимнинг ўрни ўзаро алмашса, эга кесимга, кесим эгага айланади: *Етти кун — бир ҳафта. — Бир эга кесим ҳафта — етти кун.*

2. Сифатловчи сифатланмишнинг ўрни ўзаро алмашса, сифатланмиш эгага, сифатловчи кесимга, яъни сўз бирикмаси гапга айланади: *Баланд тоғ. — Тоғ — баланд.*

3 Қаратувчи қаралмишда белгисиз қаратувчининг ўрни қаралмиш билан ўзаро алмашса, қаратувчи эгага, қаралмиш кесимга айланади: *Дала чеккаси. — Чеккаси — дала.*

Эгага нисбатан кесимнинг ўрни қатъийроқ бўлади. Одатда у гапнинг кейинги қисмида жойлашади. Айрим ўринларда эга ўзига ёки кесимга тобе сўзлардан кейин келади. Шунда ҳам у кесимдан олдин (у билан ёнма-ён) келади: *Боланг учун сен ҳам абгор бўлмагин. («Ширин ва Шакар».)*

Эга ва кесимнинг одатдаги тартиби ўзгариши ҳам мумкин. Бу қуйидаги ҳолларда юз беради:

1. Маълум фикр ифодаси бўлган гап сўроқ, буйруқ, ундов интонацияси билан айтилганда, кесим эгадан олдин жойлашиши мумкин. *Қани, чал Бойваччалар, эшитинг, дуторни қийворди бу йигит! (О.) Яшасин хуррият! Битсин истибдод! Йиқилсин зодим подшо! (М. Исм.)*

2. Диалог шаклидаги кўчирма гапларда, муаллиф гапида эга, одатда кесимдан сўнг келади: *Тирик! Тирик!.. қичқиришди болалар. (О.) Минорадан тушолмай қолди буваанг, тушириб қўй! — деди чўтир халфа. (Эртақдан).*

3. Бадий асарларда, айниқса, поэтик асарларда эганинг кесимдан кейин келиши ҳоллари учрайди.

Маълум қонуният, сабаблар асосида гап бўлаклари одатдаги тартибининг ўзгариши **инверсия** дейилади.

Вагранка ёлқинида
Бўртиб кетарди юзлар,
Станоклар ёнида
Қўшиқ айтарди қизлар.

4. Тўлдирувчи одатдаги сўз тартибига кўра ўзи бошқарилган сўздан олдин келади: *Аччиқ ўйин ширин турмушни бузар. (Мақол.)*

Агарда гапда ҳам воситали, ҳам воситасиз тўлдирувчи бўлса, олдин воситасиз тўлдирувчи, кейин воситали тўлдирувчи келади. *Урин-пайт келишигидаги тўлдирувчи чиқиш келишигидаги тўлдирувчидан олдин келади ва ҳоказо. Аҳмадjon пахтани ҳаммадан кўп теради. Хўжалигимизда пахтадан мўл ҳосил олинди.*

5. Сифатловчи-аниқловчи одатда сифатланмишдан олдин келади. Масалан: *ғўзал боғ, ойдин кеча каби.*

Тартиб ўзгарса, аниқловчи қесимга, аниқланмиш эгага айланади: *Боғ — ғўзал, Кеча — ойдин каби.*

Қаратқичли аниқловчининг гапдаги тартиби эркин. Унинг ўрни гапнинг мазмуни, жанр тури ва ҳоказолар талабига кўра ўзгариши мумкин. Шунда ҳам қаратқич билан қаралмиш ўртасидаги грамматик муносабат ўзгармайди: *менинг уйим — уйим менинг, шаҳарнинг кўрки — кўрки шаҳарнинг. Заҳар солмоқ эмиш касби илоннинг, зулм аждарлари озори жоннинг. (Уйғун ва И. Султон.)*

6. Ҳоллар кесимдан олдин келади. Баъзан пайт, сабаб, мақсад ҳоллари гапнинг бошида, ўртасида ҳам қўллана олади: *Эрталаб атайин сизни излаб келган эдим. (С. Нуров.) Қувонганидан қичқириб юборди.*

232-машқ. Уқинг. Бош бўлақларни аниқлаб, уларнинг одатдаги тартиби ўзгаришини ва унинг сабабларини изоҳланг.

1. Келган ким экан? — бир оз исигач, шивирлаб сўради оқбола. (А. Нурпеисов.) 2. Севинганидан чапак чалиб, энтикиб-энтикиб нафас олди Дўндиқ. (О.) 3. Агар душманга қўққисдан дуч келинса, аҳиллик билан жангга кириш кераклигини уқтиради сержант. (О.) 4. Ҳамма ерда: корпус томида, ичида, анҳор атрофида, завод саҳнида иш билан қайнашган одамлар. (М. Исм.) 5. Нон... шундай қизариб пишганки, кўргандаёқ тамшанади киши. (О. Е.) 6. Юрган — дарё, ўтирган — бўйра, — дейдилар. Қутурган бир дарё эдик, мана, кўриб турибсизки, бўйра бўлиб қолибмиз, — деди

чол хўрсиниб. (О.) 7. —Эй, тегма, ит ёмон,— деди бо-
бом мени чақриб. (О.)

71- топшириқ.

Бирорта насрий ва шеърий жанрдаги асарни тан-
лаб, улардаги гап бўлақларининг тартибини солишти-
ринг. Қайси бирида грамматик тартиб кўпроқ ўзгари-
шини аниқланг ва изоҳлаб беринг. Тартиб ўзгариши
билан боғлиқ ўринларга характеристика беринг.

УНДАЛМА

189- §. Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки
предметни кўрсатадиган алоҳида сўз ёки сўз бирикмаси
ундалма дейилади. Ундалма баён қилинаётган фикрга
тингловчининг диққатини яна жалб қилиш учун ишла-
тилади. У бир сўз билан ҳам, икки ёки ундан ортиқ сўз
билан ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан: *1. Уктам
Замонович, азиз дўстим, эллик ёшинг қутлуғ бўлсин!*
(Х. Ғ.) *2. Мана буларнинг кўз ёши, қурбонларнинг қони
қўймайди, болам.* (Р. Ф.)

Ундалма гапнинг бошида, ўртасида, охирида келади.
Ундалма гапнинг бошқа бўлақларидан вергул билан
ажратилади. Масалан:— *Зап гапларни айтасиз-да, Дил-
дорхон.— Хафа бўлманг, қизим! Кўп емасак, озроқ ер-
миз... — Чироғим, қишлоқни бир айлантириб келайми?*
(Е. Ш.) *Эшитдим, Мунаввархон, хотинлар ўртасида
обрўйингиз баланд экан.* (С. Ан.) *Уртоқлар! Кўчат кел-
гунча кичкина мажлисчамиз бор, шуни ўтказиб олсак,
қаршилиқ йўқми? (Ш.) Биродарлар! Унда дарвозани
бузманглар, унчалик баланд эмас.* (В. Катаев.)

Эслатма. Баъзан бадий асарларда, айниқса, поэзияда ун-
далмалар тире билан ажратилиши мумкин. *Тонглар, тонглар—
севаман сизни!* (Х. О.)

233- машқ. Гапларни кўчириб, ундалмаларни аниқланг. Маъно-
сини тушунтиринг. Нечта сўз билан ифодаланганини айтинг. Ту-
ширилган ўринларга тиниш белгиларини қўйинг.

1. Салтанатхон ҳар ким ҳар нарса деса ўзингизга
олиб хафа бўлаверасизми? (Р. Ф.) 2.— Ҳе-ей янгаси
қурмағур-ей Ижроқум буванинг ўзидаям бор-да айб.
(С. Ан.) 3. Чашмалар булоқлар мафтунман сизга.

(Г. Нуруллаева.) 4. Мудир жаноблари мен тарбия бобида ҳеч қандай хато қилганим йўқ. (О.) 5. Эй юксак самода порлоқ Чўлпоним, Сирли Коинотда сири пинҳоним. (Ш.) 6. Дарахтлар бўстонлар Бугунги учрашувга сизлар гувоҳсиз. (М. Исм.) 7. Эй зулм кўрганлар жафо чекканлар Бизга озодлик вақти етиб келди. (М. Исм.) 8. Онажон Гофиржон Унутма мени. (Ҳ. Ҳ.) 9. Қовоғидан қор ёғади, нима гап ўзи аммажон?— деди раис юзлари лўпшигина оқ халатли жувонга. (С. Ан.) 11. Сени унутолмас юрагим асло эй Урта Осиё, Урта Осиё (В. Инбер.) 12. — Йўлчибой ака қаерда жим бўлиб кетдингиз далада ҳали ҳам иш борми? (О.) 13. Э йигитча бунақаси ярамайди (В. Катаев.) 14. Зап иш бўлди-да Арслон ака (О. Ҳ.)

КИРИШ СЎЗ

190-§. Сўзловчининг баён этаётган фикрига муносабатини билдирадиган сўз ёки сўз бирикмаси **кириш сўз** ёки **кириш бирикма** дейилади. Масалан: *Умуман, Салоҳиддин шу ерга етиб борган бўлиши мумкин. (Мирм.) Дарҳақиқат, Жамила ўзининг бир «бозорчи қиз» бўлиб қолганини фаҳмламай юрарди. (Мирм.)*

Кириш сўз ва кириш бирикмалар ундалмалар каби гапнинг бошида, ўртасида, охирида келади. Гапнинг бошқа бўлакларидан вергул билан ажратилиб, гап бўлақлари билан грамматик жиҳатдан боғланмайди.

Эслатма: 1. Киритма гаплар қавс ичига олинади: *Мен бу йигитни (бу йигит қўшимиз Сулаймон аканинг ўғли бўлади) яхши танийман.*

2. Кўчирма олинган асар, муаллифнинг номи ва фамилияси ҳам қавс ичида берилади: *Равийнғиздан қайтсанғиз, бўлмаса мен ота-онамни дейман. (Абдулла Қаҳҳор. «Қўшчинор чироқлари».)*

3. Драматик асардаги ҳар хил ремаркалар ҳам қавс ичида берилади: *...(Ўзича жилмайиб қўйди) ... (Тескари қарайди.)*

4. Тингловчиларнинг сўзловчининг фикрига бўлган муносабатини билдирувчи сўз ва бирикмалар қавс ичида берилади: *(Залда жонланиш.) (Қарсақлар.) (Залда кулги.)* кабилар.

Қуйидаги кириш сўзлар нутқимизда кўпроқ қўлланади:

Албатта, сўзсиз, ҳақиқатан, дарҳақиқат, тўғри, умуман, англашиладики, маълумки, хуллас, қисқаси, шундай қилиб, англашимча, модомики, ниҳоят, айниқса, шу-

нингдек, рост, дарвоқе, дуруст, ҳар ҳолда, холос, очиғи, эҳтимол, афтидан, чамаси, шекилли, бахтимизга, толеимизга, хайрият, шукур, иш қилиб, кошки, кошкийди, шояд, афсус, афсуски, эсиз, аттанг, бахтга қарши, аксига, аксига олиб, шубҳасиз, муқаррар, ажаб(ки), тажжуб(ки), менимча, фикримча, фаҳмимча, айтишларича, назарида, эсимда, маълумот беришича, эшитишимча, бошқача айтганда, бир сўз билан айтганда, яъни, тўғрироғи, айнан, одатда, одат бўйича, одатдагига мувофиқ, одатга мувофиқ, хусусан, асосан, зотан, биринчидан, иккинчидан..., демак, аксинча, аввало, ҳолбуки, ваҳоланки, деярли, жумладан, кўрдинги, билдинги, тушунасизки, қани, марҳамат қил, кечир каби.

234- машқ. Кириш сўзлар иштирок этган гапларни ажратиб кўчиринг. Кириш сўзларнинг гап ёки бўлагига қандай қўшимча маъно қўшаётганини тушунтиринг. Ясама сўзларни топиб, ясалиши ва ёзилишини айтинг.

1. Меҳмон (фамилияси Евқочев экан, сўраб билиб олди). Эрталаб туриб овга отланди. (С. Ам.) 2. Дарвоқе, Анварга кўп меҳнатим синган. (А. Қод.) 3. Фарида бу рангни Наримон яхши кўради деб танлаган эмас эди, албатта. (П. Қ.) 4. Иккинчидан, эртага вилоят ёш ёзувчиларининг анжумани очилади. (О. Е.) 5. Хайриятки, мен «муборакнома»ни ўқитиб кўрган эканман. (С. Аҳм.) 6. Айтгандай, сизга расм юборганимни Тошкентдагилар билди кўрмасинлар. (Ф. Ф.) 7. Йигирманчи августда, албатта Ленинградда бўлишим керак. (Ф. Ф.) 8. Чамамда, етти-саккиз йил бўлди, шекилли. (М. Исм.) 9. Очиб кўриш керак, афтидан, клапанларини кир босганга ўхшайди. (Ф. Н.) 10. Демак, у Ҳафиздан жуда қаттиқ хафа бўлган. (Мирм.)

235- машқ. Кириш сўзлар ва кириш бирикмалар мавжуд бўлган гапларнинг тиниш белгиларини қўйиб чиқинг. Кириш сўзларнинг қайси сўз туркумига оидлигини тушунтиринг.

1. Наҳотки, Умид телефон орқали ўзининг командировкага кетаётганини айтмаса. (Мирм.) 2. Ольга Петровнадан ҳамма миннатдор албатта. (М. Исм.) 3. Афтидан у бизни кўрмади шекилли. (М. Исм.) 4. Сизнингча Ғулумжон қандай йўл тутиши керак? (М. Исм.) 5. Менимча бу саратон иссиқ бошланади. 6. Балки сиз ҳам ҳозир менда бўлган ҳаяжоннинг мингдан бирини бошдан кечиргандирсиз. («Ш. ю.» ж.) 7. Ҳа айтмоқчи қайтишда шу ердан ўтасизлар-ку, ўшанда хайрлашарсиз. (М. Исм.)

8. Аксинча тошкентликлар жуда яхши одам бўлади. (Е. Ш.) 9. Дарҳақиқат у уйда худди биров ушлаб қоладигандек жуда эрта чиққанини пайқади. (С. Ан.) 10. У биринчи семестрни «аъло» билан тугатди (имтиҳон биттагина эди зачётларга эса баҳо қўйилмайди) четдан қараганда ҳаммаси яхши борапти. (П. Қ.)

МУРАККАБЛАШГАН СОДДА ГАПЛАР

191-§. Икки таркибли содда гапларнинг асосини — ядросини эга ва кесим ташкил қилади. Эга ва кесим ҳар қандай содда гапнинг грамматик асоси ҳам ҳисобланади.

Содда гапларнинг йиғиқ («эга-кесим» типиди тузилиши), ёйиқ («эга — иккинчи даражали бўлак-кесим» типиди тузилиши) турлари юқорида кўриб ўтилди. Содда гапларнинг ё кесим таркибидан («иккинчи даражали бўлак-кесим типиди тузилиши»), ё эга таркибидан («эга» ёки «аниқловчи-эга» типиди тузилиши) иборат бўлган бир таркибли гаплар сифасига кириши ҳам қайд этилди.

Нутқимизда содда гаплар ҳамма вақт ҳам ўзларининг юқоридагидай структура кўринишида учрайвермайди.

Айниқса, ёзма нутқда гапларнинг шундай кўринишдаги турлари учрайдики, улар маълум даражада бошқа сўз (бўлак)лар ҳисобига кенгайиши мумкин. Бу жиҳатдан уларнинг тузилиши ҳам, мазмуни ҳам маълум даражада кенгайган — мураккаблашган бўлади. Аниқки, оддий — типик икки таркибли гаплардан тубдан фарқ қилади. Қиёсанг: 1. *Бола келди.* 2. *Ўқиган бола келди.* 3. *Яхши ўқиган бола келди.* 4. *Бизнинг мактабимизга яхши ўқиган бола келди.* 5. *Дўстим, бизнинг мактабимизга яхши ўқиган бола келди.* 6. *Дўстим, бизнинг мактабимизга яхши ўқийдиган бола — Маҳмуджон келди* ва ҳоказо.

Кўриниб турибдики, 1-гапни 6-гап билан, 2-гапни 5-гап билан бирдай деб бўлмайди. 6-гапда ундалма (*дўстим*), ажратилган бўлак (*Маҳмуджон*) каби сўзлари келиб, бу гап мураккаблашган. У дастлабки гаплардан ҳам мазмун, ҳам тузилишига кўра ажралиб турибди. Демак, бундай типдаги гапларни содда гап тури деб ажратиш лозим бўлади.

Содда гапнинг кириш сўз, ундалма, ажратилган бўлак, сифатдош ва равишдош обороти ҳисобига кенгайган тури мураккаблашган содда гап дейилади.

Шунга кўра мураккаблашган содда гапларнинг:

1. Кириш сўзли мураккаблашган содда гап. 2. Ундалмали мураккаблашган содда гап. 3. Ажратилган бўлакли мураккаблашган содда гап. 4. Оборотли мураккаблашган содда гап каби турларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

192- §. I тип мураккаблашган содда гап.

Бунда содда гап кириш сўз ва кириш ибора ҳисоби-га кенгайди. Кириш сўз гап тузилишини кенгайтириш билан бирга, айрим гап бўлаги маъносига ёки бутун гап мазмунига қўшимча ҳолда таъкидлаш, тасдиқлаш, санош каби оттенкаларни ҳам қўшади.

Масалан: *Виктор (Лизанинг укаси) ишчи-ёшлар мактабида, кичкина Лиза билан Каромат... иккинчи сменада ўқишади. (Ас. М.) Тавсия этилган адабиётларни ўқиш зарур, албатта. Бугун мен, биринчидан, кутубхонага боришим зарур, иккинчидан, вақт топсам, ойимларни кўриб келишим керак* каби.

193- §. II тип мураккаблашган содда гап. Содда гап таркибида баъзан ундалмалар ишлатилади. Бу сўз сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметга — эгага илова қилиш маъносини билдиради. У бир жиҳатдан эгага ўхшаса ҳам гапнинг бошқа бўлақларидан ажратилиб талаффуз қилинади. Масалан:

1. Ҳой, ишчилар,
Эзилган меҳнатчилар,
Битсин золим бойлар!
Эркингни қўлдан берма,
Яша, хизматчилар! (Ҳ. Ҳ.)
2. *Омон бўлинг, сиз ёшлар!*

194- §. III тип мураккаблашган содда гап. Ажратилган аниқловчи, ажратилган изоҳловчи, ажратилган тўлдирувчи, ажратилган ҳол ва бошқалар содда гап таркибида келиб, шу бўлақлар сўроғига жавоб бўлади. Ўзи алоқадор бўлак маъносини тўлдиради, изоҳлайди, аниқлаштиради, содда гапнинг мураккаб кўринишининг ҳосил бўлишига хизмат қилади. Бу ажратилган бўлақлар ўзи алоқадор бўлақлардан маълум пауза билан ажралиб туради. Бу ҳодиса кўпроқ ёзма нутқ учун хос ҳодиса бўлиб, бундай мураккаблашган содда гаплар оғзаки нутқда асосан қўлланмайди. Масалан: *1. Мирзачўл қисқа вақт ичида, 5—6 йил мобайнида ватанимизнинг йирик пахтачилик майдонига айланди. 2. Улар, эру хотин эр-талабки салқинда ҳовлидаги гуллардан бир қучоқ гул-*

даста ясаб, йўлга тушишди. (Мирм.) 3. Мен Ҳафизага — қизимга гапираётиман. (А. Қ.) 4. Биз мана шу жамоа хўжалиги ҳаётидан нафис фильм, янги картина яратмоқчимиз (А. Қ.) каби.

195- §. IV тип мураккаблашган содда гап. Содда гап ҳар хил бирикмалар, оборотлар — равишдош, сифатдош ва ҳаракат номи оборотлари билан кенгайиши мумкин. Бунда бирикмалар, оборотлар ҳар хил гап бўлаги вазифасида келиши мумкин.

Масалан: Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар. Ут билан ўйнашган ёнар. (Мақоллар.) Одамларнинг шовқин-суронини босиб, гудок ўқирди. (М. Г.) Каримнинг диққат бўла бошлаганлиги башарасидан ҳам билиниб турар эди. (Ойдин.) Бу масалада биз ўзаро бир ёқадан бош чиқармоғимиз керак. (О.) Элмурод тобора куннинг қандай ўтаётганини сезмай бошлади (П. Т.) каби-лар.

236- машқ. Қуйидаги гаплар ичидан мураккаблашган содда гапларни топиб, қайси гап бўлаги ҳисобига мураккаблашганини изоҳланг. Бу бўлақлар вазифасида қандай оборот ва бирикмалар келганини тушунтиринг.

1. Ботир, меҳмонлар билан саломлашиб, айвон тўридаги уйга ўтди. (С. Н.) 2. Ғўппон, ишда тўрт кишининг ишини қилгани каби, овқатда ҳам тўрт кишининг овқатини ер эди. (С. Аҳм.) 3. Очиқ деразадан кирган салқин шабадага қарамай, ҳар иккисининг пешанасида томчитомчи тер йилтирар эди. (О.) 4. Ҳозирги муваффақиятларимиз колхозда яширинган имкониятларга қараганда, хамир учидан патир бўлиб кўринди. (О.) 5. Эркак, аёл — ҳаммаси ўн чоқли одамни бошлаб, Йўлчи маҳалладан гузарга чиқди. (О.) 6. Беш йиллик қаҳрамонларининг олдинги сафларида ижодий фикр эгалари — новаторлар бормоқда. 7. Қутидор ҳовлисига қайрилар экан, бек билан хайрлашди. (А. Қод.) 8. Чиқаётган қуёшни саломлаб, яшил дарахтларда қушчалар сайрай бошладилар. 9. «Алифлайло» деган бир китоб бор, буни бизда «Минг бир кеча» деб ҳам юргизадилар. (Ғ. Ғ.)

72- топшириқ. Узингиз мустақил равишда оборотли, ажратилган бўлакли мураккаблашган содда гапларга бир неча мисол топинг. Бундай гапларни оддий содда гаплардан нима билан фарқланишини айтинг.

ҚУШМА ГАПЛАР

196- §. Икки ёки ундан ортиқ содда гапнинг мазмун ва интонацияга кўра бирикувидан ташкил топган гап

қўшма гап саналади. Масалан: 1. Бу йил баҳор яхши келди. 2. Олтин куз кирди. 3. Кун совуқ, лекин бозор қайнайди. (О.) 4. Уқитувчи келса, биз дарсни бошлаймиз.

Бу гапларнинг биринчи ва иккинчиси содда, учинчиси ва тўртинчиси эса қўшма гаплардир.

Қўшма гап таркибий қисмларининг мазмунан ўзаро муносабати, тузилиши ва бирикишига кўра дастлаб катта икки гуруҳга бўлинади: I. Икки қисмли (содда гапли) қўшма гаплар. II. Уч ва ундан ортиқ компонент (содда гап) ли мураккаб ёки мураккаблашган қўшма гаплар.

Дастлабки I тур қўшма гаплар таркибий қисмлари— содда гапларнинг ўзаро мазмун ва тузилиш муносабати-га кўра, боғланган қўшма гаплар, эргаш гапли қўшма гаплар, боғловчисиз қўшма гапларга бўлинади.

237- машқ. Гапларни кўчириб, содда ва қўшма гапларни ажратинг. Содда ва қўшма гап орасидаги фарқларни кўрсатинг.

1. Яхшидан от қолади, ёмондан дод қолади. 2. Севдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил. 3. Вақтинг кетди, бахтинг кетди. (Мақоллар.) 4. Одамга андиша керак, лекин ундан илгарироқ инсоф керак. (А. Қ.) 5. Яна икки марта айланиб чиқамиз. (У. Ум.) 6. Ярим асрга яқин умр кўрдим. (Х. Н.) 7. Мудроқ кўзларинг билан боқиб, пёшонамни силаб овутгансан. (Х. Н.) 8. Аям оёғим куйганини эшитиб ҳушидан кетаёзди. (А. Қ.) 9. Шундай қилиб, орага бошқа гап сизмади-ю, қувончим ичимда қолаверди. (А. Қ.) 10. Бироқ опаси воқиф бўлгач, Равшаннинг Гулбодомга кўринмай юришини таъкидлади. (С. Қ.) Рустамовнинг блиндажига бор, дўстларинг кутиб қолишади. (Х. Ф.) 12. Қамишлар орасида уларнинг боши гоҳ кўринади, гоҳ сувга шўнғигандек йўқ бўлиб кетади. (С. А.)

БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАП

Боғланган қўшма гап қисмлари бир-бири билан бириктирувчи, зидловчи, айирувчи ва инкор муносабатларини ифодаловчи тенг боғловчилар, тенг боғловчи вазифасидаги -у (-ю) каби юкламалар воситасида боғланади: Эҳтимол, бу бошқаларга тўғри келар, аммо мен бундай қилолмайман. (У. Ум.) Кўзларимиз экранда-ю, хаёлимиз бир-биримизда. (У. Ум.) Қўнғироқ чалинди ва дарё бошланди.

Боғланган қўшма гаплар содда гапларнинг ўзаро

мазмун муносабатларига, тенг боғловчиларнинг боғла-нишидаги хусусиятларига кўра қуйидаги турларга бў-линади: бириктирувчи боғловчили боғланган қўшма гаплар, зидловчи боғловчили боғланган қўшма гаплар, айирув боғловчили боғланган қўшма гаплар, инкор боғловчили боғланган қўшма гаплар.

197-§. Бириктирувчи боғловчили боғланган қўшма гаплар. *Ва, ҳам (ҳамда)* боғловчилари, боғловчи вазифа-сида келувчи *-да, -у (-ю)* юкламалари қўшма гап қисм-ларини бириктириб боғлайди: *Шу-шу бўлди-ю, Низомжон қизлар звеносига йўламай қўйди. (С. Аҳм.) Баҳор келди ва гуллар очилди. Меливой ака ҳамроҳининг саволига жавоб бермади-ю, ўзига-ўзи гапиргандек сўзлади. (О. Ҳ.)*

Одатда қўшма гап қисмларини боғлаган юкламалар-дан кейин вергул қўйилади, юклама эса ўзи қўшилган сўздан чизиқча (—) билан ажратилади.

238-машқ. Гапларни кўчиринг. Боғланган қўшма гапларни то-пиб, уларнинг қисмлари қандай боғловчи воситасида боғланганини кўрсатинг.

1. Энди унинг хаёлида ҳамма нарса бўш ва маъносиз эди. (О.) 2. Унинг юрагида бўлаётган гапларни қиз се-зарди-ю... унга сир бой бермасди. (С. А.) 3. Туробжон бу гапни айтди-ю, аммо хотинининг аҳволини кўриб аччиғидан тушди. (А.-Қ.) 4. Олдимдан катта одамлар ўтиб туради, лекин шафтолига кимса боқмайди. (О.) 5. Мадраса, хонақоҳ, шифохона, ҳаммом ва бошқа катта бинолар азамат пештоқлари, гумбазлари билан самога тижкайган. (О.) 6. Шу пайт тоғ чўққисидан катта бир тош юмалади ва йўлдаги бошқа тошларни қўпориб, даҳ-шатли тошбўрон бошланди. (С. А.) 7. Энди Ёдгорнинг хўжайиндан қарзи икки юз тангага ва отасидан қолган қарзи билан минг тангага етган эди. (С. А.) 8. Ўқиши ҳам яхши, талабалар орасидаги обрўси ҳам яхши. 9. Дўстлар тўпланишди ва биз узоқ суҳбатлашдик. 10. Ҳадемай экинзор ва тўқайларни оралаб ўтган сўқ-моқ ва арава йўлларида қатнай бошлади. (А. Қ.)

198-§. Зидловчи боғловчили боғланган қўшма гап-ларда қисмлардан англашилган мазмун бир-бирига зид (қарама-қарши) қўйилади ёки воқеа-ҳодисалар қиёсланади ва қўшма гап қисмлари аммо, лекин, бироқ каби боғловчилар ва шу боғловчилар ўрнида қўлланади-ган -у (-ю), -да юкламалари орқали боғланади. Маса-лан: Санобарнинг практикаси тугай деб қолди, лекин ҳамон гаплашмаймиз. (У. Ум.) Емғир тинди-ю, шамол тўхтамади.

Зидловчи боғловчили боғланган қўшма гапларда зидловчи боғловчидан олдин доим вергул қўйилади. Агар қўшма гап қисмлари зидловчи боғловчи вазифасидаги юкламалар билан боғланган бўлса, юкламадан олдин дефис (-), ундан кейин вергул қўйилади. Масалан: *Дарсга ҳамма келди, лекин Рустам келмади. Қор ёғди-ю, ҳаво очилмади.*

239- машқ. Аввал бириктирувчи боғловчили, сўнг зидловчи боғловчили қўшма гапларни топиб, кўчиринг.

1. ... юраги жиз этиб кетди, аммо буни унга сездирмади. (С. А.) 2. Буни Мамлакатнинг отаси ҳам тезда пайқаб қолди-ю, лекин кимлигини ундан сўрамади. (У. Ум.) 3. Мартнинг охири. Кундуз соат уч чамаси. Янги шаҳар кўчалари қуруқ ва тоза, илк баҳор шамоллари эсади. (О.) 4. Низомжон конвертни дадасининг қўлига берди-ю, физиллаганича чиқиб кетди. (С. Аҳм.) 5. Нурига энди кеча ва жимжитлик нечундир қўрқинчироқ туюлди. (О.) 6. Қирларда лолақизғалдоқлар гулхани ёнади, аммо қуш малла тўнни ечмай тура беради. (С. А.) 7. Холбек уларнинг орасида бир жарга ўхшаб туғар ва бу жар йил сайин улканлашар эди. (П. Қ.)

240- машқ. Кўчиринг. Нуқталар ўрнига мос боғловчиларни қўйинг. Бириктирувчи боғловчили ва зидловчи боғловчили боғланган қўшма гапларни аниқланг. Қўшма сўзаларни топиб, қўшиб ёки ажратиб ёзилиш сабабларини тушунтиринг.

1. Кеч куз бўлса ҳам ҳали унча совуқ тушмаган... салқин этни жунжитиради. (У. Ум.) 2. Улар анча йўл босишди... ҳамон йўл кўринмасэди. (У. У.) 3. Ана шундан кейингина Низомжоннинг ҳуши ўзига келди. (С. Аҳм.) 4. Дунёда яхши китоблар жуда кўп... бу китоблар уни ўқиб биладиган кишилар учунгина яхшидир. («Ақл ақлдан қувват олади».) 5. Машина ҳўп яхши нарса ... унинг ҳам ўзига яраша нағмалари бор. (С. Аҳм.) 6. Нури ҳар гал оғир юмуш қилдиар эди ... бу сафар қизга иш буюрмади. (О.) 7. Тантибойваччанинг нафаси ичига тушиб кетди ... у уялган каби ўзини билмасликка солди. (О.) 8. Одам сийрак ... машиналар турна қатор ўтиб турибди. (У. Ум.) 9. У ёқ-бу ёқдан гапга солди ... овутмоқчи бўлди ... бемор оғиз очмади. (У. Ум.) 10. Мажлис бир лаҳза жим қолди ... ундан-бундан товушлар чиқа бошлади. (А. Қ.) 11. Мактабда энди ташкилий ишларни йўлга қўяман деб тургандим ... Абдумаликка ёрдамга бориш керак. (П. Қ.) 12. У ўзича янги ҳамроҳи-

нинг Ғойибга муносабатини билиб олиш илинжида эди ...
Ҳожининг юз ифодасидан ҳеч нимани уқиб бўлмасди.
(*О. Ҳ.*)

199- §. Айирувчи боғловчили боғланган қўшма гаплар.
Айирувчи боғловчили боғланган қўшма гаплар кетма-
кет юзага келадиган ёки алмашилиб турадиган икки ва
ундан ортиқ воқеа-ҳодиса, ҳаракатни ифодалайди.

Гоҳ, баъзан, дам, ё, хоҳ, бир каби боғловчилар қўш-
ма гап қисмларини айириб боғлаш учун ишлатилади.
Улар, одатда, такрорланиб қўлланади: *Ё сиз келинг, ё*
мен борай. Баъзан бизлар бориб турамиз, баъзан улар
келиб туришади.

Айирувчи боғловчилар ҳар бир қисм бошида такрор-
ланиб қўлланади, такрорланган кейинги боғловчидан ол-
дин вергул қўйилади. Масалан: *Бу ишни хоҳ сиз бажар-*
инг, хоҳ мен бажарай.

241- машқ. Гапларни кўчиринг. Айирувчи боғловчили боғланган
қўшма гапларни аниқланг, уларнинг уюшиқ бўлакли гаплардаги фар-
қини тушунтиринг. Тивиш белгиларининг қўйилиш сабабларини изоҳ-
ланг.

1. Бу юмшоқ, мулоҳазали одамга ётоқдагиларнинг
меҳри ошиб қолган эди. (*Ас. М.*) 2. У бошқа бригадаларга
бош бўлганларни кўрди ва кузатди. (*Ж. Абд.*) 3. Шундан кейин
ишчиларнинг трассадаги турмуши, Моҳидилнинг шахсий ҳаёти
тўғрисида саволлар ёғила бошлади. (*Ж. Абд.*) 4. Тўтиқиз ўзини
гоҳ онасининг бағрига, гоҳ холасининг қучоғига отиб йиғлайди.
(*М. Исм.*) 5. Болалар ухлаб қолди-ю, лекин катталар алламаҳал-
гача ухлашмади. (*Х. Ғ.*) 6. Ё унинг товуши чиқмайди, ё
одам йўқ. (*Ас. М.*) 7. Баъзан бу чизиқлар миллиметр-
нинг ўндан бири даражасида гоҳ ўннга, гоҳ чапга бури-
либ турарди-да, унинг изларидан ингичка йўлканинг
майда ўхшаш чизиқлари ҳосил бўларди. (*И. Р.*) 8. Йиғи-
дан охири кўзи тинди, лекин ўзи тинмади. (*М. Исм.*)

242- машқ. Боғланган қўшма гапларни турига кўра ажратиб кў-
чиринг, тиниш белгиларининг қўйилишини тушунтиринг.

1. У болаларини соғинган, дераза орқали бўлса-да,
уларни ва албатта хотинини ҳам бир кўриб олмоқчи эди.
(*Э. А.*) 2. Элмуродга ташаккур эълон қилди ва ёнидан
ўз соатини чиқариб тақдим этди. (*Ш.*) 3. Кеч эди ...
лекин уни кўрди, дафъатан кўзи илинди. (*Э. А.*) 4. Маш-
рабнинг кўнглидаги бутун ғурбат бирдан булутдай тўз-
ғиди ва у ерга сакраб тушди. (*О. Ё.*) 5. Ҳозир паранжи


йўқ, лекин унинг чоракларга эниб қолган доғлари ҳали ҳам бор. (П. Қ.) 6. Китоб ичидан икки букланган хат ерга тушди-ю, қиз мисоли оловдай ёнди. (О. Ё.) 7. Бу одат эскирган бўлса эскиргандир, аммо ҳозир Маюҳатга маъқул эди. (И. Р.) 8. Тоғнинг ичкарасига на машина кира олади, на арава чиқа олади. (П. Қ.) 9. Ошхона томондан паловнинг ҳиди кела бошлади, аммо чол жойидан қимирламай ўтираверди. (У. Ум.) 10. Аброр Шукурович энсаси қотиб, папкани ёпди-да, кабинетдан чиқди. (О. Ё.)

243- машқ. «Менинг севган касбим» деган мавзуда ишро ёзинг. Унда боғланган қўшма гаплар ва уларнинг турлари иштирок этсин. Тиниш белгиларининг қўйилишига эътибор қилинг.

ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

200- §. Эргаш гапли қўшма гаплар тенг ҳуқуқли бўлмаган содда гаплардан (бош ва эргаш гапдан) ташкил топади. Масалан: *Қўшининг тинч бўлса, сен тинч бўласан. Пахта режаси ошиғи билан бажарилди, шунинг учун ҳам-манинг юзида табассум.* Бу мисолларнинг ҳар иккаласида биринчи қисм эргаш гап, иккинчи қисм бош гапдир. Бош гап мазмунан мустақилдай кўринса ҳам эргаш гап томонидан тўлдирилади, изоҳланади. *Ҳаво булут бўлса, ҳам, биз қишлоққа жўнадик.*

Аниқланаётган, изоҳланаётган ёки тўлдириладиган гап бош гап, аниқлайдиган, тўлдирадиган, изоҳлайдиган гап эса эргаш гап саналади. У бош гапга доим мазмунан тобе бўлади. Бунинг чизмаси қуйидагича:



Эргаш гап бош гапга эргаштирувчи боғловчилар орқали бирикади: *-ки, -са, чунки, негаки, нимагаки, шунинг учун, сабабки, башарти, гўё, токи, гарчи* каби. Булардан ташқари, *шекилли, бўлмаса, борди-ю, мабодо* каби сўзлар ҳам эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. Масалан: *Биз шундай кутубхона бино қилайликки, бутун эл қошида манзур ва мўътабар*

*бўлсин. (О.) Ярим йўлга келишганда, Юсуф ака ни-
мадир эсига тушиб орқасига қайтди. (У. Ум.)*

Эргаш гап куйидагича шаклланган кесим орқали бош гапга боғланади:

1. Эргаш гапнинг кесими феълнинг шарт майли шакли билан ифодаланади: Масалан: *Ким яхши ўқиса, у дўстлари ҳурматига сазовор бўлади.* Баъзан эргаш гап кесими таркибида -да ҳам ишлатилади: *Ер лой бўлса-да, биз далага чиқамиз.*

2. Эргаш гап кесими феълнинг равишдош шакли билан ифодаланади. Масалан: *Эрта билан соат саккизлашда булут қуюқлашиб, ҳамма ёқни қоронғилик босди. (Мирм.)*

3. Эргаш гапнинг кесими феълнинг сифатдош шакли билан ифодаланади. Бунда кесим таркибида -да, сайин, -дан, сўнг, -дан бери, -дан буён, -дан кейин, замон каби сўз ва элементлар бўлиши мумкин. Масалан: *Ўқитувчи келганда, биз синфда тўпланган эдик. У кетгандан бери, қўлим ишга бормайди.*

4. Эргаш гапнинг кесими сифатдошнинг бўлишсиз шакли (-мас)дан аввал (олдин, илгари) шаклида таркиб топган бўлади. Масалан: *Тонг ёришмасдан, Чўлбо бо далага отланди. (Ҳ. Ғ.)*

5. Эргаш гапнинг кесими сифатдош (-ган, -дай, -дек) шаклида бўлади. Масалан: *Қақраган ер намга ташна бўлганидек, жангчининг юраги ҳам тинчликка ташна бўлади.*

Эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гап биринчи ўринда ҳам, бош гапдан кейин ҳам желиши мумкин. Ҳар икки ҳолда ҳам бош ва эргаш гаплар вергул билан ажратилади: 1. *У келса (э. гап), мен жўнайман (б. гап).* 2. *Шунга эришайликки (б. гап), орамизда бирорта ғаламис қолмасин (э. гап).* (М. Исм.)

Эслатма: *Салқин шабада гулзорларда чарх уриб, гулларнинг ҳидини ўғирлаб қочмоқда эди. (Мирм.) Яхшилик қилсанг, яхшилик кўрасан. (Мақол.)* сингари гапларни эргаш гапли қўшма гаплар билан аралаштирмаслик керак.

244- машқ. Эргаш гапли қўшма гапларни кўчириб, эргаш гапнинг бош гапга қандай восита ёрдамида боғланганини айтиб. Боғланган қўшма гапларни эргаш гапли қўшма гапларга айлантириб.

1. Очилнинг эришган ютуғи шу бўлдики, у Замиранинг ишончини оқлади. 2. Агар у очиқдан-очиқ ишимизга тўғаноқ бўлаверса, илдиз-пилдизи билан суғуриб ташлаймиз. (Мирм.) 3. Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан.

(Мақол.) 4. Зангори осмон шундай тиниқ, шундай беғуборки, кўзни олади. (О.) 5. Қоратойим қандай бўлса, сен ҳам менга шундайсан. (О.) 5. Вали ака калласини қимирлатди ... аммо бунини Ғуломжон кўрмади. (М. Исм.) 7. Улар хаспўшлаш учун қанчалик уринмасинлар, бироқ кўз боғламачиликни Навоий олдида ўтказа олишдан ожиз эдилар. (О.) 8. Гўё ҳаёт тамомила ухлагандай, ҳамма ёқ жимжит эди. (П. Қ.) 9. Сўз билан иш бир бўлмаса, эл хуш кўрмас. («Ақл ақлдан қувват олар»). 10. Меҳнатни аямасанг, бу ерда ҳосил қайнайверади. (О.) 11. Қор ёғди — дон ёғди. (Мақол.)

245- машқ. Эргаш гапли қўшма гапларни топиб, уларни боғланган қўшма гапларга айлантиринг. Гап тузилишида ва тиниш белгиларида юз берган ўзгаришларни тушунтиринг.

1. Ёмоннинг яхшиси бўлгунча, яхшининг ёмони бўл. (Мақол.) 2. Кун чиққунча, биз далага етиб борамиз. 3. Жамол хола гапини тугатгач, Манзура хола «тўғри айтадилар, кўзим» деб қўйди. (Ҳ. Н.) 4. У ерга анчагина эскирган қирғиз кигизи солиниб, устига кўрпача тўшалган эди. (М. Исм.) 5. Табиат оқ ёпинчиғини ташларташламас, куртаклар кўз уқалай бошлади. (М. Исм.) 6. Шамси ўрнидан туриб, дўпписини икки буклаб «Боғаро»ни шунақаям авждан айтибдики, ҳаммаси қойил қолишибди. (С. Аҳм.) 7. Энди ўт ёқаман деб турганда, кўча эшиги бирдан тақиллаб қолди. (М. Исм.) 8. Шу ўйин амри биланми, у эшикни қаттиқ итарди. (М. Исм.) 9. Сенга бир аломат нарса олиб келдимки, кўрсанг ҳайрон қоласан. (М. Исм.) 10. Меҳнат қилсанг, роҳат кўрасан. (Мақол.) 11. Мен келсам, сен кетибсан.

БОҒЛОВЧИСИЗ ҚЎШМА ГАП

201- §. Икки ёки ундан ортиқ содда гапнинг боғловчисиз ёки боғловчи вазифасидаги грамматик воситаларсиз, фақат интонация ёрдамида бирикишидан таркиб топган қўшма гап боғловчисиз қўшма гап дейилади. Масалан: *Усма кетар, қош қолар... Яхши ўғил қанд едирар, ёмон ўғил панд едирар. Мард бир ўлар, номард минг ўлар.* (Мақоллар.)

Боғловчисиз қўшма гаплар ўз таркибидаги содда гапларнинг ўзаро мазмун муносабатига кўра икки гуруҳга бўлинади:

1. Боғланган қўшма гапларнинг боғловчисиз тури.
2. Эргашган қўшма гапларнинг боғловчисиз тури.

Биринчи тур (боғланган қўшма гапларнинг боғловчисиз тури) да ҳар бир қисм тенг ҳуқуқли бўлиб, улар тенгларини интонацияси орқали бирикади: *У ҳаддан ташқари хомуш, касал товуқдай қанотлари осилган эди.* (А. Қ.)

Бундай қўшма гап таркибига кирган содда гаплар мазмунидан ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг бир пайтда ёки кетма-кет юз бериши англашилиб туради. Масалан: *Қўнғироқ чалинди, дарс бошланди. Атлас кўйлак кийган қизлар саватларда мева теряптилар, йигитлар ташияптилар.* (С. Нуров.)

Шунингдек, қўшма гап қисмлари воқеа-ҳодиса, нарсас-предметнинг қиёсланиши, таққосланиши, бир-бирига зид қўйилишини билдиради. Масалан: *Қор ёғди — дон ёғди. Ҳаво булут бўлди, ёмғир ёрмади.*

Бундай боғловчисиз қўшма гаплар боғланган қўшма гапларга синоним бўлиб, уларда тиниш белгиларининг қўлланиши қўйидагича.

1. Воқеа-ҳодисаларнинг бир пайтда, кетма-кет юз беришини ифодалаган боғловчисиз қўшма гап қисмлари орасига вергул қўйилади: *Зал жим, халқ парда очилишини кутар эди.* (А. Қ.) *Пахта нозик йўсимлик, парварishi ниҳоятда мураккаб.* (О.)

2 Боғловчисиз қўшма гап қисмлари бир-бирига зид ёки қиёслаш, ўхшатиш мазмунини ифодаласа, улар орасига тире қўйилади:

Кўприклар ясадик — золимлар ўтди,
Ариқлар чиқардик — ёллар қуритди. («Хат»дан.)

246- машқ. Уқинг. Боғловчисиз қўшма гапларни кўчиринг ва уларнинг ҳар бирига изоҳ беринг.

1. Низомжон бўшашиб кета бошлади. Асрор ака уни тўхтатди. (С. Аҳм.) 2. Низомжон йиғилиб қолган гапларни энтикиб, шошилиб гапирар, Дилдор бўлса бепарвогина унинг гапларига қулоқ солиб борар эди. (С. Аҳм.) 3. Икковга биров ботолмас, отликқа яёв етолмас. (Мақол.) 4. Албатта сой лаби соя-салқин бўлади, шаҳардагидек дим эмас. (И. Р.) 5. Қўлқопини ечиб чеккаларини ушлади, куни билан рулда ўтириб толиққан вужудида қон ҳорғин-ҳорғин гупилларди. (Ас. М.) 6. Машина сакрар, руль ҳам бўйсунмай ҳар замонда тралери ғирчиллаб ғашга тегар эди. (Ас. М.) 7. Бирор марта раъйингни қайтарганмидим, гапиравермайсанми? (Ш.)

Боғловчисиз қўшма гапларнинг иккинчи тури тенг бўлмаган қисм (гап)лардан ташкил топади. Бундай қўшма гап таркибидаги содда гаплардан шарт, сабаб ёки натижа, тўсиқсизлик каби мазмун англашилади. Масалан: *Қўшнинг тинч — сен тинч (Мақол.)* — шарт. *Битта беретка олиб юборинг, шаҳарда қизларнинг ҳаммасига беретка кийиш расм бўлиб кетган* — сабаб. *Ўтирганлар қисталанг қилди, ашулачи торни қўлига олди* — натижа каби.

Бундай боғловчисиз қўшма гаплар эргаш қўшма гапларга синоним бўлиб келади. Қ и ё с л а н г: *Қўшнинг тинч — сен тинч* (боғловчисиз қўшма гап). *Агар қўшнинг тинч бўлса, сен тинч бўласан* (эргаш гапли қўшма гап).

Бундай турдаги боғловчисиз қўшма гапларда қуйидаги тиниш белгилари ишлатилади:

1. Иккинчи гап биринчи гапнинг натижасини, сабабини билдирса, биринчи гапдан кейин икки нуқта қўйилади: *Онахоннинг юраги шув этиб кетди: тўппончани ўз кўзи билан биринчи кўриши эди. (Ас. М.)*

2. Иккинчи гап биринчи гапдаги бирор бўлакнинг маъносини изоҳласа, биринчи гапдан кейин икки нуқта қўйилади. Яхшиси шу: биздан хавотир олмай, эрта билан капсанчилар олдига боргин. (А. Қ.)

3. Тўсиқсиз боғловчисиз қўшма гап қисмлари орасига вергул қўйилади: *Уйда чакса уни йўқ, том бошида қўш тандир. (Мақол.)*

4. Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги гаплар бир пайтда ёки кетма-кет бўлган воқеа-ҳодисаларни билдирганда, ўзаро вергул билан ажратилади. *Баҳор келди, гуллар очилди.*

5. Боғловчисиз қўшма гап қисмлари зид муносабатда бўлса, улар орасига тире қўйилади. *Ит ҳурар — карвон ўтар. (Мақол.)*

6. Ўхшатиш муносабатини билдирувчи боғловчисиз қўшма гаплар орасига ҳам тире қўйилади: *Сув келди — нур келди. (Мақол.)*

247- машқ. Уқинг. Боғловчисиз қўшма гапларни ажратиб кўчириг. Уларнинг ҳар бирига изоҳ беринг. Эргашган қўшма гапларни боғловчисиз қўшма гапга айлантинг. Фарқини тушунтинг.

1. Пахтакорлик шунчалик ота-бободан мерос, у билан эгизаклар биздаги урф-одат. (F. F.) 2. Қиш келди — совуқ кунлар бошланди. 3. Олтин-кумушнинг эскиси бўл-

мас, ота-онанинг баҳоси бўлмас. (Мақол.) 4. Сиз кетишингиз билан, у бизга кўп нарсаларни гапириб берди. (А. Қ.) 5. Теракзорлар хушбичим, боғларда ҳамма ёқ жим. Ер ҳам, кўк ҳам мовий ранг, ҳавонинг юзи тиниқ. (М. М.) 6. Узоқда баланд-паст тоғлар яшнайти, тепалар, адирлар ранг-баранг гуллар билан ясанади. 7. Ботир акам сизга юборган эдилар, ҳужрага қўйиб чиқдим. (С. Аҳм.) 8. Анжир ҳазон бўлай деганда, Қўқондан амаким келди. (А. Қ.)

248- машқ. Қуйидаги гапларни боғловчисиз қўшма гапларга айлантинг. Гап қурилишида юз берган ўзгаришни тушунтинг.

1. Тўлаган ака нима дейишини билмай қолганини кўриб, Сафаров беш-олти букланган аризасини унинг қўлидан олди. (А. Қ.) 2. Майли десангиз, уриниб кўраман. (М. Исм.) 3. Сиддиқжон гарчи табелчи ҳақида Болтабойга қайтиб оғиз очмаган бўлса ҳам, учинчи кун табелчи бехосдан унинг номини айтди. (А. Қ.) 4. Инсон фазилати шундай катта бир дунёки, уни одам ҳаётини бойитадиган маънавий хазина деса бўлади. (М. Исм.) 5. Иброҳимов яна ким сўзга чиқмоқчи эканини сўраган эди, ҳеч ким қўл кўтармади. (А. Қ.) 6. Дўконда эдим, Ермат йўқ, сен извошни қўш, бир ерга бориб келамиз. (О.) 7. Жўра ота ҳақида гап сотишни яхши кўрар эди, дарров тили қичиди. (О.) 8. Уни-буни қўйинглар, биз кимни мусобақага чақирамиз? (О.) 9. Боғнинг рангдор маржон чироқлари ҳам сўнди, ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. (Ас. М.) 10. Бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг оҳ-воҳига қулоқ сол, улар марҳаматингга мунтазир. (С. Нуров.) 11. Орадан ҳафта, ўн кун ўтди, ундан ҳамон дарак йўқ.

73- топшириқ. Бирорта бадий асарнинг бир неча саҳифасини ўқинг. Боғловчисиз қўшма гапларни топиб, эргаш гапга айлантинг, қурилиши ва мазмунидаги фарқларни айтинг.

249- машқ. Матни ифодали ўқинг. Тузилишига кўра гап турларини фарқланг ва услубий жиҳатдан ўзига хослигини ажратинг.

Унинг ўпкаси тўлди. Кўзларига яна ёш келди. Узини қанчалик босмасин, қўйилиб келаётган бу ёшни тўхтата олмади. Шу алфозда қанча юрди, билмайди, қаршисидан келаётган машинанинг чироғи кўзларини қамаштириб юборди. Машина унинг ёнига келиб таққа тўхтади.

— Шу маҳалда қаёққа? — Назира ҳовлиқиб машинадан тўшаётган кишининг Нурмат ака эканини бил-

ди. Билди-ю, нима дейишни билмай қолди.

— Қаёққа кетаяпсан, ҳой, менга қара?— сўради яна раис ва ҳеч нарсани билмагандай рўмолчасини узатди.— Ма, юзингни артиб ол. Қаёққа кетаяпсан?

— Шаҳарга...— бўшашиб жавоб берди Назира ёшларини артаркан.

— Шундай дегин? Қани, машинага чиқ-чи!

Нурмат ака бир зумда чамадонини машинага солди ва Назирани ёнига ўтқазди-да, қишлоқ томон ҳайдаб кетди.

— Қаёққа олиб кетяпсиз, тўхтатинг!— Назира жонҳолатда раиснинг қўлига ёпишди.

— Қаёққа бўларди!— жилмайиб жавоб берди раис.— Ширинсойга! Сен бизни ташлаб кетармидинг?

Назира жавоб бермади. Нурмат ака ҳам анчагача жим борди.

— Нега хафалигингни билмайман, лекин ғам ёмон нарса,— деди ниҳоят раис.— Уни енгмасанг, ҳаётинг бўзилади, орзуларинг пучга чиқади. Уни енгиш керак! (У. Ум.)

КЎЧИРМА ВА ЎЗЛАШТИРМА ГАПЛАР

202- §. Ўзгаларнинг ҳеч ўзгаришсиз айнан берилган гапи **кўчирма гап** ҳисобланади. Масалан: «*Одобсизлик бўлса ҳам,— деди Мирзо Султонали,— муборак хоналарига бостириб келдим*». (А. Қод.)

Кўчирма гап муаллиф гапи билан боғловчи вазифасидаги **демоқ феъл**нинг **деб (дея), деган** шакллари орқали боғловчисиз муносабатга киришади. Масалан: «*Айтадиган гапинг шуми?*»— деди **Миразиз**. (С. Аҳм.) **Мен жулиб дейман**: «*Тоғам яхши, лекин қурумсоқ*». (О.)

250- машқ. Кўчирма гапли қўшма гапларни аниқланг. Кўчирма гап билан муаллиф гапининг ўзаро алоқасини тушунтиринг.

1. «Савдо аҳли билан буржуйлар қирилиб кетсин»,— дейди хуноб бўлиб у. (О.) 2. Баъзилари менга ўқрайиб: — «Жим ўтир-е»,— деб қўйишди. (О.) 3. Тушунтир ўзинг?— дейди менга жаҳлдан қизариб Турғун. (О.) 4. Шунақа, ўртоқ Низомиддинов,— деди Бўтабой,— бу душманингни иши. (С. Аҳм.) 5. Ўйлар эди: «Ишнинг қизиғи кейин келади. Чол тўғри айтяптими? Ё довдираяптими?..» (С. Аҳм.) 6.— Хўп, хўп,— деди кулиб маҳдум,— Анвардан эшитганим бор эди, жанобларининг тавсиф-

ларини эшитганман. (А. Қод.) 7. Олдинга иккиланиб турган Умматали таваккал қилиб: «Бор!»— деди (Ш.)

251- машқ. Кўчирма гап ва муаллиф гапини топиб, уларнинг ўрини аниқланг. Тиниш белгиларининг қўйилишига эътибор беринг.

1. «Қизиқ экан. Раънога кўрсатаман буни...»,— деди у ўз-ўзича руҳланиб. (Ҳ. Н.) 2. «Сиз мени мазах қилмай кўя қолинг!»— деди зарда қилиб хўжайин. (Н. С.) 3. Далилим йўқ,— деди Бўтабой қўрслик билан,— шунга чақирганмидингиз?» (С. Аҳм.) 4. — Нима кўрдингиз деди полвон.— Ҳеч нарса,— деди кўрбоши. (А. Қ.) 5. «Кам бўлманг,— деди пулни узатиб,— яна хизматингиздаман». (А. Қ.) 6. Навбат ўзига келганда, айвондан туриб маҳдум бақирди: «Раъно акангнинг қўлига сув қуй!» (А. Қод.) 7. «Бозорни кўрдингми? Қўй бозорига бордингми?»— сўрайди дадам, мулойим табассум билан. (О.)

203- §. Кўчирма гапли қўшма гапини нутқ мақсадига кўра ўзлаштира гапга айлантираш ҳам мумкин. Масалан: «Одобсизлик бўлса ҳам,— деди Мирзо Султонали,— муборак хоналарига бостириб келдим» (А. Қод.)— кўчирма гап. *Мирзо Султонали одобсизлик бўлса ҳам муборак хоналарига бостириб келганлигини айтди*— ўзлаштира гап.

204- §. Кўчирма гап билан муаллиф гапида тиниш белгиларининг ишлатилиши:

1. Кўчирма гап ёзувда қўштирноққа олиниб, биринчи сўз бош ҳарф билан ёзилади. Масалан: «Қалай, Турғунбой, хипчин қалай!»— сўрайди Аъзам. (О.)

2. Кўчирма гап муаллиф гапидан кейин келса, муаллиф гапидан сўнг икки нуқта қўйилиб, кўчирма гап қўштирноқ ичига олинади. Кўчирма гапнинг охирига, гапнинг мазмунига қараб, нуқта, сўроқ ёки ундов белгиси қўйилади. Бунда нуқта кўчирма гап охиридаги қўштирноқдан кейин, сўроқ ва ундов белгилари эса қўштирноқдан олдин қўйилади. Масалан: *Хўжалик раиси деди: «Биз бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирамиз».*

3. Кўчирма гап муаллиф гапидан олдин келса, унда тиниш белгилари, кўчирма гапнинг мазмунига кўра, қўйидаги чизма асосида қўйилади:

«Кўчирма гап»,— муаллиф гапи.

«Кўчирма гап?»— муаллиф гапи.

«Кўчирма гап!»— муаллиф гапи.

4. Кўчирма гап муаллиф гапининг ичида берилса, гап

мазмунига кўра тиниш белгилари қуйидаги чизма асосида қўйилади:

Муаллиф гапи: «Кўчирма гап»,— муаллиф гапининг давоми.

Муаллиф гапи: «Кўчирма гап?»— муаллиф гапининг давоми.

Муаллиф гапи: «Кўчирма гап!»— муаллиф гапининг давоми.

Муаллиф гапи кўчирма гапнинг орасида келса, унда тиниш белгилари қуйидагича қўйилади:

1. Кўчирма гапнинг муаллиф гапидан олдинги қисмида тиниш белгиси бўлмаса ёхуд вергул (ёки икки нуқта) бўлса, бу белгилар туширилиб қолдирилади, муаллиф гапи эса икки томондан вергул ва тире билан ажратилади. Масалан: *«Меҳнатни сев,— деб такрорлайди ойим,— меҳнат кишига бахт келтиради».*

2. Кўчирма гапнинг муаллиф гапида олдинги қисми аслида нуқта билан тугаган бўлса, бу нуқта муаллиф гапидан олдин эмас, кейин қўйилади. Муаллиф гапидан олдин эса вергул ва тире, муаллиф гапи охиридаги нуқтадан сўнг тире қўйилиб, кўчирма гапнинг давоми бош ҳарф билан бошланади. Масалан: *«Гап дарсни ўз вақтида бажарсанг, ойинглар уришмас эди».*

3. Кўчирма гапнинг муаллиф гапидан олдинги қисми сўроқ ёки ундов белгиси билан тугаган бўлса, муаллиф гапидан олдин ўша белги ва тире қўйилади, муаллиф гапидан сўнг эса нуқта ва тире қўйилиб, кўчирма гапнинг давоми бош ҳарф билан бошланади. Масалан: *«Жўнаймизми?— деб сўради укам.— Ойимлар қачон жўнар экан,— деб сўраяптилар».*

4. Кўчирма гап диалог характерида бўлиб, янги йўлдан бошланса, ундан олдин тире қўйилади. Масалан:

— *Уктам, ҳозир нечанчи синфда ўқийсан?*

— *10- синфда ўқийман.*

Эслатма: 1. Пичинг, кесатиқ, баъзан маъноси эскирган сўзлар қўштирноқ ичида берилади: *Вазнга путур етганлиги тўғри. «Қалблар» сўзини кўпчилик маъносида шилатилганлигини бошқа ёққа йўйибсиз... бу билан «гуноҳим» устидан мени ушлаб олмоқчи бўлибсиз. Менимча, «қалб» ва «юрак» сўзлари кўпчилик маъносида... учраб туради. Аҳли «фуқаро», «шоҳи»га назмда жавоб қайтармоқни буюради. (М. Қ.)*

2. Бадний асар номлари, рўзнома, ойнома, ташкилот номлари, шартли тушунчалар ва шу кабиялар ҳам қўштирноқ ичида берилади: *«Қутлуғ қон» романи, «Шарқ юлдузи» фабрикаси, «Халқ сўзи»*

рўзномаси каби. Ташкилот, корхона кишилар номи билан номланса қўштирноққа олинмайди: *Навоий номли театр, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти* каби.

252-машқ. Гапларни ўқинг. Қўчирма гапли қўшма гапларни толиб, дафтарингизга қўчиринг. Қўчирма гап ва муаллиф гапининг узаро боғланишини, қўштирноқ ва тиренинг қўйилиш сабабларини изоҳланг. Бу белгилар қўйилмаган бўлса, уларни қўйиб чиқинг. 6, 7-гапларни ўзлаштира гапга айлантириб, уларнинг тиниш белгиларидаги фарқларини тушунтиринг.

1. Хотин индамай дастурхонни йиғиштириб олди, қозонга қуяётиб эшитилар-эшитилмас деди: «Уша асалнинг пулига анор ҳам берар эди». (А. Қ.) 2. «Мақтабга бор!»— дейди онам. (О.) 3. «Офарин! Офарин!»— деб юборди Ғуломжон хурсанд бўлиб. (М. Исм.) 4. Давлатбеков қўлини кўксига қўйиб: Хўп бўлади, хўп!—деб турар эди. (П. Қ.) 5. Мен умумхалқ бошлаган ишдан четда қолмайман, деди Меҳри ҳаяжон ичида. (Ш. Р.) 6. Бир кекса ўқитувчи: «Кўнглимизни чироғи олиб чиқиб кетилган уйда қилиб кетяпсиз, Содиқжон»,— деган эди. (Ш.) 7. «Бўтабой акам масалангни мажлисга соламан дедилар»,— деди. (А. Қ.) 8. «Беғуноҳ гўдакнинг сажарда қилган дуоси қабул қилинади. Уйғотинг қизингизни!»— деди (А. Қ.) 9. «Гумонингизни айтинг бўлмаса»,— деди элликбоши тажанг бўлиб. (А. Қ.) 10. Буюк ёзувчи Алексей Максимович Горький шундай деган эди: «Ўз фольклорингизни тўплангиз ва ундан ўрганингиз».

253-машқ. Қўчирма гапларни ўзлаштира гапга, ўзлаштира гапларни қўчирма гапга айлантиринг. Фарқларини тушунтиринг.

I. 1. Баъзан ўз-ўзича дейди: «Зуваласи пўлат деганича бор». (Ас. М.) 2. «Сиз заводда ишлайсизми?»— сўради Махсудов. 3. «Аҳмад машина ҳайдашга ўқимоқчи»,— деди Коля. (Ҳ. Н.) 4. «Ўзлари тиниб қолар»,— дейди бувим қўлини силтаб. (О.) 5. «Майли»,— Қундузхон гўё сеҳрлангандек жавоб берди. (С. Аҳм.) 6. «Хўш, қандай янгиликлар бор?»— деди Уктам. (О.)

II. 1. Астахов чол билан суҳбатлашишни кўпдан буён орзу қилганини, лекин қўли тегмаганини айтди. (О.) 2. У пахта терганлигини айтди. 3. Ўқитувчимиз она тилини яхши билмасдан, бошқа фанларни чуқур эгаллаш мумкин эмаслигини таъкидлади.

МУНДАРИЖА

ФОНЕТИКА ОРФОЭПИЯ ВА ИМЛО

Орфоэпия ҳақида маълумот	11
Унли товушларнинг талаффузи ва имлоси	11
Унли товушлар таснифи	20
е, ё, ю, я, (ёлашган) унлиларнинг талаффузи ва имлоси	20
Ундош товушлар таснифи	22
Жарангли ва жарангсиз ундош товушлар талаффузи ва имлоси	24
Сонор товушлар талаффузи ва имлоси	39
Ўзбек адабий тили ундошларининг таснифи	44
Айриш ва юмшатиш белгиларининг ишлатилиши ва имлоси	46
Фонетик ўзгаришлар	47
Нутқнинг фонетик бўлиниши	53

ЛЕКСИКОЛОГИЯ

Сўзларнинг асосий ва кўчма маънолари	68
Сўз маъносининг тараққиёти	70
Сўзларнинг услубий бўёғи	73
Фразеологик бирдиклар	74
Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари	76
Тарихий жиҳатдан ўзбек тили лексикасининг таркиби	84
Қўлланиш доирасига кўра ўзбек тили лексикаси	86
Қўлланиш доираси чегараланган лексика	87
Эмоционал-экспрессив бўёқдорлик жиҳатдан ўзбек тили лексикаси	93
Нутқ услублари ва услубий жиҳатдан ўзбек тили лексикаси	95
Нутқнинг тасвирий ва ифодавий воситалари	106

МОРФОЛОГИЯ ВА ИМЛО

Кириш	113
Сўзнинг морфологик таркиби	113
Сўзларнинг тузилишига кўра турлари	114
Қўшимчаларнинг турлари	117
Сўз туркумлари	120
От	121
Сифат	136
Баъзи сифат ясовчи қўшимчалар ва уларнинг ёзилиши	137
Сифатларнинг қўлланиш хусусияти	142
Сон	145

Сонларнинг қўланиш хусусияти	149
Олмош	150
Олмошларнинг келишиклар билан турланиши	158
Феъл	160
Сифатдош яшовчи қўшимчалар ва уларнинг ёзилиши	169
Равиш	170
Равишдош ясовчи қўшимчалар ва уларнинг ёзилиши	178
Ердამчи сўзлар	183
Кўмакчилар	184
Боғловчилар	185
Юкламалар	187
Ундов сўзлар	188
Тақлид сўзлар	190
Модал сўзлар	191

СИНТАКСИС

ГАП

Гапнинг мақсадга кўра турлари	184
Дарак гап	184
Сўроқ гап	195
Буйруқ гап	197
Ундов гап	188
Сўз бирикмаси	200
Сўзларнинг ўзаро синтактик муносабатини ифодаловчи воситалар	202
Тенг ва эргаш боғланиш	204
Гапларнинг тузилишига кўра турлари	207
Бир составли гаплар	209
Гап бўлаклари	213
Бош бўлақлар	214
Иккинчи даражали бўлақлар	218
Гапнинг уюшиқ бўлаклари	224
Ажратилган бўлақлар	227
Сўз тартиби	229
Ундалма	232
Кириш сўз	233
Мураккаблашган содда гаплар	235
Қўшма гаплар	237
Боғланган қўшма гап	233
Эргаш гапли қўшма гап	242
Боғловчисиз қўшма гап	244
Кўчирма ва ўзлаштира гаплар	248

На узбекском языке

**АБДУРАХМАНОВ ХАЛИК, РАФИЕВ АВДУРАЗИК,
ШАДМАНКУЛОВА ДИЛОРАМ**

**ПРАКТИЧЕСКАЯ ГРАММАТИКА УЗБЕКСКОГО
ЯЗЫКА**

Ташкент «Уқитувчи» 1992

Муҳаррир *Х. Юсупова*
Вақий муҳаррир *Ж. Одилов*
Техн. муҳаррир *С. Турсунова*
Мусахҳидлар *Л. Мирзааҳмедова, А. Одилов*

ИБ № 5822

Теринга берилди 12.10.91. Босишга рухсат этилди 13.08.92. Формати 84×108/32. Литературная гарнитураси. Кегли 10 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 13.44. Шартли кр. отт. 13,65. Нашр л. 12,69. Тиражи 10000. Зак. № 50.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент—129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 13—91—91.

Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитасининг Янгийул ижара китоб фабрикаси. Янгийул ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1992.

Янгиюльская арендная книжная фабрика Госкомпечати Республики Узбекистан, г. Янгиюль, ул. Самаркандская, 44. 1992.

А 15

Абдурахмонов Х. ва бошқ.

Ўзбек тилининг амалий грамматикаси: Маданият ва санъат ўқув юрт. ўқув. қўлл./Х. Абдурахмонов, А. Рафиев, Д. Шодмонкулова.— 2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри.— Т.: Уқитувчи, 1992.—256 б.

1.1.2 Автордош.

Абдурахманов Х. и др. Практическая грамматика узбекского языка.

Учебное пособие для учебных заведений культуры искусства.

ББК 81.2Ўз—2я 73